





ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ИНСОН ҚАДРИ, УНИНГ
ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ,
ҚОNUНИЙ МАНФААТЛАРИ
УЧУН

УЎК 324.(575.1)

КБК 66.3(5Ў)68

М 54

М 54 Мирзиёев, Шавкат Миромонович

Инсон кадри, унинг хукук ва эркинликлари, конуний манфаатлари учун [Матн] / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2022. – 416 б.

2021 йил 24 октябрда мамлакатимиз ҳаётида мухим сиёсий вокса – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайлов яқунларига кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев 80,12 фоиз овоз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Ушбу китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съездидаги, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари билан ўтказган сайловолди учрашувларида сўзлаган маърузалари, шунингдек, Президентлик лавозимига киришиш тантанали маросимига багишинган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутки ўрин олган.

УЎК 324.(575.1)

КБК 66.3(5Ў)68

Abdulla Qodirly nomidagi

viloят AKM

INV № 2023/31-4

ISBN 978-9943-7953-5-8

© “O’zbekiston” нашриёти. 2022

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР БҮЛГАН ЖАМИЯТ ВА ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТДИР

*(Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик
партиясининг X съездидаги сўзланган нутқ)*

Хурматли съезд делегатлари!
Мухтарам ватандошлар!

Аввало, Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мамлакатимиз хаётида муҳим воеа бўлган бугунги съездидаги иштирок этажтадан, барчангизни мана шундай кўтариинки кайфиятда кўриб турганимдан фойт мамнунман.

Сизлар билан партияминиз ташкил этилган кундан бошлаб, барча масалаларда ҳамфир бўлиб, ҳаёт олдимишга қўяётган дол зарб вазифаларни биргаликда самарали бажариб келмоқдамиш.

Юртимиз сиёсий майдонида катта нуфузга эга бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси съездининг Сиз, хурматли делегатлари ва фаоллари менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзодимни кўрсатганингизни бехад кадрлайман.

Бу мен учун юксак шараф ва айни пайтда улкан масъулият эканини юрак-юракдан хис этмоқдаман.

Бундан беш йил олдин мен партияминиз минбаридан ўз сайлов-олди дастуримни эълон қилган эдим. Ушбу дастурда давлат ва жамиятимизни янада ислоҳ қилиш, фуқароларимизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш ва орзу-умидларини рӯёбга чиқаришни олий мақсад этиб белгилаган эдик.

Беш йил мобайнида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва унинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида ни-маларга эришдик? Қандай мэрраларни эгалладик? Камчиликлар нималардан иборат бўлди?

Дастуримиздаги эзгу мақсадларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун 2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг

5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини кабул килдик. Унинг доирасида 300 га якин қонун, 4 мингдан зиёд Президент фармони ва карори қабул қилинди.

Кисқа даврда мамлакатимизда янгиланишлар нафаси кириб бормаган бирорта соҳа ва тармок, шаҳар ва туман, қишлоқ ва маҳалла қолмади, десам, айни ҳақиқатдир.

Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни истардим: бугунги кунда давлатимиз инсон учун, ҳалқ учун очилди. Ҳалқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлако янги тизим яратдик.

Давлат ташкилотлари иш фаолиятида “маҳаллага тушиш”, “ҳалқ ичига кириш, унинг дардига қулоқ солиш”, “ташвишига шерик бўлиш” ва “муаммоларни жойида ҳал этиш” тамойиллари асосий мезонга айланди.

Бизнинг бу ҳаракатларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк аждодларимизнинг давлат ва ҳалқ бирлиги, инсонпарварлик ва адолат устуворлиги ҳақидаги юксак ғояларига таянди. Шу асосда, ҳалқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, парламентаризмни ривожлантириш ва давлат органлари хисобдорлигини таъминлашга каратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлат ва жамият бошкарувида очиклик ва адолатга асосланган, одамлар манфаатига хизмат қиласидиган ҳалқпарвар карорлар қабул қилиш тизими шакллантирилди.

Энг муҳими, биз кўп йиллар давомида амал қилиб келинган “давлат – жамият – инсон” тамойилини ўзгартиридик. Мамлакатимизда аввало инсон, кейин эса, жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизига қўйилди. Ҳаётимизда “Давлат – инсонлар учун” деган ҳалқчилик ғоя изчиллик билан карор топиб бормоқда.

Жамиятда аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фука-ролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг

роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган тизимли ишларни олиб бормоқдамиз.

Инсон, унинг ҳақ-хукуклари, кадр-киммати ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя килиш тамойили ислохотларимиз моҳиятини ташкил этмоқда. Шу тариқа ўтган беш йилда кўплаб масалаларда янги билим, кўникма ва тажриба ортирирдик.

Албатта, барча йўналишларда ҳам ишларимиз бир текисда, силлик ва равон кетди, деб айта олмаймиз. Қатор соҳаларда айрим камчилик ва хатолар ҳам бўлди. Лекин, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, барча ислохотларимиз, эзгу харакатларимиз факат ва факат мамлакатимиз тараккиётига, ҳалкимиз фаровонлигини оширишга қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда демократия тамоийллари, Конституция ва конун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатидан янги боскичга кўтарилмоқда.

Хурматли дўстлар!

Маълумки, ўтган беш йиллик давр барчамиз, бутун мамлакатимиз учун қескин ва оғир синов йиллари бўлди. Айнинса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва унинг окибатида келиб чиқкан глобал иктисадий инқироз Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Мана шундай мураккаб ва қийин вазиятга қарамасдан, биз милтгий иктисадиётимизнинг ўсиш суръатларини баркарор саклаб колишга эришдик.

Амалга оширган ислохотларимиз, эришган ютуқ ва натижаларимиз Сизларга, партиямиз фаолларига, айнинса, 1.5 миллиондан ортиқ ишбилармон ва тадбиркорларимизга яхши маълум. Қўлга киритган мэрраларимизни нафакат ҳалкимиз, балки ҳалқаро ҳамжамият ҳам бугун холисона эътироф этмоқда.

Шу ўринда айрим ракамларга эътиборингизни қаратмокчиман.

Сўнгги беш йилда мамлакатимиз иктисадиёти 24 фоизга, саноат – 34 фоиз, экспорт ҳажми 1,5 баробарга, хорижий инвестициялар ҳажми эса 3 баробарга ўсгани биз кўлга киритган юкори натижалардан далолат беради. Шу даврда ўртacha ойлик иш ҳаки 2,2 марта кўпайди.

Бу борада биз иктисадиётни эркинлаштириш, ташки савдо, солиқ ва молия сиёсатини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ ҳўжалигида чукур ва пухта ўйланган ислоҳотларни амалга ошириш, худудларни ривожлантириш, саноат ва хизматлар кўламини кенгайтириш масалаларига устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Амалий натижадорлик, инсон манфаати ислоҳотларимизнинг бош мақсадига айланди.

Хурматли партиядошлар!

Ҳар қандай ислоҳот куруқ ракамларда эмас, балки, энг аввали, аҳолининг кундалик ҳётида, унинг дастурхони ва рўзгорида ўз аксини топиши зарур. Бу – ҳётий ҳақиқат.

Барча орзу-ниятларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани – кеча, кундузни – кундуз демасдан амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз – ҳамма-ҳаммаси бизга катта умид ва ишонч билан қараб турган ҳалқимиз учундир. Биз ушбу йўналишдаги эзгу ишларимизни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосидаги барқарор ривожланиш дастурини ишлаб чиқдик ва мазкур соҳадаги фаолиятимизни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг кўламли ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган.

Юртимизда яшаётган оиласалар ҳётини шу нуктаи назардан таҳлил қиласиган бўлсак, ўтган даврда қандай катта натижаларга эришганимиз аён бўлади.

Мисол учун, хозирги вактда Ўзбекистондаги ҳар 100 та оилага 162 та телевизор, 107 та холодильник, 287 та мобиль телефон,

49 та ёнгил автомобиль тўғри келмоқда. Бошқача айтганда, мамлакатимиздаги оиласларнинг қариб ярми ўзининг шахсий автомобилига эга.

Ёки сўнгги йилларда юртимизда ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан ортик уй-жойлар барпо этилди. Бу ракамни олдинги йилларга солиштирганда, 10 мартадан ҳам кўп демакдир.

Самарали ва аник манзилли ижтимоий сиёсатни жорий этишда ахолини арzon уй-жойлар билан таъминлаш, узлуксиз таълим ва тарбия соҳасида янги тизим яратиш, илм-фанинг замон талаблари асосида ривожлантириш, ахолининг барча катламларига, хусусан, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар ва имконияти чекланган. ёрдамга муҳтоҷ шахсларга зарур кўмак бериш борасида амалга оширган ишларимиз эл-юртимизга яхши маълум.

Мен бугун бу борада батафсил гапириш, қандайдир ракамларни келтириш фикридан йирокман.

Ижтимоий йўналишдаги ислоҳотлар ҳакида сўз борганда, илм-фан, таълим-тарбия, соғликни саклаш, маданият ва санъят, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва спорт каби соҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш масалалари ўтган 5 йилда эътиборимиз марказида бўлганини алоҳида кайд этиш лозим.

Энг асосийси, мана шундай масканларга, таъбир жоиз бўлса, жон ва рух бағишлайдиган фидойи муаллим ва тарбиячилар, профессор-ўқитувчилар, илмий ва ижодкор зиёлилар, жонкуяр шифокорларнинг машаккатли ва шарафли меҳнати муносиб таҳдирланмоқда.

Пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оиласларни кўллаб-кувватлаш максадида катта микдордаги маблағ ва ресурслар сарфланмоқда.

Мана, ҳозир днёримизда куз фасли бошланди. Ҳеч кимга сир эмас, илгари куз деганда, авваламбор, пахта йигим-терим “кам-

панияси” кўз олдимизга келар эди. Якин-якингача ҳар йили тахминан 6–7 миллион аҳолимиз, жумладан, болалар пахта теримига “ихтиёрий-мажбурий” сафарбар этиларди.

Мана, уч-тўрт йилдан буён ўқитувчи ва ўкувчилар – мактабда, врач – шифохонада, олимлар – лабораторияда, тала-балар – аудиторияда ўз машғулоти ва ўз иши билан банд бўлмоқда. Бундай натижага тўғри иктисадий сиёsat юритиш, тадбиркор ва дехкон учун манфаатли бўлган самараали усулларни, жумладан, кластер ва кооперация тизимини жорий этиш эвазига эришдик.

Мухтасар айтганда, бугун юртимизда тарихан киска фурсатда бутунлай янгича сиёсий-хуқукий, ижтимоий-иктисадий, илмий-маърифий ва маданий муҳит яратилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Азиз дўстлар!

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб айтмокчиман: биз ўтган беш йилда катта тажриба орттиридик. Халқимиз бизга ишонди ва инонди. Айни вактда эл-юртимиз биздан янги режа ва дастурларни амалга оширишни кутмоқда.

Халқимизнинг ана шундай ишончи ва орзу-ниятлари, эзгу умидларини рўёбга чиқариш мақсадида юртимизда тинчлик ва баркарорликни саклаш, фукаролар ва миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, халқимизнинг маънавий дунёсини янада юксалтириш, Ўзбекистонда яшаётган, миллати, тили ва динидан катъи назар, ҳар бир ватандошимизнинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, кафолатли даромад манбаи, тиббий хизматлар ва уй-жой, сифатли таълим билан таъмишлаш, камбагалликни кисқартириш ва эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обру-эътибори ва нуфузини оширишга қаратилган **Янги Ўзбекистон стратегиясини** ишлаб чиқдик.

Бугун сизларга тақдим этилган шу номли китобда ушбу Стратегиянинг устувор йўналишлари ҳакида батафсил фикр юритилган.

Шу билан бирга, китобга кирмаган, аммо эътибор беришимиз лозим бўлган қуйидаги энг муҳим ва долзарб масалаларни ҳам, биз албатта хисобга олишимиз зарур.

Биринчидан, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 35 миллионга етди, 2026 йилга бориб эса 38 миллиондан ошиши кутилмоқда.

Бу – юртимиз жаҳонда аҳоли сони бўйича 37-ўринга чикиб, Польша, Канада, Саудия Арабистони каби давлатлар аҳолисидан ҳам ошади, дегани.

Иккинчидан, аҳолимизнинг карийб 55 фоизини ёшлар ташкил этади ва ҳар йили меҳнат бозорига камида 600 минг ёшлар кириб келмоқда.

Бундай демографик ўсиш биз учун ҳам имконият, ҳам жуда катта масъулият демакдир.

Учинчидан, дунё миқёсида иктисолиётнинг таркиби кескин ўзгариб, рақамли ва биотехнологиялар, сунъий интеллект каби соҳалар шиддат билан ҳаётга кириб келмоқда.

Иктисолиёт ривожини ускуналар эмас, балки замонавий билим ва инновациялар белгилайдиган замон келди.

Тўртинчидан, иклимининг кескин ўзгариши, сув ресурслари-нинг камайиб бориши инсоният учун келажакдаги эмас, айнан бугунги кундаги долзарб муаммога айланди.

Бу эса дунё миқёсида қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат ҳавф-сизлиги, аҳоли саломатлиги ва даромадларига жиддий ҳавф солмоқда.

Бешинчидан, ҳалқаро майдондаги ва минтақамиздаги зиддиятлар, радикализм, экстремизм ва терроризм каби ҳавф ва таҳдидлар ҳалкимиз тинчлиги ва осойишталигини кўз корачигидек асрраб-авайлаш нақадар муҳимлигини кўрсатмоқда.

Юкоридагиларни инобатга олиб, бугунги съездимизда келгуси беш йилда олдимизда турган энг асосий ва муҳим вазифалар ҳақида Сизлар билан маслаҳатлашиб, фикрлашиб олмокчиман.

1. Илм ва инновацияларга асосланган янги иктисодиётни барпо этиш

Хурматли съезд катнашчилари!

Қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси иктисодиётимизнинг барча соҳаларида бозор механизмларини амалда жорий этиш ҳисобидан баркарор ривожланиш учун мустаҳкам пойдервор яратди.

Энди, мавжуд захира ва имкониятларимизни сафарбар этган холда, келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни **1,6 баробар** ошириш вазифаси олдимизда турибди.

Шу тариқа, 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тұғри келадиган даромадни 4 минг доллардан ошириб, *даромади ўртасадан юқори бұлған давлатлар* қаторига киришга пухта замин яратган бўламиз.

Албатта, бу осон вазифа эмас. Бунга эришиш учун, аввало, иктисодиётда илм ва инновацияларга асосланган ривожланиш ҳисобидан янги технологиялар ва қўшилган қиймат занжирларини кўпайтириш орқали меҳнат самарадорлигига туб ўзгаришлар килишимиз шарт.

Шу максадда **биринчидан**, келгуси беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,4 баробар, меҳнат унумдорлиги эса камида 2 марта оширилади. Буни, аввало, “драйвер” соҳаларда, “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” деган тамойил асосида саноат кластери тизимини ривожлантириш орқали йўлга қўямиз.

Мисол учун, мис саноати кластерини ташкил этиш билан келгуси беш йилда мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш

ҳажми 2 мартага күпаяди ҳамда 8 миллиард долларлик махсулот ишлаб чиқаришга асос яратилади. Навоий, Олмалик төғ-кон металлургия комбинатлари ва Бекобод металлургия корхонасида катор йирик лойихаларни амалга ошириш ҳисобидан қўшимча 10 миллиард долларлик махсулотлар ишлаб чиқариш таъминланади.

Шунингдек, табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга ошириш орқали кимё саноатида 2 миллиард долларлик махсулот ишлаб чиқарилади.

Якинда “Навоийазот” корхонаси негизида Марказий Осиёда биринчи йирик кимё технологик кластери ташкил этилганидан хабарингиз бор.

Келгуси йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида яна 5 та кимё технологик кластер ташкил этилади ва уларда умумий киймати кариб 7 миллиард долларлик 40 дан зиёд истиқболли лойихалар амалга оширилади. Ушбу лойихалар учун ёш, замонавий билимларга эга бўлган кадрлар ва олимларни тайёрлаш максадида Тошкентдаги Улугбек шаҳарчасида кимё соҳасида илмий ва таълим кластери ташкил этилади.

Саноатни ресурс базаси билан таъминлаш учун геология-кидирув ишлари ҳажми кескин оширилади, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компаниялар кенг жалб қилинади. Бунда еости бойликларидан фойдаланганлик учун солик ставкалари норуда қазилмалар бўйича – 2 мартага, табиий газ бўйича – 3 мартага, нефть бўйича – 2 мартага камайтирилади. Шунингдек, ушбу солик мис ва олтин бўйича – 7 фоизгача пасайтирилади.

Илм-фанни ривожлантириш орқали саноат тармоқларига энг замонавий технологияларни кенг жорий этиш дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Иккинчидан, келгуси беш йилда рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантирамиз. Унинг ҳажми камида 2,5 баробар оширилиб, 4 миллиард долларга стказилади.

Хар бир хонадон ва ижтимоий муассаса мақбул нархда юқори тезликдаги Интернетга уланади, магистраль автомобиль йўуллари 100 фоиз мобиљ алоқа ва Интернет билан камраб олинади. Шунингдек, ҳалқаро магистрал Интернет тезлиги – 5 баробар, туманлараро тармоқлар тезлиги – 8 баробар оширилади.

2026 йилга қадар нефть-газ, кимё, металлургия ва бошка саноат соҳаларидағи барча жараёнлар тўлик ракамлаштирилади. Дастурий маҳсулотлар индустряси ҳажми 5 баробар, уларнинг экспорти эса 10 баробар оширилиб, 500 миллион долларга етказилади.

Келгуси йил яқунига қадар “Фукаролар эмас, хужжатлар харакатланади” тамойили асосида барча давлат органларида иш юритиш, ахоли билан хужжат алмашиш тўлик электрон шаклга ўтказилади.

Учинчидан, иктиносидётда юқори ўсиш суръатларини саклаб колиш учун макроиктисодий баркарорлик таъминланади.

Бунда 2023 йил охиригача инфляция даражаси 5 фоизга туширилади. Давлат бюджети такчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,5 фоиздан ошмаслиги таъминланади. Бунинг учун бюджет маблағларини самарали таксимлаш ва назорат килишнинг янги тизими йўлга кўйилади. Бундан буён бюджет харатлари, биринчи навбатда, фукароларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш ва худудларни ривожлантиришга йўналтирилади.

Хабарингиз бор, бу йилдан бошлаб жорий этилган “**Фукаролар бюджети**” дастури доирасида 14 та туман бюджетининг 5 фоизи ахоли таклифлари асосида долзарб муаммоларни ечишга каратилди. Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизи ушбу Дастур орқали таксимланади. Шу тариқа бевосита ахолининг талаблари асосида йилига 1,5–2 триллион сўм маблағ жойлардаги энг долзарб муаммоларни ҳал этишга сарфланади.

Яна бир мухим масала – янгидан жалб қилинадиган йиллик ташки қарз микдори 5 миллиард доллардан ошмаслиги таъминланади.

Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида келгуси 5 йилда фонд бозори ҳажми 200 миллион доллардан 7 миллиард долларга етказилади. Бунда мамлакатимизда капитал олиб кириш бўйича мавжуд чекловлар қайта кўриб чикилиб, барча учун кулай бўлган шарт-шароитлар яратилади.

Тўртинчидан, иқтисодиётда юкори ўсиш суръатларини таъминлаш учун келгуси беш йилда 120 миллиард доллар, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб қилинади.

Шу мақсадда 2026 йилгача хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича алоҳида стратегия қабул килинади.

Давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар доирасида келгуси беш йилда транспорт, йўл қурилиши, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард доллар инвестиция жалб қилинади.

Келгуси йилдан бошлаб асосий воситаларни амортизация килишга солик имтиёзларини кенгайтириш оркали 130 мингдан зиёд тадбиркорлар ихтиёрида ҳар йили кариб 2 триллион сўм маблағ колдирилади.

Хабарингиз бор, кейинги пайтда худудларда саноат ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Бунинг учун албатта қўшимча молиявий ресурслар керак. Шу мақсадда **Ўзбекистон таракқиёт банки** ташкил этилади.

Бешинчидан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти 1,7 барабар оширилиб, 2026 йилда 30 миллиард долларга етказилади.

Экспорт таркибида хомашёнинг улуши ҳозирги 46 фоиздан 23 фоизга камайиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми 2,5 барабар кўпаяди.

Европа давлатларига “GSP+” тизими доирасида 2 мингдан зиёд турдаги тайёр маҳсулот экспорти йўлга кўйилади.

Келгуси йилдан бошлаб “Янги Ўзбекистон – ракобатбардош маҳсулотлар юрти” деган гоя асосида 200 та экспортчи очик танлов асосида сараланиб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-куватлаш бўйича манзилли дастур амалга оширилади.

Олтинчидан, давлат корхоналарининг трансформацияси ҳамда хусусийлаштириш жараёнлари тезлаштирилади.

Энди самарасиз корхоналар давлатдан кўшимча ёрдам олмасдан, хусусий сектор каби “ўз аравасини ўзи тортиши” шарт.

Бунда машинасозлик, кимё, нефть-газ, энергетика, кон-металлургия, транспорт каби тармоклардаги 23 та йирик корхона ҳалқаро кредит рейтингларини олиш оркали ички ва ташки молиявий бозорларга мустақил чиқиб, инвестиция лойиҳалари учун ўзи маблаг жалб қилиши талаб этилади.

Шунингдек, энергия ресурслари бозори эркинлаштирилиб, соҳага хусусий инвестициялар кенг жалб қилинади. Натижада 2026 йилга бориб, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми йилига кўшимча 30 миллиард киловатт соатга оширилади ва жами 100 миллиард киловатт соатга етказилади.

Келгуси йилда табиий газ бўйича ҳам эркин бозор тамойилларини жорий этиш жараёнлари бошланади.

Электр энергияси ва табиий газ бозорларини эркинлаштириш билан бирга, эҳтиёжманд аҳолимизни ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормалари киритилади.

Шу билан бирга, банк тизимини трансформация қилиш оркали хусусий банкларнинг улуши жами банк активларининг 60 фоизига етказилади.

Умуман, 2026 йилга бориб, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 67 фоиздан 80 фоизга, экспорт ҳажмида эса, 32 фоиздан 60 фоизга ўсиши таъминланади.

Еттиничидан, “яшил иктисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этамиз.

Мамлакатимизда келгуси беш йилда қуввати 5 минг мегаваттдан ортик бүлган шамол, қүёш ва гидро-электростанциялар ишга туширилади. Натижада йилига кариб 3 миллиард куб метр табийи газ тежалади.

Электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишини рағбатлантириш бүйича алохидა дастур қабул килинади. Келгуси йилнинг ўзида Тошкент шаҳри жамоат транспортида 320 та электробус қатнови йўлга кўйилади.

Шу билан бирга, “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш маҳсус жамғармаси ташкил этилади.

Бу каби амалий ишларимиз натижасида иқтисодиётнинг энергия самарадорлиги 20 фоизга ошади, атмосферага чиқариладиган зарарли газлар ҳажми 10 фоизга кисқаради.

Саккизинчидан, замонавий технологияларда ишлай оладиган юксак билимли ва малакали кадрларни тайёрлаш гизимини янада такомиллаштирамиз.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, келгуси беш йилда саноат тармокларида 100 минг олий ҳамда 460 минг ўрта маҳсус маълумотли кадрларга эҳтиёж пайдо бўлади. Шунинг учун йирик корхоналарнинг ўзида касбий таълим марказларини ташкил этиш бўйича барча зарур шароитлар яратилади. Энг аввало, курилиш материаллари, фармацевтика, тўқимачилик, нефть-кимё, электротехника каби етакчи соҳаларда хўжалик бирлашмалари ва лойиха институтлари билан малакали мутахассисларни тайёрлайдиган янги тизим йўлга кўйилади.

II. Фаол тадбиркорлик ва манзилли молиявий кўмак – камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омили

Мухтарам юртдошлар!

Хабарингиз бор, 2020 йилда биз илк бор аҳолимиз ўртасида камбағаллик борлигини очик тан олиб, бу муаммо билан жид-

дий шуғулланишни бошладик. Авваламбор, эҳтиёжманд ахолини аниклашнинг янги тизими яратилиб, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” жорий этилди.

Бундан буён, шахар ва туманларда иқтисодий комплекс таркибиға кирадиган барча идораларнинг бош вазифаси “маҳаллабай” ишлаш асосида камбағалликни кисқартириш ва ишсизликни бартараф этиш хисобланади. Бунда ахолини, айникса ёшлар ва аёлларни касб-хунарга ўқитиш, оила хўжаликларида бизнес ташкил этишга кўмаклашиш, эҳтиёжманд фуқаролар билан манзилли ишлаш, бир сўз билан айтганда, халкни рози килиш асосий мезон бўлади. Бунинг учун ушбу идораларнинг тизими ва ходимлар сони ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқилади, уларнинг маоши ҳам, обру́-эътибори ҳам иш натижасига боғлик бўлади.

Бу борада энг муҳим вазифа – 2026 йил якунигача камбағалликни камида 2 баробар кисқартиришдан иборат. Бунга эришиш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур.

Биринчидан, тадбиркорликни янада қўллаб-кувватлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Хабарингиз бор, шу йил 20 август куни сиз, хурматли тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулокот доирасида 7 та йўналиш бўйича 60 га яқин янги ташабbus ва таклифларни амалга ошириш учун алоҳида Дастур қабул қилдик.

Шу билан бирга, бизнес соҳасига имкониятларни кенгайтириш, солик турлари ва унинг юкини камайтириш бўйича тизимили ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Яхши биласизлар, 2020 йилда кўшилган қиймат солиги ставкасини 20 фоиздан 15 фоизга туширган эдик. Бу – 100 минг тадбиркор ихтиёрида 10 триллион сўм маблағ колади, дегани.

Энди зарур тайёргарлик кўрган ҳолда, 2023 йилдан бошлаб ушбу солик ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга туширамиз.

Келгуси йили корхоналарнинг мол-мулк солиги ставкаси 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтирилади ва бунинг натижасида

тадбиркорлар иктиёрида йилига 500 миллиард сўм маблағ колади.

Яна бир янгилик – 2023 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солисктарини бирлаштириб, ягона кўчмас мулк солиги жорий килинади.

Хозирги вактда банк, молия, телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишчарида фойда солиги ставкаси ҳар хил бўлиб, улар амалдаги 20 фонздан 15 фоизга туширилди ва барча тадбиркорлар учун бир хил бўлади.

Йўл курилиши, иссиқлик таъминоти, ободонлаштириш хизматлари каби 25 та фаолият турдаги монополияга барҳам берилдиб. энди бу соҳаларда тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очитали.

Туман ва шахарлардаги мавжуд бир ёнчта тадбиркорликка кўмаклашадиган тузилмалар негизида Тадбиркорлар кенгаши ташкил этилади.

Иккичишли, ҳар бир фукарога давлат хисобидан аник касб-хуварга ўқиш имкониги яратилади.

Бу борада касбга ўқитиш кўлами 2 баробар оширилиб, жами 1 миллион нафар ишсиз фукаро касб-хунарларга ўқитилади. Бу жараёнда нозават таълим мұассасаларининг иштироки 30 фоизга етказилади.

Касбий таълим билан тизимли шуғултаниш масалалари тўлиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ўтказилади.

Келгуси беш йилда ворасмий ишлётган 2,5 миллион нафар фукаролар бандлигини легаллаштиришга ёрдам берилади. Шу орқали уларнинг ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлик фойдаланишига имконият яратилади.

Шунингдек, ҳудудларда сервис соҳалари кўламини кенгайтириш орқали ҳизмат кўрсатиш ҳажми 3 баробар оширилди ва бунинг звазига 3,5 миллионга янги иш ўрни яратилади.

Учишибиши, жамиятда аёллар мавкенини оширишга каратилган сиёсатномози ишчиз давом этириламиз.

Оилада фарзандлар баркамол бўлиб улғайиши, мухит соғлом бўлиши учун аёлларни ўқитиш, касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатиш, уларнинг ишлашига шароит яратиш бу борадаги ишларимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлади. Бунинг натижасида аёллар ўртасидаги ишсизлик даражаси келгуси беш йилда 2 баробар камайтирилади. Шунингдек, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-кизлар касб-хунарга ўқитилади ва уларнинг хараталари давлат томонидан коплаб берилади.

Келгуси уч йилда уй-жойга муҳтож 10 мингдан зиёд хотин-кизларга имтиёзли шартлар асосида уй-жойлар ажратилади.

Тўртингчидан, эҳтиёжманд аҳоли катламларини ижтимоий кўллаб-кувватлаш борасидаги ишларимизни янги боскичга кўтаришимиз зарур.

Эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий нафака ва моддий ёрдам билан таъминлаш даражаси ҳозирги 60 фоиздан 100 фоизга етказилади.

Базавий пенсия хисоблашда иш ҳакининг чегаравий мидори ҳозирги 10 баробардан 12 баробарга оширилади. Бу – 2 миллион нафар фукаронинг пенсияси камидан 20 фоизга кўпайди, дегани.

Шу билан бирга, уй-жойга муҳтож фукароларга турар жойларни ижтимоий ижарага бериш тизими жорий этилади.

Манзилли ижтимоий ҳимоя борасида имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳимояси ва уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига алоҳида эътибор қаратамиз. Ҳозирги кунда ишлаш имконияти бор 162 минг ногиронлиги бўлган шахсларнинг атиги 13 фоизи ишляяпти. Келгуси беш йилда уларнинг бандлигини 3 баробар оширишни кўзда тутадиган Касбга ўқитиш ва иш билан таъминлаш Миллий дастури ишлаб чикилиб, амалга оширилади.

Шулар қаторида эҳтиёжманд оилаларнинг кизлари учун олий таълим грантлари ҳар йили ошириб борилади ва 2026 йилда 6 мингга етказилади.

Бир сүз билан айтганда, биз юртимизда ёрдамга мухтох биронта инсон эътибор ва амалий ғамхўрликдан четда колмаслиги учун барча чораларни кўрамиз.

III. Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш – ислоҳотларимиз талаби

Ҳурматли съезд катнашчилари!

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ҳамда бандликнинг 30 фоиздан ортигини таъминламоқда. Шундан келиб чикиб, бугунги ер ва сув ресурслари чекланган шароитда қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш – навбатдаги устувор вазифамиздир.

Камбағалликни кисқартириш, озиқ-овкат маҳсулотларини етарли ҳажмда ва мақбул нархларда етказиб бериш, дехкон ва фермерлар даромадини камидаги **2 баробар** оширишни режа қилганмиз.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатларини камидаги 5 фоизга, бир гектардан ўргача даромадни 5 минг долларга, қишлоқ хўжалигининг экспорт ҳажмини 7 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилмоқда. Бунинг учун куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчидан, қишлоқ хўжалигига давлат аралашувига тўлиқ барҳам бериб, маҳсулот ишлаб чиқаришни саноат боскичига олиб чикиш лозим. Бунда туманлар аник маҳсулотлар етиширишга ихтисослаштирилиб, давлат томонидан дехконларни кўллаб-кувватлаш учун субсидиялар ажратилади.

Аграр тармоқдаги кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари фаолиятини баркарор, куляй шарт ва муддатларда молиялаштириш ва сугурталашнинг мутлақо янги механизмлари амалга оширилади.

Шу билан бирга, давлат идоралари томонидан нарх белгилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мажбурий сотиб

олиш тизими хам тұлға бекор қилиниб, әркін бозор муносабатлари жорий қилинади.

Бундан ташкари, қышлок хұжалиги ерларидан унумли ва са-марали фойдаланиш максадида 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қискартирилиб, ахолига очик танлов асосида 10 со-тихдан 1 гектаргача узок мұддатлы ижарага берилади.

Иккинчидан, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш максадида янги үз-лаштириладиган 400 минг гектар ер майдонлари кластер корхоналарига очик танлов асосида ажратиласы.

Келгуси беш йилда интенсив боғлар 3 баробар ёки 150 минг гектарга, иссиқхоналар эса 2 баробар ёки 11 минг гектарга күпайтирилади. Бу орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард долларга ошириш имкони яратиласы.

Тупрек унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш бүйича алохода конун ишлаб чиқиласы.

Үчинчидан, илм-фан ва инновацияга асосланған агрехизматтар күрсатыш тизими такомиллаштирилади.

Худудларда агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар ошириш бүйича алохода дастур қабул қилинади.

Агрологистика марказлари ва замонавий лабораториялар сони күпайтирилади.

Уруғчилик, күчатчилик ва чорва молларининг зотларини яхшилаш бүйича миллий дастур амалга оширилади. Хусусан, юкори хосил берадиган ғұза ва ғалла навларини четдан олиб келиш ва әркін жойлаштиришга боскичма-боскич рухсат этилади.

Нуфузли халқаро илмий марказлар ва олийгохлар билан биргаликда Халқаро қышлок хұжалиги университети ташкил этилади.

Түргинчидан, чорвачиликда озука экинлари майдони 340 минг гектардан 700 минг гектарга етказиласы. Шунингдес, 21

11 миллион гектар яйловларни қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш чоралари күрилади.

Шунинг эвазига келгуси беш йилда гүшт, сут, тухум ва ба-лик етишириш ҳажмини 1,5–2 баробар кўпайтириш, озука базасини кенгайтириш бўйича ҳам алоҳида дастурлар амалга оширилади.

Бешинчидан, энг мураккаб ва долзарб масалалардан бири бўлган сув ресурсларини бошқариш тизими тубдан ислоҳ қилинади. Жумладан, сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш, ракамлаштириш, ирригация ва мелиорация тадбирлари хисобидан йилига камида 7 миллиард куб метр сувни иктисад килиш бўйича алоҳида давлат дастури амалга оширилади. Ушбу максадлар учун келгуси беш йилда 2 миллиард доллар маблағ йўналтирилади.

IV. Сифатли таълим – инсон капиталини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили

Азиз дўстлар!

Ижтимоий соҳадаги барча ислоҳотларимизнинг пировард на-тижаси, жумладан, камбағалликни қисқартириш ҳам кўп жиҳатдан таълим-тарбия тизимини қандай ташкил этишимизга боғлик. Буни ҳеч қачон унумаслигимиз керак.

Келгусида узлуксиз таълим тизими учун миллий ўкув дастурини жорий этиш, таълим сифатини ошириш ва ракобатбардош кадрлар тайёрлаш максадида қўйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Биринчидан, мактабгача таълимдаги камров даражаси хо-зирги 62 фоиздан камида 80 фоизга етказилади. Бунинг учун кў-шимча равишда 7 мингдан зиёд янги боғча ташкил этилади.

Шунингдек, 2024 йил якунига қадар 6 ёшли болалар мактабгача тайёрлов тизими билан тўлиқ қамраб олинади.

Ана шу тадбирлар хисобидан келгуси беш йилда тизимда 45 мингдан ортик хотин-кизлар учун күшімчада иш ўринлари яратылади. Бөғча тизими ходимларининг ойлик маошлари ҳам босқичма-босқич ошириб борылади.

Бундан күзланган асосий максадимиз – етти ёшгача бұлған бирорта ҳам фарзандимиз мактабга чиққунга кадар эътиборсиз ва билимсиз қолмаслиги керак.

Иккинчидан, мактаб таълимни тизими учун үкув дастурлари ва дарсликлар илғор хорижий тажриба асосида тұла қайта ишланди, 2026 йилга кадар амалда жорий этилади.

Үқитувчиларнинг машакқатлы мекнатини муносиб кадрлаш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Юртимизда болалар сони үсіб бораёттганини инобатта олиб, янги мактаблар куриш, хусусий мактабларни күпайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутадиган **Мактабларни ривожлантириш давлат дастури** ишлаб чиқылади. Шу асосда келгуси беш йилда күшімчада **1,2 миллион үқувчи үрни** яратып учун мактаблар реконструкция қилинади ва янгидан барпо этилади.

Учинчидан, олий таълимга камров даражасини 50 фоизга етказиш билан бирга, асосий эътибор таълим сифатини оширишга қаратылади.

2026 йилга қадар камидан 10 та олийгохимиз нұфузли халкаро рейтингларга эришиши учун саъй-харакатларимизни кучайтирамиз.

Шунингдек, давлат олийгохлары босқичма-босқич мекнатта хак тұлаш, ходимлар сони, тұлов-контракт мікдори ва таълим шаклини мұстакил белгилайди. Уларнинг молиявий барқарор-лигини ошириш мақсадида ижтимоий солиқ ставкасы амалдаги 25 фоиздан 12 фоизга туширилади, бұшаган маблағлар таълим муассасаларини ривожлантиришга йұналтирилади.

Хусусий олийгохларда таълим олаёттан талабаларга ҳам 7 йиллик таълим кредитини олиш тартиби жорий этилади.

Талабаларнинг яшаш шароитини яхшилаш учун келгуси беш йилда кариб 100 минг ўринли талабалар тураг жойлари барпо этилади.

Олий таълимда сифат ва ракобат мұхитини кучайтириш максадида 2026 йилгача хусусий олийгохлар сони камида 50 тага етказилади.

Замонавий, эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш максадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали уларни нуфузли хорижий олийгохлардаги бакалавриат, магистратура ва докторантурага юбориш кўлами 2 марта оширилади.

Тўртингчидан, илмий кадрлар тайёрлаш ва илмий фаолиятни кўллаб-кувватлаш тизими такомиллаштирилади.

Докторантурага қабул давлат буюртмаси ҳамда манфаатдор ташкилотлар маблағлари ҳисобидан тўлов-грантлари асосида жорий этилади.

Булардан кўзланган ягона мақсадимиз – таълимнинг барча боскичидаги муассасаларни – Учинчи Ренессанснинг 4 та узвий ҳалқасига, боғча тарбиячисини, мактаб муаллимини, профессор-ўқитувчилар ва илмий ижодий зиёлиларимизни эса, Янги Ўйғониш даврининг 4 та таянч устунига айлантиришdir.

Жисмоний стук ва баркамол авлодни тарбиялаш бундан бўён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу борада олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ҳар икки йилда ўтказиладиган умумレスпублика спорт ўйинлари – Миллий олимпиада тизими жорий этилади. 2024 йили Парижда бўладиган олимпия ва паралимпия ўйинларида муносаб иштирок этиш учун тегишли “Йўл ҳаритаси” қабул қилинади.

Умуман, таълим-тарбия ва спорт соҳасида изчил давом этириладиган ислохотларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорларини камолга етказишга хизмат қилади.

V. Аҳоли саломатлиги – бебаҳо бойлигимиз

Хурматли съезд иштирокчилари!

Сизларнинг эътиборингизга тақдим этилаётган Янги Ўзбекистон стратегиясида фукароларнинг соғлигини асраб-авайлаш масаласи энг муҳим вазифалардан бири бўлади.

Бунинг учун, **биринчидан**, тиббиётнинг бирламчи бўгинида халқимизга малакали хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади. Ушбу соҳага ажратиладиган маблағлар 2 баробар оширилиб, асосий эътибор хонадонбай тиббий профилактикага қаратилади.

Аҳоли ўртасида кенг тарқалган юрак-кон томир, эндокрин, буйрак етишмовчилиги ва онкологик касалликларни камайтириш максадида алоҳида дастурлар кабул қилинади.

Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юкори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизими таомиллаштирилди. Биринчи боскичда 46 та туманлараро перинатал марказлари барпо этилади.

Ногиронлиги бўлган ўғил-қизларимизни соғломлаштириш учун Республика болалар тиббий реабилитация маркази ва унинг филиаллари ташкил қилинади.

Иккинчидан, хусусий тиббиётни янада ривожлантириш максадида уларга солик имтиёзлари бериш давом эттирилади.

Тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улуши ҳозирги 12 фоиздан 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 11 та тиббиёт олийгоҳи трансформация килиниб, уларнинг кошида клиникалар ташкил этилади ҳамда ўқитувчиларнинг илфор хорижий давлатларда тизимли малака ошириши йўлга кўйилади.

Учинчидан, ўзимизда ишлаб чиқарилган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг микдори 80 фоизга етказилади. Ушбу тармоқдаги ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёзлар яна 5 йилга узайтирилиб, замонавий фармацевтика кластерлари ҳамда зоналари ташкил этилади ва мавжудлари янада ривожлантирилади.

Тұртнчидан, санитария-эпидемиология хизматининг халқаро мақомға зәғ 250 дан зиёд лабораториялари ташкил этилади.

Чунки бу соҳанинг накадар муҳимлигини пандемия даври бизга яққол күрсатди.

Бош максадимиз – соғлиқни саклаш тизимида юксак натижадорликка эришиш, ахоли үртасида касаллукларни камайтириш, соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб қилиш ва үргача умр күриш даражасини оширишдан иборатдир.

VI. Ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш – мамлакатимиз тараққиётининг гарови

Мұхтарам дүстлар!

Бугунги съездимизда тақдим этилаётган Стратегияда ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш масаласи ilk бор устувор йұналиш сифатида белгиланмоқда.

Бириңчидан, бу борада ҳар бир ҳудуд бүйіча туман ва шаҳарлар кесимида 14 та беш йиллик дастурлар ишлаб чиқылмоқда. Бунда ҳар бир туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятлари үрганилиб, “үсиш нұкталари” белгилаб олинди. Уларга мувофик, аник режа ва лойихалар шакллантирилмоқда.

Ушбу дастурларнинг мазмун-моҳияти жойлардаги сайловолди учрашувларимизда ҳар бир ҳудуд жамоатчилиги эътиборига тақдим этилади.

Иккинчидан, ҳудудларда ахолининг яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсати янада тақомиллаштирилади.

Шу максадда 18 та катта, 22 та үрта ва 80 та кичик шаҳарлар үртасида транспорт-логистика тизими ва муҳандислик-коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш дастурлари амалга оширилади.

Бундан ташкари, Самарқанд ва Наманган келгуси беш йилда аҳоли сони миллион нафарни ташкил этадиган шаҳарларга айлантирилади. 450 минг аҳоли яшашига мўлжалланган Янги Андижон шаҳрининг дастлабки бир нечта мавзелари қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Реновация дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойлар қурилади, 275 мингдан зиёд оиласалар янги массивларга кўчирилади.

Учинчидан, оғир экологик шароитга қарамасдан, мамлакатимиз таракқиётига муносиб ҳисса кўшиб келаётган Қоракалпогистон Республикасини, унинг барча шаҳар, туман ва овулларини комплекс тарзда ривожлантириш, меҳнаткаш ва матонатли, оққўнгил ва бағрикенг қорақалпок зилининг ҳаётини обод ва фаровон этишга ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамият қаратамиз.

Бизнинг олий ва эзгу мақсадимиз – биргаликдаги фидекорона меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистон таркибида Янги Қоракалпогистонни бунёд этишdir.

Тўртинчидан, Тошкент шаҳрини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантириш бўйича бошланган ишлар давом эттирилади. Бунда Тошкент шаҳрида жамоат транспорти тизими тубдан қайта кўриб чикилади. Шунингдек, 3 минг километр ички йўллар янгиларади, 10 та замонавий кўприк қурилади.

Пойтахтимизни кўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиб, 9 та жамоат парки, 20 та хиёбон, 250 километр велосипед ва пиёдалар йўлакчалари барпо этилади.

Тошкентнинг оқова сув тизими коллекторлари шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқарилиб, давлат-хусусий шериклик асосида янги тозалаш иншооти барпо этилади.

Чирчик дарёсининг 16 километрлик кирғоғини қайта тиклаш хисобидан 500 гектар ер майдонлари ўзлаштирилади. Бу жойда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва аҳоли турар жойлари бунёд этилади.

Умуман, келгуси беш йилда Янги Тошкент шаҳрини барпо этишга қаратилган лойиҳамизни боскичма-боскич амалга ошириш бошланади.

Бешинчидан, “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида худудларнинг “усиш нукталари”дан келиб чикиб, мухандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма обьектлари қурилишига алоҳида эътибор қаратамиз. Бунда 70 минг километр магистрал ва паст кучланишли электр тармоқлари, 22 мингдан ортиқ трансформатор ҳамда 100 дан зиёд подстанция қурилади ва янгиланади.

Айни вактда 70 минг километрдан зиёд автомобиль йўллари, 15 минг километрдан ортиқ ичимлик суви ва 1 минг километр окова сув тармоқлари қурилади. Мамлакатимиз бўйича ахолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 87 фоизга етказилади.

Бундан ташкири, 2026 йилгача 32 та йирик шаҳар, 155 та туман марказларида окова сув тизимлари янгиланади. Шунингдек, майиший чикиндилар йигиши 100 фоизга ва уни қайта ишлаш даражаси ҳозирги 21 фоиздан 50 фоизга етказилади.

Олтинчидан, зарур шароитлар ташкил килиш оркали 2026 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 9 миллионга, туризм хизматлари экспорти 1,8 миллиард долларга етказилади.

Самарқанд ҳалқаро аэропорти йирик транспорт ҳабига айлантирилади. “Абадий шаҳар” тарихий мажмуасини ўз ичига олган “Самарқанд туризм маркази” ташкил этилади.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат килинг” дастури доирасида, маҳаллий сайёҳлар сони келгусида ҳар йили 12 миллиондан ошади.

Қоракалпогистон Республикаси ва Оролбўйида экотуризмни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Бунда Мўйнокнинг янги аэропорти имкониятларидан кенг фойдаланилади. Бундан ташқари, 8 мингдан ортиқ маданий мерос

объектлари имкониятларидан самарали фойдаланишга алохидა эътибор каратилади ва ушбу йўналишда давлат дастури кабул килинади.

Энг мухими, 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сони 2 баробар оширилиб, 520 мингга етказилади. Туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар йили 1 триллион сўм маблағ ажратилади.

Еттинчидан, транспорт йўналишида олдимизда иккита энг мухим вазифа турибди.

Авваламбор, Тошкент ва йирик шаҳарлар ўртасида кунлик катновлар бўйича узоғи билан 6–7 соатда манзилга етиб бориш ва кайтиб келиш имконияти яратилади.

Темир йўлларни электрлаштириш даражаси амалдаги 40 фоиздан 60 фоизга оширилади. Тошкент – Урганч йўналиши бўйича тезюарар поездлар катнови йўлга кўйилади.

Шу билан бирга, юқ ташиш харажатларини камида 30 фоизга пасайтиришимиз, транзит ҳажмини 15 миллион тоннага стказишмиз шарт.

Саккизинчидан, бутун мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси татбиқ этилади.

Хонадон, кўча, маҳалла ва қишлоқ, шаҳарларда, йўл бўйлари ва дала четларига дарахтлар экиш, ҳар бир худуд иклимига мос кўчатларни етиштириш, сугориш ҳамда парвариш қилиш тизими жорий этилади. Бу тизим оркали худудларда ҳар йили камида 200 миллион туп дараҳт кўчатлари экиласди.

Шунингдек, Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида “Янги Ўзбекистон боғи” намунаси асосида камида 50 гектар майдонда “яшил боғлар” барпо этилади. Бундан ташқари, шаҳарлар ва туман марказларида ҳар 50–100 минг аҳоли учун “яшил парклар” ташкил этилади.

Шу билан бирга, дараҳт кесишга муддатсиз мораторий жорий килинади. Бундан буён парклар ва яшил зоналар ҳудудини бошқа максадлар учун ишлатиш катъиян такикланади.

Тўққизинчидан, келгуси йилларда Орол дengизининг куриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонлар барпо этилиб, уларнинг умумий ҳажми 2,5 миллион гектарга ёки худдининг 78 фоизига етказилади.

Оролбўйида ҳалқаро “Яшил икlim” ва “Глобал экологик жамғарма”лари маблағлари ҳисобидан биохилма-хиллик, икlim ўзгариши ва тупрок емирилишининг олдини олишга қаратилган 300 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

Буларнинг барчаси Коракалпогистон ҳамда Хоразм воҳасининг экологик шароитини яхшилаш, ушбу ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

VII. Янги Ўзбекистон – ҳалқчил ва инсонпарвар давлат

Мухтарам юртдошлар!

Янги Ўзбекистон – ҳалқчил ва инсонпарвар, адолатли давлатdir.

Янги Ўзбекистон – кучли қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтлари самарали фаолият кўрсатадиган, “Давлат – ҳалқ хизматчиси” тамойили амал қиладиган, демократик дунёвий давлатdir.

Шу муносабат билан “Ҳалқчил давлат” миллий ластурини, Ҳалқ кабулхоналарига конституциявий мақом бериш ва уларнинг фаолияти тўғрисида алоҳида қонунни ишлаб чикиш вакти етди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепциясини тайёрлаш ҳам давр тақозосидир.

Миллий тараққиётимизнинг бугунги янги босқичида ихчам, профессионал, ҳалқимиз талабларига жавоб берадиган, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошкарувитизимини такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Бу борада ўтган даврда етарли тажриба тўпладик ва келгусида қўйидаги ташкилий-хукукий тадбирларни амалга оширамиз.

Биринчидан, маҳалла том маънода жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айланиши учун барча шароитларни яратамиз.

Шу максадда аввало, маҳалла тизимининг хукуқ ва ваколатлари кенгайтирилади, уни молиялаштириш манбалари ва тартиби такомиллаштирилади.

Бундан ташкири, маҳаллада фуқаролар учун давлат ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, давлат органларига маҳалладан туриб мурожаат қилиш имконияти яратиласди.

Иккинчидан, туман, шаҳар, вилоят вакиллик ва ижро ҳокимияти тизими қайта кўриб чиқилади.

Келгусида туман ва шаҳар кенгашларида камида 2–3 нафар депутат доимий асосда ишлайдиган тартиб жорий этилади. Улар муаммоларни маҳаллабай ўрганиб, ечимини Кенгаш муҳокамасига киритади.

Туман ва шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли кенгашда энг кўп депутатлик ўринини эгаллаган партия гурухи томонидан илгари суриласди. Бунда номзод худудни ривожлантириш бўйича ўз дастурини халқ вакиллари олдида ҳимоя қила олган тақдирда ҳоким лавозимига тасдикланади.

Бир катор ижтимоий масалалар, жумладан, ичимлик ва оқова сув, ички йўллар, бошка инфратузилма обьектларининг қурилиши, бандлик дастурини тасдиклаш туман ва шаҳар кенгашлари ваколатига ўтказилади.

Келгуси йилдан бошлаб 28 та туман ва шаҳарда эксперимент тарикасида худудни ривожлантириш ва муаммоларни халқилиш бўйича ҳокимликларнинг ваколат ва имкониятлари кенгайтирилади. Энди ҳар бир ҳокимлик ўзининг ва худудий ижро идораларининг штат бирлиги ва тузилмаларини Кенгаш билан бамаслаҳат мустақил белгилайди. Юридик шахслардан олинадиган ер солиги тўлигича ушбу туман ва шаҳарларда қолдирилади.

Бундан ташкари, худудий ижро идораларининг “ваколатлар реестри” шакллантирилади, такрорланадиган 500 дан ортиг функциялар макбулаштирилади.

2022 йилдан бошлаб боғча, мактаб, соғликни саклаш объектларини куриш ва таъмирлашга ажратиладиган 4 триллион сўм маблагни тақсимлаш ваколати вилоятларга берилади.

Бундан буён Халк таълими ва Мактабгача таълим вазирлеклари ўқитиш ва тарбия сифатига, маҳаллий ҳокимликлар эса таълим муассасаларининг курилиш-таъмирлаш ишларига жавоб беради.

Учинчидан, барча бўғиндаги ижро идоралари раҳбарлари – хоҳ у вазир бўлсин, хоҳ қўмита раиси, бир йиллик иш дастури ва амалга оширадиган лойиҳаларини жамоатчиликка очик эълон килиб боради.

Келгуси беш йилда давлат идораларининг штатларини оширишга йўл қўйилмайди. Аксинча, ракамлаштириш ва қатор функцияларни хусусий секторга бериш хисобидан штатлар кискартириб борилади.

Қатор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти ислохотларимиз талабларидан келиб чикиб, танкидий қайта кўриб чиқилади.

Тўртингчидан, замонавий давлат хизматини жорий килишга устувор ахамият берилади. Хусусан, электрон давлат хизматларининг улуши 100 фоизга етказилади. Жумладан, 700 дан ортиг давлат хизматларининг 100 таси хусусий секторга ўтказилади.

Бундан буён давлат хизматига кадрлар, коида тариқасида, танлов асосида кабул килинади. Давлат хизматчилари учун уз-луксиз малака ошириш, натижадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгиланади. Иш вакти, меҳнат меъёрлари бўйича талаблар ҳам қайта кўриб чиқилади.

Бешинчидан, биз очиклик ва ошкоралик, жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик йўлидан қатъий борамиз.

Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш, “Обод кишлок”, “Обод махалла”, худудий инфратузилма дастурлари доирасидаги ло-йиҳалар очик эълон қилиниб, кенг жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқилади.

Шунингдек, субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар ажра-тиш оркали нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-куват-лаш ҳажми 2 баробар оширилади.

Оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-кув-ватлаш давом эттирилиб, журналистларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Мен ҳақиқат ва адолатни ўз эътиқоди деб биладиган бар-ча журналистларни ислохотларнинг фаол иштирокчилари, деб биламан ва улар ҳамиша Президент ҳимоясида бўлади. Бу фикрни бугун яна бир бор таъкидлайман.

VIII. Адолат ва қонун устуворлиги – халқпарвар давлат пойдевори

Қадрли сафдошларим!

Оид судлов, инсон қадр-киммати ва ҳуқуқлари олий қадрият сифатида суд-ҳуқук соҳасидаги ислохотларимиз-нинг асосий мазмuni бўлиб қолади.

Ушбу соҳа янада очик ва халқчил бўлиши учун қўйидаги йўналишларда муҳим ўзгаришлар амалга оширилади.

Биринчидан, мансабдор шахсларнинг карорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизими такомиллаштири-лади.

Бу борада маъмурий суднинг ўрни ва ролини кучайтириш максадида унинг ваколатлари кенгайтирилади. Шунингдек, маъ-мурий судларга давлат идоралари томонидан етказилган заарарни коплаш ва бошқа ҳукукий оқибатларга оид масалаларни ҳал килиш ваколати берилади.

Бундан ташқари, энди карор ноконуний эмаслигини судда исботлаш мажбурияти уни қабул қилган мансабдорнинг ўзига юкланди.

Мансабдор шахслар маъмурий суд карорини бажармаган тақдирда, уларга нисбатан “ошиб борадиган” жарима ва бошка хукукий чораларни қўллаш тартиби киритилади. Шу орқали шикоятлар сонининг камидаги 2 баробар кисқаришига эришиш мумкин.

Иккинчидан, судлар фаолиятига “ягона дарча” тартиби жорий этилади. Яъни, бундан бўён иш фукаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллукли бўлишидан қатъи назар, ариза “ягона дарча” асосида қабул қилинади. Бу эса фукаро ва тадбиркорларнинг эшикма-эшик сарсон бўлишига чек кўяди.

Учинчидан, прокуратура фаолияти фукароларнинг кадр-киммати, хукуклари ва эркинликларини самарали химоя килишга йўналтирилади. “Қонун – устувор, жазо – мукаррар” деган принцип прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони бўлиши зарур.

Бунинг учун 20 йил аввал қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги конун ўрнига мамлакатимизда қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очик ва адолатли прокуратура тизимининг янги хукукий асосларини яратиш лозим.

Тўртингчидан, ички ишлар органларини халқقا ва ҳар бир оиласга янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасида бошлаган ислоҳотларимизни изчил давом эттирамиз.

Айникса, бу соҳани **маънавий пок, ўз бурчига содик, халқпарвар ва масъулиятли ходимлар билан тўлдириб боришга алоҳида эътибор қарагамиз**.

Бундан бўён ички ишлар органлари фаолиятини баҳолашда аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фукаролар мурожаатлари билан ишлаш натижадорлиги асосий мезон этиб белгиланади.

Маълумки, каерда камчиликлар рўй-рост айтилмас экан, у жойда ижобий ўзгариш бўлмайди. Шунинг учун соҳани ижтимоий фикр асосида холис баҳолаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги нинг барча поғоналарида Жамоатчилик кенгашлари тузилади.

Ички ишлар ходимларининг “Касбий маданият кодекси”ни қабул қилиш ва жорий этиш ушбу тизимда ўз хизмат бурчига нисбаган масъулият ҳиссини оширишда муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайман.

Бешинчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган либералаштириш сиёсатининг мантикий давоми сифатида ўз аҳамиятини йўқотган 10 га яқин қилмишлар жиноят тоифасидан чиқарилади ва жазони енгиллаштирадиган ҳолатлар сони амалдаги 9 тадан 15 тагача кўпайтирилади.

Гумон билан ушлаб турилган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона электрон реестр ишга туширилади.

Энг муҳими, реестрга маълумотларни киритмаслик, гумонланувчи шахсларни ушлаб туришни иоконуний деб топишга асос бўлади.

Олтингчидан, тараккиётимиз йўлида жиддий тўсик ва ғов бўлаётган коррупцияга қарши курашишда давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситаларини сафарбар этамиз.

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкларини декларация килиш тизими келгуси йилдан босқичма-босқич жорий этилади.

Давлат харидлари, давлат мулкини сотиш жараёнлари очик ва шаффоф тарзда ташкил этилади ва бунга жамоатчилик кент жалб қилинади.

Коррупцияга йўл қўйган ҳар қандай мансабдор шахс, лавозими ва мавқеидан қатъи назар, сўзсиз қонуний жавобгарликка тортилади.

Бундай шахсларнинг очик реестри юритилиб, уларнинг давлат хизматига кириши, масъул лавозимларга номзоди кўрсатилиши чесланади.

Еттинчидан, фукаролар хукукларини химоя қилиш тизими янада кенгайтирилади.

Энди давлат ҳисобидан ижтимоий химояга мухтох фукароларга бепул юридик ёрдам нафакат жиноят ишлари бўйича, балки фукаролик ва маъмурый ишлар бўйича хам кўрсатилади. Шу орқали камида 100 минг нафар аҳолини хукукий химоя билан камраб олиш имкони туғилади.

Яна бир масала мамлакатимизда адвокатлар сонининг етишмаслиги билан боғлик. Шунинг учун соҳага ёш кадрларни жалб қилиш мақсадида юридик стаж ҳакидаги талаб бекор килиниб, олий юридик маълумотли шахсларга З ойлик стажировкадан кейин адвокатлик имтиҳонини топшириш имконияти яратилади.

IX. Хавфсизлик ва очик, прагматик фаол ташки сиёсат борасидаги устувор вазифалар

Азиз ватандошлар!

Дунёдаги ҳозирги мураккаб вазият, кўшни минтақалардаги зиддият ва қуролли низолар Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлашга алоҳида эътибор қартишни такозо этмоқда.

Биз ўтган даврда янгиланган Мудофаа доктринаси асосида Қуролли Кучларимиз фаолиятини тубдан қайта кўриб чикиб, та-комиллаштироқдамиз.

Кўшинларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини чукур ислоҳ кијдик. Армиямиз энг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминланмоқда.

Бугун Қуролли Кучларимиз ҳар кандай ташки хавф-хатарларга, турли тажовуз ва таҳдидларга катъий зарба беришга қодир бўлган яхлит ва ишончли кучга айланмоқда.

Якинда 42 та давлат вакиллари иштирокида ўтказилган ну-фузли “Армия – 2021” халқаро ўйинларида аскарларимиз фахрли 2-ўринни эгаллади. Бу миллий армиямизнинг кудрати, ҳарбий хизматчиларимизнинг ватанпарварлиги ва жанговар рухи юкори эканини яна бир бор намоён этди.

Келгусида ҳам мамлакатимиз мудофаа салохияти ва ҳарбий кудратини янада мустаҳкамлаш бўйича аник ва манзилли ишларни давом эттирамиз.

Энг аввало, Куролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтиришга қаратилган дастурларни ишлаб чикиб, тизимли амалга оширамиз.

Шу билан бирга, мамлакатимизни ҳаво ҳужумидан ҳимоя ки-лиш тизими ҳам, давр талабларидан келиб чикиб, янада кучайтирилади.

Чегараларимиз хавфсизлигини замонавий коммуникация воситалари ва техник иншоотларни кенг кўллаш орқали янада мустаҳкамлаймиз.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтирамиз.

Иккинчидан, ташки сиёсий ва иқтисодий алоқалар соҳасида сўнгги беш йилдаги саъй-харакатларимиз натижасида мамлакатимизнинг халқаро майдонда очик, ишончли ва ташаббускор давлат сифатидаги мақоми ва обруси кескин ошди.

Биз Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамжихатлик ва хурмат, якин қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги янги сиёсий муҳитни яратишга муваффак бўлдик.

Оддий фуқароларимизни узок йиллар қийнаб келган кўплаб муаммолар ечилди, дўст ва қардош халқларимизнинг ўзаро борди-келдилари тобора кучаймоқда. Бу – бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Қўшниларимиз билан савдо ҳажми беш йилда 5 баробар кўпайди, биргаликда йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошир-

мокдамиз. Минтака давлатлари етакчиларининг Маслаҳат учрашувлари мунтазам ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, дунёнинг курдатли давлатлари ва бошқа стратегик ҳамкорларимиз билан янги форматдаги амалий алоқалар йўлга кўйилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон хукуклари бўйича кенгашида аъзо сифатида фаол катнашмоқдамиз.

Бу ижобий жараёнлар халкаро ҳамжамият томонидан кенг зътироф этилмоқда. Якинда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғликлигига бағишлиланган самит ҳамда Ислом тараққиёт банки анжумани ҳам бунинг исботи бўлди.

Биз, тизимли ва шухта ўйланган, прагматик ташки сиёсий ва иқтисодий дипломатиямизни бундан кейин ҳам фаол давом эттирамиз.

Авваламбор, Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иктисодий, сув, энергетика ва транспорт, маданий-гуманитар соҳалардаги якин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юкори босқичга олиб чиқамиз.

Келгуси беш йилда ўзаро савдо айланмаси ҳажми камида 2 баробар оширилади. Саноатда кўшимча киймат яратиш бўйича яхлит занжирларни ва кооперацияни мустаҳкамлаймиз.

Транспорт соҳасида ташки савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятлари кенгайтирилади.

Халк дипломатияси тамоилини, жумладан, илм-фан, таълим, соғлиқни саклаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларидаги алоқаларни кучайтириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб колади. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқамиз.

Россия, Хитой ва АҚШ, шунингдек, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари каби анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янала ривожлантириш, ташки

алоқаларимиз географиясини кенгайтиришга устувор ахамият каратамиз.

Бу йўналишда, энг аввало, иқтисодий дипломатияни кучайтиришга алоҳида ургу берамиз. Янги бозорларни ўзлаштириш, инвестиция ва инновацияларни кенг жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва энг муҳими – Ўзбекистон имижини фаол тарғиб этиш барча дипломатик ваколатхоналаримизнинг асосий вазифасига айланади. Ушбу масалалар ҳозирги вактда ишлаб чикилаётган Ўзбекистон ташки сиёсий ва иқтисодий фаолиятининг янгиланган концепциясида ўз ифодасини топади.

Биз нуфузли халқаро тузилмаларда Ўзбекистоннинг иштирокини юкори даражада таъминлашимиз шарт.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ва институтлари, глобал ва миңтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятимизни кучайтирамиз.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё иқтисодий иттифоки билан интеграция жараёнларини чукурлаштириш бўйича аник амалий қадамлар қўйилади.

Ҳозирги вактда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмаларда Ўзбекистон раислиги учун янгича ёндашув асосида тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Шу билан бирга, кадимий ва навкирон шахарларимиз – Тошкент, Самарканд, Бухоро, Нукус, Хива, Термиз, Шахрисабз ва Қўконда халқаро ахамиятга молик йирик саммит, форум ва анжуманларни доимий равишда ўтказишни давом эттирамиз.

Учинчидан, кўшни Афғонистон заминида тинчлик ва осоишишталикини таъминлаш йўлида жафокаш афғон халқига қўлимидан келган барча ёрдамни аямаймиз.

“Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўлини куриш ҳамда энергетика, савдо ва саноат соҳаларида стратегик ва муҳим лойиҳаларни ҳамкорликда албаттга амалга оширамиз.

Тўртинчидан, якинда ташкил этилган “Ватандошлар” жамоат фонди оркали хорижий давлатлардаги юртдошларимиз

билан доимий ва самарали алокалар ўрнатамиз. Уларни хар томонлама қўллаб-куватлаш ва Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларга жалб этиш учун барча имкониятларни яратиб берамиз.

Якин келгусида асосий вазифаси чет элларда ўзбек тили, маданияти ва миллий анъаналаримизни кенг оммалаштириш, гуманитар алокаларни мустахкамлашдан иборат бўлган Алишер Навоий халқаро институти ташкил этилади.

X. Маданий-маънавий тараққиёт сари

Хурматли делегатлар!

Биз Янги Ўзбекистонни юксак маданият ва маънавиятга эга бўлган, эркин ва баҳтли инсонлар яшайдиган мамлакатга айлантириш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз. Шу муносабат билан “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепцияси ва уни амалга ошириш миллий дастури ишлаб чиқилади. Бу, аввало, маънавий-ахлокий кадриятларимизни давр талабларига мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу оркали жамиятнинг маданий-маърифий юксалишига эришиш имконини беради.

Ўз навбатида, бу жамият аъзоларининг онги ва тафаккурини, ҳаёт фалсафаси ва дунёкарашини кенгайтиришга хизмат килади.

Ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини кучайтириш зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва дунёкарашини юксалтириш, ватанпарварлик, халкка муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Шу борада илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва бадиий ижод соҳаларининг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ва таъсирини янада оширишга қаратилган алоҳида дастурлар кабул қиласиз.

Ижодкор зиёлиларга доимий эътибор қаратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-куватлашга, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган ишларни ушбу соҳадаги сиёсатимизнинг муҳим йўналишлари сифатида давом эттирамиз.

Маданият ва спорт муассасалари, театр ва музейларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ҳудудларимизнинг маданий юксалиши, халқ хунармандчилигини равнак топтиришга қаратилган самарали ва манзилли ишларни тизимли асосда олиб борамиз.

Мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тутувликни тъминлаш, фуқароларимизни турли мағкуравий таҳдидлардан, зарарли оқим ва ғоялардан ҳимоя қилиш масалалари бундан буён ҳам устувор тарзда дикқатимиз марказида бўлади.

Биз муқаддас динимизни эзгу фазилатларимизнинг мужасам ифодаси сифатида кадрлаймиз.

Асрлар давомида миллий маънавиятимизнинг ажралмас кисми бўлиб келаётган инсонпарвар динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир каторга кўядиганларни катъий коралаймиз ва улар билан хеч қачон муроса қилмаймиз.

Бой диний ва маънавий меросимизни чукур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси халқаро маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий каби илмий-маърифий марказлар имкониятлари тўлиқ ишга солинади.

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро хурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустахкамлаш, турли диний конфессиялар учун зарур шароит яратишга қаратилган сиёсатимизни изчил давом эттирамиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилинган **Яниги Ўзбекистон стратегияси**, хеч шубҳасиз, сайловолди учрашувларида жамоатчилигимиз, халкимиз томонидан яна билдирила-

диган қўшимча фикрлар, таклиф ва ташаббуслар хисобига яна-да бойитилади ва такомиллаштирилади. Шу асосда ушбу дастуримизни ҳар томонлама мукаммаллаштириб, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, биргаликда амалга оширишимиз лозим.

Ушбу Стратегия эл-юртимизнинг ислохотларга бўлган ишончи, шу йўлдаги амалий харакатларидан куч-кудрат олиб, бутун ҳалқимизни Янги Ўзбекистон ғояси атрофида бирлаштирадиган, том маънодаги умуммиллий дастурга айланиши учун бутун ҳалқимиз, аввало, партиямиз аъзолари астойдил биргаликда харакат қилишимиз керак. Чунки бу Стратегия мард ва меҳнаткаш ҳалқимизнинг азалий орзу-интилишлари ва туб манфаатларини ифода этишга қаратилган.

Халқ ишончи кандай буюк қудрат ва илҳом манбаи эканини ўтган йиллар давомида барчамиз чин юракдан ҳис этиб келмоқдамиз, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Айнан ана шу буюк ишонч энг кийин дамларда бизга умид ва мадад берди, вужудимизга – куч, руҳимизга – канот бағишлади.

Бизга тоғдек таянч бўлиб турган мўътабар нуронийларимиз, меҳрибон оналар, азамат ака-укаларимиз, оқила опа-сингилларимиз, навқирон авлодимизга таяниб, танлаган йўлимидан да-дил илгари бормоқдамиз.

Ана шу юксак ишончга муносаб бўлиш, ҳалқимиз, Ватанимиз манфаатлари ҳамда унинг баҳт-саодати йўлида бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятимни сафарбар этиш мен учун ҳамиша ҳайётимнинг маънио-мазмуни бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Мен учун бундан улуғ баҳт, бундан буюк шараф ва масъулият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Она ҳалқим билан бирга Янги Ўзбекистонни қуриш, Учинчи Ренессанс пойdevorини барпо этишдек улкан баҳт насиб этгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтаман. Бу йўлда олижаноб ҳалқимиз билан ҳар кандай синов ва машақкатларни енгиб ўтишга тайёрман.

Жонажон Ватанимиз ўз тараккиётининг ҳал килувчи босқичига қадам қўяётган мана шу тарихий дамларда кўпмиллатли халкимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: сизлар билан бирга қанча мураккаб марра ва довонлардан ўтдик. Аммо ҳеч қачон ярим йўлда тўхтаб қолмадик. Баъзан толикқан ва чарчаган пайтларимиз ҳам бўлди. Лекин ҳеч қачон тушкунликка тушмадик. Келажакка, ёруғ кунларга ишончимизни асло йўқотмадик. **Чунки ҳамиша куч-қувват берадиган, болам, деб бағрига босадиган халкимиз бор, бетакор Ватанимиз бор.**

Мана шундай буюк ва енгилмас туйғуни қалбимизга жо айлаб, доимо олдинга, факат олдинга караб бормоқдамиз.

Акл-заковатимиз, билим ва тажрибамиз, иймон-иродамиз, бутун борлигимиз билан ҳаёт синовларида тобландик. Очик мулокот, очик сиёсат, очик ислоҳотлар бизни халкимизга ва дунёга янада яқин қилди.

Ўзингиз кўриб турибсиз, бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам кечаги Ўзбекистон эмас. Биз билан ҳамкорлик қилаётган дунё ҳам – кечаги дунё эмас.

Кўряпсизларми, ўзимиз ўзгарсак, сидқидилдан интилиб, фидокорона меҳнат қилсак, атрофимиздаги ҳамма нарса ўзгаради. Бу ўзгаришлар – шунчаки оддий воқеалар эмас. Ҳар бири шонли тарихимизга олтин ҳарфлар билан ёзиладиган, келажак авлодлар миннатдор бўлиб эсга оладиган буюк ўзгаришлардир.

Бу ўзгаришларнинг ижодкори, бунёдкори ким? Албатта, кўпни кўрган, иродаси мустаҳкам, матонатли ва меҳр-оқибатли бағрикенг халқимиздир.

Мен доимо эзгуликка, адолат ва маърифатга интилиб яшайдиган ана шундай халқ фарзанди эканимдан чексиз фахрланаман.

Барча ислоҳотларимизни доимо қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда ҳал қилувчи куч бўлиб келаётган, ўзи-

ни аямасдан қаҳрамонларча меҳнат қилаётган олижапоб халқимга фарзандлик меҳри ва садокати билан чин дилдан таъзим қиласан.

Ишончим комил, асрлар давомида кўплаб синов ва машаққатлардан муносиб ўтиб келаётган қўпмиллатли Ўзбекистон халқи бу гал ҳам ўзининг акл-заковати, мустаҳкам иродаси ва юксак сиёсий маданиятини яққол на-моён этади.

Бўлажак сайловларда фаол иштирок этиб, ўзининг фуқаро-лик бурчини масъулият билан адо этади ва Янги Ўзбекистон учун, тинч ва эркин, обод ва фаровон ҳаёт учун овоз беради.

Қадрли юртдошларим!

Ватанимизнинг бугунги ва эртанги тақдири, фарзандлари-мизнинг келажаги Сизларнинг ушбу сайловдаги онгли иштиро-кингизга, фуқаролик позициянгизга боғлиқ.

Ишонаман, бу сайлов Сизларнинг фаол иштирокингиз билан бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс сари ташланган яна бир улкан амалий қадам бўлади.

Ҳеч қачон унутманг, сайлаш ва танлаш ҳуқуки – Сизнинг қўлингизда, келажак учун масъулият эса – барчамиз-нинг зиммамизда.

Ана шундай буюк хиссиёт, ишонч-эътиқод билан харакат килсак, биздан халқимиз ҳам, келажак авлодлар ҳам албатта рози бўлади.

Янги Ўзбекистонимиз ҳар томонлама тараккий топган, гуллаб-яшнаган гўзал мамлакатга айланади.

Барчангизга шу эзгу йўлда сиҳат-саломатлик, оилавий баҳт, шахсий ҳаётингиз ва фаолиятингизда улкан муваффакиятлар ти-лайман.

* * *

Ҳурматли съезд делегатлари!

Мухтарам партиядошлар!

Бугун Сизлар томонингиздан менга билдирилган юксак ишонч, кейинги беш йиллик фаолиятим тўғрисида айтган самимий фикрларингиз, мени Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод этиб қўрсатиш ҳакида қабул килган қарорингиз учун барчангизга чин калбимдан миннатдорчилик изхор этаман. Мен бу қарорни ўтган даврда Сизлар билан, эл-юритмиз билан биргаликда амалга оширган улкан ишларимиз учун берилган муносиб баҳо, деб қабул киламан.

Бугун бутун ҳалқимиз катори Сиз, ҳурматли партиядошларимнинг, партиямиз фаоллари ҳамда бизга тарафдор ва хайриҳоҳ бўлган миллионлаб инсонларнинг сиёсий онги ва тафаккури, билим ва савияси, ҳаётга, ислоҳотларимизга муносабати, жонажон Ватанимиз тақдирига дахлдорлик хисси юксалиб бораётганини яна бир марта чукур ҳис қилдим.

Мана шундай туб ўзгаришлар сиёсатини, ҳалқпарвар сиёсатни амалга оширишда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси келгусида яна янги-янги ғоя ва ташабbusлар билан майдонга чиқади, деб ишонаман.

Албатта, сайловолди дастуримни бугун билдирилган, жойлардаги учрашувларда илгари суриладиган таклиф ва мулоҳазалар асосида бойитиб, такомиллаштирамиз.

Айниқса, Сиз, азизларнинг Янги Ўзбекистон стратегиясини чин дилдан қабул килиб, уни рӯёбга чиқаришда қўпмиллатли ҳалқимиз билан бирга ягона куч, ягона ва фаол жамоа булиб ишлашга тайёр эканингиз мени беҳад хурсанд қилмоқда. Кучимга – куч, ғайратимга – ғайрат қўшилмоқда.

Партиямиз тимсолида мустақиллик ғояларига, она ҳалқимиз ва буюк Ватанимизга содик ва фидойи, юксак малакали мана шундай сафдошларим борлигидан ғоят фахрланаман.

Бугун менга билдирган ишончингизни юксак кадрлайман. Бу ишончни оқлаш учун ўзимнинг бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятимни сафарбар этаман.

Барчангиз сайлов жараёнларида фаол иштирок этиб, олдимизда турган ана шу мухим сиёсий тадбирни Янги Ўзбекистоннинг обруй-эътиборига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказишга хисса қўшасиз, деб ишонаман.

Жумладан, ҳудудларда бўладиган учрашувларимизда ҳар бир масалани биргаликда мухокама килиб, сайловчилар ва халқимиз учун маъқул таклифлар, ташабbus ва лойиҳаларни илгари сурамиз, албатта.

Шу маънода, бугун ўз олдимизга қўяётган улкан мақсад ва вазифаларни амалга оширишда Сизларга, бутун халқимизга таянаман.

Мана шундай бирлик ва ҳамжиҳатлик, ўз куч ва имкониятларимизга, келажакка бўлган улуғ ишонч билан биз эзгу мақсадларимизга албатта етамиз.

Мамлакатимизнинг янги тараккиёт дастурини – Янги Ўзбекистон стратегиясини албатта амалга оширамиз.

Доимо соғ-омон бўлинглар!

Катта раҳмат!

**Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 сентябрь**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ БИРГАЛИКДА БУНЁД ЭТАМИЗ

*(Қорақалпогистон Республикаси
сайловчилар вакиллари билан
учрашувдаги нутқ)*

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Қадрли дұстлар!
Хүрметли жаси улкенлар, азийз апа-сингиллер, навқиран жаслар!

Бутун мана шу қадимий ва саховатли заминда, қайта ташкил қилинган Бұзатов туманида сиз, азизлар – мард ва танти, меңнаткаш ва бағрикенг Коракалпоғистон халқининг вакиллари – мухтарам оқсоколлар, мунис опа-сингилларимиз, навқиран ёшларимиз билан күтариинки кайфиятда учрашиб турғанимдан баҳтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, бутун қоракалпок элига үзимнинг чукур хурмат-әхтиромим ва самимий тилакларимни билдираман.

Хабарингиз бор, бу галги учрашувимиз мамлакатимизда да-вом этаёттан мухим сиёсий жараён – Үзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан үтказилмокда.

Сайловолди учрашувларни, энг аввало, Коракалпоғистон диёридан бошлаётганим албатта бежиз эмас. Илгари ҳам айтганман, бугун ҳам катта мамнуният билан такрорлайман – мен үзимни коракалпок халқининг ҳам фарзанди деб биламан.

Азиз дұстлар!

Бу сайлов барчамиз, бутун эл-юртимиз учун Үзбекистоннинг, унинг таркибий кисми бўлган Коракалпоғистоннинг бундан кейинги тараккиёти қандай бўлади, мамлакатимиз қандай ривожланиш йўлидан боради, фарзандларимиз, оиласиз, бутун юртимиз келажагини қандай барпо этамиз, деган ҳал килувчи саволларга жавоб берадиган ғоят мухим сиёсий тадбирдир.

Ўзингиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибсиз, ўтган беш йиллик муддат бутун мамлакатимиз, халқимиз учун оғир синовлар даври бўлди. Биз Аллоҳ таолонинг марҳамати, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инкиroz кийинчиликларини мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Хабарингиз бор, биз яқинда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган Янги Ўзбекистон стратегиясини ишлаб чиқдик. Ушбу стратегияда сизлар билан биргаликда фидокорона меҳнатимиз орқали Янги Ўзбекистондаги Янги Коракалпогистонни бунёд этиш вазифасини ҳам юксак мақсадларимиздан бири сифатида белгилаб олгацмиз.

Бугун сизлар билан очик ва самимий мулоқот килиб, мана шундай ҳал қилувчи масалалар ҳақида атрофлича фикрлашиб, маслаҳатлашиб олсак, айни муддао бўлади.

Қадрли ҳамюрлар!

Коракалпогистон деганда, барчамизнинг кўз ўнгимизда ўзига хос, бетакрор табиатга эга бўлган бепоён кенгликлар, мураккаб иқлим шароитига қарамасдан, фидокорона меҳнат килиб, она Ватанимиз тараккиётига муносиб хисса қўшиб келаётган олижаноб инсонлар сиймоси намоён бўлади.

Биласизлар, мен иш юзасидан Коракалпогистондаги деярли барча овул ва қишлоқларни кезиб, кўп ёшуллилар, дехкон ва фермерлар, тадбиркорлар, зиёлилар билан дилдан сухбат курганман. Кейинги беш йилнинг ўзида бу заминга кўп марта келиб, сизлар билан биргаликда амалга оширган катта-катта ишларимизни ёркин таассуротлар билан эслайман.

Коракалпок дўстларимизнинг чиройли бир гапи бор. Яъни, улар яхши инсонларга баҳо берганда, “Бул адамнинг жураги қабирғасининг астиннан кўринип турали”, дейдилар.

Қаранг, қандай чукур маъноли, халқона ҳикмат!

Мен бугун ана шу гўзал таърифни бироз ўзгартириб, “Коракалпокларининг қалби уларнинг самимий чехрасида яққол

кўриниб туради”, десам, юрагимдаги катта ишонч ва меҳрни ифода этган бўламан.

Улуғ мутафаккир шоир Ажиниёзнинг: “**Бош кетса ҳам тўғри сўздан қайтмаган, Номи қорақалпок элларим бордир**”, деган сўзлари ҳам бу ҳакиқатни яккол тасдиклайди.

Чиндан ҳам, бундай лафзи ҳалол инсонларга бемалол ишониш, улар билан биргаликда ҳар қандай катта ишларни амалга ошириш мумкин. Тили билан дили, сўзи билан иши бир бўлган шундай олижаноб ҳалқ албатта юксак хурмат ва эътиборга сазовордир.

Ўзингиз биласиз, Қорақалпоғистоннинг улкан ҳудуди бор, шахар ва туманлар, овуллар орасидаги масофа ҳам анча узок. Лекин мен качон бу юрга келсан, чарчаш нималигини билмайман. Нега? Чунки хосиятли қорақалпок диёрининг қир-адирла-ри, дала ва боғлари, оққўнгил одамлари менга қўтаринки рух беради, самимий мулокотлар кучимга куч қўшади. Шунинг учун доимо юрагим қорақалпок элига талпиниб туради, сизларни ҳа-миша соғиниб яшайман.

Мухтарам дўстлар!

Мустакиллик йилларида қорақалпок ҳалқи ҳам барча соҳаларда самарали меҳнат килиб, улкан ютуқ ва натижалари билан юртимиз тарақкиётига муносиб хисса қўшиб келмоқда. Шу пайтга кадар қорақалпоғистонлик минглаб инсонлар Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирилангани ҳам шундан далолат беради.

Жумладан, ўтган давр мобайнида бу заминдан стишиб чиккан Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов, Ағитай Адилов, Алланияз Утениязов, Гайратдин Хожаниязов, Сарсенбай Сейтназаров, Анесия Сайтова, Муса Ерниязов сингари фидойи инсонлар “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий унвонига сазовор бўлишиди.

Уларнинг шарафли ҳаёти ва фаолияти ёшларимиз учун чина-кам ибрат мактаби бўлиб хизмат килмоқда.

Мисол учун, Алланияз Үтениязов ҳаётлик чоғида ҳалол пешона тери билан түплаган шахсий маблағи хисобидан эхтиёжманد одамларга 42 та уй-жой, 4 та мактаб, 4 та боғча ва 4 та тиббиёт пунктини куриб берган.

Хорижий мамлакатлардаги күплаб инсонлар ҳам бундай улкан саховат ва бағрикенгликтеги койил колиб, Алланияз Үтениязовга хатлар ёзишган. Масалан, аргентиналик миллионер Х.Сапун Алланияз оғага йўллаган мактубида унинг эзгу ишларидан сабоқ олиб, ўзи ҳам бундан буён оддий инсонларга кўмак беришга карор килганини кайд этади.

Ҳеч шубҳасиз, Алланияз Үтениязов ўз элига садоқати ва саховати билан корақалпоқ ҳалқига хос энг яхши қадриятларни бутун дунёга намоён этди. Шунинг учун Нукус шаҳрининг кўркам мавзеларидан бирита бу улуғ инсоннинг номини берсак, нима дейсизлар?

Бу – барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун катта тарбиявий аҳамиятга эга иш бўлар эди.

Хурматли йигилиш қатнашчилари!

Қоракалпоқ элининг яна бир фидойи фарзанди Қаллибек Камоловдир. Қаллибек оғанинг чорак асрдан зиёд Қоракалпогистонга раҳбарлик килиб, эл-юрт равнақи йўлида қандай улкан ишларни амалга оширганини айтмасам ҳам барчангиз яхши биласиз.

Хурматли оқсоколимиз ҳозирги нуроний ёшида ҳам жамоат ишларидаги, ёшлар тарбиясидаги фаоллиги билан кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда. Мен яқинда Қаллибек Камоловичнинг “Эл хизматида” деб номланган чукур сиёсий-фалсафий тафаккур билан ёзилган китобини ўкиб, муҳим маълумотлардан хабардор бўлдим.

Мухтарам оқсоқол ўз асарида ўзбек ва қорақалпоқ ҳалқарининг азалий дўстлигига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам, келажаги ҳам бирлигини ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб берган. Бу китоб нафақат Қоракалпогис-

тон, балки Ўзбекистон тарихини ҳам ҳақконий ёритиб берган мухим манба бўлиб, барча раҳбарларнинг иш столида туришга арзийдиган асадар.

Халкимиз, ёшларимизнинг баҳтига Қалибек оға доимо соғ-омон бўлсинлар.

Қоракалпогистон заминидан етишиб чиккан жуда кўплаб таникли олимлар, ижодкор ва санъаткорлар ўзларининг ноёб искеъдоди билан юртимиз довругини дунёга ёйиб келишмоқда. Уларнинг номларини шунчаки санаб чиқишининг ўзи жуда кўп вактни олади. Ўйлайманки, бунга зарурат ҳам йўқ, чунки сизлар уларнинг барчасини яхши биласиз ва қадрлайсиз.

Бердак номидаги Қорақалпок давлат академик мусиқали театри, “Айқулаш” миллый фольклор ансамбли, Игорь Савицкий номидаги Қорақалпок давлат санъат музейи том маънода Ўзбекистон санъатининг фахри хисобланади.

Биз бундан буён ҳам коракалпок тили ва адабиётини ривожлантиришга, корақалпок халқининг маданияти ва санъатини мамлакатимиз ва жаҳонда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор каратамиз. Шу мақсадда ҳозирги пайтда “Қорақалпок адабиёти дурданалари” кўп жилдлик тўплами ўзбек тилида нашр килинмоқда.

Айни вактда бутун дунёда “Саҳродаги Лувр” деб шуҳрат ко-зонган Савицкий музейи бўйича АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франциянинг етакчи илмий-маданий муассасалари билан ҳамкорликда маҳсус тадқикотлар амалга оширилиб, чет тилларда китоб ва альбомлар нашр килинади. Хориждаги нуфузли маданият марказларида унинг кўргазмалари ташкил этилади.

Ўрни келганда, яна мухим бир масалага эътиборингизни қаратмокчиман. Бир пайтлар Тошкентда коракалпок маданияти кунлари, Қорақалпогистонда ўзбек маданияти кунларини ўтказиш анъанаси мавжуд эди. Эндиликда ана шу яхши анъана ни кайта тиклаб, коракалпок санъатини нафакат пойтахтимиз, балки вилоятларимизда ҳам намойиш этсак, ўйлайманки, халқимизнинг кўнглидаги иш бўлади.

Оддий халқ орасидан етишиб чиккан мохир бахши-жировлар корақалпоқ халқининг бой ва бетакрор халқ оғзаки ижодиётини юксак чўккиларга кўттаргандар. Шунинг учун ҳам биз яқинда иккинчи Халқаро бахшичилик фестивалини айнан Қорақалпогистонда ўтказдик. Нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда хорижлик меҳмонлар иштирокида ўтган ушбу анжуман халқимизнинг бой санъати ва маданиятини бутун дунёга яна бир бор намоён этди.

Куни кечакоркара корақалпогистонлик истеъодли жиров Жонибек Пиязов фестивалнинг бош соврини – Гран-При мукофотига, бахши Гулбаҳор Ахимбетова эса иккинчи ўринга сазовор бўлгани ҳаммамизни қувонтириди. Бундай улкан ютуқ билан барчангизни чин дилдан табриклайман.

Нукус шаҳрида корақалпоқ адабиётининг сўнмас юлдузи, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби очилди. Тошкент шаҳридаги муazzам Адиблар хиёбонида Бердак, Тўлепберген Қайибергенов, Ибройим Юсупов хайкаларининг ўрнатилиши корақалпок халқига, унинг бетакрор адабиёти ва маданиятига юксак эҳтиромимиз рамзи бўлди.

Кези келганда, анчадан бери кўнглимга туғиб юрган бир эзгу режа ҳакида сизлар билан маслаҳатлашиб олмокчиман.

Хабарингиз бор, кейинги йилларда ижодкорларимизга зарур шароитлар яратиш мақсадида Тошкентдаги “Дўрмон” ижод уйи кайта таъмирланди, Зомин ва Паркент туманиларида замонавий ижод масканлари барпо этилди. Ана шу ишларни давом эттириб, Элликкальъа туманидаги хушманзара Акчакўл бўйларида яна бир ижод уйи курсак, нима дейсизлар?

Бу масканда корақалпоқ элининг тарихини тараннум эта-диган, корақалпок тили ва адабиётини янада равнак топтиришга хизмат қиласиган стук бадиий асаллар яратилишига ишонаман.

Ўзбекистоннинг ташаббусига асосан, шу йилнинг охиригача ЮНЕСКОнинг 2023 йилда комусий аллома, биринчи Ренессанс

даврининг буюк намояндаси Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини дунё мөкёсида кенг нишонлаш ҳакидаги карори қабул қилиниши кутилмоқда. Албатта, ушбу тарихий санани ҳалқимиз билан биргаликда, улуғ аждодимизнинг юксак мақомига муносиб равишда кенг нишонлаймиз.

Сизларга маълумки, Мўйнок тумани ҳудудида Хожа Аҳмад Яссавийнинг шогирди, тасаввух фалсафасининг йирик намояндаси Сулаймон Бокирғоний мақбараси жойлашган. Ҳалқ орасида “Ҳаким ота” номи билан шуҳрат козонган бу зот содда ва ҳалқона услубда ёзган асарлари билан туркий адабиёт оламида алоҳида эътироф этилган.

Келгуси йили Сулаймон Бокирғоний таваллудига 900 йил тўлади. Ана шу муҳим санани муносиб байрам қилиб, шоир боғомизнинг мақбарасини обод қиласак, асарларини чоп этсак, ҳар жиҳатдан ўринли бўлади, албатта.

“Ўзбек билан қоракалпок – эт билан тирнок” деган гап ҳам айни ҳакикат. Ҳудои таолонинг ўзи қоракалпок ва ўзбек ҳалқларини тақдирдош қилиб яратган ва бу бебаҳо бойликни кўз корачигидек асраш – барчамизнинг бурчимиздир.

Ўз вактида Ўзбекистонга раҳбарлик килган Ақмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов, Ислом Кағимов билан бирга, Аллаяр Дўстназаров, Пиржан Сейитов, Метеке Жуманазаров, Наврӯз Жапаков, Ережеп Айтмуратов, Тимур Камолов, Муса Ерниязов ва бошка кўплаб атоқли давлат арбоблари Коракалпоғистонда тарихий ўзгаришларни амалга оширишга, ҳалқларимиз ўргасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга бош-қош бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ўзининг бутун онгли ҳаётини мамлакатимиз ривожи ва ҳалқимиз фаровонлигига бағишилаган бундай фидойи инсонларнинг хотирасини агадийлаштириш – барчамизнинг инсоний бурчими兹 ҳисобланади.

Айни вактда Коракалпоғистонни ҳар томонлама тараккӣ эттиришга катта ҳисса кўшган таникли давлат ва жамоат арбобла-

ри – Уббиниёз Аширбеков, Амин Ҳамроев, Ажинияз Тожибов, Улмамбет Ҳўжаназаров, Татлимурут Атамуратов, Бибиойим Юсупова, Гулистон Аннақиличева сингари фахрийларимизни ҳам алоҳида хурмат билан тилга оламиз.

Мухтарам ватандошлар!

Орол фожиаси – шу юртнинг раҳбари сифатида менинг энг катта дардим, юрагимдаги армонимдир. Ҳозир ҳам эртаю кеч шу ҳакда ўйлайман. Шу максадда, меҳнаткаш Қорақалпоғистон эли билан кўлни қўлга бериб, ахиллик ва “оғзибирчилик”да бу муаммони ҳал қилиш учун жиддий киришганимиз барчангизга маълум.

Охирги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,6 миллион гектар майдонга саксовул ва сахро иклимига чидамли бошқа ўсимликлар экиб, ўрмонзор барпо этишга эришдик. Яратганинг инояти билан Ўзбекистоннинг барча вилоятлари иштирокида қиска вақт ичида ушбу туманда қандай катта ишларни амалга оширганимизни эл-юртимиз кўриб турибди.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Яқин тарихга назар солсак, 2016 йилда Қорақалпоғистон иктисадиётининг ахволи қандай эди?

Бундан беш йил аввал Қорақалпоғистонда жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми мамлакатимизда энг охирги ўринда бўлган. Бугунги кунда эса 9-ўринга кўтарилди. Ишлаб чикарилган саноат маҳсулотининг атиги 4 фоизи экспортга йўналтирилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 30 фоизга етди. Умумий экспорт ҳажми 2011–2015 йилларга нисбатан 3,5 баробар ошиб, 2,1 миллиард долларни ташкил этди.

Агар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2016 йилгача 15 миллион долларга ҳам етмаган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 100 миллион доллардан ошади. Ёки 25 йил давомида хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар сони 50 тани ташкил этган бўлса, охирги беш йилда эса 130 та ана шундай янги корхона ишга туширилди.

Үтган беш йилда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд 2 минг 500 та инвестиция лойихаси амалга оширилди.

Худудда саноатнинг жадал ривожланишига асосий туртки бўлган тўқимачилик, чарм-пойабзal, курилиш материаллари, мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўртacha 3 баробар ўсиdi. Кичик бизнес субъектлари сони 2 баробар кўпайиб, карийб 21 мингтага етди. Бу даврда 83 мингта янги доимий иш ўринлари яратилиб, ўртacha иш ҳаки 2,8 баробар оширилди ва 2,7 миллион сўмга етди.

Мактабгача таълимда қамров даражаси 28 фоиздан 71 фоизга етказилди. Шахар ва туманларда 14 та янги мактаб ва 32 та тибиёт муассасаси барпо этилди, 173 та мактаб ва 101 та тибиёт муассасаси реконструкция килиниб, таъмирланди. Шунингдек, ўтган тўрт йилда 4 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилди. Ахолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида карийб 13 мингта хонадон учун уй-жойлар барпо этилди.

Марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 40 фоиздан 65 фоизга етди, 61 та овул ва маҳаллада яшовчи 350 минг аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Қайта ташкил этилган Бўзатов тумани марказида, Мўйнок тумани ва барча туман марказларида катта ҳажмдаги курилиш ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 81 та олис қишлоқ ва овулларнинг киёфаси тубдан ўзгарди. Умуман, ўтган беш йил давомида Коракалпогистонни иктисолий-ижтимоий ривожлантиришга жами 17 триллион сўм йўналтирилди. Шу жумладан, бюджетдан 4 триллион сўм, халкаро молия ташкилотларидан 444 миллион доллар ҳамда 10 триллион сўм банк кредитлари ажратилди.

Энг мухими, коракалпок диёрида яшаётган заҳматкаш инсонларнинг кўнглида эртанги кунга ишонч уйғонди ва у тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Хурматли дұстлар!

Биз эришган дастлабки натижалар билан асло хотиржам бұл-маслигимиз лозим. Халқимизнинг юксак ишончини оклаш учун маррани янада баланд олишимиз зарур. Шу боис, сизлар билан үтказилаётган бугунги учрашувга тайёргарлик давомида ахолимиз ва тадбиркорларни кийнаётган энг долзарб муаммолар, уларни безовта килаётган масалаларни пухта үргандик.

Бугунги кунда Қоракалпогистонда **энг катта масалалардан бири** – янги иш үринлари яратиш, ахоли даромадларини ошириш ва шу орқали камбағалликни кисқартириш хисобланади.

Бу борада ахолини камбағалликдан чиқариш бүйича үтган иили “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” жорий қилиниб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди. Жумладан, “темир дафтар”га кирган 32,5 минг оиласнинг меҳнатга лаёқатли бўлган 45 минг нафар ишсиз аъзосининг бандлиги таъминланди.

Шу билан бирга, йил бошидан “ижтимоий реестр” жорий қилиниб, 100 мингдан зиёд оиласга ижтимоий нафака ва ёрдам бериш йўлга қўйилди. Бу олдинги йилларга нисбатан 2,5 марта кўп. Сабаби, олдин бундай оиласларни ҳисобга олиш, ижтимоий ёрдам бериш мезонлари аник ва шаффоф эмас эди. Оқибатда ёрдам кўлами йилига 40 минг оиласдан ошмаган.

Ана шундай ишлар билан чекланиб қолмасдан, ушбу оиласлардаги 80 мингдан зиёд ахолини касб-хунар ва тадбиркорликка үргатиб, молиявий кўмаклашиб, уларни доимий даромад манбаига эга қилишимиз керак. Шунингдек, келгуси беш йилда 200 минг ёшлар меҳнат бозорига кириб келишини ҳам ҳисобга олишимиз зарур.

Иккинчи долзарб масала – ахолини ва қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашдир.

Сугориш тизимлари, каналлар, дренажлар эскиргани ва издан чикиб кетгани оқибатида далага ҳам, овулларга ҳам сув стиб

бормаяпты. Айникса, бу йилги күрғокчиликда бунинг оғир таъсирини барчамиз сездик.

Учинчи долзарб муаммо – ахоли саломатлигини таъминлаш.

Коракалпоғистонда сурункали касаллуклари бор, юкори хавф гурухига кирадиган 355 минг ахоли аникланган. Бунга оғир экологик шароит билан бирга, тиббий хизматлар сифати ҳам ўз таъсирини күрсатмоқда. Айникса, Құнғирот, Амударё, Шуманай, Элликкалъя, Тахтакүпир туманлари ахолисидан тиббий хизматлар бўйича кўплаб мурожаатлар тушган.

Тўртингчи масала – ахолига муносиб уй-жой ва яаш шароитларини яратиш.

Хозирги кунда 20 мингдан зиёд оиланинг уй-жой шароитини яхшилашга эҳтиёжи бор. Шунингдек, ҳар йили 10 мингдан зиёд янги оилалар ташкил бўлмоқда. Табиийки, уларни ҳам уй-жой билан таъминлашимиз зарур.

Шу билан бирга, Коракалпоғистоннинг барча туманларида ичимлик суви ва йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳали жуда кўп ишлашимиз керак.

Бешинчи устувор масала – таълим тизимидағи муаммолар.

Нукус шахридаги айрим мактаблар 3 сменада ишлаётгани, Беруний, Құнғирот, Тўрткўл, Элликкалъя, Чимбой туманларида ҳам ўкувчи ўринлари етишмаслиги бўйича кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Шу боис мен бугун ушбу муаммоларни ҳал этишга каратилган беш йиллик дастурни сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман.

Аввало, камбағаллик ва ишсизликни қискартириш, ахоли даромадини ошириш учун келгуси беш йилда 280 мингдан зиёд доимий иш ўринлари яратилади. Умуман, Коракалпоғистонда камбағалликни 3 марта қискартириш иктисодий идоралар олдиғаги энг устувор вазифалардан бири бўлади.

Бунинг учун ислоҳотларимизни ҳар бир маҳаллагача олиб кирадиган янги тизим жорий килинади. Коракалпоғистоннинг 422 та маҳалласида “хоким ёрдамчиси” лавозими жорий эти-

лади. Улар маҳаллада тадбиркорларнинг лойиҳаларига ёрдам беради, касб-хунарга ўқитиш, томорка, бўш ер ва бинолардан унумли фойдаланишни ташкил этади. Бу орқали янги иш ўринлари яратиш, жон бошига даромадни ошириш ва камбағалликни кискартиришга масъул бўлади.

Ҳоким ёрдамчилари қўлида ўзининг бюджети бўлади, улар маҳаллага биректирилган солик, банк, йўл ва бошка идоралар ходимлари билан бирга ишлайди.

Ҳоким ёрдамчилари солик, банк, иқтисодиёт, инвестиция, молия идоралари, ҳокимиятда ишлайдиган билимли ва фидойи ёшлар орасидан танланади. Улар янги тизим бўйича ишлашга ўқитилади ва ишининг натижасига қараб иш ҳақи билан таъминланади. Маҳаллада 2–3 йил ишлаб, яхши натижа кўрсатган ҳоким ёрдамчиларини келгусида ҳоким ва вазир лавозимларига қўямиз. Умуман, маҳаллада ҳоким ёрдамчилари – иқтисодий ўсишга, оксоқоллар эса – маънавий-тарбиявий муҳитга масъул бўлади.

Куйидаги йўналишларда янги иш ўринлари ташкил этилади.

Биринчидан, 14 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари кискартирилиб, аҳолига очиқ танлов асосида 1 гектаргача узок муддатли ижарага берилади ва бу орқали 50 мингга яқин иш ўрни ташкил этилади. Мисол учун, Амударё туманида 1,2 минг гектар ер ажратиш хисобидан камида 4 мингта янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, 6 минг нафар ишсиз аҳоли учун ихчам иссиқхоналар қуриб берилади.

Иккинчидан, аҳоли томорқаларининг сув таъминотини яхшилаш орқали 12 минг фукаронинг бандлиги таъминланади. Масалан, Чимбой туманида 500 та кичик кудуклар қазилади ва бу орқали тумандаги 1,5 мингта хонадондаги томорқалар фойдаланишга киритилади. Ёки Нукус туманида “Қаттиоқар” каналидан 8 та маҳаллага сув етказиб берувчи насос тармоғини тиклаш орқали 1 минг 400 та хонадонда аҳоли ўз томоркасида банд бўлади.

Ушбу тизим барча туманларда жорий килинади. Бунинг учун ирригация тизимини тиклаш маҳсус жамғармаси ташкил этилади. Бу жамғармани Фермер ва дехқонлар кенгаши барча туманларда ташкил килиб, ўзи бошқаради. Дастрлабки босқичда йилига ҳар бир туман жамғармасига бюджетдан 10 миллиард сўмдан ўтказиб берилади.

Учинчидан, тадбиркорликни ривожлантириш оркали 100 мингта янги иш ўрни яратилади. Бунда мавжуд жами 422 та маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, оиласвий тадбиркорлик даструрларига ҳар йили 650 миллиард сўм кредитлар ажратилади.

Мисол учун, Нукус туманида ягона кластер доирасида кўйчилик, жун, гўшт, кигиз, гилам ва ўтов ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш оркали 1,5 мингта иш ўрни яратилади. Бўзатов туманида 150 мингдан ортиқ курка етишириш кооперация асосида йўлга кўйилади ва 2,5 минг аҳоли иш билан таъминланади. Мўйнок туманидаги маҳаллий саноат, кишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасидаги тадбиркор ва фукаролар учун келгуси ўн йилда ер, мол-мулк, сув солиги, ижтимоий, фойда, даромад ва айланма маблағдан олинадиган солик ставкалари 1 фоиз этиб белгиланади.

Хабарингиз бор, якинда 200 миллиард сўмга тенг лойиҳалар бўйича электр, табиий газ, сув ва йўл тармоқларини ўтказиб беришни давлат тўлиқ зиммасига олди. Энди Қорақалпогистон учун бу ракам 4 баробар туширилади ва 50 миллиард сўмлик лойиҳалардан бошлаб қўлланади.

Келгуси йилларда камида 45 та янги кичик саноат зонаси барпо этилади ва бунга бюджетдан дастрлабки босқичда 100 миллиард сўм берилади. Ушбу саноат зоналарида киймати 3 триллион сўмдан зиёд лойиҳалар доирасида кариб 25 мингта янги иш ўрни яратилади.

Тўртинчидан, саноат тармоқларида киймати 5 миллиард 100 миллион долларлик 2 мингдан зиёд инвестиция лойиҳалари доирасида 76 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Хусусан,

худуднинг асосий драйвер соҳалари бўлган қурилиш материаллари, электротехника, тўқимачилик, чарм ва озик-овқат саноати соҳаларида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришига каратилган лойихалар амалга оширилиши натижасида худуднинг экспорт ҳажми камида 4 баробар кўпайиб, 500 миллион долларга етказилади.

Масалан, Қораўзак, Беруний, Хўжайли, Тахиатош, Элликкальъа туманларининг “ўсиш нуктаси” хисобланган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 270 миллион долларлик 153 та саноат лойихаси ишга туширилади. Бунинг учун туманда геология-кидирув ишларини кўпайтириб, 500 дан зиёд участкалар тадбиркорларга таклиф этилади. Натижада 12 мингдан зиёд юкори даромадли доимий иш ўринлари яратилади.

Тўқимачилик соҳасида Амударё, Беруний, Элликкальъа, Чимбой туманларида 260 миллион доллар бўлган 49 та янги лойиха ишга туширилади. Натижада пахта толасини қайта ишлаш – 100 фоизга, ип-калавани қайта ишлаш эса – 91 фоизга етказилади, 28 мингта янги иш ўрни яратилади.

Электротехника соҳасида 130 миллион долларлик 17 та лойиха амалга оширилади ва 22 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилади. Шунингдек, йирик “мега-loyixaлар” амалга оширилиб, худуднинг саноат салоҳиятини кескин оширишга эришилади.

Беруний, Қораўзак ва Кўнғирот туманларида лойиха киймати 2 миллиард доллар бўлган, умумий қуввати 1 минг 800 мегаваттли шамол электр станциялари ишга туширилиб, 750 мингта хонадон ва 25 мингдан зиёд корхоналарни тарьминлаш учун етарли электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шунингдек, Қораўзак туманидаги Тебинбулок кони негизида замонавий кон-металлургия комплекси, Кўнғирот туманидаги Устюрт газ-кимё мажмуаси ёнида йилига 500 минг тонна полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган газ-кимё кластерини қуриш бошланади. Бундан ташқари, 180 миллион долларлик

лойиха якунланиб, Құнғирот сода заводининг ишлаб чиқариш куввати 2 баробар оширилади.

Ана шу йұналишларда ишларимизни янада кенгайтириш, Қоракалпоғистонда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш-га фаол инвестицияларни хамда халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этиш максадида, 2022 йил сентябрь ойида Оролбүйін халқаро форумини үтказишни таклиф этаман. Хар икки йилда үтказиб бориладиган мазкур Форумга хорижий давлатлар хукумат вакиллари, нуфузли хорижий компаниялар ва инвесторлар, халқаро хайрия жамғармалари ва молия ташкилотлари раҳбарлари таклиф этилиб, анжуман натижаси бүйіча аник йұналишлар, лойиха ва ташаббусларни молиялаштиришга маблағлар жалб қилинади.

Бешинчидан, хизматлар соҳасыда 50 мингдан зиёд иш үринлари ташкил этилади. Мисол учун, Тұртқұл, Беруний, Амударё, Нукус, Тахиатош ва Құнғирот туманларидан үтадиган “A-380” халқаро йүлини реконструкция килиш натижасыда ушбу худудларда транспорт окими 3–4 марта ошади. Шу оркали магистрал йўл бўйида 500 дан зиёд сервис объектлари ташкил этилиб, 3 мингдан зиёд янги иш үринлари яратилади. Шу билан бирга, Амударё кирғокларида туризм объектлари ва дам олиш жойларини ташкил этиш учун шароит яратилади.

Туризм инфратузилмасини яхшилаш учун ҳар йили 60 миллиард сўм ажратилади. Бу оркали Амударё, Беруний, Тұртқұл, Жўжайли, Конликўл ва Нукус туманларида мингдан зиёд хизмат кўрсатиш объектлари барпо қилиниб, беш мингта янги иш үрни ташкил этилади.

Нукус шаҳрида туну кун ишлайдиган савдо, туризм, маданият, таълим, тиббиёт, инжинииринг ва ахборот технологиялари соҳаларидаги хизматларни ривожлантириш оркали олти мингта янги иш үрни яратилади. Бунга келгуси беш йилда кўшимча 100 миллион доллар маблағ ажратилади. Шунингдек, Нукус шаҳрида инвесторларга бизнес килиш ва яшаш учун энг қулай шароитлар яратиладиган “Нукус сити” барпо этилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Қорақалпоғистонни ривожлантириш учун 43 триллион сүм йўналтирилади. Ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш, иқтисодиёт ва инвестиция соҳасида белгилаб олинган мэрраларга эришиш учун, ҳукумат, марказий иқтисодий идоралар ва Вазирлар Кенгашининг иш услуби тўлиқ ўзгаради. Бунда Тошкентдаги вазирлар ва тармоқлар раҳбарлари Вазирлар Кенгashi билан бирга иш натижалари бўйича ҳар чоракда Жўкорғи Кенгесда ҳисобот беради. Бу масала Олий Мажлис Сенатининг алоҳида назоратида бўлади ва мунтазам равишда жойларга чиқилган ҳолда муҳокама қилиб борилади.

Иккинчи йўналиш – кишлоқ ва сув ҳўжалигини ривожлантириш орқали 70 мингта иш ўрни яратилади ва маҳсулотлар ҳажми икки баробар оширилади.

Биринчидан, Қорақалпоғистоннинг чорвачилик бўйича мавжуд имкониятлари гўшт-сут маҳсулотлари билан нафакат ўзини, балки кўшни ҳудудларни ҳам таъминлай олади. Шунинг учун чорвачилик бўйича учта йўналишдан иборат алоҳида дастур қабул қилинади.

Энг аввало, Бўзатов, Нукус, Тахиатош, Тахтакўпир, Қораўзак ва Кўнғирот туманларида 30 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари тўлиқ озука ва бошка экинлар етиштириш учун ажратилади. Шунингдек, келгуси беш йилда 200 минг гектар яйловларни қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш чоралари кўрилади.

Бундан ташкари, корамоллар сони 500 бошдан кам бўлмаган ҳўжаликларни ташкил этиш учун Қорақалпоғистонда чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади. Ушбу жамғармага дастлаб 100 миллиард сүм ажратилиб, субсидиялар ҳажми кўпайтирилади ва 5 фоизли кредит ажратиш тизими йўлга кўйилади. Шу билан бирга, ҳар бир туманда 200 минг бошли парранда ва 100 гектардан балик ҳўжаликлари ташкил этилади. Шу тарика, келгуси беш йилда гўшт, сут, тухум ва балик етиштириш ҳажми икки баробар оширилади.

Иккинчидан, келгуси беш йилда камида 70 минг гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилиб, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик учун очик танлов асосида ажратиласди. Амударё, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли, Элликқалъя ва Нукус туманларида қўшимча олти минг гектар интенсив боғ ва токзорлар барпо этиласди.

Кораўзак, Тахтакўпир, Нукус ва Кегейли туманларидағи жами 15 минг гектар майдонда кам сув талаб этувчи ва юкори даромад бе-рувчи кунжут каби экинлар экишга ўтиласди. Тўрткўл, Элликқалъя, Амударё, Тахиатош, Хўжайли, Нукус туманларида келгуси беш йилда минг гектардан зиёд замонавий иссиқхоналар куриласди.

Худудда умумий қуввати 56 минг тонна бўлган учта йирик агрологистика маркази ва мева-сабзавотни қайта ишлайдиган 13 та корхона ишга тушириласди. Мўйнокда артемия қобигини йиғиш ва қайта ишлаш бўйича киймати ярим триллион сўмлик 12 та лойиха амалга оширилиб, йилига икки минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш йўлга қўйиласди.

Ҳар йили камида икки минг гектар майдонда кизилмия плантацияларини ташкил этиш бўйича 500 миллиард сўмлик 20 та лойиха амалга ошириласди ва икки мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этиласди.

Учинчидан, ҳар томчи сув олтинга teng бўлган Коракал-погистонда сув таъминоти ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур кабул килинади. Бунда, 100 минг гектарда сув таъминотини ва 120 минг гектарда мелиоратив ҳолатни яхшилаш, шўрланган ерларни 24 минг гектарга камайтириш, 26 минг гектар майдонда сув тежайдиган технологияларни жорий килиш чоралари кўриласди.

Ҳозирги вактда Коракалпогистонда ҳар йили ўртacha 40 минг гектар майдонга шоли экилиб, меъёрга нисбаган 300 миллион куб метр сув ортикча сарфланмоқда. Ваҳоланки, бу сув билан икки баробар кўп майдонда маҳсулот этишириш мумкин.

Шунинг учун кўчат тайёрлашдан бошлаб, кайта ишлашгача бўлган жараённи тўлик камраб олган кластер тизими жорий қилинади. Ушбу кластерлар лазер асосида текислайдиган техника билан ерни тайёрлаб, шолини тўлик кўчат усулида экиш оркали бир йилда икки марта хосил олишни йўлга қўяди. Бунинг учун техника ва замонавий сеялкаларни лизинг оркали бериш, бунга субсидия ажратиш ва имтиёзли кредитлар беришни кўпайтирамиз. Бунинг натижасида 650–700 миллион куб метр сув иктисад қилинади.

Шу билан бирга, Нукус, Кегейли, Чимбой, Кораўзак, Бўзатов, Мўйнок туманлари худудидан ўтадиган “Кегейли” ҳамда Шуманай, Конликул, Қўнғирот, Мўйнок, Хўжайли туманларидан ўтадиган “Параллел” каналларини бетонлаш, 16 та насос станциясини модернизация килишга 100 миллион доллар ажратилади. Бунинг ҳисобидан 80 минг гектар ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолати яхшиланади. Бу ишлар яқин кунларда бошланади.

Туркманистонлик дўстларимиз билан биргаликда “Туямуйин” гидроузелининг “Султон Санжар” дамбасини мустаҳкамлаш ҳисобидан бир миллиард куб метр қўшимча сув захираси яратилади. Умуман, Коракалпогистонда сувдан фойдаланиш са-марадорлигини ошириш оркали йилига икки миллиард куб метр сув тежалади.

Учинчи йўналиш – экология ва аҳоли саломатлигини саклаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

Биринчидан, кейинги беш йилда мамлакатимиз бўйича Коракалпогистонда биринчи булиб барча оиласвий шифокор пунктлари ва поликлиникалар, диспансерлар, туман, шаҳар ва марказдаги шифохоналар тўлик янги қиёфага келтирилади ва жиҳозланади. Бунинг учун дастлабки босқичда бюджетдан 600 миллиард сўм ажратилади.

Иккинчидан, бирламчи тиббиёт бўғинида энг кўп учраётган сурункали касалликларни даволаш ва профилактика қилиш,

сифатли ва малакали тиббий хизматларни маҳаллагача етказиш бўйича самарали тизим яратамиз.

Ўтказилган мониторинглар натижасида Қорақалпогистонда юкори хавф гуруҳига кирадиган аҳолининг 70 минг нафарида – юрак-кон томир, 42 минг нафарида – эндокрин, 35 минг нафарида – нафас йўллари, 33 минг нафарида – ошқозон-ичак, 19 минг нафарида – сурункали буйрак касалликлари борлиги аниқланган.

Айниқса, юрак-кон томир касалликлари – Нукус шахри, Эллиқкальъа, Чимбой туманларида, қандли диабет – Нукус шахри, Қораўзак, Мўйнок туманларида, нафас йўллари касаллиги – Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир туманларида кўп учрайди.

Шу боис ҳар бир маҳалла бириктирилган “тиббиёт бригадалари” ва оиласий поликлиникалар сурункали касалликларни барвакт аниқлаш бўйича зарур воситалар билан таъминланади.

Эрта ўлимнинг асосий сабаби бўлган кон босими ва қандли диабет касалликларини даволаш учун сурункали касали бор беморларга энг зарур дори воситалари бепул тарқатилади.

Йилига ҳар 100 минг аҳолига 66 нафар онкологик касалликлар аникланиши бизни ташвишга солиши табиийдир. Шу сабабли 12 та туман энг замонавий компьютер томографлари билан таъминланади. Бирламчи бўғинда аёллар онкологик касалликларини барвакт аниқлаш учун тегишли тиббиёт муассасалари учта мобил маммограф билан таъминланади. Шу билан бирга, ҳалкаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган 175 ўринли замонавий онкология маркази ташкил этилади.

Қораўзак, Тахтакўпир, Шуманай, Қонлиқўл, Беруний, Тахиатош, Нукус туманлари тиббиёт бирлашмалари лапароскопик ускуналар билан таъминланиб, каминвазив операциялар ўтказиш йўлга кўйилади. Шу билан бирга, Қорақалпогистоннинг 500 нафардан зиёд ёш шифокорлари давлат ҳисобидан энг илфор хорижий клиникаларда малака оширишга жўнатилади. Шунингдек, 15 ёшгача бўлган 610 минг нафар бола ва 40 минг нафар

хомиладор аёл етти турдаги витаминалар билан бепул таъминланади. Натижада аёллар ва болалар ўртасида камконликни 25 фоизга камайтиришга эришамиз.

Учинчидан, Қорақалпоғистонда аҳолига малакали, сифатли ва юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш борасида алоҳида дастур амалга оширилади. Мисол учун, жорий йилда Тошкентдаги ихтисослашган марказларда даволаниш учун Қорақалпоғистондан 3,5 мингдан зиёд фуқаро мурожаат қилган. Улардан 1,5 минг нафари ҳалигача навбатда турибди, 604 нафари эса юқори технологик операцияларга муҳтоҷ. Уларни даволашга 40 миллиард сўм ажратилади ва ушбу операциялар бепул ўtkазилади.

Ўтган ҳафтада Нукус шаҳрида тўрт нафар беморга буйракни кўчириб ўтказиш, икки нафарига кохлеар имплантанти ўрнатиш, бир нафарига трахея стенозини тўғрилаш каби мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилгани қувонарли ҳол, албатта.

Келгуси йилларда Оролбўйи ахолисига юқори технологик тиббий хизматларни молиялаштириш учун алоҳида жамгарма ташкил этилади. Ушбу жамгарма баркарор молия манбалари билан таъминланади.

Шу билан бирга, Тошкентдаги тиббиёт марказларини Қорақалпоғистоннинг барча ҳудудлари билан боғлаймиз. Ҳусусан, Республика кардиология маркази – Нукус шахри, Элликкаль ва Чимбой туманларига, Эндокринология маркази – Нукус шахри, Қораўзак, Мўйнок туманларига, Фтизиатрия маркази – Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир туманларига бириклирилади. Шунингдек, Қорақалпоғистондаги марказий ва туман шифохоналарида олдин бўлмаган 40 турдаги жарроҳлик амалиётлари, 15 турдаги эндокринология ва 12 турдаги кардиология даволаш амалиётлари кўпайтирилади.

Тўртингчидан, Қорақалпоғистонда “яшил ҳудудлар”ни кўпайтиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилади. Жум-

ладан, келгуси беш йилда Орол денгизининг қуриган ҳудудида яна бир миллион гектар ўрмонзор ва бутазорлар барпо этилади. Шунингдек, шаҳар ва туманлар марказида жами 280 гектар, жумладан, Нукус шаҳрида 50 гектар майдонда жамоат парклари ва яшил майдонлар ташкил этилади. Нукус шаҳри атрофидаги “яшил белбоғ” майдони яна 200 гектарга кенгайтирилади.

Йўл бўйи ҳудудлари, маҳаллалар, корхоналар, ижтимоий обьектлар, далалар атрофида ҳар йили 15 миллион туп дарахт, жамоат жойларида манзарали буталар экилади. Шунингдек, келгуси беш йилда Кўнгирот, Мўйнок, Беруний, Элликкальъ ва Амударё туманларида жами 550 минг гектар ҳудудда табиий қўрикхоналар, келгуси йилдан бошлаб бир миллион гектар ҳудудда Оролкум миллий табиат боғи ташкил этилади. Натижада Қоракалпогистонда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони тўрт миллион гектарга етказилади.

Бешинчидан, Оролбўйи ҳудудида соғликни саклаш, таълим, ичимлик суви таъминоти, ёшлар тадбиркорлиги, аёллар бандлиги йўналишларидағи лойиҳаларни молиялаштириш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўп томонлама шериклик асосидаги Траст жамғармасига жами бир миллиард доллар грант ва имтиёзли кредитлар жалб қилинади.

Жорий йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан Оролбўйи минтақаси Экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилинди. Шу муносабат билан кабул қилинган дастуримизга мувофиқ, аниқ лойиҳаларни молиялаштириш учун 2,5 трилион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Навбатдаги мухим йўналиш – аҳоли ва тадбиркорлик учун қулай инфратузилма яратишдан иборат.

Шу мақсадда, **биринчидан**, Оролбўйи ҳудудлари инфратузилма жамғармаси ташкил этилади ва унга мамлакатимиз бюджетидан ҳар йили 100 миллиард сўм ажратилади. Ушбу маб-

лағлар туман ва шахар Халк депутатлари кенгашларининг қарори билан ҳудуд учун энг зарур объектларни реконструкция килишга йўналтирилади.

Иккинчидан, келгуси беш йилда марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 65 фоиздан 90 фоизга етказилади.

Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича алоҳида жамғарма ташкил этилади ва бу орқали йилига камида 200 миллион доллар йўналтирилади. Жумладан, Қоракалпогистонда келгуси беш йилда 2,6 минг километр ичимлик сув тармоғи тортилиб, 70 та сув иншооти барпо этилади. Бу орқали 250 та маҳалладаги 300 мингта хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Олис ҳудудлардаги овуллар, боғча, мактаб ва шифохоналарга шўр сувни ичимлик сувига айлантириб берадиган мингта ускуна ўрнатилади.

Бундан ташқари, 236 миллион долларлик лойиҳалар хисобидан 440 километр канализация тармоғи, 110 та марказлашган ва локал оқова сув иншоотлари курилади. Натижада 70 та маҳалладаги 80 минг хонадон канализация тизимиға уланади ва оқова сув тизими камрови 16 фоиздан 55 фоизга етади.

Учинчидан, ҳалқимиз хаётини янада яхшилаш, уни арzon ва сифатли уй-жой билан таъминлаш мақсадида Қорақалпогистонда келгуси беш йилда жами 22 минг квартирали 730 та кўп қаватли уй-жойлар курилади. Бу – олдинги йилларга нисбатан карийб икки баробар кўп, дегани.

Шунингдек, аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, якка тартибдаги уй-жойларни кенгайтиришга ипотека кредитлари кўпайтирилади. Тахиатош, Қўнғирот, Ҳужайли туманларида авария ҳолатидаги икки қаватли уйларда яшайдиган аҳоли учун янги кўп қаватли уй-жойлар барпо этилади. Бунга жорий йилда 50 миллиард сўм ажратдик.

Нукус шаҳри, Тахиатош ва Кўнғирот туманларида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш учун 350 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилади ва мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар марказлашган ва индивидуал иссиқлик таъминотига уланади.

Тўртингчидан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасидаги тизимли ишлар давом эттирилади. Куни кеча шароити энг оғир бўлган 21 та маҳаллада ободончилик ишларини амалга ошириш, йўл, электр ва сув тармокларини таъмирлаш учун бюджетдан 32 миллиард сўм ажратилди. Келгуси йилда шароити оғир бўлган яна 38 та маҳаллага 70 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Амударё, Беруний, Нукус, Тахиатош, Тўрткўл, Элликкалья туманларидаги 46 та маҳаллани ободонлаштириш, ижтимоий объектларни куриш ва таъмирлаш учун 90 миллион доллар ажратилади.

Шунингдек, аҳолининг энергия таъминотини яхшилаш мақсадида келгуси беш йилда 5 минг километр тармоклар янгидан курилади ва реконструкция қилинади, 1,5 мингга яқин трансформатор ва 12 та подстанция янгиланади.

Бешинчидан, Коракалпогистонда 12 минг километрдан зиёд халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик ва ички йўлларнинг катта қисми таъмирга муҳтоҷ аҳволда. Шунинг учун келгуси беш йилда 7 триллион сўм маблағ йўналтирилиб, 5 минг километр йўллар курилади ва таъмирланади. Шунингдек, 500 миллиард сўм маблағ хисобидан 370 та кўприк тўлиқ таъмирланади. Шу оркали Амударё, Конлиқўл, Корайзак, Мўйнок, Шуманай ва Элликкалья туманларида кўприклар билан боғлик муаммолар тўлиқ ҳал этилади.

Амударёнинг икки соҳилини боғлайдиган, 412 метр узунликдаги янги барпо этилаётган кўприк Коракалпогистон ва Хоразм иқтисодиёти учун ҳам, аҳоли учун ҳам катта кулайликлар

яратади. Ушбу лойиха доирасида 79 километрлик Шовот – Гурлан – Жумуртов – Кораўзак темир йўл тармоғи қурилмоқда. Бу – юртимиздан Россия ва Қозогистонгача юк ташишни 240 километрга, вактни эса 6 соатга кисқартиради.

Амударё туманида янги темир йўл вокзали қурилади. Шунингдек, Қўнғирот, Тўрткўл ва Хўжайли вокзаллари реконструкция қилинади.

Бешинчи йўналиш – таълим сифатини ошириш орқали Қоракалпогистонда инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор каратамиз.

Ҳозирги вактда республика аҳолисининг 55 фоизини ёшлар ташкил этади. Ана шу фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, уларни энг замонавий ва талаб юкори бўлган касб-хунарларга ўқитиш, бўш вактини мазмунли ташкил этиш учун зарур шароитлар яратилади. Бу орқали келгуси беш йилда мактабгача таълим билан қамров даражаси 71 фоиздан 87 фоизга етказилади. Бунинг учун янги 40 та давлат ва хусусий, 525 та оиласий боғчалар ташкил этилади, 73 та давлат боғчаси реконструкция қилинади ва яна 40 минг нафар болажонларга боғчага бориш имконияти яратилади.

Қоракалпогистонда келгуси йилдан бошлаб **бошлангич 1–4-синф ўқувчилари** учун бепул тушлик бериш йўлга кўйилади. Бунинг учун бюджетдан йилига 100 миллиард сўм ажратилади.

Шунингдек, келгуси беш йилда жами 90 мингдан зиёд янги ўқувчи ўринлари яратилади. Жумладан, 55 та янги мактаб, 187 та мактаб учун кўшимча ўкув бинолари қурилади, 135 та мактаб капитал таъмирланади ва тўлиқ жихозланади. Бунинг хисобидан Нукус шаҳридаги мактабларнинг юкламаси 30 фоизга, Тўрткўлда эса 25 фоизга камаяди. Бўзатов, Қўнғирот, Эллиққалъа туманларида мактаблар тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Ушбу максадларга бюджетдан 1,6 триллион сўм ажратилади.

Келгуси беш йилда олий таълим билан камраб олиш даражаси 50 фоизга етказилади. Бунинг учун Қорақалпоғистонда мамлакатимиздаги 5 та нуфузли олийгоҳ ва хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилади.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали учун янги ўқув биноси қурилади ва унинг шароитлари яхшиланади. Талабаларни тураг жой билан таъминлаш максадида қўшимча 6 минг ўринли янги ёткозоналар қуриб битказилади.

Шу билан бирга, келгуси беш йилда ҳар бир шахар ва тумандаги Ёшлар марказлари ва умумтаълим мактабларида 100 мингдан зиёд ёшлар чет тиллари ва ахборот технологияларига ўқитилади. Бунинг учун мактабларнинг 500 та синфхонаси энг замонавий компьютерлар ва юкори тезликдаги интернет билан таъминланади.

Шунингдек, 50 мингдан зиёд, жумладан, “ёшлар дафтари”га кирган 13 минг нафар ёшларнинг бизнес лойиҳалари, стартапларини қўллаб-куватлашга 750 миллиард сўм кредит ва субсидиялар ажратилади. Олис ва чекка ҳудудлардаги ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун ҳар йили 20 миллиард сўм грантлар берилади.

Нукус шаҳрида илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт соҳалидаги энг сара намуналар жамланган, замонавий жиҳозланган Бердақ номидаги Қорақалпоқ миллий кутубхонаси барпо этилади.

Азиз хамюртлар, кадрли дўстлар!

Мен бугун Қорақалпоғистонни ҳар томонлама тараккий эттириш, бу заминда яшаётган заҳматкаш инсонларнинг ҳаётини янада файзли ва фаровон килиш бўйича аник белгилаб олган энг асосий режа ва дастурларимиз ҳакида кисқача тұхталиб ўтдим.

Албаттa, Қoraқalpoғistonдagi ишларимиз факат шулар билан чекланиб колмайди. Чунки бугун шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга янги-янги вазифаларни қўймокда. Давр талабларидан келиб чикиб, келгусида сизлар билан биргаликда

Корақалпоғистонда яна күплаб катта ишларни амалга ошира-
миз, деб ишонаман.

Биз сайловолди дастуримиздан ўрин олган ҳар бир масала
хакида чуқур ва атрофлича фикр юритиб, пухта таҳлил килиб,
уларни рўёбга чиқаришнинг аниқ чораларини белгилаб олган-
миз. Бугунги учрашувимизда ана шу масалалар хакида коракал-
поғистонлик тажрибали раҳбарлар, оддий ҳалқ ҳаётини яхши
биладиган инсонлар, ҳурматли эл оксоколлари билан маслаҳат-
лашиб, билдирилган таклифлар асосида дастуримизни янада
бойитишни мақсад қилганимиз.

Бир сўз билан айтганда, Қоракалпоғистон бўйича режалари-
миз жуда салмоқли, ниятларимиз катта.

Бу эса ҳар биримиздан масалага чуқур масъулият билан ён-
дашиб, ҳар бир кун, ҳар бир соатдан унумли фойдаланишни та-
лаб этади. Эзгу ва пок ниятлар билан бошланган ҳар қандай иш
албатта ижобий натижа беради.

Мен бугун амалга ошираётган ислоҳотларимиз ҳалқимизни
рози қилишдек улуғ мақсадга қаратилганини тақрор ва тақрор
айтишдан чарчамайман. Бундай юксак мэрраларга баландпарвоз
гаплар билан эришиб бўлмаслигини, бу йўлда тинимсиз, ҳалол
ва фидокорона меҳнат қилиш зарурлигини ҳаммамиз яхши ту-
шунамиз. Бу борада ҳар бир раҳбар – вилоят, шаҳар ва туман
ҳокимлари барчага, аввало, ёшларга ўrnak ва намуна бўлиши
керак.

Барчамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз, ҳозирги глобалла-
шув даврида инсониятнинг тақдирни ва келажагига таҳдид со-
лаётган ҳавф-хатарлар, иқтисодий-молиявий инкиroz тобора
кучайиб бормоқда. Ҳалқаро майдонда турли зиддият ва қара-
ма-каршиликлар, шафкатсиз ракобат, манфаатлар тўкнашуви,
савдо урушлари кечмоқда.

Мана шундай кескин ва мураккаб вазиятда Ўзбекистонга
раҳбарлик қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш албатта
осон бўлмайди. Мен ана шундай улкан масъулиятни зиммамга

олишга қарор қилган эканман, аввало жонажон ҳалқимизнинг, хусусан, сиз, азиз қоракалпок ҳалқининг ишончига, ёрдам ва мададига таянаман.

Сўзимни улуғ Бердақ бобомизнинг ҳикматли сатрлари билан якунлашни истардим:

*Меҳнат қилгин, тугилгансан эл учун,
Жонингни аяма улус, ҳалқ учун,
Киндиқ қони томган азиз ер учун
Умр бўйи хизмат қилган яхшироқ.*

Қаранг, буюк алломанинг бу доно ўғитлари айнан биз – бутунги авлодлар учун амалий харакатга даъват эмасми?

Янги Қоракалпоғистонни бунёд этишдек ғоят масъулиятли ва шарафли йўлда барчамизга янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин!

Яна бир бор барчангизга сиҳат-саломатлик, толмас куч-гайрат, баҳт ва омад тилайман.

Қаракалпак элини ҳеш қашан берекет тарк етпесин!
Доимо соғ-омон бўлинглар!
Эътиборингиз учун раҳмат!

*Бузатов тумани,
2021 йил 21 сентябрь*

ХОРАЗМНИНГ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ, ТАНТИ ВА МЕҲНАТКАШ ХАЛҚИ – УНИНГ ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧ ТОҒИДИР

*(Хоразм вилояти сайловчилар вакиллари
билин учрашувдаги нутқ)*

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!

Хурматли сайловчилар!

Аввало, бугун мана шу кадим ва табаррук заминда сиз, азизлар билан соғ-омон, хуш кайфиятда кўришиб турганимдан баҳтиёрман.

Мен ҳар гал Хоразм вилоятига ташриф буюрсам, сизлар билан мана шундай самимий сухбат ва мулоқотларни доимо орзикib кутаман.

Илгари Хоразмга келсам, бир нарсага ҳайрон бўлардим. Нега Хоразмда тоғлар йўқ, деб ўйлардим. Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг “Куёш соати” деган ажойиб китобини ўқиб, бу саволимга жавоб топгандай бўлдим. Атокли шоиримиз: “Хоразмнинг буюк тоғлари – бу Мухаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Пахлавон Маҳмуд, Оғаҳий, Ферузлардир”, деб ёзади.

Мен бунга кўшимча қилиб, Хоразмнинг ҳакиқий тоғлари – унинг мард ва олиjanоб, танти ва меҳнаткаш халки, деган бўлардим. Чиндан ҳам, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаронлиги йўлида кунни тунга улаб, фидокорона меҳнат қилаётган Хоразм эли вакиллари билан учрашганда, мен доимо ўзимга катта куч-куvvat оламан.

Хоразмнинг неча минг йиллик тарихи, кадимий ва муazzзам шаҳарлари, бетакор меморий обидалари ғуруримни тоғдек юксалтиради.

Азиз дўстлар!

Яхши биласизлар, Хоразм атамаси билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятларда ушбу воҳа кўёшли ер, мукаддас, унумдор замин сифатида таърифланади.

Кадимий Хоразм эли ҳар қандай боскин, ҳар қандай кийинчиликни мардона енгиб яшагани тарихдан яхши маълум. Мұғуллар истилосига қарши курашган улуғ авлиё Нажмиддин Кубро, буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди сингари шонли аждодларимизнинг жасорати барчамиз учун ибрат мактабидир.

Бу күхна маконда бундан неча минг йиллар олдин давлатчиклик ва шаҳарсозлик асослари, бой маданият ва цивилизация яратилгани дунё илм-фанида эътироф этилган.

Муборак заминимиздан етишиб чиқкан Мұхаммад Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ибн Ирок сингари IX–XII асрлардаги илк Уйғониш даврининг машҳур вакиллари билан барчамиз ҳақли равишида фахрланамиз. Ана шундай буюк алломаларимизнинг улкан хизматлари билан Хоразм Маъмун академияси нафакат Шарқ, балки Ғарб оламида ҳам довруқ қозонган.

Қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг номини барчамиз яхши биламиз. Лекин бу улуг алломанинг илмий фаолияти ҳакида, афсуски, ҳаммамиз ҳам етарлича маълумотга эга эмасмиз.

Ўзингиз тасаввур қилинг, ўша олис ўрга асрларда Беруний бобомизнинг астрономияга оид 70 та, математикага оид 20 та, картографияга оид 4 та, метрология ва минералогияга оид 3 тадан, физика ва фармакологияга оид биттадан, тарих ва этнография бўйича 15 та, фалсафага доир 4 та ва адабиётга доир 18 та асар яратгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон ташаббуси билан ЮНЕСКО томонидан 2022–2023 йилларда Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини кенг нишонлаш бўйича карор қабул қилиниши кутилмоқда. Юбилей муносабати билан Беруний бобомиз фаолият кўрсатган Маъмун академияси самарадорлигини янги боскичга кўтариш, алломанинг тўла асарлар тўпламини нашр этиш, унинг ҳаёти ва илмий меросига бағишлиб ҳалқаро конференция ўtkазиш каби муҳим ишларни амалга оширишимиз керак.

Халқимизнинг: “Оққан дарё – оқаверади”, деган ҳикматли сўзлари бутун юртимиз, жумладан, Хоразм ҳакида айтилгандек туюлади. Кўплаб нодир асарлар, жумладан, араб тили грамматикисини яратган етук олим Махмуд Замахшарий, туркий адабиётнинг кўзга кўринган намояндаси Носириддин Рабғузий, елкаси ерга тегмаган Пахлавон Махмуд ва “Хоразмий” номини олган бошқа юзлаб машхур аллома ва шоирлар билан ҳар қанча ғурурлансанк арзиди.

Юртимиз заминида юз берган Иккинчи Уйғониш даври ғояларидан руҳланган Абулғозий Баҳодирхон, Шермуҳаммад Мунис, Мухаммад Ризо Оғаҳийдек улуг зотларнинг илмий ва ижодий ютуклари негизида ҳам Хоразм элининг бекиёс салоҳияти мужассам, десак, адашмаган бўламиз.

Машхур венгер сайёхи, шарқшунос олим Арминий Вамбери билан 1863 йилда Европага кетган хоразмлик мулла Исҳок Иброҳим тарихини сизлар яхши биласиз.

Муҳими шундаки, бу одам қисқа вакт ичида венгер тилини ўрганиб, Венгрия Фанлар академиясида ишлаш даражасига етган. Венгер адабиётининг нодир намуналарини ўзбек тилига ўтирган. Унинг венгер тилида чоп этилган ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди намуналари жамланган китоби Европа илмий жамоатчилигига катта кизиқиши уйғотган.

Бу йил Венгрия Бosh вазири Виктор Орбан расмий ташриф билан юртимизга келганидан хабардорсиз. Мен у кишига венгер ҳалкининг туркий илдизлари ҳакида ҳикоя қиласидиган, Исҳок Иброҳим томонидан ўзбек тилига таржима этилган **“Ажойиб суйғуннинг ҳикояти”** номли китобни совға қилганимда, ниҳоятда таъсирланиб, хурсанд бўлиб кетди.

Бугун даврамизда ана шу ватандошимизнинг хаёти ва фаолиятини чукур ўрганаётган ёш тарихчи олим Умид Бекмуҳаммад ҳам ўтириби.

Фурсатдан фойдаланиб, илм-фан, спорт ва бошқа соҳаларда нафакат юртимиз, балки ҳалкаро миқёсда катта натижалар-

га эришиб келаётган азму шижаатли барча Хоразм ёшларига ўз хурмат-эхтиромимни билдираман.

Хоразм халқи ҳозирги кунда аждодларимиздан ўтиб келаётган, мана шундай юксак ватанпарварлик руҳи билан яшамоқда ва меҳнат килмоқда.

Бугун ғоят кийин ва оғир даврларда элга бош бўлган, юрт фаровонлиги учун хизмат килган Малиёр Худойберганов, Рийма Худойберганова, Маркс Жуманиёзов, Шакаржон Хўжаниёзова каби ёшуллиларни барчамиз хурмат билан ёдга оламиз.

Машариф Қувоков, Бектурди Жуманиёзов, Ислом Бобожонов, Гулмат Ҳайтметов, Шарифбой Ражабов, Вера Пак, Анора Махмудова, Эгамберган Каримов, Равшанбек Курбонов сингари Ўзбекистон Қаҳрамонларининг турли соҳалар ривожига катта хисса кўшганини миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Ўзбек адабиётининг равнақ топишида Хоразм адабий муҳити, хусусан, Мухаммад Ризо Оғаҳий муҳим ўрин тутиши ҳаммамизга маълум. Улуғ шоир номидаги ижод мактабида таълим олаётган ёшлар ўз ижодий ютуклари билан бутун мамлакатимизда танилиб келаётгани барчамизни албатта қувонтиради.

Хоразм ахлининг маданий салоҳиятини, санъатга чинакам фидойилигини кўрган ҳар кандай одам албатта қойил колади.

Чиндан ҳам, санъатга яқин бўлган, санъатни қадрлайдиган инсоннинг қалбида эзгулик бўлади.

Хабарингиз бор, ўтган йили бебаҳо маънавий дурдонамиз – “Лазги” ракси ЮНЕСКО томонидан инсоният номоддий мероси рўйхатига киритилди.

Якинда Германиядаги Дортмунд балети хореографи Раймондо Ребек Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёкубова билан биргаликда саҳналаштирган “Лазги – муҳаббат ва қалб ракси” балети Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида муваффакиятли намойиш этилди. Эндиликда бу спектаклни Париж ва бошқа Европа шаҳарларидаги муҳташам саҳналарга олиб чикиш режалаштирилган.

Бундай натижалар бежиз эмас, албаттa. Хоразмнинг ўзига хос бетакрор санъати маданиятизмнинг олтин фондини ташкил этади, десак, муболага бўлмайди.

Бу ҳақда гапирганда, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Қувондик Искандаров, Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов, Раҳматжон Курбонов сингари атокли санъаткорлар, Фарход Давлетов, ака-ука Эшчоновлар, Оғабек Собиров, Тўлқин Жабборов, Бунёдбек Саидов, Дилмурод Султонов каби уларнинг ўнлаб истеъодли шогирдлари номларини тилга олишимиз табийдир.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Рухсатингиз билан охирги беш йилда Хоразм вилоятида амалга оширилган ўзгаришларга қисқача тўхталиб ўтмокчиман.

Ўтган даврда вилоятда 141 мингта янги доимий иш ўринлари яратилди. “Темир дафтар”га киритилган 17 мингта оила даромад манбаи билан таъминланиб, камбағалликдан чиқарилди. Ўртacha иш ҳаки кариб уч баробар ошиб, 2,5 миллион сўмга етди.

Ўтган беш йилда саноат, хизмат кўрсатиш ва кишлоқ ҳўжалити соҳасида умумий киймати 2 миллиард доллар бўлган, 7 мингдан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, янги кувватлар ишга туширилди. Жумладан, Хивада йирик гилам ишлаб чиқариш фабрикаси, Бофот, Янгиарик туманлари ва Урганч шаҳрида трикотаж, Янгиарикда мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари ўз фаолиятини бошлаб, минглаб янги иш ўринлари ташкил этилди. Тупроққалъада электр двигател ва автомобил кузови панеллари ишлаб чиқариш бўйича йирик саноат кувватлари ишга туширилди.

Худудга жалб килинган инвестициялар 2,5 баробар ўсади. Тўғридан-тўғри хорижий сармоя ҳажми 7 марта ошиб, йилига 150 миллион долларга етди.

Саноат маҳсулоти ҳажми 1,7 баробар кўпайди, 64 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, етакчи тармоқлар бўлган тўқимачилик, автомобилсозлик, озик-овқат, курилиш материаллари, электротехника саноатида маҳсулот

ишлаб чикариш ўртача икки марта ўсади. Экспорт хажми олдинги 5 йилга нисбатан икки баробар ошиб, 720 миллион долларни ташкил этди.

Кўп йиллар давомида муаммо бўлиб келган Тошсоқа ирригация тизими 146 миллион доллар хисобидан реконструкция килинди. Натижада 191 минг гектар кишлок хўжалиги ерларига сув етиб борди.

Пахта толасини кайта ишлаш даражаси икки баробар, мева-сабзавот ва пилла бўйича уч марта ошди. Вилоятда 100 миллион доллардан зиёд маблаг йўналтирилиб, 370 гектар замонавий иссиқхоналар барпо этилди.

Туризм соҳасида 80 та янги меҳмонхона курилди, жами меҳмон ўринлари икки баробар ошди. Хива шаҳрига темир йўл етиб борди ва янги вокзал ишга туширилди. Кичик бизнес субъектлари икки марта кўпайиб, уларнинг сони 22 мингдан ортди.

Мактабгача таълим қамрови 21 фоиздан 65 фоизга етказилди. Вилоятда 3 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилди. 6 та янги мактаб курилди ва 205 та мактаб реконструкция қилинди.

Аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида 12 минг хонадонли уй-жойлар барпо этилди. Юкори кучланишли янги электр тармоклари курилиб, электр таъминоти сезиларли даражада яхшиланди. Марказлашган ичимлик суви таъминоти даражаси 52 фоиздан 80 фоизга етди, 503 минг аҳоли тоза сув билан таъминланди. “Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 89 та кишлок ва маҳалла ҳамда барча туман марказларини обод қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Умуман, ўтган беш йил давомида Хоразмни иқтисодий-ижтиёмий ривожлантиришга жами 9 триллион сўм йўналтирилди. Давлат бюджетидан 2,4 триллион сўм, халқаро молия ташкилотларидан 226 миллион доллар, шунингдек, 4 триллион сўм банк кредитлари ажратилди.

Қадрли дўстлар!

Хоразмда бўлаётган ўзгаришларни халқимиз ҳам ўз ҳаётида сезиб, эртанги кунга ишончи, орзу-умидлари, шу билан бирга, талаб ва эҳтиёжлари тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли биз одамларимизга муносиб турмуш шароитини яратиш, уларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, инсон қадрини улуғлаш, унинг иззат-хурматини жойига қўйиш учун янги режа ва дастурларни амалга оширишимиз зарур.

Бу борада, аввало, вилоят аҳолиси ва тадбиркорларини кандай долзарб муаммолар ташвишга солаётганини, уларни ҳал этиш учун мавжуд резерв ва имкониятларни чукур ўргандик.

Бугунги кунда Хоразмдаги энг катта муаммолардан бири – 80 мингдан зиёд аҳоли бандлигини таъминлашимиз керак. Шунингдек, меҳнат бозорига ҳар йили 30 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. Айниқса, бу масала Қўшкўпир, Янгиарик, Янгибозор туманларида ўта долзарб бўлиб турибди.

Иккинчи мухим масала – аҳолининг ҳаёт даражаси ва инфратузилмани яхшилаш.

Вилоятда кўплаб оиласарнинг яшашиб шароитини яхшилашга эҳтиёж бор. Биргина Ҳонқада 6 минг оила уй-жойга мухтож. Ҳазорасп, Хива, Шовот, Янгиарик аҳолисининг ичимлик суви бўйича таъминоти паст даражада колмоқда. Барча туманларда йўл-транспорт, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмасини яхшилаш талаб этилади.

Учинчи жиддий муаммо – 542 минг нафар ёки 30 фоиз аҳолининг сурункали касаллиги бор. Урганч шаҳри, Ҳазорасп, Қўшкўпирда – юрак-қон томир, Хива, Ҳазорасп, Ҳонқа туманларида – қандли диабет, Шовот, Ҳонқа, Ҳазораспда – нафас йўллари касалликлари кўп учрамоқда.

Тўртинчи долзарб масала – таълим соҳасидаги муаммолар вилоят ёшларининг салоҳиятини ва аник фанларга интилишини рўёбга чиқаришга тўсик бўлмоқда. Вилоятда 30 та мактабда ўқиши 2–3 сменада ташкил этилмоқда. Келгуси беш йилда ўкув-

чилар сони 35 мингтага кўпайиб, мактабларга юклама янада ошади.

Ана шу муаммоларнинг барчасини ҳисобга олиб, биз вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур тайёрладик.

Дастурга мувофиқ, куйидаги устувор йўналиш ва вазифаларга асосий зътибор қаратамиз.

Биринчи йўналиш – ишсизлик ва камбагалликни қискартириш, ахоли даромадларини ошириш максадида келгуси беш йилда вилоятда 250 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Авваламбор, маҳаллаларда тадбиркорликни кенг жорий этиш оркали 100 мингдан зиёд янги иш ўрни очилади. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ва иш ўринларини яратиш учун масъул бўлган ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий қилинади. Энди оиласвий тадбиркорлик дастурлари доирасида тадбиркорларга ажратиладиган 700 миллиард сўм имтиёзли банк кредитлари ана шу ҳоким ёрдамчилари билан бирга ишлаб чиқилган лойиҳалар учун берилади.

Шунингдек, шароити оғир 98 та маҳалланинг инфратузилмасини ривожлантириш учун бюджетдан 150 миллиард сўм йўналтирилади. Ушбу маҳаллаларда кооперациялар ташкил этилиб, уларга жами 200 миллиард сўм микдорида 10 фоизлик кредитлар ажратилади.

Мисол учун, Боготдаги “Ўзбекистон”, “Қипчок” ва “Тозабозор” маҳаллаларида чорвачилик ва паррандачилик, Ҳазораспадаги “Бағдод”, “Ўзбекистон” ва “Ойбек” маҳаллаларида тикувчилик, Хива туманидаги “Отажон Тўра” маҳалласида гилам тўкиш, Хива шаҳридаги “Калта минор” маҳалласида мебел ишлаб чиқариш бўйича кооперациялар йўлга қўйилади.

Шунингдек, ахолини касб-хунарга ўқитиб, тадбиркорликка жалб қиладиган микрокредит ташкилотларига 50 миллиард сўм микдорида 5 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилади. Бу тажриба Хоразмдан бошланади.

Ёшларнинг ўз бизнесини бошлишига амалий ёрдам бериш учун Урганч туманида бизнес-инкубатор ташкил этилади.

Иккинчидан, туризм ва хунармандчилик вилоятда янги иш ўринларини яратишида асосий драйвер соҳалар бўлади.

Келгуси беш йилда туризм хизматларини камидан беш баробар ошириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади. Бунда янги меҳмонхона ва оиласий меҳмон уйлари ташкил этилиб, ўринлар сони 8 мингтага етказилади.

Урганчдаги Пахлавон Махмуд ва Хивадаги Аллея ҳудудларида “Туризм кўчаси” барпо этилади. Хива шаҳрига тезюарар поезд қатнови йўлга кўйилиб, туристлар оқими камидан икки марта ошади.

“Мангуберди Ватанига саёҳат” номли ички туризм дастури орқали ҳар йили 500 мингдан зиёд ўкувчи, талаба ва пенсионерларнинг Хоразмга сафарини ташкил этиш мўлжалланмокда.

Шу билан бирга, хозирги кунда эътибордан четда қолган 100 дан зиёд маданий мерос объектларини реставрация килишга давлат буюртмаси жорий қилинади ҳамда уларга олиб борадиган инфратузилма тикланади. Бунинг учун бюджетдан ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади.

Мисол учун, Иchanкальядаги Нажмиддин Кубро сабоқ берган Шайх Кабир масжиди, хонақоҳ ва чиллахона реконструкция килиниб, зиёратгоҳга айлантирилади. Араб Муҳаммадхон мадрасасидаги 56 мингта экспонат, нодир топилма ва буюмларни саклаш ва намойиш қилиш учун янги музей ташкил этилади. Ушбу объектлар негизида янги туризм маршрутлари кўпайтирилиб, 200 дан ортиқ сервис шохобчалари барпо этилади ва икки мингга яқин иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, Хива шаҳрида ЮНЕСКО кўмагида реставрация мактаби ташкил этилади. Ушбу мактабда малакали мутахассислар тайёрлаш учун хориждан ҳам етакчи экспертларни олиб келамиз.

Хунармандчилик йўналишида келгусида 15 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Масалан, Хонқада кигиз тайёрловчилар, Янгиарик ва Кўшкўпирда кулоллар, Хивада гиламчи ва ёғоч ўй-макорларини қўллаб-кувватлаш учун уларга накд пулда кредит берилади ва асбоб-ускуналар сотиб олишга субсидиялар ажратилади.

Шунингдек, Кўшкўпирда янги дизайндаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва кадоқлаш, электрон савдо платформаси орқали сотиш, маркетингга ўқитиш бўйича Хунармандлар ўкув маркази ташкил этилади.

Хунармандлар маҳсулотлари бўйича Хоразм брендини яратиш ва бозорларга олиб чиқиш дастури амалга оширилади.

Учинчидан, 12 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қискартирилиб, аҳолига очик танлов асосида 50 сотихгача ер узок муддатли ижарага берилади ва 55 мингдан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланади.

Шунингдек, Янгиарик туманида экин экilmайдиган ерларда тадбиркорлар томонидан қудуклар қазилиб, ихчам иссикхоналар курилади ва улар аҳолига кооперация асосида берилади. Натижада икки минг нафар аҳоли иш билан банд бўлади. Вилоятда бу тажрибани жорий этишга дастлабки босқичда 100 миллиард сўм ажратилади.

Туртинчидан, хоразмлик моҳир усталар қурилиш соҳасида катта салоҳиятга эга экани ҳаммага маълум. Уларнинг фаолиятини қўллаб-кувватлаш мақсадида ўзини ўзи банд қилган усталарга кооператив асосда биргаликда ишлашга рухсат берилади. Шунингдек, касб-хунар маркази ташкил этилиб, уни битиргандарга асбоб-ускуна сотиб олишга субсидия ажратилади. Шу орқали 10 минг нафар фуқаро ўқитилиб, уларнинг бандлиги таъминланади.

Бешинчидан, келгуси беш йилда хизмат кўрсатиш соҳасида мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, 25 мингта янги иш ўрни яратилади. Урганч ва Хива шаҳарлари ўртасида 100 дан

зиёд замонавий сервис объектлари барпо этилади. Бу ишлар Урганч, Хонқа, Богот, Ҳазорасп, Тупроқкальъа туманларидаги йўллар бўйларида ҳам амалга оширилади.

Шунингдек, қадимдан савдо-сотик ривожланган, тадбиркорлар юрти бўлган Ҳазораспа бозор худуди кенгайтирилиб, у замонавий транспорт-логистика ва савдо марказига айлантирилади.

Иккинчи йўналиш – келгуси беш йилда вилоятда 5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш оркали 70 мингдан зиёд доимий иш ўринлари яратилади.

Масалан, Урганч, Богот, Гурлан, Шовот, Ҳазорасп, Янгиарик ва Кўшкўпир туманларида тўқимачилик соҳасида лойиҳа қиймати 263 миллион доллар бўлган 48 та янги қувват ишга туширилади. Натижада келгуси йилда пахта толасини қайта ишлаш даражаси ҳозирги 51 фоиздан 100 фоизга, 2026 йилда ип-калавани қайта ишлаш ҳажми 30 фоиздан 100 фоизга етказилади.

Шунингдек, пахта етиштириш оғир бўлган туманларда сунъий ип-калава ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

Келгуси икки йилда Янгиарикда 174 мегаваттли газ-поршенили электр станцияси ва Тупроқкальъада 100 мегаваттли куёш электр станцияси ишга туширилади. Натижада 283 та маҳалла ва мингдан зиёд корхонани таъминлаш учун етарли бўлган кўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Тупроқкальъадаги “Узавтомоторс”нинг Хоразм филиалида автомобиллар учун 100 дан ортиқ бутловчи кисмларни кооперация асосида ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Шунингдек, 2024 йилда 250 миллион доллар хорижий инвестиция ҳисобидан йилига 30 минг тонна каустик сода ишлаб чиқариш йўлга кўйилади.

Тупроқкальъада литий-ионли батареялар, Урганч туманида электрон газ горелкалари, буғ ва иситиш қозонларини ишлаб чиқариш бошланади.

Вилоятда 40 та янги кичик саноат зонаси барпо этилади. Бунга бюджетдан дастлабки босқичда 100 миллиард сўм берилади. Ушбу зоналарда 500 миллион долларлик мингдан зиёд лойиха амалга оширилиб, 20 мингта янги иш ўрни яратилади.

Мисол учун, Хонкадаги Сарапаён кишлогида мебел чиқариш бўйича кичик саноат зонаси барпо этилиб, мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилади.

Миллий банк, “Саноаткурилишбанк” ва “Асакабанк” томонидан очилган “Хоразм инвест пројект” компаниясининг устав фонди 80 миллион долларга етказилади.

Келгуси беш йилда вилоятда экспорт ҳажми 2,5 баробар ортиб, йилига 500 миллион долларга етказилади.

Мисол учун, 2016 йилга нисбатан мато ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш 10 марта ошган бўлса, 2026 йилгача яна камида беш баробар оширилади. Бунинг учун якинда Туркманистон билан Шовотда чегараолди савдо зонасини ташкил этиш ва чегара ўтказув пунктини очиш бўйича келишувларга эришдик. Натижада Ашхободгача масофа 400 километрга, транспорт харажатлари 1,5 марта қискаради.

Шунингдек, вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишда Каспий денгизигача бўлган транспорт харажатлари 100 фоиз қоплаб берилади.

Ип-калавани чукур кайта ишлаш ва тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилиш ҳажмини кескин кўпайтиришга 50 миллион доллар ажратилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Хоразмни ривожлантириш учун 30 триллион сўм йўналтирилади. Жумладан, бюджетдан – 6,5 триллион сўм, халқаро молия ташкилотларидан – 10 триллион сўм, банк кредитлари – 13,5 триллион сўм.

Учинчи йўналиш – кишлок хўжалиги самарадорлигини ошириш орқали 100 минг аҳоли учун доимий иш ўрни яратилади. Бу борада, аввало, сув таъминоти ва ерларнинг мелиоратив

ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни давом эттирамиз.

Тошсоқа тизимидағи магистрал сугориш каналларини қайта тиклаш бўйича лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга оширамиз. Бунга 130 миллион доллар йўналтирилади. Бунинг ҳисобидан 250 минг гектар ер майдонларининг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолати яхшиланади, 13 минг гектар ер фойдаланишга қайтарилади.

Туямўйин гидроузелининг Султон Санжар дамбасини мустахкамлаш ҳисобидан Хоразм вилояти учун 370 миллион куб метр кўшимча сув захираси яратилади.

Алоҳида дастур асосида, 170 минг гектарда сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳисобидан йилига 600 миллион куб метр сув тежалади. Бунда 45 минг гектарда лазер асосида текислаш, 50 минг гектар ерда томчилатиб сугориш тизимини жорий этиш ҳисобидан ҳосилдорлик ошади ва сув сарфи камаяди.

Янги ўзлаштирилган ерлар, самарасиз боғ ва токзорлар ўрнида 4 минг гектар интенсив боғ ва 5 минг гектар узумзор барпо этилади. Бунинг ҳисобидан 10 мингдан ортик янги иш ўринлари яратилади. Жумладан, Олтиарик тажрибаси асосида Богоғтада 3 минг гектар майдонда узумчилик кластерлари ташкил этилади. Фойдаланишга қайтарилган ерларда барпо этиладиган боғлар ва токзорлар учун ер солигини тўлаш бўйича имтиёзли давр уч йилдан беш йилга узайтирилади.

Янги боғ ва токзорларни кўчат билан таъминлаш учун Урганч туманида ин-витро лабораторияси ишга туширилади. Икки минг гектар ерда замонавий иссикхоналар, 8 та йирик агрологистика маркази ва 40 та мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар ишга туширилади.

Шоличноликда кластер усули кенг жорий қилинади. Кўчат усулида шоли экишга ўтилиб, йилига икки марта ҳосил олиш

йўлга қўйилади. Шунингдек, йилига минг гектарда шолини томчилатиб суғориш йўлга қўйилади.

Мисол учун, Гурланда 4 минг гектарда кўчат тайёрлашдан бошлаб, қайта ишлашгача бўлган жараённи тўлик қамраб олган 14 та шоличилик кластери ташкил этилади.

Коллектор-дренаж тармокларига 10 та насос станциясини ўрнатиш орқали қўшимча 160 миллион куб метр сув қишлоқ хўжалигида фойдаланишга йўналтирилади. Бунинг хисобидан Гурлан, Шовот, Қўшқўпир, Урганч, Хонқа, Янгибозор туманларида қўшимча 20 минг гектар ерни суғориш ва 200 минг тонна шоли етиштириш имконияти яратилади.

Тупроқкалья туманини чорвачиликка ихтисослаштириб, 107 минг тоннадан ортиқ озука етиштириш, гўшт-сут йўналишида 20 минг бош қорамол, 50 минг бош қўй ва эчки, 500 минг бош парранда бокиш йўлга қўйилади.

Тўртинчи йўналиш – аҳоли ва тадбиркорлик учун кулай инфратузилма яратиш.

Биринчидан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари давом эттирилади. Бунда 130 та қишлоқ ва маҳаллани ободонлаштириш, ички йўллар, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмасини қуриш-таъмирлаш учун ҳар йили бир триллион сўм йўналтирилади.

Шунингдек, аҳволи энг оғир бўлган ижтимоий соҳа ва инфратузилма обьектларини тиклаш ва қуриш учун бюджетдан 500 миллиард сўм ажратилади. Ушбу маблағлар маҳаллий кенгаш карори асосида, мақсадли ишлатилади.

Электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 5 минг километр тармоклар, мингта трансформатор ва 12 та подстанция янгиланади.

Иккинчидан, келгуси беш йилда марказлашган тармоклар орқали аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 76 фоиздан 90 фоизга етказилади. Жумладан, Ҳазорасп ва Хива

туманларида 8 тадан, Шовотда 4 та ва Янгиарикда 3 та маҳалла тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади.

Шу ўринда Хоразмдаги ичимлик суви сифати ахолининг кўп-лаб ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини айтиб ўтмокчи-ман. Шунинг учун 2023 йил якунига қадар мавжуд сув тозалаш иншооти ва насос станциялари тўлиқ реконструкция қилинади. Бунинг ҳисобидан Боғот, Гурлан, Қўшқўпир, Шовот, Хонқа, Ҳазорасп ва Урганч туманлари ахолиси учун ичимлик суви си-фати ва таъминоти тубдан яхшиланади. Урганч, Хива ва Пит-нак шаҳарларида канализация тармоғи билан камров даражаси 80 фоизга етказилади.

Бу лойиҳалар янги ташкил этиладиган Оролбўйи ахолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади. Жумладан, 2 минг 200 километр ичимлик суви ва 200 километр канализация тармоклари, 30 та сув тозалаш ин-шооти ва насос станциялари курилади.

Учинчидан, келгуси беш йилда жами 18 минг квартирали 650 та кўп қаватли уй барпо этилади. Жумладан, Хонқада ин-фратузилмага яқин ҳудудда 100 та кўп қаватли уй йирик массив шаклида курилиб, икки мингдан зиёд оиланинг турмуш шароити яхшиланади.

Тўртинчидан, 4 минг километрдан зиёд автомобиль йўли ва ички кўчалар, 262 та кўприкни қуриш-таъмирлаш учун 4,2 триллион сўм йўналтирилади. Жумладан, Урганч туманида 35 та, Шовотда 34 та ва Янгиарикда 32 та кўприк таъмирланади.

Сизларга яхши маълумки, Қоракалпогистон ва Хоразм ўртасида Амударё устидан ўтадиган кўприк йўклиги ҳаммамиз учун жуда катта муаммо эди. Шуни ҳисобга олиб, жорий йилда Амударё устидан ўтадиган 412 метрли темир йўл ва автомобиль йўли ўтадиган кўшма кўприкни қуришни бошладик. Бунга 45 миллион доллар ажратдик.

Бу кўприк оркали катновни йўлга кўйиш учун 82 километрли Шовот – Амударё – Гурлан – Кораўзак темир йўли ҳам бар-

по этилади. Урганч халкар оэропорти реконструкция қилиниб, янги йўловчи ва юк терминали курилади.

Тошкент шахридан Нукус ва Урганч шаҳарларига катнаш учун авиачипта нархининг 25 фоизини бюджетдан субсидиялаш тартибини жорий қилдик. Натижада авиачипта нархлари 33 фоизга арzonлашиб, аҳоли учун қулайлик яратилди. Шу сабабдан ушбу имтиёзни яна икки йилга узайтирамиз.

Жамоат транспорти паркини янгилаш максадида 400 та замонавий автобус сотиб олинади. Келгуси йилда 61 та янги йўналиш очилади, 16 та олис худудга жамоат транспорти катнови йўлга қўйилади. Шунингдек, Урганч шахри бўйлаб янги троллейбус ҳалқа йўли курилади.

Бешинчи йўналиш – экология ва аҳоли саломатлиги.

Биринчидан, бирламчи тиббиёт бўғинида аҳолига курсатиладиган тиббий хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш чоралари қўрилади. Бунинг учун келгуси икки йилда 19 та маҳаллада оиласвий шифокорлик пунктлари ҳамда Урганч ва Хива шаҳарларида 4 та оиласвий поликлиника фаолияти йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, аҳоли ўртасида эрта ўлим ҳолатларининг асосий сабаби бўлган қон босими ва қандли диабет касалликларини даволаш учун беморларга энг зарур дорилар бепул етказиб берилади. Сурункали нафас ва ошқозон-ичак касалликларини оиласвий шифокор пунктларида даволаш йўлга қўйилади. Буйрак касалликларини эрта аниклаш максадида барча бирламчи тиббиёт муассасалари экспресс-тест воситалари билан таъминланади. Онкологик касалликларни эрта аниклаш учун 45 ёшдан ошган 180 минг нафар аёл ҳар йили скрининг текширувидан ўтказилади.

Вилоядта иккита туманлараро перинатал марказ ташкил этилади. Шунингдек, ҳар йили 420 минг нафар бола ва ҳомиладор аёллар витаминлар билан бепул таъминланади.

Ҳазорасп, Гурлан ва Хивада – урология, травматология, офтальмология, ЛОР йұналишлари бүйича; Янгиарик, Шовот, Құшқұпирда кардиология, неврология, эндокринология йұналишлари бүйича; Хонқа, Богот, Янгибозор ва Урганч тумандарыда болалар учун гематология, неврология ва буйрак касаллуклари бүлинмелари ташкил килинади.

Хива шахри, Тупроккальға, Ҳазорасп, Гурлан, Янгибозор, Янгиарик, Шовот, Құшқұпир, Хонқа, Урганч ва Хива тумандары тиббиёт бирлашмалари лапароскопик ускуналар билан таъминланиб, каминвазив операциялар үтказиш йўлга қўйилади.

Иккинчидан, аҳолига юкори технологик тиббий хизматлар кўрсатиш кўлами кенгайтирилади.

Бугунги кунда вилоятда 200 нафар туғма юрак нуқсони бор бола юкори технологик операцияга муҳтож. Уларни бепул даволаш йўлга қўйилиб, бунга 25 миллиард сўм йўналтирилади. Мураккаб жарроҳлик операцияларини Кардиология марказининг Хоразм филиалида үтказиш учун 3 миллион доллар ажратилади.

Бундан ташқари, Гурлан ва Ҳазораспда тумандараро үткир қон-томир касаллуклари марказлари ва гемодиализ хизмати ташкил этилади.

Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали мустакил олий таълим муассасасига айлантирилади. Олийгоҳ худудида Нейрохирургия марказининг филиали ташкил этилади.

Учинчидан, худуддаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича шаҳар ва туман марказларида жами 270 гектар яшил жамоат парклари ва яшил майдонлар барпо қилинади.

Йўллар бўйида, маҳалла, корхона, ижтимоий объектлар ва дала атрофларида ҳар йили 2 миллион 200 минг туп дарахт, жамоат жойларида манзарали буталар экилади. Ҳазорасп, Янгиарик, Тупроккальға ва Хива тумандаридан яшил майдонлар 7 минг гектарга кенгайтирилади.

Олтинчи йұналиш – таълим сифатини ошириш бўйича аник чора-тадбирлар кўрилади.

Биринчидан, вилоятда боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш даражаси 82 фоизга етказилади. Жумладан, қамров даражаси паст бўлган Ҳазорасп, Хива, Богоғ, Урганч ва Янгиарик туманларида бу кўрсаткич 100 фоизга олиб чикилади. Бунинг учун 104 та давлат ва 43 та хусусий, 379 та оиласвий боғча ташкил этилади.

Ана шу боғчалар бирорта ҳам мактабгача таълим муассасаси бўлмаган 40 та маҳаллада ишга туширилиши, айникса, эътиборга моликдир.

Иккинчидан, келгуси беш йилда 17 та янги мактаб курилади, 248 та мактаб эса реконструкция қилинади ва капитал таъмирланади. Бунинг ҳисобидан мактаблардаги юклама 30 фоизга камаяди. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан 1,4 триллион сўм ажратилади. Шунингдек, 160 та мактабда спорт заллари таъмирланади.

Спорт анжомлари ва чолғу асбоблари билан жихозлаш учун ҳар бир мактабга йилига 10 миллион сўмдан, боғчага эса, 5 миллион сўмдан маблағ ажратиб борилади.

Шунингдек, келгуси ўкув йилидан 1–4-синфларда ўкиётган бошлангич синф ўқувчилари учун бепул тушлик бериш тизими Хоразмда ҳам жорий этилади.

Учинчидан, олий таълимга қабул квоталари 2,4 баробар оширилиб, қамров даражаси 52 фоизга етказилади. Бунинг учун техника, кишлөк хўжалиги, туризм соҳалари учун кадрлар тайёрлашга ихтисослашган 3 та олийгоҳ ташкил этилади.

Урганч давлат университети кошида Мұҳаммад Хоразмий номидаги халкаро математика маркази ва жамғармасини ташкил этамиз. Марказ математика бўйича иктидорли ёшларни танлаб олиш ва илмга йўналтириш, ўз салоҳиятини намоён килишида уларга кўмак бериш билан шуғулланади.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали учун кўшимча минг ўринли янги ўкув биноси кури-

лади. Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали ва унинг қошида Урганч бошлангич ракс санъати мактаб-интернати ташкил этилади. Шунингдек, вилоятдаги олийгоҳлар учун қўшимча 3,5 минг ўринли 8 та талабалар ёткoxонаси курилади.

Тўртинчидан, ахборот технологиялари соҳаси ривожини янги боскичга олиб чиқиш учун Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда IT кластер фаолияти йўлга қўйилади. Ушбу кластер лойиҳаси доирасида Халқаро университет, буюк аждодимиз Муҳаммад Хоразмий хотирасига рақамли технологиялар форуми ташкил этилади.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 100 минг нафар ёшлар ўқитилиб, улар учун дунёдаги илғор IT компанияларида ишлаш имконияти яратилади. Шунингдек, 73 та ихтисослашган мактабга хорижий тил мутахассислари бўлган ўқитувчилар олиб келинади.

Вилоят мактабларида 300 та замонавий компьютер синфхонаси ташкил этилиб, 15 минг нафар йигит-қизни IT технологияларига ўқитиш ташкил этилади.

Қадрли йигилиш катнашчилари!

Мана, сайлов баҳона сизлар билан яна бир бор учрашиб, самимий фикрлашиб олдик.

Президентлик – аввало, эл-юрганинг юксак ишончини оклаш, дегани.

Бу – ўз хузур-ҳаловатидан кечиб, она ҳалқимиз, жонажон Ватанимизга чин дилдан хизмат қилиш, дегани.

Бу – миллионлаб инсонлар тақлири учун, уларнинг хуқук ва эркинликларини таъминлаш, қалр-қимматини жойига қўйиш учун масъулиятни зиммага олиш, дегани.

Шу боис мен Президент сайловини – янги Ўзбекистон истикболи, ҳалқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти учун нихоятда муҳим бўлган сиёсий воеа деб биламан.

Сиз, мухтарам хоразмлик юртдошларимиз ушбу жараёнларда фаол иштирок этасиз ва масъулият билан ўз танловингизни билдирасиз, деб ишонаман.

Азиз ватандошлар!

Биз бугунги кунда ҳалқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳиятига таяниб, мамлакатимизда Янги Ўйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга бел боғладик.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бу мақсаддага етиш учун тинимсиз меҳнат қилиш керак, интилиш керак, улкан ғоя ва мақсадлар билан яшаш, ҳеч качон тўхтамаслик керак.

Чунки, донишмандлар айтганидек:

“Тўхтаганинг – ўтиргиси келади.

Ўтирганинг – ётгиси келади.

Ётганинг эса – ухлагиси келади.

Шу сабабли, доимо ҳаракатда бўлиш керак”.

Қаранг, кандай чукур маъноли сўзлар! Худди бугунги кунимиз учун, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари учун айтилганга ўхшайди.

Биз бугун нимагаки эришган бўлсак, факат машакқатли ва шарафли меҳнатимиз, тинимсиз ҳаракатларимиз билан эришдик. Бугун олдимизга янада улкан янги режа ва марраларни қўяётган эканмиз, уларга ҳам фактат ва фактат ўз меҳнатимиз, амалий саъй-ҳаракатимиз билан эриша оламиз.

Шу маънода, Хоразм вилоятида амалга оширадиган барча ислоҳот ва лойиҳаларимиз худуднинг иқтисодий ўсиш суръатларини юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш оркали инсон қадрини улуғлаш, ҳалқни рози қилишга қаратилган.

Мана шундай улкан режаларни амалга ошириш учун бизда барча имкониятлар – табиий ресурслар ҳам, иқтисодий, инсоний, интеллектуал ва маънавий салоҳият ҳам етарли.

Ишончим комилки, бутун халкимиз каторида Хоразм воҳасининг муҳтарам ёшуллilarи, ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор тадбиркорлари, фаол опа-сингилларимиз, азму шиҷоатли ёшларимиз, етакчи ва мутасаддилар билан бирга кўзлаган юксак марраларимизни албатта забт этамиз.

Сўзимни якунлар эканман, сизларга ва сизлар орқали бутун Хоразм аҳлига сиҳат-саломатлик, янги омадлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Барчангизга дунёдаги энг катта бойлик – оилавий баҳт-саодат доимо ёр бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Хива шаҳри,
2021 йил 22 сентябрь*

**ҲАР БИР ИНСОННИНГ ТИНЧ,
ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ
КЕЧИРИШИНИ ТАЪМИНЛАШ –
УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР**

*(Самарқанд вилояти сайловчилар вакиллари
билин учрашувдаги нутқ)*

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!
Хурматли сайловчилар!

Сизларга яхши маълумки, жонажон Ватанимиз шу кунларда улкан сиёсий воеа арафасида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнлари ҳал қилувчи боскичга кирмоқда.

Мана, куни кеча Қоракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказдик. Бугун эса, сиз, азиз юртдошларим, қадрдонларим билан мана шундай кўтаринки кайфиятда кўришиб турганимдан фоят мамнумман.

Қадрли дўстлар!

Самарқанднинг улуғ фарзанди, ислом оламининг беназир мутафаккири Имом Мотуридий бобомизнинг: “**Ўтган ҳаётингни ўзинг учун муаллим деб бил**”, деган ўғитларини кўп эслайман.

Самарқандда ҳоким бўлиб ишлаган Йилларимда Ботир Валихўжаев, Ҳасан Нормуродов, Ибройим Раупов, Ҳайдар Кенжав, Усмонхон Алимов, Танаберди Курбонов, Алишер Мардиев, Тўхта Худойназаров, Фармон Тошев, Барот Нодиров, Яхшинор Аллаёров, Зойир Зиёев, Темур Ширинов каби кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар иштирокида жамоатчилик кенгаши тузган эдик.

Мен бу кенгашни “Фидойилар кенгashi” деб атардим. Чунки бу одамлар том маънода фидойи инсонлар эди.

Кенгаш аъзолари билан ҳар хафтада битта туманга бориб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга киришар эдик.

Ҳозирги кунда барча раҳбарлар учун фаолият мезонига айланган ҳалқ билан мулоқот, инсон қадр-кимматини улуғлаш,

“маҳаллабай” ишлаш тизимининг дастлабки куртаклари ўша вактда пайдо бўлган эди.

Вилоятнинг аксарият туманлари, айникса, Нуробод ва Қўшработ туманларида шароит оғир эди. Турли каршилик ва эътиrozларга қарамасдан, биринчи марта ғалланинг режадан ортигини мана шу туманларда колдиришга эришганмиз.

Вилоятда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун маблағ етишмасди. Фақат марказдан пул ажратилса, ҳоким бир ишни бошлиши мумкин эди. Ана шу аччиқ тажрибамиздан келиб чиқиб, мана, ҳозир ҳудудларимизга молиявий масалаларда кенг эркинлик беряпмиз.

Ўша йиллари Пахтачи туманидаги 24-мактаб, Қўшработ туманидаги яна бир эски мактаб ва Оқдарёдаги туғруқхонани қандай қийинчилик билан таъмиrlаганимиз ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Ана шу ишлар учун 50 фоиз маблағ вилоят бюджетидан ажратилган, қолгани эса ҳашар йўли билан бажарилган эди.

Вилоятдаги кўплаб бунёдкорлик ишлари шу тарзда олиб борилди. Махдуми Аъзам, Хожа Дониёр, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳлари бунга мисол бўла олади.

Албатта, ўша оғир йилларда биз билан елкама-елка туриб ишлаган инсонларнинг баъзилари, афсуски, бугун орамизда йўқ. Иложимиз канча, ҳаёт қонуни шундай экан.

Хусусан, Самарқанд нуронийларининг етакчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов, кейинги ўн беш йил давомида Ўзбекистон мусулмонлари идорасига раҳбарлик қилиб келган муфтий ҳазратлари Усмонхон Алимов, буюк истеъодод эгаси, атоқли режиссёр Баходир Йўлдошев, тарихчи олим Мавлон Жўракулов, жонкуяр шифокорлар Нурмамаг Абдуллаев, Ҳожи Улугов каби ажойиб инсонларнинг вафоти бутун ҳалқимиз, Самарқанд ахли учун катта йўқотиш бўлди.

Аллоҳ уларнинг барчасини ўз раҳматига олиб, охиратларини обод килсин.

Мухтарам учрашув катнашчилари!

Самарқанд миллий давлатчилигимиз пойдевори яратилган, қадимий пойтахт мақомига эга бўлган йирик тарихий ва маданий марказларимиздан бири. Бу кўхна ва бетакрор шахар Ўзбекистон тарихида, бугунги ижтимоий-иктисодий ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади.

Жаҳон илм-фанида “Ғарбда – Рим, Шарқда – Самарқанд” деган ибора бежиз пайдо бўлмаган. Айникса, буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз даврида Самарқанднинг шуҳрати бутун дунёга тарагиди.

Самарқанд заминида ўнлаб, юзлаб буюк аждодларимиз – машхур саркарда ва давлат арбоблари, аллома ва мутафаккир зотларнинг қадамжолари мавжуд. Биринчи Президентимиз, атокли давлат ва сиёсат арбоби, мухтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг қабри, зиёратгоҳи ҳам шу ерда.

Самарқанднинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётимиздаги ўрни ва макоми, айникса, кейинги йилларда ўсиб бормоқда. Қадимий пойтахтимиз йирик халқаро саммитлар, таникли сиёсат, илм-фан, маданият ва дин арбоблари иштирокидаги кўплаб илмий-маданий анжуманларга мезbonлик килмоқда.

Азиз дўстлар!

Самарқанд деганда, барчамиз ноёб тарихий ва меъморий ёдгорликларни, хусусан, бетакрор Регистон майдонини кўз олдимизга келтирамиз.

Ушбу кутлут маскандаги икки буюк обида – Шердор ва Тиллакори мадрасаларини бунёд этган ўзбек халқининг буюк фарзанди, Самарқанд ҳокими Баҳодир Ялангтуш бобомиз номини миннатдорлик билан эсга оламиз. Бу улут зотнинг хотирасини агадийлаштириш бўйича кўп ишлар киляпмиз. Жумладан, ушбу мавзуда бадиий фильм суратга олинмоқда, сахна асарлари, илмий тадқикотлар яратилмоқда.

Бутун ҳаётини эл-юрт равнакига бағишлаган буюк сиймоларнинг бой ва бетакрор меросини ҳалқимиз, айникса, ёшларимиз ўртасида кенг тарғиб этиш – барчамиз учун муҳим вазифадир.

Шу сабабли ҳадис илмининг султони, улуғ аждодимиз Имом Бухорийнинг Пайарик туманидаги ёдгорлик мажмуаси ҳозирги вактда тубдан қайта қурилаётганидан сизлар, албатта, хабардорсиз.

Бу ерда 21 гектар майдонда боғ ва хиёбонлар, 10 минг ўринли масжид, 3 та меҳмонхона, 24 та оиласи мөхмон уйларидан иборат, зиёрат туризми мажмуаси барпо этилади.

Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодини асрраб-авайлаш ва келажак авлодларга безавол етказишида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил шоир, Ислом шоир, Пўлкан шоир каби атоқли бахши боболаримизнинг хизматлари бекиёсdir. Уларнинг меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, жумладан, уй-музейларини таъмирлаш бўйича амалий чоралар кўришимиз зарур.

Келгуси йили Фозил Йўлдош ўғли таваллуд топганига 150 йил тўлади. Ушбу тарихий сана бўйича маҳсус қарор қабул қилиб, уни адабиёт ва маънавият байрами сифатида ўтказамиш. Чунки маънавий дурдонамиз бўлган “Алпомиш” достони айнан ана шу машҳур бахши тилидан ёзиб олинган.

Хурматли юртдошлар!

Самарқанд эли – тарихнинг ҳар қандай мураккаб синовларидан ҳамиша ёруғ юз билан ўтиб келаётган мард ва матонатли ҳалқ. Буни вилоят аҳли Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида Самарқандга эвакуация қилинган 165 минг кишига бошпана бериб, улар билан сўнгги бурда нонини баҳам кўргани хам яққол тасдиқлайди.

Бу ҳақда гапирганда, каттакўрғонлик Ҳамид Самадов ҳакида алохида тўхталишни ўринли, деб биламан. Жангларда қаҳрамонлик кўрсатиб, “Қизил юлдуз” ордени ва “Жасорат учун” медали билан тақдирланган, урушдан ногирон бўлиб қайтган Ҳамид ака умр йўлдоши Санобар ая билан бирга ўзининг олти фарзанди

ёнига турли миллатга мансуб 13 нафар етим болани олиб, вояга етказган.

Кагтакүрғонлик фидойи ва жонкуяр аёл, ўша суронли йилларда колхоз раиси бўлиб ишлаган Фотима Каримова ҳам 10 нафар етим болани ўз карамоғига олиб, тарбия қиласди.

Ҳаммангиз хабардорсиз, биз кейинги йилларда юргимиздаги Мехрибонлик уйларида тарбияланадиган болаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиши учун катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, бу таълим даргоҳларини Миллий гвардия ўз оталиғига олиб, ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол бўлиб вояга етишлари учун зарур чораларни кўрмоқда.

Мен жойларда бўлганимда, кўплаб инсонпарвар, меҳр-оқибатли юртдошларимизнинг мана шундай болаларни ўз оиласига фарзанд килиб олаётганини эшлишиб, ниҳоятда хурсанд бўламан.

Бундай савобли ишларни амалга оширишда Ҳамид ака, Сабобар ва Фотима ая каби меҳр-шафқатли инсонларнинг ибратли фаолияти барчамиз учун ўннак ва намуна бўлиб хизмат қиласди, деб ишонаман.

Хурматли учрашув катнашчилари!

Барчамизга яхши маълумки, қадимдан илм-фан маркази сифатида шухрат козонган Самарқанд бугунги кунда ҳам ўзининг нуфузли олийгоҳлари билан машҳур.

Айникса, Самарқанд давлат университети, Самарқанд тиббиёт институти улар орасида алоҳида ўрин тутади.

Бу олийгоҳларнинг мамлакатимиз таълим тизимидағи ўрни ва салоҳиятини янада ошириш мақсадида сизлар билан ўз таклифларимни ўртоклашмокчиман.

Самарқанд давлат университетига ушбу кутлуғ масканда таҳсил олган, шу ерда ишлаган, республикамизда илм-фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат ривожига бекиёс ҳисса кўшган атоқли давлат ва жамоат арбоби, таникли адаб Шароф Рашидов номини берсак, нима дейсизлар?

Шунингдек, Самарқанд тиббиёт институтига университет макомини бериш ҳақида алоҳида карор қабул килсак, ўйлайманки, ушбу йирик олийгоҳнинг мавжуд салоҳияти ва келгуси ривожи учун янада пухта замин яратган бўламиз.

Бўлғуси университетнинг раҳбарияти, профессор-домлалари ўзларининг билим ва тажрибасини тўла сафарбар этиб, вилоятнинг барча туман, шахар ва кишлоказарида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдираман.

Қадрли юртдошларим!

Мен жойларда оддий инсонлар, муҳтарам нуронийларимиз, ёшлар, опа-сингилларимиз, турли касб эгалари билан сұхбатлашиб, бир нарсага тўла ишонч ҳосил қиляпман.

Ўтган беш йилда юртимизда хаёт ўзгаргани, одамларнинг фикри, ишга, оила, махалла ва Ватанимиз тақдирига муносабати ўзгаргани мана шу учрашувларда яққол намоён бўлмоқда.

Бутун Ўзбекистонимиз каби жонажон Самарқандимиз ҳам бугун янги орзу-мақсад, катта интилишлар билан яшамоқда.

Айни вактда Самарқанд вилоятида эришилган ютуклар билан бир қаторда, ҳали ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар ҳам мавжуд. Бугунги кунда Самарқанддаги энг долзарб масалалардан бири – 170 мингдан зиёд аҳоли доимий иш ўрнига муҳтоҷ, 65 мингга яқин оила доимий даромад манбаига эга эмас. Шу билан бирга, келгуси беш йилда 200 минг ёшлар меҳнат бозорига кириб келишини ҳам ҳисобга олишимиз зарур.

Иккинчи мухим масала – Самарқанд мамлакатимиздаги аҳолиси энг кўп худуд бўлиб, келгуси беш йилда 4,5 миллионга етади. Уларга кулай яшаш шароитларини таъминлаш лозим. Лекин ҳозир вилоятнинг 1,6 миллион нафар аҳолиси марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган, 6 минг километр ички йўллар таъмирталаб ҳолатда.

Электр тармоқлари эскиргани боис, вилоятда электр таъминоти аҳоли учун ҳам, тадбиркорлар учун ҳам энг жиддий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Учинчи масала – мавжуд имкониятларга қарамасдан, туман ва шаҳарларда саноат бир маромда ўсаётгани йўқ. Айникса, хомашёга бой Кўшработ, Нуробод ва Оқдарё туманларида саноат ривожланиши анча орқада.

Тўртингчи масала – вилоятда кишлок ҳўжалиги имкониятларидан тўлик фойдаланилмаяпти. Булунғур, Жомбой, Самарқанд, Ургутнинг мева-сабзавотчилик ва узумчилик, Нуробод, Кўшработ туманларининг чорвачиликдаги имкониятлари тўлик ишга солинмаяпти.

Бешинчи масала – вилоятнинг айрим ҳудудларида соғликни саклаш ва таълим тизими ортиқча юклама билан ишламоқда. Соғликни саклаш обьектлари кувватини ошириш ва уларни замонавий жиҳозлаш талаб этилади.

Хурматли дўстлар!

Юкорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳисобга олиб, биз вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур тайёрладик.

Бунда куйидаги устувор йўналиш ва вазифаларга асосий эътибор қаратамиз.

Биринчи йўналиш – 450 мингта иш ўрни яратиш орқали камбағалликни икки баробар кисқартириш – энг устувор вазифамиз бўлади. Бунинг учун келгуси беш йилда ялпи ҳудудий маҳсулотни 1,4 бараварга ошириб, 90 триллион сўмга етказишимиз зарур. Авваламбор, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолини касб-хунарга ўқитиш орқали 130 мингта иш ўрни яратилади. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида вилоятга ҳар йили кариб бир триллион сўм имтиёзли кредит ажратилади.

Нарпай мисолида туманни “ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш бўйича янги тизим қандай ишлаши тўғрисида тұхтаби үтсам.

Айни пайтда туманда 14 мингта меҳнатга лаёкатли аҳоли иш билан таъминланмаган. Шу билан бирга, 4 мингта оила камбағал тоифага киритилган.

Тумандаги мавжуд 57 та маҳалланинг 11 таси “қизил” ва 33 таси “сарик” маҳалла тоифасига киради.

Энди бевосита куйи бўғинда ижрони ташкил этиш учун тумандаги маҳаллаларга бириктириладиган “ҳоким ёрдамчилари” лавозимлари жорий этилади.

Улар маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни кискартириш ва янги иш жойларни ташкил этиш бўйича тизимли ишларни ташкил этади.

Ушбу ёрдамчиларга маҳаллада оиласидан тадбиркорлик кредитларини бериш, лидер тадбиркорлар лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш, эҳтиёжманд оиласидан субсидиялар ажратиш ва уларни жамоат ишларига жалб килиш, ёшларни касбга ўқитиш бўйича молиявий инструментлар берилади.

Авваламбор, туманда саноат соҳасида умумий киймати 800 миллиард сўм бўлган 145 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобидан 1,5 мингта иш ўринлари ташкил этилади.

Жумладан, тумандаги “Бахт”, “Гулистон”, “Мукими” ва “Тепа” маҳаллаларида 4 та янги кичик саноат зоналари ташкил этилади.

Шунингдек, мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан 4 минг 800 та, ижтимоий соҳада 650 та, 747 та хизмат кўрсатиш шоҳобчаларини ташкил этиш орқали 1100 та, 14 та йўл бўйи инфратузилма комплексларини ташкил этиш орқали 500 та, пахта ва галладан бўшатиладиган майдонларни ахолига ижарага бериш орқали 4 мингта, Мирбозор бозорини реконструкция килиб, замонавий савдо комплексига айлантириш орқали 1200 та янги иш ўрни яратилади.

Ҳоким ёрдамчиларига амалий ёрдам бериш мақсадида иктиносидий идоралар ва тижорат банклари раҳбарлари бириктирилади.

Шу билан бирга, туманда фаолият юритаётган Халк банки, Микрокредит ва Агробанк раҳбар ва ходимлари “пастга тушиб”, тадбиркорлар ва ўз мижозлари билан янги лойиҳалар устида “маҳаллабай” иш олиб борадилар.

Тадбиркорлик дастурлари доирасида туманга ҳар йили йиллик 10 фоиз ставкада 70 миллиард сўм кредит ажратилади.

Шу кредитлар ҳисобидан ҳар бир маҳаллага бириктирилган етакчи тадбиркорлар билан лойиҳаларни амалга ошириш, маҳалладаги бўш ерлар ва аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш оркали 7 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Туманнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, 12 та маҳаллада курувчи, чилангар, қандолатчилик, тикувчилик, ИТ соҳаси касблари бўйича касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилади.

Бундан ташқари, норасмий секторда банд бўлган 6 мингдан зиёд аҳолига рўйхатдан ўтишга кўмаклашиб, ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш имконияти яратилади.

Юкоридаги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида туманда тадбиркорлик субъектлари сони 1,5 мингдан 3 минг 700 тагача кўпаяди.

Умуман, келгуси икки йилда ушбу тадбирлар натижасида 22 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Агар шу янги тизим оркали иш самарали ташкил этилса, уч йилда нафакат Нарпайд, балки вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ишсиз одам ва камбағал оила бўлмаслиги керак.

Иккинчидан, Самарканднинг асосий драйверларидан бири бўлган туризм соҳасида 40 минг киши бандлиги таъминланади.

Вилоятни юртимизнинг “Туризм дарвозаси”га айлантириш оркали келгуси беш йилда туризм хизматлари ҳажми камида 10 баробар оширилади. Бунда 600 дан ортиқ янги меҳмонхона ва оиласий меҳмон уйлари ташкил этилиб, ётоқ ўринлар сони 22 мингтага етказилади.

Вилоятда Халқаро пазандалик ва сервис мактаби ташкил этилиб, ўқитишга Франция, Италия, Япония, Туркиядан етакчи рестораторлар жалб этилади.

Шунингдек, Халқаро гастрономик фестивал ташкил этилади.

Самарқанд халқаро аэропортида парвозлар сони етти баробар оширилиб, йўловчилар оқими йилига 220 мингдан 1,5 миллион нафарга етказилади.

Келгуси йилда 212 гектар ер майдонида “Самарқанд бизнес ва туризм маркази” барпо этилади. Унда халқаро конгресс маркази, “Абадий шаҳар” карвонсарой мажмуаси, 8 та меҳмонхона, дам олиш ва кўнгилочар обьектлар, хунармандчилик маркази, сунъий сув ҳавзалари қурилади. Бу орқали беш мингдан зиёд ёшлар бандлиги таъминланади.

Келгуси йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг имтиёзли маблағлари ҳисобидан 50 та электробус олиб келинади.

Умуман, вилоятга ташриф буюрадиган хорижий сайёхлар сони йилига 5 миллионга етади.

Учинчидан, вилоятда бошқа турдаги хизматларни ривожлантириш орқали 60 мингта янги иш ўрни яратилади. Самарқанд шахрида 17 та, Каттакўрғон шахрида 8 та йирик савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари барпо этилади.

Булунғур, Жомбой, Кагтакўрғон, Наршай, Пахтачи ва Оқдарё туманларидан ўтувчи автомагистралнинг икки тарафида йўл бўйида кариб бир триллион сўмлик 500 та лойиха доирасида мингдан зиёд сервис обьектлари ишга туширилади ва 5 мингта иш ўрни яратилади.

Тўртинчидан, 17 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари кисқартирилиб, аҳолига очик танлов асосида бир гектаргача ер узок муддатли ижарага берилади ва 54 минг аҳоли бандлиги таъминланади.

Қўшимча 30 минг гектар янги ер майдони ўзлаштирилиб, мева-сабзавот, доривор ва озука экинларини етиштириш учун танлов асосида ажратилади. Бунда электр тортиш ва

кудук қазиши харажатларининг 50 фоизи бюджетдан коплаб берилади.

Пайарик, Қўшработ, Иштихон, Нарпай, Булунғур ва Ургут туманларининг лалми ерларида 19 минг гектар интенсив боғ ва 18 минг гектар токзор барпо этиш оркали қўшимча 40 минг иш ўрни яратилади.

Мисол учун, Иштихонда 100 гектар майдонда токзорлар “тайёр ҳолда” ахолига етти йил муддатга лизинг асосида берилади. Бунда янги боғ ва токзорлар учун ер солигини тўлашдаги имтиёзли давр уч йилдан беш йилга узайтирилади.

Бандлик жамғармасидан 50 миллиард сўм ажратилиб, 5 мингдан зиёд ахоли томорқасида енгил конструкцияли иссикхоналар курилади.

Шунингдек, мева-сабзавотни кайта ишлаш кластери фаолияти йўлга кўйилади.

Нуробод, Қўшработ ва Каттакўргонда 18 минг гектар лалми ер майдонлари ўзлаштирилиб, кўй ва эчкичилик кластерлари ташкил этилади.

Бундан ташкири, камида 500 бош корамол бўлган 48 та йирик чорвачилик комплекслари ишга туширилади ва янги ўзлаштириладиган 2,4 минг гектар ер озука учун ажратилади.

Тайлок, Самарканд, Оқдарё, Каттакўргон ва Нурободда паррандачилик кластерлари ташкил этилиб, 50 минг тонна парранда гўшти этиштирилади.

Доривор ўсимликларни этиштириш мақсадида Қўшработ, Нуробод, Пайарик, Иштихон ва Ургутда заъфарон ва лаванда плантациялари ташкил этилади.

Ирригация соҳасида 145 миллион доллар ҳисобидан 69 та насос станцияси модернизация килиниб, 48 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланади.

Шу билан бирга, “Булунғур” сув омборида курилиш ишлари якунланиб, Булунғур, Пайарик ва Жомбой туманларида 36 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Самарканд вилоятини ривожлантириш учун давлат ҳисобидан 41 триллион сўм йўналтирилади.

Иккинчи мухим йўналиш – инвестиция ва экспорт салохиятини янги боскичга олиб чикиш.

Келгуси беш йилда вилоятда 8 миллиард долларлик 5,5 мингдан зиёд катта-кичик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 250 минг доимий иш ўрни яратилади.

Ушбу лойиҳалар вилоят учун “драйвер” ҳисобланган тармоқларда амалга оширилади. Жумладан, тўқимачилик саноатида беш йилда умумий киймати 750 миллион долларлик 182 та лойиҳа ишга туширилиб, 19 мингта янги иш ўрни яратилади ва ип-калавани кайта ишлаш даражаси 100 фоизга етказилади.

Курилиш материаллари саноатида Нуробод, Кўшработ, Нарпай, Пастдарғом, Пахтаки туманлари ва Каттакўрғон шахрида 1,4 миллиард долларлик 21 та лойиҳа амалга оширилиб, 10 мингта иш ўрни ташкил этилади.

“Ургут” эркин иқтисодий зонаси тажрибасидан келиб чикиб, Пастдарғом, Жомбой, Самарканд туманлари ва Самарканд шахрида электротехника соҳасида 200 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан 4,5 минг иш ўрнига мўлжалланган алохида саноат кластери ишга туширилади. Натижада, вилоятда майший техника ишлаб чиқариш ҳажми ўн баробар, экспорт олти баробар ошади.

Шунингдек, чарм-пойабзал ва ипакчилик саноатларида 260 миллион долларлик 52 та лойиҳа амалга оширилиб, 10 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Вилоятнинг аҳамиятли соҳаларидан бири – мева-сабзавотни кайта ишлаш саноатида 75 та лойиҳа асосида 180 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилиб, 5 мингта доимий иш ўрни яратилади.

Энг мухими, вилоятда етиштириладиган мева-сабзавотларни кайта ишлаш даражаси 50 фоизга етказилади.

Келгуси беш йилда Самарқандда бир катор йирик “мега-лонгитиҳалар”нинг ишга туширилиши вилоятни мамлакатимизнинг “инновацион саноат хаби”га айлантиради. Жумладан, Самарқанд металлургия заводида 300 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан металлургия кластери ташкил этилади.

Кластерда ҳар йили 870 минг тонна металл маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Худди шунингдек, “Самавто” корхонасида келгуси йилда 50 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобидан автобус, юк ва маҳсус автомобилларни ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баробар оширилади.

“УрГаз карпет” ва “САГ” корхонаси негизида сунъий толадан тайёр гилам ва тўқимачилик маҳсулотларигача ишлаб чиқариш жараёнини қамраб оладиган 500 миллион долларлик кластер барпо этилади. Натижада, 5 мингта янги иш ўрни яратилиб, 250 миллион долларлик қўшимча экспорт ҳажмлари қўшилади.

Ушбу йирик лойиҳаларни амалга ошириш максадида Ўзбекистон тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси томонидан тузиладиган “Миллий саноат холдинги” маблаглари жалб этилади. Келгуси беш йилда вилоятнинг барча туманларида “Ургут” эркин иқтисодий зonasининг 14 та филиали ҳамда 88 та кичик саноат зоналари ташкил этилади.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг Хишрав-2 мавзесида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар компаниялари иштирокида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ШҲТ” индустрисал зонаси барпо этилади. Унинг иштирокчилари учун алоҳида солик, божхона ва хукукий режим белгиланади.

Вилоят экспорти уч баробар ортиб, йиллик 1,5 миллиард долларга етказилади. Жумладан, пойабзал, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини камида беш баробар ошириш режалаштирилади.

Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорти келгуси беш йилда 3,4 баравар оширилиб, унинг камида 50 фоизи брендлар

асосида бозорга чикарилади. Бунда ходимларни юкори сифатли маҳсулот ишлаб чикаришга ўқитиш харажатларининг 50 фоизи Бандлик жамғармасидан коплаб берилади.

Энг мухими, экспортчи корхоналар сони тўрт баробар кўпайиб, 1 минг 100 тага етади. Вилоят экспортида юкори кўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улуши ҳозирги 35 фоиздан 60 фоизга етказилади. Экспорт географияси ҳозирги 56 та давлатдан 83 та давлатга кенгайиб, Самарқанд маҳсулотлари Швеция, Норвегия, Бразилия, Чили, Австралия каби мамлакатлар ҳамда Африка китъасига ҳам етиб боради.

Вилоят экспорт имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ургут туманининг Тожикистон билан чегарадош ҳудудида “Ургут” эркин савдо зонаси ташкил этилади.

Шунингдек, ҳар бири 100 гектар ер майдонига эга тўртта ихтинослашган экспорт технопарклари ташкил этилади.

Пастдарғом – тўқимачилик, Жомбой – машинасозлик, Тайлок – озиқ-овқат, Самарқанд тумани майший техника ишлаб чикаришга ихтинослашади. Уларнинг инфратузилмасини барпо этишга бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилади.

Энг катта масала – барча транспорт воситалари орқали ташкил савдо логистика ҳажмини 640 минг тоннадан 1,5 миллион тоннага ошириш талаб этилади. Бунинг учун Самарқанд аэропортига ёндош ҳудудда халкаро “карго” маркази ташкил этилади. Жомбой, Пахтачи, Оқдарё ва Самарқанд туманларида олтига агрологистика маркази ташкил килинади.

Шунингдек, юкори кўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотларни кўшни давлатларга экспорт килишда транспорт харажатларини компенсация килиш йўлга кўйилади.

Вилоят экспортчиларига айланма маблағ учун йилига 50 миллион долларгача имтиёзли кредитлар берилади. Тадбиркорлик жамғармаси томонидан экспортчиларга компенсация ва кафолат тақдим этиш яна икки йилга узайтирилади.

Учинчи йўналиш – ахоли ва тадбиркорлик учун қулай инфратузилма яратиш.

Энг аввало, сўнгги беш йилда электр энергия истеъмоли бир ярим баробар ошгани боис, унинг таъминотини яхшилаш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

Хозирги кунда вилоятдаги электр энергияси ишлаб чикариш кувватлари талабнинг атиги икки фоизини коплади.

Келгуси икки йилда Нуробод, Каттакўрғон ва Тайлек туманларида жами куввати 400 мегаваттли куёш электр станциялари ва кичик ГЭСлар ишга туширилади. Натижада 600 минг ахоли ва 2,5 мингдан зиёд корхоналарни таъминлаш учун етарли бўлган кўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилади. 6 минг километр тармоқлар, 500 киловолтли нимстанция, икки мингта трансформатор ва 61 мингта эски симёғоч тўлиқ янгиланади.

Шунингдек, “Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурлари давом эттирилади. Бунда шароити оғир 32 та қишлоқ ва маҳаллани ободонлаштириш учун келгуси йилнинг ўзида 390 миллиард сўм йўналтирилади.

Ижтимоий соҳа ва инфратузилма обьектларини куриш учун бюджетдан 275 миллиард сўм ажратилади. Ушбу маблағлар маҳаллий кенгаш қарори асосида максадли ишлатилади.

Иккинчидан, келгуси беш йилда марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 64 фоиздан 84 фоизга, оқова сув тизими 12 фоиздан 35 фоизга етказилади. Хусусан, Каттакўрғон шаҳрида ичимлик ва оқова сув тизимларини яхшилаш максадида 66 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, ичимлик суви таъминоти билан тўлиқ камраб олинади.

Илгари ичимлик суви етиб бормаган Каттакўрғон, Иштихон, Пастдарғом, Нуробод, Нарпай, Жомбой, Оқдарё ва Тайлек туманларидағи 177 та маҳалланинг 680 минг ахолиси тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади.

Келгуси беш йилда 28 минг хонадонли 730 та кўп қаватли уй барпо этилади. Чекка ва олис худуллардаги 408 та кўп қаватли уйни таъмирлашга бюджетдан маблаг ажратилади.

“Реновация” дастури асосида Самарқанд шаҳрининг Темир йўл худудида 100 мингдан ортиқ аҳоли учун кўп қаватли замонавий уйлар, Ширин мавзесида 90 минг аҳолига мўлжалланган шаҳарча барпо этилади.

Учинчидан, 8 минг километрдан зиёд автомобиль йўли ва ички кўчалар, 270 та кўприкни куриш-таъмирлаш учун 4 трillion сўм йўналтирилади.

Келгуси йилдан Каттакўргон, Иштихон, Пайарик ва Кўшработ туманларидағи 105 та маҳалладаги 400 минг аҳоли учун жамоат транспорти қатнови йўлга кўйилади.

Тўргинчидан, Самарқанд шаҳри яшаш учун қулай ва жозибадор “миллионер яшил шаҳар”га айлантирилади. Бунинг учун Самарқанд, Пастдарғом, Оқдарё ва Тайлок туманлари худудидан 18 минг гектар ер шаҳар таркибига кўшилади. Давлат идоралари ва маъмурий хизматлар тарихий марказдан янги худудга кўчирилади. Самарқанд шаҳрида иккитадан янги туннел ва кўприк қурилади.

Навбатдаги мұхим йўналиш – Самарқанд билим ва илм-фан макони, “таълим хаби”га айланади.

Бунинг учун, аввало, мактабгача таълим билан камраб олиш даражаси 69 фоиздан 82 фоизга етказилади. 59 та давлат ва 34 та хусусий, 905 та оиласвий боғчалар ташкил этилади.

Келгуси беш йилда 38 та янги мактаб қурилади. 711 таси реконструкция килинади ва капитал таъмирланади, 155 мингта кўшимча ўкувчи ўрни яратилади.

Бундан ташқари, барча шаҳар ва туманларда ахборот технологияларига ихтисослашган мактаблар ташкил этилиб, уларда 50 мингдан зиёд ёшлар камраб олинади.

Олий таълим билан қамров даражаси 50 фоизга етказилади. Самарқанд шаҳрида 20 минг талабага мўлжалланган “Ёшлилар

шахарчаси” барпо этилиб, унда камида 4 та хорижий университетларнинг филиал ва кампуслари жойлаширилади.

Самарканд давлат университетини жаҳоннинг мингта нуфузли олийгоҳлари каторига кириш дастури амалга оширилади.

Етакчи техника университетлари билан биргаликда Самарканд технология университети ташкил этилади.

Тўрганичи йўналиш – ахоли саломатлигини яхшилаш ва тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш.

Бирламчи тиббиёт бўғинида хавф гурухига кирувчи 702 минг нафардан зиёд фукаролар ҳар йили максадли тиббий кўрикдан ўтказилади.

Шунингдек, ажратиладиган маблағлар босқичма-босқич икки баробар оширилиб, касалликни эрта аниқлаш, бепул дори воситалари билан таъминлаш ва даволаш чоралари кўрилади.

Каттакўрғон шаҳар, Пахтачи, Пастдарғом, Пайариқ ва Ургут туманларида перинатал марказлар ташкил этилади. Булунғур, Ургут, Иштихон ва Пахтачидаги 4 та ўткир юрак-кон томир касалликлари марказлари ташкил этилиб, гемодиализ хизмати хам йўлга кўйилади.

Вилоятда 25 мингдан зиёд туғма ногиронлиги бўлганлар учун Болалар тиббий реабилитация маркази филиали очилади.

Ахолига юкори технологик тиббий хизматлар кўрсатиш кўлами кенгайиб, Самарқанд минтақанинг “тиббиёт хаби”га айлантирилади.

Келгуси беш йилда Тошкентда кўрсатилаётган ихтисослашган тиббий хизматларнинг барчаси Самарқандда хам йўлга кўйилади.

Вилоят кардиология марказида юрак касалликларининг барча турларини даволаш имконини берадиган замонавий жиҳозланган кардиожарроҳлик бўлими ташкил этилади.

Келгуси йилда Тиббиёт институти клиникаси негизида Минтақавий нейрохирургия маркази ташкил этилиб, 10 дан ортик жарроҳлик амалиётлари йўлга кўйилади. Самарқандда бир йил-

да 25 мингдан зиёд бемор нейрохирургия хизматига мухтож бўлиб, уларнинг атиги 30 фоизи вилоятда даволанади.

Республика хирургия маркази филиалида етти нафар беморга буйракни кўчириб ўtkазиш операцияси муваффакиятли ўtkазилгани кувонарли хол, албатта. Эндиликда жигарни кўчириб ўtkазиш амалиёти хам йўлга кўйилади.

Онкология марказининг моддий-техник базаси янгиланиб, болалар онкохирургия ва кимё терапияси, каминвазив хирургия амалиёти жорий этилади.

Шу билан бирга, вилоятда илк бор туғма эшитиш нуксони бор болаларни тўлик даволаш йўлга кўйилади.

Мухтарам дўстлар!

Кўриб турганингиздек, бизнинг асосий мақсадимиз – энг катта бойлик бўлган халқимизнинг тинчлиги, соғлигини асрар, инсон манфаатларини таъминлаш, унинг шаъни, ғурури ва қадр-кимматини юксалтиришдан иборат.

Юртимизда миллати, тили ва динидан катъи назар, ҳар бир инсоннинг эркин ва фаровон, баҳтли ҳаёт кечиришини таъминлаш – бизнинг устувор вазифамизdir.

Ана шундай максадларни ўзида мужассам этган дастуримиз сайлов жараёнида, жумладан, бугун сизлар билдирган фикрлар, амалий таклифлар асосида янада бойитилиб, том маънода умум-халқ дастурига айланади.

Бугун белгилаб олган улкан максад ва вазифаларни амалга оширишда мен бутун халқимиз каторида, ғурури баланд, нияти пок, бағрикенг Самарканд аҳлига таянаман.

Ишончим комил, сизлар бўлажак сайловда Янги Ўзбекистон учун овоз бериб, Самарканд элига хос бўлган юксак сиёсий онг ва маданиятингизни намоён этасиз.

Ўтган беш йилда сизлар билан, бутун халқимиз билан бирга ғоят мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтдик.

Йўлимиз кийин бўлди, оғир бўлди, қанча-канча синовларга дуч келдик.

Албатта, ишимиз бундан кейин ҳам осон бўлмайди. Лескин қанчалик машаккатли бўлмасин, инсон кадрини улуғлашга, халқимизни рози килишга каратилган йўлимизни давом эттирамиз. Ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

Шу улуғ мақсад йўлида бир ёқадан бош чикариб, тинимсиз меҳнат килсак, ишонаман, марра албатта бизники, келажак албатта бизники бўлади.

Маълумки, “Самарқанд – Ер юзининг сайқали” бўлган даврларни барчамиз катта ғурур ва ифтихор билан эслаймиз.

Самарқандни мана шундай юксак макомга кўтарган, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиб келаётган куч – Самарқанд ахлиниңг ақл-заковати, билим-маърифати, мустаҳкам иродаси, бунёдкорлик салоҳияти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Халқимизнинг мана шундай буюк қудратига таяниб, ягона ва улуғ мақсад йўлида бирлашиб, иншааллоҳ, биз Самарқандни яна қайтадан Ер юзининг сайқалига айлантирамиз.

Ўзининг шонли тарихида буюк шаҳарлар, буюк давлат ва цивилизациялар яратган халқимиз бунга ҳар томонлама қодир, ҳар томонлама муносиб.

Фурсатдан фойдаланиб, меҳнаткаш, мард ва олижаноб Самарқанд ахлига юксак ишонч ва эътибор учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Халқимизнинг ишончини оқлаш мен учун ҳамиша ҳаётимнинг маъно-мазмуни бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шу йўлда бундан буён ҳам бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятимни сафарбар этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оиласвий баҳт, фарзандлар, набиралар камолини кўришни тилайман.

Катта раҳмат сизларга, доимо соғ-омон бўлинглар!

Самарқанд шаҳри,
2021 йил 24 сентябрь

**НАМАНГАННИНГ БУНЁДКОР
ХАЛҚИ БИЛАН ВИЛОЯТНИ ҲАР
ТОМОНЛАМА ОБОД МАСКАНГА
АЙЛАНТИРАМИЗ**

*(Наманган вилояти сайловчилар вакиллари
билин учрашувдаги нұтқ)*

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хурматли сайловчилар!
Сўзимнинг аввалида сиз азизларга, сизлар орқали бутун Наманган ахлига ўзимнинг чукур хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мен ҳар гал Наманган заминига келганимда, иймон-эътиқоди мустаҳкам, бағрикенг ва заҳматкаш инсонлар билан дилдан сухбатлашганимда, уларнинг одоб-ахлоқи, юксак маданиятини, хуш муомаласини кўриб, доим қойил қоламан.

Шу маънода, Наманганнинг меваси шириń, мевасидан ҳам шеваси шириń, деган гапда жуда катта ҳаётий ҳакикат бор.

Муқаддас китобларимизда: “Аллоҳ ғўзалдир ва у ғўзалликни севади”, деб айтилганини сизлар яхши биласизлар.

Наманган элининг мана шу илоҳий сўзларга амал қилиб, ўз юртини ҳар томонлама обод ва сўлим масканга, гуллар диёрига айлантириш йўлидаги амалий харакатлари юксак хурматга лойик.

Алишер Навоий бобомиз таъбири билан айтсак, “Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп”.

Кейинги уч-тўрт йилда бу заминда бунёд этилган “Афсоналар водийси” мажмуаси, Ибрат боги, Ёшлар зиё маскани, Наманган мономаркази, кўплаб замонавий корхоналар, кўркам уй-жойлар, илм-фан, маданият, санъат ва спорт масканлари, бутунлай янги-ча киёфа касб этган Султон Увайс Кароний зиёратгоҳи, Нодира номидаги кутубхона ҳам бу фикрни тасдиклайди.

Наманган вилоятининг бой ва қадимий тарихга эга экани ҳаммамизга яхши маълум. Ўтмишда Фарғона водийсининг мар-

кази ҳисобланган Ахсикент археологик ёдгорлигига кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширганимиздан барчангиз хабардорсиз. Бугунги кунда “Наманган Афросиёби” деб ном олган бу гавжум зиёратгоҳ очиқ осмон остидаги тарих дарсхонасига айлангани алоҳида эътиборга молик.

Ана шундай ишларнинг давоми сифатида бугунги кунда Норин туманидаги Учтепа – Булокмозор археологик ёдгорлигига хурматли академигимиз Аҳмадали aka Аскаров раҳбарлигига олиб борилаётган катта илмий изланишларга барчамиз муваффакият тилаймиз.

Бу табаррук заминдан етишиб чиқкан Маҳдуми Аъзам, Асириддин Ахсикатий, Бобораҳим Машраб, Нодим Намангоний, Хилватий, Исҳоқхон Ибрат, Мухаммадшариф Сўфизода сингари мутафаккир ва шоирларнинг номлари бутун мамлакатимизда маълум ва машхурдир.

Бу улуғ сиймоларнинг ўлмас меросини ҳалкимизга безавол етказиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш маънавий бурчимиздир. Шу маънода, Ибрат номидаги ижод мактабида она тилимиз билан бирга хорижий тилларни ҳам пухта ўзлаштирган, Ўзбекистоннинг келажаги бўлган юзлаб истеъододли ёшлар камол топаётгани ҳаммамизни хурсанд килади, албатта.

Сизлар билан биргаликда амалга оширган катта ишларимиз туфайли бу улуғ зот умуммиллий қаҳрамонга, ёшларимиз учун маънавий ибрат тимсолига айланди.

Наманганинг яна бир атокли намояндаси – юртимизда биринчи бўлиб “Ўзбекистон ҳалқ шоири” унвонига сазовор бўлган Мухаммадшариф Сўфизоданинг ҳаёти ва фаолияти ҳар томонлама эътиборга сазовор. Бу тараққийпарвар инсон 1913 йили Чуст шаҳрида етим болалар учун жадид усулида мактаб ташкил килади.

Зулм ва зўравонлик, жаҳолатга карши шеърлар ёзгани учун у кувгин ва таъкибларга учраб, она юртидан бош олиб кетишига мажбур бўлади. Сўфизода кўп йиллар хорижий мамлакатларни

кезиб, илғор тараккиёт намуналари билан яқиндан танишади. Ҳиндистонда муаллим, Афғонистонда маориф вазирининг ўринbosари вазифаларида ишлайди. Кейинчалик яна Туркистонга кайтиб, миллатимизнинг кўзини очиш, ёшларни илм-маърифатдан баҳраманд қилиш йўлидаги ишларини давом эттирганини хаммангиз яхши биласиз.

Афсуски, бутун умр эл-юрт ташвиши билан яшаган Сўфизода 1937 йили “халқ душмани” деган туҳмат билан 57 ёшида отиб ташланди. Бу улуғ инсоннинг оғир ва машаккатли кечган хаёти бир ҳақикатни яна бир бор исботлайди – жаҳолатга карши маърифат билан курашиш ҳеч качон осон кечмаган.

Ватанимиз истиклоли, халқимиз равнаки йўлидаги улкан хизматларини инобатга олиб, Наманган вилояти болалар кутубхонасига Муҳаммадшариф Сўфизода номини берсак, ўйлайманки, ҳар жиҳатдан ўринли бўлади.

Намангандан етишиб чиккан ёрқин истеъодд эгалари ҳакида гапирганда, адабиётимизга чакмоқдек кириб келган оташин шоир Усмон Носир сиймоси ҳам кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Фоят кисқа – бор-йўғи ўн йиллик ижодий фаолияти давомида шоирнинг 5 та шеърий китоби, 2 та достони ва бир катор драматик асарлари нашр этилгани, драмалари саҳнага кўйилгани, Пушкин, Лермонтовнинг машҳур достонларини ўзбек тилига улкан маҳорат билан таржима қилгани сизларга маълум албатта.

Усмон Носир айни ижодий куч-кувватга тўлган 25 ёшида қамалиб, қатағон қилинди. Чунки мустабид тузум бундай миллатпарвар, ватанпарвар инсонларни ўзининг энг ашаддий душмани деб хисоблар эди. Шунинг учун ҳам, шоир умрини камоқхоналарда азоб-укубатда ўтказиб, 1944 йили 32 ёшида вафот этади.

Усмон Носир бир шеърида: “Баргдек узилиб кетсан, унумас мени боғим”, деб ёзган эди. Албатта, у “боғ” деганда, жона-жон Ватанини, бағрикенг халқимизни назарда тутганини англаш кийин эмас.

Келгуси йили юртимизда Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини муносаби нишонлаш мақсадида Президент карори лойихаси тайёрланмоқда. Шу муносабат билан Усмон Носирнинг ҳёти ва ижодини янада кенгрок ўрганиш, асарларини нашр килиш, жумладан, пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида ҳайкалини ҳамда Россиянинг Кемерово ўлкасидағи шоир дағн этилган масканда ёдгорлик ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Азиз дўстлар!

Бугунги учрашувда мен миллий адабиётимизни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор каратаётганим бежиз эмас, албатта. Чунки атоқли адибимиз Абдулҳамид Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса – миллат яшар” деган ҳикматли сўзлари бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бутун дунёда мафкуравий курашлар, кескин ракобат, азалий қадриятларга карши таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида миллий ўзлигимизни саклаб колиш, ҳалқимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш ва шу орқали мамлакатимизни изчил тараққий эттириш учун авваламбор маънавиятимизнинг таянч устунларидан бўлган адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини кўллаб-кувватлашимиз зарур.

Мана шу ҳакиқатни асло унутмаслигимизни истардим.

Ўзларининг сермазмун ижодий фаолияти билан ҳалқимиз хотирасидан чуқур ўрин эгаллаган наманганлик Жамолкори Фиёсов, Сора Эшонтўраева, Турсуной Жаъфарова, Шаходат Раҳимова, Назира Аҳмедова, Камолиддин Раҳимов, Ҳошим Арслонов, Мирза Азизов каби атоқли санъаткорлар. Чустий, Зафар Диёр, Ҳабиб Саъдулла, Ҳусниддин Шарипов сингари таникли адиблар ва уларнинг бугунги издошлари бўлган Тохир Қаххор, Зиёвуддин Мансур, Дилбар Ҳайдарова, Жамолиддин Муслим, Хосият Рустамова, Мехриноз Аббосова, Беҳзод Фазлиддин каби истеъододли ижодкорларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон халқ артистлари Ёкуб Аҳмедов, Матлуба Дадабоева, Насиба Қамбарова, Зулайҳо Бойхонова, Мехри Бекжонова, шунингдек, Тожибар Азизова, Мехри Абдуллаева, Жалолиддин Үсмонов, Алишер Файз, Малика Эгамбердиева, Сардор Мамадалиев, Баҳриддин Зуҳриддинов, Гуласал Абдуллаева каби иктидорли ижодкорлар санъатимиз ривожига муносиб ҳисса кўшмоқда. Муҳаммад Нуриддинов, Баҳтиёр Назаров, Ақмал Нур, Ортикали Қозоков сингари моҳир рассомлар ўз иходи билан нафакат юртимизда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонган.

Наманган аҳли мамлакатимизнинг илм-фан соҳаларида катта ютукларга эришиб келаётган Абдумавлон Абдуллаев, Комилжон Тожибоев, Аҳмадали Аскаров, Иброҳим Абдураҳмонов каби академиклар, Турсунбой Файзуллаев, Ҳамид Аҳмадхўјаев, Шавкат Отажонов, Рустам Муродов, Ҳадиҷа Қодирова, Собитхон Турғунов, Абдулла Расулов сингари таникли профессорлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Наманган вилоятини ривожлантириш ва аҳоли турмушини фаровон килишга муносиб ҳисса кўшиб келаётган Икромхон Нажмиддинов, Муҳаммаджон Каримов, Латифжон Султонов, Ҳадиҷа Мирзаева, Ойшахон Кўчкорова, Иброҳим Юсупов, Жамолхон Сиддиков, Мухторхон Ҳошимхонов, Ҳайдарали Ҳожиакбаров, Умматали Шамсиев, Рауфхон Муртозаев, Абдусаттор Фофуров, Хорунхон Аюбхонов, Ботирали Ҳакимов, Абдулҳай Турсунов каби ҳурматли нуроний ва оқсоқолларга алоҳида ташаккур билдираман.

Шу ўринда сўнгги пайтларда коронавирус пандемияси ва табиий оғатлардан жабр кўрган юртдошларимизга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатган наманганлик кўплаб бағрикенг, саховатли тадбиркорлар, меҳр-оқибатли инсонлар ҳамда ҳўжалик бирлашмаларининг жамоаларига ҳам ҳалқимиз номидан раҳмат айтишни ўринли деб биламан.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Инсон кадрини тиклаш ва халкимизни рози килиш йўлида амалга ошириб келаётган туб ислоҳотларимиз натижасида, бутун мамлакатимизда бўлганидек, Наманган вилоятида ҳам ҳаёт ўзгарди.

Наманган вилоятини ривожлантиришнинг драйверлари ва ўсиш нукталарини аниклаш бўйича ишларни бундан беш йил олдин бошлаганмиз ва биз бу борада мустаҳкам фундамент яратса олдик.

Сабаби, тадбиркорлик ва ишбилармонлик водий, айникса, Наманган халқининг қонига азал-азалдан сингиб кетган.

Мисол учун, ўтган беш йилда вилоятда маҳаллий саноат қарийб икки баробар ўсгани, 277 мингта янги иш ўрни яратилгани ва бу мамлакатимизда энг яхши кўрсаткичлардан бири экани фикримиз исботидир.

Шу билан бирга, Наманган вилоятидаги энг долзарб масала – 127 мингдан зиёд ахоли ишсиз бўлиб, ҳар йили меҳнат бозорига қўшимча 42 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. 27 минг оила доимий даромад манбаига эга эмас.

Яшаш ва бизнес учун кулай инфратузилмани яратиш керак. Масалан, Мингбулоқ, Косонсой, Тўракўргон, Поп ва Чустда ичимлик суви таъминоти даражаси жуда паст, 27 та маҳалла эса марказлашган ичимлик суви билан умуман таъминланмаган.

Вилоятда уй-жойга эҳтиёж катта. Биргина Наманган шахри ахолиси келгуси беш йилда бир миллионга етиши ҳисобига қўшимча 52 мингта уй-жойга эҳтиёж мавжуд.

Кишлоқ ва сув хўжалигида Косонсой, Поп, Чуст, Янгикурғон туманларида сувсизлик сабабли 19 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ишлатилмаяпти.

Соғликни саклаш ва таълим тизимларида ҳам ҳали ечимини кутаётган масалалар кўп. Вилоятда 709 минг нафар ёки 25 фоиз аҳолининг сурункали касаллиги бор. Наманган, Учкўргон, Янгикурғон, Уйчи туманларида – юрак-кон томир, Чорток, Уйчи,

Поп, Учқўрғон туманларида – қандли диабет, Косонсой, Норин, Уйчи, Чустда нафас йўллари касалликлари кўп учрамоқда.

Наманган шаҳри, Чорток ва Косонсойда мактабгача таълим камрови жуда паст. Айникса, 58 та маҳаллада боғча умуман йўқ.

Вилоятдаги 37 та мактаб кувватига нисбатан икки баробар кўп юклама билан ишламоқда.

Қадрли дўстлар!

Мазкур муаммоларни ҳал этиш, Наманган вилояти ривожини янги тараққиёт боскичига олиб чиқиш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқдик.

Наманганинг етакчи тармоқларида саноат кластерлари ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали 400 мингта янги иш ўрни яратилиб, аҳоли даромадини камидга икки баравар ошириш ва камбағалликни ҳам икки баравар қисқартириш устувор вазифа бўлади.

Биринчи йўналиш – тадбиркорликни ривожлантириш, оиласий тадбиркорлик дастурлари доирасида 4,6 триллион сўм кредит ажратиш хисобидан 164 мингта янги иш ўрни яратилади.

Масалан, Уйчи туманини “ишизлиқдан холи худуд”га айлантиришга тўхталиб ўтсан.

Айни пайтда туманда 13 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан таъминланмаган, 12 минг оила ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ. Шунингдек, ҳар йили меҳнат бозорига 1 минг 700 нафар ёшлар кириб келади.

Тумандаги мавжуд 56 та маҳалланинг 11 таси “қизил” ва 25 таси “сариқ” тоифага киради.

Бундан бўён куйи бўғинда ижрони ташкил этиш учун тумандаги маҳаллаларга бириқтириладиган “ҳоким ёрдамчилари” лавозимлари жорий этилади. Ушбу ёрдамчилар маҳалладаги оиласий тадбиркорлик доирасида кредитларни бериш, тадбиркорлар лойихаларини амалга оширишга кўмаклашиш билан шугулланадилар. Улар томорка, бўш ер ва бинолардан самарали фойдаланишни ҳам ташкил этадилар. Уларнинг ўз

“бюджет”и булиб, эктиёжманд оилаларга субсидиялар ажратиш, жамоат ишларига жалб килиш, ёшларни касбга ўқитиш хамда аҳоли билан “ижтимоий шартнома” тузиш ҳукуки берилади.

Ҳоким ёрдамчилари иктисодиёт ва инвестиция идоралари, хокимиятда ишлайдиган ғайратли ёшлар орасидан танланади. Лавозимга кўйишдан олдин улар икки ой давомида янги тизим асосида ишлашга ўқитилади ва ишига караб, яхши ойлик тұланаиди. Икки-уч йил маҳаллада ишлаб, ўзини кўрсатганларини келгусида ҳоким ва вазир лавозимларига қўямиз. Аввалинбор, туманда умумий киймати 5 триллион сўм бўлган 658 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобидан 9 мингга иш ўрни ташкил этилади.

Жумладан, туманда олтита янги кичик саноат зонаси, шундан иккитаси ёшлар тадбиркорлиги зонаси ташкил этиш оркали – 3 мингта, мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан – 6 мингта, кишлек хўжалигига – 5 минг 800 та, жумладан, пахта ва ғалладан қискарсан ерларни аҳолига бериш оркали – 3,2 мингта, 160 та хизмат кўрсатиш шохобчаси, 42 та йўл бўйи сервис обьектини қуриш, Уйчи деҳкон бозорини замонавий савдо комплексига айлантириш оркали – 2,5 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Ҳоким ёрдамчиларига амалий ёрдам бериш мақсадида иктисодий идоралар ва тижорат банклари раҳбарлари бириттирилади.

Туманда фаолият юритаётган Халқ банки, Микрокредит ва Агробанк раҳбар ва ходимлари “пастга тушиб”, тадбиркорлар ва ўз мижозлари билан янги лойиҳалар устида “маҳаллабай” иш олиб борадилар.

Ишсизлик юкори бўлган 4 та маҳаллада кооперация асосида ахолини банд килиш учун етакчи тадбиркорларга 10 фоизлик кредитлар ажратилади ва бу оркали 8 мингдан ортиқ ахолининг бандлиги таъминланади.

Ихтисослашувидан келиб чиқиб, 9 та маҳаллада металлга ишлов бериш, курувчи, мебелсозлик, агроном, зоотехник, технолог каби соҳалар бўйича касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилади. Уйчидаги текстил корхоналари негизида “Саноат мактаблари” ташкил этилиб, йилига амалий кўнгилларга эга минг нафар мутахассис тайёрланади.

Бундан ташкири, норасмий секторда банд бўлган 11 мингга якин аҳолига рўйхатдан ўтишга кўмаклашиб, ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш имконияти яратилади.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида туманда тадбиркорлик субъектлари сони икки мингтадан беш мингтагача кўпаяди ва жами 26 мингта янги иш ўрни яратилади.

Агар шу янги тизим оркали иш самарали ташкил этилса, келгуси уч йилда нафакат Уйчидаги, балки вилоятнинг бошқа худудларида ҳам ишсиз одам ва камбағал оила бўлмаслигига эришиш мумкин.

Иккинчи йўналиш – келгуси беш йилда вилоятда “драйвер” бўлган тўқимачилик, чарм-пойабзal, озик-овқат, фармацевтика, курилиш материаллари, мебелсозлик каби соҳаларда 7 миллиард долларлик 10 мингдан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 150 мингта янги иш ўрни яратилади.

Авваламбор, инвестиция жалб қилиш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича янги тизим йўлга кўйилади.

Масалан, Поп туманида “Лойиҳа гурӯҳи” тузилиб, унинг ишига Стратегик ривожланиш агентлиги ва инвестиция комплексига кирувчи барча идоралар жалб қилинади.

“Лойиҳа гурӯҳи” туманинг иқтисодий салоҳияти, барча табиий бойликлари, норуда қазилмалари, географик жойлашви, экспорт бозорларининг яқинлиги ва бошқа имкониятларини чукур таҳлил килиб, аниқ лойиҳаларни шакллантиради.

Шунингдек, кичик геология экспедицияси ташкил қилиниб, “Лойиҳа гурӯҳи” билан ҳамкорликда ишлайди ҳамда норуда

конларидан фойдаланиш учун лицензия бериш тизими янада соддалаштирилади.

Масалан, Поп туманида норуда казилмалари захиралари асосида шиша, керамогранит, безак тошлари, базалт ва бошка курилиш материаллари саноати лойихалари ишлаб чиқарилади.

Ҳар йили туманда 10–15 та тадбиркор танлаб олиниб, уларнинг фаолиятини доимий равишда қўллаб-куватлаш оркали кичик тадбиркорларни етакловчи локомотив тадбиркорларга айлантириш чоралари кўрилади.

“Лойиха гурухи” томонидан ишлаб чиқилган инвестиция лойихалари ушбу тадбиркорлар иштирокида алоҳида ташкил қилинадиган “Холдинг компанияси” томонидан амалга оширилиб, лойиха қийматининг 30 фоизгача бўлган кисми Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси томонидан молиялаштирилади. Ушбу мақсадлар учун ҳар бир туманга Жамғарма йилига 15 миллион доллар ажратади.

Энг муҳими – вилоят ҳудудида ер майдонлари танқислиги ни инобатга олиб, янги ишлаб чиқариш қувватлари уч-тўрт ёки ундан ортиқ қаватли биноларда жойлаштирилади. Ушбу тизим асосида Поп туманида 10 минг киши иш билан банд бўлади, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9 баробар оширилади, экспорт ҳажми 120 миллион долларга етказилади.

Вилоятнинг барча туманларида шундай тизим йўлга қўйилиб, ҳар бир туман бўйича “Инвестиция ва экспорт стратегияси” ишлаб чиқилади.

Шунингдек, ҳар бир туман ҳокимининг инвестициялар ва ташки савдо масалалари бўйича ўринбосари тадбиркорларни инвесторларга айлантириш тизимини яратиш ҳамда бизнес инкубаторлар ташкил қилиш оркали тадбиркорлик саводхонлиги ни ошириш учун масъул ва жавобгар бўлади.

Иккинчидан, тўқимачилик саноатида Поп, Уйчи туманлари ва Наманган шаҳрида беш йилда 2 миллиард долларлик 1 минг 700 дан зиёд лойихалар ишга туширилади.

Жумладан, Наманган шаҳри, Тўракўргон ва Чорток туманларида 313 гектар майдонда “Наманган текстайл” индустрисал зонаси ташкил қилиниб, 560 миллион долларлик 22 минг иш ўрнига мўлжалланган 710 та лойиха амалга оширилади.

Спорт кийимлари, ёзги ва кишики устки кийим, жинси каби экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга стакчи жаҳон брендлари жалб қилинади.

Шунингдек, Наманган мухандислик-технология институти негизида Италия, Франция, Жанубий Корея ва бошка ривожланган давлатларнинг илғор тўқимачилик олийгоҳлари билан бирга Наманган тўқимачилик саноати институти ташкил этилади.

Худди шунингдек, қурилиш материаллари саноатида 1,7 миллиард долларлик 1 минг 327 та лойиха амалга оширилиб, 16 мингта доимий иш ўрни ташкил этилади.

Мебелсозлик соҳасида келгуси беш йилда Чорток, Тўракўргон ва Наманган туманларида жами 180 миллион долларлик 512 та лойиха амалга оширилади.

Чарм-пойабзал саноатида 500 миллион долларлик инвестиция хисобидан 15 минг иш ўрнига мўлжалланган 131 та лойиха ишга туширилиб, тайёр чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми беш баробар оширилади.

Косонсой, Поп, Чуст ва Уйчи туманлари электротехника саноатига ихтисослаштирилиб, 420 миллион долларлик 127 та лойиха ишга туширилади.

Мева-сабзвотни кайта ишлаш саноатида 833 та лойиха амалга оширилиб, 650 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилади.

Вилоядта киймати 1,3 миллиард доллар бўлган 45 та йирик лойиҳалар ишга туширилиб, 20 мингта янги иш ўрни яратилади.

Хусусан, Поп туманида 120 миллион долларлик хорижий инвестициялар хисобидан куввати 150 мегаватт бўлган күёш фотолектр станцияси ишга туширилиши натижасида жами 100 минг

аҳоли ва тумандаги барча саноат корхоналари узлуксиз электр энергияси билан таъминланади.

Учинчидан, келгуси беш йилда экспорт ҳажми 1,6 миллиард долларга етказилади. Жумладан, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти тўрт баробар, чарм-пойабзal, электротехника, озик овқат маҳсулотлари экспорти беш баробар оширилади.

Европа Иттифокининг маҳсус преференциялар тизимиning (GSP+) бенефициар мамлакат макоми қўлга киритилиши натижасида вилоят экспортчилари Европа бозорларига ҳар йили камида 500 миллион долларлик юқори қўшилган кийматли тайёр маҳсулотларни етказиб бериш имкониятига эга бўлади.

“Учкўрғон” чегара божхона пости очилиши хисобидан кўшини давлатга йилига 150 миллион долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилади. Тўракўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чорток туманларида замонавий агрологистика комплекслари ташкил этилади.

Давлатобод туманида “Наманган экспо” маркази ташкил этилиб, вилоятда ҳар йили тўқимачилик ҳалкаро форуми ва кўргазмаси ташкил этилади.

Тадбиркорлик жамгармаси томонидан айланма маблағлари учун олинган кредитлар фоиз харажатларини 50 фоизгача коплаб бериш ва кафилликлар тақдим этиш амалиёти нафакат кичик экспортчи корхоналарга, балки йирик экспортчилар учун ҳам жорий этилади.

Қиска килиб айтганда, вилоятда экспортни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш натижасида экспортчи корхоналар сони олти баробар кўпайиб, 3 мингтага етади. Вилоят экспортида юқори қўшилган кийматли тайёр маҳсулотлар улуши ҳозирги 42 фоиздан 75 фоизга етказилади. Экспорт географияси ҳозирги 54 та давлатдан 92 та давлат ҳисобига кенгаяди.

Учинчи йўналиш – хизматлар соҳасининг асосий ўсиш нуткалари – ички ва ташки туризм, савдо ва логистика йўналишлари бўлади.

Энг аввало, Наманган вилоятини йилига ўртacha 1,5 миллион нафар сайёхни қабул қилувчи марказга айлантирамиз.

Бугунги кунда Наманганда барпо этилган “Афсоналар водийси” боғи, ҳар йили ўтказиладиган Гуллар байрами нафакат мамлакатимиз, балки қўшни давлатларда ҳам машҳур бўлиб, минглаб сайёхларни жалб қилмоқда.

Маъданли суви билан машҳур Чорток шахри дунёга танилган Карлови-вари, Кисловодск ва Минводи курортларидан хеч колишмайди.

Шу билан бирга, ўзининг пичоғи, дўпписи, мевалари билан жаҳонда шуҳрат қозонган Чуст туманинг 3,5 минг йиллик тарихи бор.

Ушбу туманин ривожлантириш учун алоҳида дастур қабул килинади.

Наманганда савдо ва қўнгилочар марказлар, кафе ва ресторанлар ташкил этилиб, шаҳар нафакат водий, балки бутун мамлакатдан ва хориждан туристлар учун жозибадор ҳудудга айлантирилади.

Энди Наманган шаҳридаги Гуллар байрамини ҳалқаро фестивалга айлантирамиз.

Поп туманидаги Чодак ва Янгиқўрғон туманидаги Нанай кишлокларида экотуризм кластери ташкил этилади. Чодакда йилига 250 минг нафар туристга хизмат кўрсатадиган инфраструктузилма яратилади. Шунингдек, Янгиқўрғон туманида лойиҳа киймати 30 миллион доллар бўлган “Нанай–Заркент–Поромон” туристик зонаси ташкил этилади. Чустдаги Ғова ва Консонсойдаги Олмазор кишлоклари “туризм кишлоклари”га айлантирилади. Натижада икки минг нафардан ортиқ аҳоли иш билан таъминланади.

Жами хизмат кўрсатиш соҳасида умумий киймати 540 миллион доллар бўлган 2 минг 700 дан зиёд катта-кичик лойиҳаларни ишга тушириш хисобидан 34 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади. Жумладан, Поп туманидан ўтувчи А-373 ҳалқаро ав-

томобил йўли ёқасида 150 та сервис объектлари ишга туширилиб, 1,3 мингта иш ўрни яратилади.

Бундан ташкири, барча шаҳар ва туманлар марказида умумий қиймати 800 миллиард сўм бўлган 700 та лойиха доирасида туну кун ишлайдиган савдо, овқатланиш, фитнес ва бошқа хизмат кўрсатиш кўчалари барпо этилади ва 5 мингта иш ўрни яратилади.

Тўргинчи йўналиш – қишлоқ хўжалигида бошланган ислохотлар давом эттирилиб, 80 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Биринчидан, 11 минг 100 гектар майдон ўртача 10–20 сотиҳдан аҳолига очик танлов асосида узок муддатли ижарага берилади ва 50 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланади.

Мисол учун, Чуст ва Поп туманларида аҳолига 2 минг 300 гектардан ер ажратиш ҳисобига камида 10 мингта янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, келгуси беш йилда камида 19 минг гектар майдон кайта фойдаланишга киритилиб, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик учун очик танлов асосида ажратилади.

Мисол учун, Косонсой туманида Намуна ва Кўкумбой худудларида “Куюкмозор 1–2” насос станцияларини реконструкция килиш ҳисобига, минг гектар майдон кайта ўзлаштирилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда 20 минг гектарнинг сув таъминотини ва 35 минг гектарнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда 120 минг гектарда сув тежайдиган технологияларни жорий килиш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Бунда 74 та насос станцияси модернизация килиниб, 2 мингта насос агрегатлари янгиланиши натижасида йилига 700 миллион куб метр сув тежалади.

Иккинчидан, томорқалар сув таъминотини яхшилаш орқали 16 минг аҳоли бандлиги таъминланади.

Масалан, Чортокда 130 та кичик кудуклар қазилиб, 4 мингта хонадон томоркасининг сув таъминоти яхшиланади. Шунинг-

дек, 24,5 минг хонадонда минг гектар узумзор барпо этилади ва 10 минг нафар ишсиз аҳоли учун ихчам иссикхоналар қуриб берилади.

Аҳоли хонадонларида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш максадида “Томорка хизмати” корхоналари сони 57 тадан 80 тага етказилади.

Ушбу корхоналар қошида “ўқув-маслаҳат марказлари” ташкил этилиб, аҳолига бир йилда 2–3 марта хосил олиш бўйича маслаҳат бериб бориш тизими йўлга кўйилади.

Чорток, Янгиқўргон ва Косонсойда 1 минг 400 гектар майдонда аҳоли хонадонларига уруғ етказиб бериш тизими йўлга кўйилади.

Учинчидан, Янгиқўргон, Поп, Чорток, Косонсой, Чуст туманларида 10 та узумчилик кластери ташкил этилиб, 15 минг гектарда янги узумзорлар барпо этилади ва ҳар бир туманда биттадан кайта ишлаш корхонаси ишга туширилади.

Вилоятда қўшимча ташкил килинадиган 10 та кластер томонидан 6 минг гектарда интенсив боғ барпо этиш орқали мева етишириш 3-4 баробар кўпайтирилади. Шунингдек, минг гектар ерда лимончилик иссикхоналари ташкил этилади. Бунинг учун уч йиллик имтиёзли давр билан етти йил муддатга кредитлар ажратилади.

Вилоятда куввати 27 минг тонна бўлган учта йирик агрологистика маркази ва 50 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлайдиган 40 та кичик корхона ишга туширилади.

Янгиқўргон олмаси, Чуст ва Косонсой ноклари, Чорток бодоми ўзига хос миллий брендга айланиб улгурган. Олмослик дехконларни қўшни давлатларда, ҳатто Россияда ҳам жуда яхши билишади. Бу тажрибаларни республикамизнинг барча худудида оммалаштириш максадида Тўракўргон кишлок хўжалиги техникуми негизида Аграр университетининг Наманган филиали ташкил этилади.

Тұртқынчидан, чорвачилик тармокларини ривожлантиришда кластер ва кооперация тизимігә алоқыда эътибор қаратылады. Хусусан, чет давлатлардан 250 минг бөш әчки олиб келиниб, шундан 50 минг бөш әчки кластер усулида Поп, Чуст ва Косон-сой туманларидаги уч мингта хонадонга тарқатылады.

Шунингдек, 17 минг хонадонга 200 бөшдан парранда етказиб берилади ва парранда бөш сони 1,5 баробар оширилады.

Интенсив усульда балик етиштириш бүйіча вилоятда 28 та кластер ва 53 та кооперация ташкил этилиб, 3 минг 650 та хонадонда балик етиштириш йүлга күйилады.

Янгиқұрғон, Наманган ва Давлатободда асаларичиликка ихтинослашған махсус кичик саноат зоналари ташкил этилиши натижасыда асал етиштириш ҳажми беш баробар оширилады.

Бешинчи йұналиш – уй-жой куриш, йүл-транспорт ва мухандислик инфраструктурасының ривожлантириші.

Эң аввало, Наманган шаҳри – ахолисининг сони миллион кишидан иборат шаҳарға айланади. Бунинг учун Юксалиш массивида 30 минг оила учун 330 та күп каватли уйлар, мактаб, боғча, шифохона, кичик саноат зоналари, хизмат күрсатыш обьектларини камраб олған “Янги Наманган” шаҳарчаси бунёд этилади. Шунингдек, шаҳарчада 95 гектар майдонда “Янги Үзбекистон” бори барпо этилади. Наманган шаҳри марказида барча кулайликтарға зәға Халқаро ишбилармөнлик маркази қурилади.

Бундан ташкири, вилоятда келгуси беш йилда жами 16 минг хонадонли 700 та күп каватли уй қурилади. Бу – олдинги йилларға нисбатан 1,9 баробар күп дегани.

Наманган шаҳрида 360 та күп каватли уй ва 16 та ижтимоий соға обьектларининг иссиққыл тизимиңи модернизация қилишга 15 миллион доллар йұналтириледи.

Наманган шаҳридеги автомобиль қатнови тирбанд бұлған бешта күчада йүл үтказгычлар қурилади.

Келгуси беш йилда вилоятда марказлашған ичимлик суви билан таъминлаш даражасы 63 фоиздан 85 фоизге етказилади.

Айникса, 250 миллион долларлик лойихани амалга ошириш на-тижасида Наманган шаҳри, Мингбулоқ, Наманган, Поп, Чорток ва Чуст туманларининг 123 та маҳалласида яшовчи 360 минг аҳолига илк бор марказлашган ичимлик суви етиб боради. Бунинг учун 850 километр ичимлик суви ва 60 километр канализация тармоғи, 30 та сув иншооти ҳамда 3 та оқова сув иншооти барпо этилади.

“Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида тизимли ишлар давом эттирилади.

Куни кечак шароити энг оғир бўлган 26 та маҳалланинг ҳар бирига ободончилик, йўл, электр ва сув тармокларини таъмирлаш учун бюджетдан 3,5 миллиард сўмдан маблағ ажратилди.

Келгуси йилда яна 28 та аҳволи оғир маҳаллага зарур маблағлар берилади. Янги Наманган, Мингбулоқ, Норин, Чорток, Янгиқўрғон туманларидағи 177 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган 50 та маҳаллани ободонлаштириш, ижтимоий объектларни куриш ва таъмирлаш учун 90 миллион доллар маблағ йўналтирилади.

Шаҳар ва туманлар марказларида жами 146 гектар яшил жамоат парклари ва яшил майдонлар барпо қилинади, маҳалла, корхона, ижтимоий объектлар ва дала атрофларида жами 74 миллион туп дараҳт экилади.

Бундан ташқари, электр энергияси таъминотини яхшилаш максадида келгуси беш йилда 6,5 минг километр тармоклар янгидан курилади ва реконструкция қилинади, икки мингга якин трансформатор ва 12 та подстанция янгиланади.

Шунингдек, 7 минг километр автомобиль йўллари ва 252 та кўприкни куриш ва таъмирлаш учун келгуси беш йилда 4 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Жамоат транспорти етиб бормаган 40 та аҳоли пунктига автобус катновлари йўлга кўйилиб, ушбу максадлар учун 200 дона автобус харид қилинади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Наманган вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун давлат ҳисобидан 40 триллион сўм йўналтирилади. Бундан 6,5 триллион сўми давлат бюджети ҳисобидан лойиҳалар айтиб ўтилган дастурларга йўналтирилади. Шунингдек, бюджетдан турли йўналишларга йилига 670 миллиард сўм субсидиялар ҳам ажратилади.

Бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Халкнинг пулини адолатли тақсимлаш, максадли ва манзилли ишлатишни ташкил этишимиз зарур. Бунинг учун келгуси йилларда ҳудудни коррупциядан холи қилиш бўйича Наманган вилояти барчага намуна бўлиши учун алоҳида дастур қабул қилинади.

Бунда бюджет ажратмаларини очик-ошкора сарфлаш орқали иқтисод қилинган маблағлар эҳтиёжманд оиласалар, “аёллар” ва “ёшлилар” дафтарларига киргандарни қўллаб-кувватлашга йўналтирилади.

Олтинчи йўналиш – аҳоли саломатлигини саклаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

Аввало, бирламчи тиббиёт бўгинида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш чоралари кўрилади. Бунинг учун келгуси икки йилда 17 та маҳаллада оиласавий шифокорлик пунктлари ҳамда Наманган шаҳрида 5 та оиласавий поликлиника фаолияти йўлга кўйилади.

Шу билан бирга, эрта ўлимнинг асосий сабаби бўлган қон босими ва онкологик касалликларни даволаш учун аҳолига энг зарур дори воситалари бепул етказилади.

Буйрак касалликларини эрта аниқлаш максадида барча бирламчи тиббиёт муассасалар экспресс-тест воситалари билан таъминланади.

Онкологик касалликларни эрта аниқлаш учун 45 ёшдан ошган 210 минг аёл ҳар йили скрининг текширувидан ўтказилади.

Уйчи, Янгиқўргон ва Чустда учта туманлараро перинатал марказ ташкил қилинади. Учқўргон ва Попда иккита ўткир

кон томир касаллуклари марказлари фаолияти йўлга қўйилади. Уларда гемодиализ хизмати ҳам кўрсатилади.

Шунингдек, ҳар йили 430 минг нафар болалар ва ҳомиладор аёллар витаминалар билан бепул таъминланади.

Косонсой, Норин, Поп, Учкўргон, Чуст, Тўракўргон, Мингбулук, Янгиқўргон ва Чортокда урология ва эндокринология, Учкўргон, Норин, Чорток, Тўракўргон, Наманган, Мингбулук, Янгиқўргон, Косонсойда неврология ва эндокринология йўналишлари бўйича Республика ихтисослашган марказлар вилоят филиалларининг туманлараро бўлимлари ташкил қилинади.

Янгиқўргон, Давлатобод туманлари тиббиёт бирлашмалари лапароскопик ускуналар билан таъминланиб, каминвазив операциялар ўtkазиш йўлга қўйилади.

Иккинчидан, аҳолига юкори технологик тиббий хизматлар кўрсатиш кўлами кенгайтирилади.

Бугунги кунда 350 нафар тугма юрак нуксони бор болалар юкори технологик операцияга муҳтож. Уларни бепул даволаш йўлга қўйилиб, бунга 14 миллиард сўм йўналтирилади.

Юкори технологик, мураккаб жарроҳлик операциялар кўламини кенгайтириш учун Кардиология марказининг Наманган филиали 9 миллион евролик тиббий асбоб-ускуналар билан жихозланади. Травматология ва ортопедия марказининг Наманган филиалига янги бино ажратилиб, моддий техник-базасини яхшилашга 21 миллиард сўм йўналтирилади.

Учинчидан, соғликни саклаш соҳасида хусусий сектор жадал ривожланади. Вилоятда хусусий шериклик ва тўғридан-тўғри инвестициялар хисобидан 42 миллион долларлик 8 та лойиҳа ишга туширилади. Наманган шаҳрида ҳалкаро университет ва замонавий клиникадан иборат Тиббиёт кластери ташкил этилади.

Еттинчи йўналиш – таълим соҳаси салоҳиятини мустаҳкамлаш. Ушбу максадларда фарзандларимизнинг таълим-тарбияси-

ни замон талаблари асосида ташкил этиш, уларни талаб юкори ва ракобатбардош бўлган мутахассислик ва касб-хунарларга ўқитиш, бўш вактларини мазмунли ўтказишлари учун зарур шароитлар яратилиди.

Биринчидан, вилоятда келгуси беш йилда 52 та давлат ва давлат-хусусий шериклик, 1 минг 300 та оиласвий боғча ташкил этилади. Айниска, мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган 58 та маҳаллада 116 та оиласвий боғча ташкил этилиши натижасида мактабгача таълим билан камраб олиш даражаси 68 фоиздан 82 фоизга етказилади.

Иккинчидан, вилоятда 37 та янги мактаб курилади, 473 та мактаб реконструкция килинади ва капитал таъмирланади. Натижада 101 мингдан зиёд қўшимча ўқувчи ўринлари яратилиб, жами 512 мингтага етказилади. 132 та мактабда замонавий спорт заллари курилади.

Учинчидан, олий таълим билан қамраб олиш даражаси 50 фоизга етказилади. Бунинг учун Наманганда келгуси беш йилда 7 та олийгоҳ ташкил этилиб, олий ўқув юртлари сони 10 тага етказилади. Ибрат ижод мактаби негизида Чет тиллар олийгоҳи ташкил этилади.

Талабаларни турар жой билан таъминлаш максадида қўшимча 3 минг 600 ўринли 9 та янги ётоқхона куриб битказилади. Натижада талабалар турар жойига эҳтиёж ҳозирги 15 фоиздан 54 фоизга таъминланади.

Тўртинчидан, Наманган ахлининг футболга бўлган ашаддий кизикишини нафакат мамлакатимизда, балки қўшини давлатларда ҳам яхши билишади. “Навбахор”нинг ишқибозлари Англия, Италия ва Франция футбол фанатларидан сира қолишмайди.

Наманганликлар Одил Аҳмедов каби истеъдодли, ватанпарвар футболчини етиштириб бергани билан ҳар канча фахрланса арзиди.

Ўйлайманки, вилоятнинг шаҳар ва кишлокларида унинг издошлари яна кўплаб топилади. Шу боис, “Навбахор” футбол

клуби базасида футбол академиясини ташкил этиб, Давлатобод туманини спорт шаҳарчасига айлантирсак, нима дейсизлар?!

Азиз вагандошлар, кадрли дўстлар!

Агар кимдир: “Сайловолди дастурингизнинг асосий мазмунини жайдари тилда, содда килиб гушунтириб берсангиз”, деб сўраса, мен бу дастур, энг аввало, жонажон Ватанимизда тинчлик ва хотиржамлик барқарор бўлиши, кўпмиллатли халқимиз ўртасида дўстлик ва ахиллик бардавомлиги, Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнаши, инсон қадри, инсон манфаатини таъминлаш, одамларнинг ҳаётдан, бир-биридан, Худойи таолонинг берган неъматларидан рози бўлиб яшаши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этишга каратилган, деб жавоб берган бўлар эдим.

Бундай улуғ мақсадларга ҳаммамиз биргаликда ҳалол ва фидокорона меҳнатимиз орқали эришишимиз мумкин. Албатта, бу осон иш эмас, қийин эканини мен яхши биламан.

Бироқ атокли адабимиз Абдулла Каххор таъбири билан айтганда, “Қийин” сўзи – “мумкин эмас” деган маънони англагмайди. “Қийин” – кўпроқ меҳнат қилиш керак, деганидир.

Мен оддий зиёли оиласида улгайганман, инсон ҳаётда ўз мақсадига эришиш учун тинимсиз ҳаракат қилиши, қийинчилик ва муаммолардан кўркмаслиги кераклигини чукур англайман.

Мен бу борада бутун халқимиз қаторида, намангандик юраги тоза, оккўнгил юртдошларимизнинг ишончи ва ёрдамига таянман.

Сўзимнинг якунида барчангизга мустаҳкам саломатлик, хонадонингизга файзу барака, омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Доимо соғ-омон бўлинглар, азизларим!

Эътиборингиз учун раҳмат!

*Намангандик шаҳри,
2021 йил 27 сентябрь*

ФАРГОНАНИ ЧИНАКАМ “ОЛТИН ВОДИЙ”ГА АЙЛАНТИРАЙЛИК!

*(Фаргона вилояти сайловчилар вакиллари
билин учрашувдаги нутқ)*

Ассалому алайкум, кадрли юртдошлар!
Хурматли сайловчилар!

Авваламбор, кадимий ва бетакрор Фарғона заминида мен учун кадрдан бўлган сиз, азиз юртдошларим билан яна бир бор учрашиб, мана шундай кўтаринки кайфиятда дийдор кўришиб турганимдан хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, мард ва олижаноб, оккунгил ва меҳмондўст, самимий ва ориятли Фарғона халқига ўзимнинг юксак хурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Азиз дўстлар!

Барчамиз Фарғонани яхши кўрамиз. Уни “Олтин водийнинг гавҳари” деб эъзозлаймиз. Бу табаррук ва саховатли заминга бир бор кадам қўйган одам, унга бир умр мафтун бўлиб колади.

Мен ҳар гал Фарғонага келганимда, бу ерда сизлардек кадрдонларим билан сухбатлашганда, атоқли шоиrimiz Ҳамил Олимжоннинг:

“Водийларни яёв кезганда,
Бир ажисб ҳис бор эди манда”, –

деган самимий мисралари хаёлимда такрорланади.

Мана, бугун даврамизда жуда кўп истараси иссиқ инсонларни кўриб турибман.

Фарғона ахлига хос гўзал фазилатларни, бу саховатли диёрдан етишиб чиккан давлат ва жамоат арбобларини, олиму уламолар, шоиру ҳофизларни, тадбиркор ва ишбилармон одамлар-

нинг номларини таърифлайдиган бўлсам, сухбатимиз “Фарғона тонг отгунча” ҳам тугамайди. Ўйлайманки, бунга зарурат ҳам йўқ, чунки уларнинг эзгу ишларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак кадрлайди.

Фарғона вилоятининг буғунги ривожида мўътабар оқсоқолларимиз, кайвони онахонларимизнинг ҳам муносиб хиссалари борлитини барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Вилоят “Нуроний” жамғармасига кўп йиллар раҳбарлик қилиб келган самимий ва жонкуяр инсон, сенатор Топиболди aka Холдоровнинг вафоти кўпчилик юртдошларимиз катори мени ҳам чуқур қайғуга солди. Топиболди aka доимо эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, ўзининг бой билим ва тажрибаси, самарали жамоатчилик фаолияти билан бутун мамлакатимизда катта обў-эътибор қозонган дилкаш инсон эдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Топиболди аканинг оила аъзолари ва яқинларига чин дилдан ҳамдардлик билдираман.

Айни вактда, вилоятда ижтимоий ҳаётдаги, ёшлиар тарбиясидаги фаол иштироки, доно ўғитлари билан барчага ўрнак бўлиб келаётган Нўмонжон Мўминов, Лола Муротова, Энахон Сиддикова, Омонжон Ҳошимов, Мастирахон Сайфиддинова, Маҳматали Юнусов, Акрамжон Йулбарсов, Олимжон Эргашев, Жўрабой Каримов, Турсунхўжа Абдураҳмонов, Холматжон Комилов, Зокиржон Раҳмонов сингари фаҳрийларимизга сиҳат-саломатлик, ишларига муваффақият, оилавий баҳт-саодат тилайман.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳабарингиз бор, биз шу кунларда Президент сайлови муносабати билан сайловолди учрашувларни ўтказиб келаяпмиз. Барчангиз яхши тушунасиз, олдимизда турган бу сайлов бутун эл-юртимиз, жонажон Ватанимиз, янги Ўзбекистонимизнинг бундан кейинги тақдири ва тараккиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий тадбир ҳисобланади.

Барчамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Глобаллашув даврида, инсониятнинг тақдири ва келажагига таҳдид солаётган хавф-хатарлар, иктисодий-молиявий инкиroz тобора кучайиб бормоқда. Халқаро майдонда турли зиддият ва қарама-каршиликлар, янги-янги муаммолар юзага келмоқда. Шафқатсиз рақобат, манфаатлар тўқнашуви, савдо урушлари кечмоқда.

Мана шундай кескин ва мураккаб бир вазиятда Ўзбекистонга раҳбарлик килишдек улкан масъулиятни зиммамга олишга қарор килган эканман, мен бутун халқимиз қаторида, сиз, азиз Фарғона ахлининг ҳам, ишончи ва қўллаб-қувватлашига таянаман.

Азиз дўстлар!

Ёдингизда бўлса, биз сизлар билан бундан беш йил олдин бўлиб ўтган сайловолди учрашувимизда қўплаб масалалар катори Фарғонада ҳам маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича катта режалар тузган эдик. Хусусан, халқимиз кўнглидан жой олган улуғ адид ва санъаткорларимиз хотирасига бағишлаб гўзал бир маскан барпо этиш ҳакида фикрлашган эдик.

Бугунги кунда Марғилон шаҳрида ташкил этилган Ижодкорлар боғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби, шоирнинг мемориал музейи ва муazzзам ҳайкали нафакат Фарғона водийси, балки бутун мамлакатимизнинг адабий-маънавий мухитига, ёшлар тарбиясига бекиёс таъсири ўтказмоқда.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, инсон кадрини, маънавият ва маърифатни доимо улуғлаб яшайдиган Фарғона ахлини мана шундай эзгу ишларни давом эттиришга чакирмокчиман.

Бу борада ўзбек мумтоз адабиётининг йирик сиймоларидан бири – Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фуркатнинг ҳаёти ва фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Барчамиз бу улуг шахс сиймосида ҳамиша илм-маърифатга, янгиликка интилган, тараккийпарвар инсон тимсолини кўрамиз.

Сизларга маълумки, форс, араб, рус, хинд, хитой тиллари ни пухта эгаллаган Фуркат дунёнинг кўплаб юртларида бўлиб, жаҳон илм-фани ва цивилизациясининг илғор ютуклари билан яқиндан танишган ҳамда Туркистон ҳалқига уларни кенг тарғиб этган.

Фуркат 50 йиллик қиска умри давомида моҳир публицист, тадқиқотчи, жаҳонгашта олим сифатида ноёб истеъодини на-моён этганини ҳам барчангиз яхши биласиз. Фуркатнинг бундан кейинги фожиали ҳаёти, мусофириликда қолиб, Ватанинни соғиниб яшагани ҳам сизларга яхши маълум.

Фуркат – Фарғона жадидларининг маънавий отаси бўлган, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Мана, биз юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга ҳаракат киляпмиз. Ҳеч шубҳасиз, агар мустамлака тузумининг қатағон сиёсати бўлмаганида, ушбу Ренессансни маърифатпарвар жадид боболаримиз яратган бўлар эди.

Бетакрор шоир, миллатпарвар, ҳалқимизни бир умр илму маърифатга, тараккиёт ва ёргуғ қелажакка чорлаб ўтган шахс – Зокиржон Фуркатнинг эл-юртимиз олдидағи буюк хизматлари ни инобатга олиб, унинг ижодини янада кенг оммалаштирасак, жумладан, Қўкон шахри марказидаги Фуркат боғида шоирнинг ҳайкалини ўрнатсак, ўйлайманки, бу ишимиз ҳар томонлама катта аҳамиятга эга бўлади.

Яқинда, 21 октябрь куни барчамиз кутлуғ сана – Ўзбек тили байрами кунини мамлакатимизда кенг нишонлаймиз. Она тилимизни асраб-авайлаш, унинг равнакини таъминлаш учун курашган, ҳатто шу йўлда жонини фидо килган азиз зотларнинг хотирасини ҳамиша ёдда сақлаш – муқаддас бурчимиздир.

Ана шундай улуғ инсонлардан бири – юртимизда илк бор “Ўзбек тили” дарслигини яратган атокли олим, журналист ва таржимон, жамоат арбоби Ашурали Зоҳирий бўлганини сизлар албатта яхши биласизлар.

Бутун умрини эл-юргни, миллатимизни маърифатли ва маданиятли қилишга бағишилаган, 1937 йили “халк душмани” сифатида катагон курбони бўлган бу бетакрор инсоннинг хотирасини муносиб қадрлаш, номини абадийлаштириш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширсак, ўйлайманки, тарихийadolat карор топади.

Маълумки, Фарғонадан етишиб чиқсан Юсуфжон кизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Мухиддин кори Ёкубов, Тамараҳоним, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Наби Раҳимов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоков, Раҳима Мазоҳидова, Муроджон Аҳмедов, Таваккал Қодиров сингари улуғ санъаткорлар ўзининг юксак санъати билан халқимизнинг меҳрини қозонган.

Ҳозир ҳам бу соҳада кўплаб умидли ёшлар вояга етиб келмоқда.

Шу маънода, улуғ санъаткорларнинг номларини абадийлаштириш максадида Марғилон шаҳар “Ижодкорлар боди” худудида уларнинг бюстларини ўрнатиб, “Санъаткорлар хиёбони”ни барпо этсак, ўйлайманки, сизларга ҳам манзур бўлади.

Ўз даврида маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасалари улуғ санъаткорлар номи билан аталган эди. Эндиликда уларни қайта номлаб, азиз хотиралари ўз ўрнига кўйилади.

Юсуфжон кизик Шакаржонов номини абадийлаштириш ҳамда Фаргона водийсида аския ва қизиқчилик санъати таълимида селекция ишлари йўлга кўйилиб, аския санъати маркази очилади.

Кўкон шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидова ижрочилик мактабини давом эттириш ва ривожлантириш максадида лапар ижрочиларининг анъанавий кўрик-танлови ҳамда хонанданинг ўй-музейи ташкил этилади.

Тобора ноёб бўлиб бораётган миллий дорбозлик ва полвонлик анъаналарини саклаб колиш ҳамда тарғиб қилиш максадида ҳар икки йилда бир маротаба “Майдон томошалари” фестивали йўлга қўйилади.

Мухтарам юртдошлар!

Ҳаммангизга яхши маълумки, Янги Ўзбекистон ғояси ва стратегияси адолатли демократик давлат куришдан иборат.

Адолатли давлатнинг хусусияти шундайки, у аввало қонун устуворлигини карор топтириши керак. Шу боис, биз ўз фаолиятимизнинг биринчи кунидан **“Халқ давлатга эмас, давлат халқка хизмат килади”**, деган сиёсатни, яъни, инсон қадрини улуғлаш, инсон манфаатини таъминлаш тамойилини энг устувор вазифа сифатида белгилаб олдик. Ана шу халқчил сиёсатнинг натижаси сифатида бугунги кунда Фарғона вилоятининг киёфаси ҳам, бу ерда яшаётган одамларнинг турмуши, ҳаётга караши ҳам бутунлай ўзгариб бормоқда.

Фарғона аҳолиси азалдан меҳнатсевар ва тадбиркор, уларга факат имконият яратиб бериш, бунинг учун ҳар бир маҳаллани зарур инфратузилма билан таъминлаш лозим. Бу борада ҳал қилишимиз зарур бўлган қатор масалалар мавжуд. Бугунги кунда Фарғонадаги энг долзарб масала – ахоли учун муносиб турмуш шароити яратиш ҳисобланади.

Вилоят аҳолиси сони ва унинг ўсиш суръати бўйича мамлакатимизда энг юқори ўринларни эгаллайди. Шу боис, бугунги кунда 20 мингга яқин оила уй-жойга мухтоҷ. Ҳар йили 30 мингдан зиёд янги оиласалар ташкил бўлиши ҳам уй-жойга бўлган талабни оширмоқда.

Сўх, Олтиарик, Тошлок, Қувада ичимлик суви таъминоти даражаси 50 фоиздан паст. Риштон, Бешарик, Қўштепа, Ёзёвон, Ўзбекистон туманларида ҳам ахвол қониқарли эмас.

Вилоятда канализация ва иссиқлик таъминоти тизимлари етарли ривожланмаган. Фарғона, Қўқон, Марғилон ва Қувада

сой шахарларининг марказлашган иссиқлик таъминоти тизими, кўплаб йиллар маблағ ажратилмагани оқибатида издан чиқкан.

Шунингдек, 9 минг километр ички йўллар таъмирталаб ахволда. Сўнгги беш йилда вилоятда электр энергияси истеъмоли 1,3 баробар ошгани боис, электр тармоклари, трансформатор ва подстанцияларнинг 40 фоизи таъмирга муҳтоҷ.

Айни пайтда, аҳолининг бир миллион нафарида тури хил сурункали касалликлар мавжуд. Хусусан, 335 минг нафарида – камқонлик, 222 минг кишида юрак-кон томир, 125 минг нафарида – эндокрин, 54 минг кишида – нафас йўллари, 50 минг нафарида эса ошкозон-ичак сурункали касалликлари аниқланган. Бу жуда катта салбий кўрсаткич.

Бундан ташқари, 236 та мактабнинг юкламаси қувватларидан анча юқори. Келгуси беш йилда ўкувчилар сони 62 мингга кўпайиши, ушбу масаланинг қанчалик долзарблигини кўрсатади.

Яна бир муҳим масала – вилоятда 160 мингдан зиёд аҳоли ишсиз бўлиб, ҳар йили меҳнат бозорига кўшимча 50 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. 110 минг оила доимий даромад манбаига эга эмас.

Мазкур муаммоларни хисобга олиб, Фарғона аҳолиси ҳаётини яхшилаш ва вилоятни жадал ривожлантириш бўйича, беш йиллик дастур тайёрладик. Ушбу дастурда куйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор каратамиз.

Биринчи йўналиш – Фарғона вилоятида электр, сув, канализация, иссиқлик таъминоти ва йўл инфратузилмаларини яхшилашга 10 триллион сўм йўналтирилади.

Аввало, келгуси беш йилда “Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 150 та кишлок ва 40 та маҳаллани ободонлаштириш чоралари кўрилади.

Бунинг учун 1 триллион 860 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Бундан ташқари, Ёзёвон, Сўх, Кўштепа ва Фурқат туманларининг шароити оғир 57 та маҳалласида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга 32 миллион доллар маблағ ажратилади.

Шунингдек, келгуси йилдан хар бир туман ва шаҳар бюджетининг камида 5 фоизи аҳоли мурожаатларига мувофиқ, энг дол зарб муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилади. Келгуси йилларда ушбу маблағ яна кўпайтирилади.

Иккинчидан, келгуси беш йилда вилоятда ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 69 фоиздан 90 фоизга етказилади. Жумладан, келгуси йилнинг ўзида Сўх туманида ичимлик сув таъминоти 30 фоиздан 100 фоизга етказилади.

Кампиробод сув омборидан қувур тортиб, Марғилон, Фарғона ва Кувасой шаҳарлари, Кува, Тошлоқ ва Фарғона туманларидағи 650 мингдан зиёд аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Бунинг учун 6 минг километр ичимлик сув тармоклари, 532 та сув иншоотлари қурилади ва реконструкция қилинади.

Сув таъминоти оғир бўлган Риштон, Бағдод, Ўзбекистон туманларида бюджет маблағлари ҳисобидан кудуклар ва зовурлар қазиши бўйича дастур амалга оширилади.

Бундан ташқари, келгуси беш йилда Фарғона, Кўқон, Марғилон, Кувасой шаҳарлари канализация тизими қамрови ҳозирги 60 фоиздан 85 фоизга етказилади. Шунингдек, туман марказларида канализация тизимини яхшилаш бўйича 151 миллион долларлик лойиха амалга оширилади.

Шаҳарлар ва туман марказларининг иссиқлик таъминотини яхшилашга 1,2 триллион сўм йўналтирилади.

Шунингдек, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 7 минг километр электр тармоклари ва 2 мингта трансформатор янгиланади. Бунга бир триллион сўмдан зиёд маблағлар йўналтирилади.

Учинчидан, келгуси беш йилда жами 30 минг квартирали 700 та кўп каватли уйлар қурилади. Бу – олдинги йилларга нисбатан уч баробар кўп, дегани. Бунда 2,5 мингта уй-жой оғир ижти-

моий вазиятга тушиб колган ёлғиз аёллар, эктиёжманд оиласар ва ногиронлиги бўлган фуқароларга берилади.

Шунингдек, келгуси беш йилда 14 мингдан зиёд оиласа ипотека кредити бўйича 680 миллиард сўмлик субсидия ажратилади.

Шу билан бирга, вилоят худудларидағи эскирган 200 та 2-3 қаватли уйлар ўрнида, реновация дастурлари асосида 7-12 қаватли уй-жойлар курилади.

Бағдод тумани “Гулистон” маҳалласида барпо қилинган шаҳарча намунаси асосида Ёзёвон, Олтиарик ва Фарғона туманларида ҳам камида 4-5 минг хонадонли “йўлдош шаҳарча”лар бунёд этилади.

Қўкон ва Марғилон шаҳарлари кўнши туманлар ҳисобига кенгайтирилади, 600 гектардан ортиқ худудда йирик уй-жой мавзелари ва саноат зоналари ташкил қилинади.

Фарғона шаҳрида 300 гектар майдонда 40 минг аҳолига мўлжаллаинган замонавий “Эко шаҳар” барпо этилади. Бунда, 25 қаватгача бўлган уйлар, ижтимоий инфратузилма обьектлари, 70 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи бунёд қилинади.

Шаҳарда ҳар йили бир миллиондан дараҳт экиб, Фарғона-нинг “яшил шаҳар” мақомини қайта тиклаймиз.

Тўртингчидан, келгуси беш йилда 6 минг километр йўллар курилади ва таъмирланади. Бунинг учун 1,8 триллион сўм маблаг ажратилади.

Ички йўлларни таъмирлаш ва улардан фойдаланишнинг янги тизими жорий этилади. Жумладан, ҳар бир туман ва шаҳарда алоҳида жамғарма тузилиб, баркарор молиявий манбалар билан таъминланади. Ушбу жамғарма маблағларининг 50 фоизи жамоатчилик таклифлари асосида шакллантирилган лойиҳаларга сарфланади.

Бундан ташкари, “Қўкон – Наманган – Андижон – Қўкон” халка темир йўли бўйлаб тезюарар электропоездлар йўлга кўйилади.

“Поп – Кўкон – Марғилон – Андижон – Хонобод” темир йўли тўлик электрлаштирилади.

Фарғона халқаро аэропорти 43 миллион доллар маблағ звазига реконструкция килиниб, хорижий ва хусусий авиакомпаниялар парвозлари йўлга қўйилади. Натижада йўловчи ва юк ташиш хажми 5 баробар ошади.

Иккинчи йўналиш – аҳоли саломатлигини саклаш.

Энг аввало, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш мақсадида 22 та янги оиласий шифокорлик пункти ва 10 та оиласий поликлиника барпо этилади ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланади. Шунингдек, вилоятда бирламчи бўғинга кўшимча 1,5 мингта штат ажратилади.

Бирламчи тиббий хизматда дори воситалари ва тиббий буюмлар харид қилиш учун ажратиладиган маблағлар уч баробар оширилади. Бунинг учун бюджетдан ҳар йили камида 50 миллиард сўмдан ажратилади.

Вилоятнинг 40 ёшдан ошган бир миллионга яқин аҳолиси ўртасида юрак-қон томир ва диабет касалликлари бўйича манзилли скрининг текширувлари ўtkaziladi. Бунинг учун “тиббиёт бригадалари” кондаги глюкоза ва холестерин миқдорини ўлчайдиган экспресс-тестлар билан таъминланади.

Бағдод, Ёзёвон туманлари ва Кўкон шаҳрида туманлараро шикастланишлар ва ўткир кон томир касалликлари марказлари ташкил этилади.

Фарғона шаҳрида 2 та, Кўкон, Марғилон шаҳарлари хамда Бешарик туманида биттадан туманлараро перинатал марказлар ташкил этилади ва барча туғрук бўлимлари тўлик замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланади.

Қува, Бувайда, Олтиарик, Фарғона, Ўзбекистон, Қўштепа, Риштон ва Тошлок туманлари тиббиёт бирлашмалари лапароскопик ускуналар билан таъминланниб, каминвазив операциялар ўтказиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, 120 ўрин жойга эга бўлган Болалар тиббий реабилитация маркази ташкил этилади.

Вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туман поликлиникаларида болалар бўлимлари фаолияти қайта тикланади, шифохоналарда эса болалар реанимацияси ташкил этилади.

Иккинчидан, ахолига малакали, сифатли ва юкори технологик тиббий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш борасида алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, Фарғонада водийда ягона Болалар кардиохирургия маркази ташкил этилиб, туғма юрак нуксони бор, юкори технологик операцияга муҳтож болаларни замонавий эндоваскуляр йўл билан хирургик даволаш йўлга кўйилади.

Бу борада барча даволаш амалиётлари бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Вилоядта мингдан зиёд bemорлар буйрак етишмовчилиги бўйича назоратда турганини инобатга олиб, Нефрология марказининг филиали ташкил этилади ва буйрак трансплантацияси йўлга кўйилади. Шунингдек, гемодиализ ускуналари икки-уч баробар кўпайтирилади. Бундан ташқари, вилоядта Хиндистон билан ҳамкорликда Эндокринология маркази ташкил этилади.

Давлат-хусусий шериклик асосида вилоят кўптармоқли тиббиёт маркази негизида барча хирургик хизматларни бир жойнинг ўзида ташкил этувчи замонавий тиббиёт кластери барпо этилади. Умуман олганда, вилоят тиббиёт тизими учун факатгина давлат бюджетидан келгуси беш йилда 5 триллион сўм ажратилади.

Учинчи йўналиш – келгуси беш йилда мактабгача таълим билан қамров даражаси 71 фоиздан 90 фоизга етказилади.

Бунинг учун вилоядта янги 1 минг 300 та давлат, хусусий ва уй боғчалари ташкил этилади, 124 та давлат боғчаси реконструкция қилинади.

Шунингдек, ўрта таълим мактабларининг қуввати 100 минг ўринга оширилади. Бунда, Фарғона, Марғилон, Кўкон, Кувасой шаҳарлари, Фурқат, Ёзёвон, Олтиарик туманларида мактаблар тўлиқ таъмирдан чиқарилади.

Ушбу мақсадлар учун бюджетдан 1,5 триллион сўм ажратилиади.

Келгуси беш йилда олий таълим билан қамраб олиш даражаси хозирги 23 фоиздан 50 фоизга етказилади. Етакчи хорижий университетлар билан бирга, 4 та янги олийгоҳ ташкил этилади. Таалabalарни тураг жойлар билан таъминлаш мақсадида қўшимча 10 минг ўринли янги ётоқхоналар куриб битказилади.

Келгуси йилдан Сўхдаги ёшлар учун олийгоҳларга киришда берилган имтиёз Риштоннинг Чўнғара, Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон ва Ҳосилот маҳаллалари ёшлари учун ҳам татбиқ этилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Фарғона вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун давлат ҳисобидан 40 триллион сўм, шундан 12 триллион сўми бюджетдан ажратилиади. Шунингдек, бюджетдан йилига 800 миллиард сўм субсидиялар ҳам берилади.

Агар Фарғонани коррупциядан холи ҳудудга айлантирасак, ушбу маблағлар ҳисобидан янада кўпроқ эҳтиёжманд аҳолимиз оғирини енгил қила оламиз. Шунинг учун бюджет ажратмаларини очик-ошкора сарфлаш орқали иқтисод қилинган маблағлар тўлиғича эҳтиёжманд оиласлар, “аёллар” ва “ёшлар” дафтарларига киргандарни кўллаб-кувватлашга йўналтирилади.

Тўртинчи йўналиш – ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида келгуси беш йилда вилоятда 420 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиади. Тадбиркорлик, хизматлар ва хунармандчиликни ривожлантириш орқали 120 мингдан зиёд аҳоли бандлиги таъминланади.

Бағдод мисолида, туманни “иісизлік ва камбағалликдан холи ҳудуд”га айлантириш бүйічә янги тизим қандай ишлаши ни тушунтириб бермокчиман.

Айни пайтда туманда 9,5 мингта меңнатта лаекатли ахоли иш билан таъминланмаган, 6 минг оила ижтимоий ёрдамга мухтоҗ, ҳар йили меңнат бозорига 3 минг ёшлар кириб келади. Тумандаги мавжуд 56 та маҳалланинг 6 таси “қызыл” ва 41 таси “сақыр” тоифага киради.

Энди маҳаллаларда ишларни тизимли ташкил этишга жавоб берадиган “хоким ёрдамчилари” лавозимлари жорий этилади. Улар маҳаллада оиласын табиғаткорлық учун кредитлар бериш, янги лойихаларни күллаб-құватлаш, ёшларни ишга жойлаштириш билан шуғулланади. Шунингдек, хоким ёрдамчиларига үз “бюджети” доирасыда жойларда субсидиялар бериш, жамоат ишларини ташкил этиш ҳамда касбға үкитишиңға маблағ ажратып ваколати берилади.

Хоким ёрдамчиларига амалий ёрдам бериш максадида иктисадий идоралар ва тижендер банклари раҳбарлари бириктiriлади. Тумандаги Халк банки ва Агробанк филиаллари ҳам “пастга тушиб”, хоким ёрдамчилари билан бирга “маҳаллабай” иш олиб борадилар.

Аввалимборт, туманда умумий қиймати 620 миллиард сүм бұлған 180 та инвестиция лойихасини амалга ошириш хисобидан 2,5 мингта иш үрнелари ташкил этилади. Жумладан, туманда 8 та кичик саноат зоналарида 90 та лойиханы амалга ошириш орқали – 1,5 мингта; мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш хисобидан – 3,5 мингта; кишлоқ хұжалигыда пахта ва ғалладан кискарган ерларни ахолига ижарага бериш орқали – 4 мингта; 140 та хизмет күрсатиши шохобчаси, 65 та йўл бўйи сервис обьекти, 10 та меҳмон уйлари, замонавий мегамаркет куриш орқали – 1,5 мингдан зиёд янги иш үрни яратилади.

Умуман олганда, ишлаб чиқылған дастурга мувофик, келгуси беш йилда туманда жами 20 мингта янги иш үрни яратилади.

Бунинг учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида туманга ҳар йили қарийб 50 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилади.

Оилавий тадбиркорлик лойиҳалари ҳисобига маҳаллаларда 4 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Жумладан, ишсизлик юкори бўлган учта маҳаллада кооперация асосида аҳолини банд килиш учун етакчи тадбиркорларга 10 фоизлик кредитлар ажратилади. Маҳаллалар лимон, қалампир етишириш, иссиқхоначилик, мебелчилик ва бошқа йўналишларга мослаштирилади.

Туманнинг 5 та маҳалласида қандолатчилик, тикувчилик, сартарошлик ва ахборот технологиялари соҳасига оид касблар бўйича касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилиб, 1 минг 600 та одам ўқитилади.

Бундан ташқари, норасмий секторда банд бўлган 4 мингга якин аҳолига рўйхатдан ўтишга кўмаклашиб, ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш имконияти яратилади.

Юкоридаги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида туманда тадбиркорлар сони уч баробар кўпайиб, 4,7 мингтага етказилади.

Агар шу янги тизим орқали иш самарали ташкил этилса, келгуси уч йилда нафакат Бағдодда, балки вилоятнинг бошқа худудларида ҳам ишсиз одам ва камбағал оила бўлмаслиги шарт.

Шу билан бирга, Сўх тумани, Риштоннинг Чўнгара, Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон ва Ҳосилот маҳаллаларидаги тадбиркорлар учун солик имтиёzlари берилиб, уларнинг ихтиёрида йилига 25 миллиард сўм маблағ қолади.

Иккинчидан, хунармандчилик маҳсулотларига янги бозор топиш, хунармандлар фаолияти кенгайишига шароит яратиш орқали 20 мингта иш ўрни яратилади.

Масалан, Марғилонда мингдан ортиқ хонадонда юртдошлиримиз адрес ва атлас, ёғоч ўймакорлиги, дўппи ва тўн тикиш, мисгарлик билан шуғулланади.

Риштоннинг кулолчилик, Кўконнинг заргарлик маҳсулотлари миллий брендга айланиб улгурган. Уларнинг бозорини кенгайтириш мақсадида энди мамлакатимизнинг барча давлат хизматлари марказларида доимий ишлайдиган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари ва савдо расталари йўлга кўйилади.

Кўкон шаҳрида миллий ҳунармандчилик музейи ва туризм маркази ташкил этилади.

Таникли ҳунармандлар ўз интернет сайтларини ташкил этиш, маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чикаришлари ва реклама килишларига давлат кўмаклашади. Шунингдек, вилоятда ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 20 миллион доллар ажратилади.

Учинчидан, келгуси беш йилда хизмат қўрсатиш хажми 2,5 баробар ошади ва 50 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бунинг учун савдо, транспорт, тиббий туризм, ИТ, йўл бўйи инфратузилмаси “драйвер йўналишлар” сифатида белгиланади.

Ўзининг улгуржи бозорлари билан машҳур Кўкон шаҳри ягона концепция ва замонавий инфраструктура асосида водийнинг “savdo va транспорт-логистика маркази”га айлантирилади. Хусусан, янги барпо этиладиган савдо-логистика маркази “Кўкон” эркин иктисодий зonasи корхоналари учун хизмат қиласади.

Вилоят худудидан ўтувчи “Тошкент – Ўш” йўналишидаги А-373 магистрал йўли бўйида 300 дан ортиқ янги савдо ва хизмат қўрсатиш шохобчалари ташкил этилади.

Сўнгги йилларда хусусий тиббий хизматлар уч баробар ошганини ҳисобга олиб, водий ва қўшни давлатлар аҳолиси учун сифатли хизматлар қўрсатадиган Фарғона тиббиёт кластери филияти йўлга кўйилади.

Келгуси беш йилда Рапкон, Чимён, Қизилтепа қишлоқларидаги маъданли сув захиралари атрофида 20 та янги сиҳатгоҳ

барпо этилади, мавжуд тиббий курорт ва санаторийлар инфрату-
зилмаси янгиланади.

Фарғона шаҳрида япониялик ҳамкорлар билан бирга хори-
жий тилларни биладиган IT бўйича мутахассислар тайёрланиб,
йирик компаниялар учун IT дастурлар ишлаб чикишга буюртма-
лар билан таъминланади.

Бешинчи йўналиш – келгуси беш йилда вилоятда 8 мил-
лиард долларлик 11 мингдан зиёд инвестиция лойиҳаси амалга
оширилади. Бунда саноат йўналишида киймати 5,7 миллиард
долларлик 2 минг 600 дан зиёд лойиҳалар ҳисобидан 115 мингта
янги иш ўрни яратилади. Бу борада, аввало, инвестициялардан
самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бў-
йича “пастдан-юқорига” тамойили асосида, янги тизим йўлга
кўйилади.

Хар бир туманда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чикув-
чи “Лойиха гурухи” ҳамда Тўғридан-тўғри инвестициялар
жамғармаси иштирокидаги “Холдинг компания” ташкил эти-
лади.

Масалан, куни кеча Фарғона шаҳрида биринчи бундай хол-
динг компания фаолиятини бошлади.

Вилоятнинг ҳар бир тумани саноат тармокларига ихтисос-
лаштирилади. Ҳусусан, Ўзбекистон туманида – қурилиш мате-
риаллари, Кўштепада – тўқимачилик, Учқўприкда – электротех-
ника, Қўконда – чарм-пойабзal, Фарғона туманида – озиқ-овкат,
Бағдодда – мебел ва қофоз саноати, Бувайдада – темирчилик,
Фарғона шаҳрида – нефть-кимё саноати кескин ривожлан-
тирилади.

Хар бир туманинг салоҳиятидан келиб чиқиб, етакчи тар-
мокларга ихтисослашган саноат зоналари ва касбга ўқитиш мар-
казлари негизида саноат мактаблари ташкил этилади. Жумладан,
вилоятнинг локомотив соҳаси ҳисобланган нефть ва кимё саноа-
тида жами 1,5 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобига

93 та лойиха амалга оширилиб, 3 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Мисол учун, “Фарғона азот”да қиймати 571 миллион долларлик 4 та йирик лойихани ўз ичига олувчи “кимё кластери” ташкил этилиши натижасида, йилига 150 миллион долларлик импорт ўрнини босадиган 180 миллион долларлик экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга кўйилади.

Яна бир “драйвер” – тўқимачилик саноатида беш йилда 1,1 миллиард долларлик инвестиция ўзлаштирилиб, Қўштепа, Тошлок, Қўкон, Фарғона ва Бешарик туманларида 1 минг 127 та лойиха ишга туширилиб, 45 мингта янги иш ўрни яратилади.

Масалан, Тошлок туманида “Поско Интернейшенл Текстил”, Қўштепада “Фарғона Глобал Текстил”, Кувада “Кува Текстил”, Риштонда “Рус–Ўзбектекс”, Ўзбекистон туманида “Булат Текстил” корхоналари томонидан умумий қиймати 120 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, йилига кўшимча 200 миллион долларлик экспорт имкониятлари яратилади.

Курилиш материаллари саноатида Ўзбекистон, Бешарик, Учқўпrik туманлари ва Қувасой шаҳрида 808 миллион долларлик 508 та лойиха амалга оширилиб, 13 мингта доимий иш ўрни ташкил этилади.

Мисол учун, Ўзбекистон туманида “Фарғона Вест Интернейшнл цемент” қўшма корхонаси томонидан қиймати 250 миллион доллар бўлган цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, йилига 70 миллион долларлик импорт ўрнини босадиган юкори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, чарм-пойабзал саноатида 252 миллион долларлик 198 та лойиха амалга оширилиб, 15 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Энг мухими – тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун аввал импорт килинган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ҳам йўлга кўйилади.

Масалан, Кўкон шаҳрида “Страфинг Сервис” МЧЖ томонидан қиймати 13 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан куввати 35 минг тонна пойабзал елими ҳамда 45 минг тонна полиёл суюклиги ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади.

Саноати паст ривожланган Ёзёвон, Сўх, Фуркат туманларининг ҳар бирида 10 гектардан кам бўлмаган майдонда “технопарк”лар ташкил этилиб, 300 та саноат лойиҳалари жойлаштирилади ва 6 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бешарик туманида “Кўкон эркин иқтисодий зона”си учун “Савдо логистика маркази” фаолияти йўлга кўйилиб, унда алоҳида солиқ, божхона ва ҳукукий режим жорий этилади.

Шу билан бирга, умумий қиймати 1,7 миллиард доллар бўлган 18 та мегалойиҳалар ҳисобидан 8,3 мингта янги иш ўринлари ташкил этилади. Жумладан, Фарғона туманида 400 гектар майдонда қиймати 80 миллион долларлик йилига 100 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш кувватига эга янги фотоэлектр станцияси ишга туширилади.

Натижада 600 минг нафар аҳоли ва 2,5 мингдан зиёд корхона узлуксиз электр энергияси билан таъминланади.

Келгуси беш йилда вилоят экспорти уч баробар ортиб, 2 миллиард долларга, шундан саноат маҳсулотлари экспорти 1,6 миллиард долларга етказилади. Бунда экспорт таркибида кўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар улуши 45 фоиздан 77 фоизга етказилади.

Қўши давлатлар билан чегарадош Бешарик ва Риштон туманларида божхона чегара назорат постлари яқинида “эркин савдо майдонлари” ташкил қилинади. Ушбу ҳудудларда маҳаллий экспортчилар ва хорижий харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри

алока ўрнатилиб, экспортчиларга маҳсулотларни қулай ва воси-
тасиз сотиш имкони яратилади.

Европа бозорлариға кириш учун қайта ишланган мева-саб-
завот маҳсулотлариға “Фаргона бренді”ни жорий этамиз. Бунда
Европа бозори талаблариға жавоб берадиган асбоб ва ускуналар
импорт килинганда имтиёзли кредитлар билан биргаликда, ер
ажратышда ҳам алохидә енгилликлар тақдим этилади.

Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Бирлашган
Араб Амирликлари, Буюк Британия, Германия каби олис дав-
латларга мева-сабзавот маҳсулотларини авиатранспорт оркали
ташишда амалда тақдим этилаётган компенсация мөкдори оши-
рилади.

2026 йилга бориб, вилоятда экспортчи корхоналар сони үн
баробар күпайиб, 5 мингтага етади.

Олтинчи йўналиш – қишлоқ хўжалигини ривожлантириш
оркали 140 мингдан ортик янги иш ўрни яратилади.

Биринчидан, вилоятда 12 минг 600 гектар экин майдонлари-
ни аҳолига 10 дан 50 сотихгача очик танлов асосида, узок муд-
датга ижарага бериш оркали 50 мингдан ортик иш ўрни ярати-
лади.

Шунингдек, фойдаланишдан чиқиб кетган 25 минг гектар
майдон ўзлаштирилиб, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик учун
танлов асосида ажратиб берилади. Бу 20 минг аҳолини банд ки-
лиш имконини беради.

Масалан, Бешарик, Ўзбекистон, Фарғона туманлари ва Қувасой
шаҳрининг ҳар бирида 3 минг гектаргача қўшимча ер май-
донлари фойдаланишга киритилади.

Иккинчидан, ҳар бир ҳудуднинг қишлоқ хўжалигида “драй-
вер”и бўлган соҳаларни ривожлантириш бўйича алохидә дастур
кабул килинади.

Хусусан, Учқўприк, Бешарик, Ўзбекистон, Фарғона, Риштон,
Қува, Олтиарик ва Қўштепа туманлари ҳамда Қувасой шаҳрида

20 минг гектар майдонда интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш ҳисобидан 15 минг иш ўрни яратилади.

Мисол учун, Риштонда минг гектар, Сўхда 1 минг 400 гектарда писта, бодом, ёнғок, Кува тумани ва Кувасой шаҳрида 3 минг гектарда гиолос плантациялари ташкил килинади. Қўштепа, Фарғона, Олтиарик туманларида 9 минг гектарда хўраки ва саноатбоп токзорлар барпо этилади.

Фарғона шаҳар аҳолисини озик-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида шаҳар ҳудудидаги 1,5 минг гектар ғалла майдони кооперация асосида сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилади.

Фарғона туманида 600 гектар майдонда кластер усулида сердаромад бўлган малина ўсимлигини етиштириш, кайта ишлаш ва экспорт қилиш йўлга кўйилади. Бағдод, Дангарा, Ёзёвон, Тошлок, Ўзбекистон туманларида минг гектар дашт ва чўл ерларида замонавий иссиқҳоналар ишга туширилади.

Бундан ташқари, 300 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан 25 та мева-сабзавотчилик кластери ташкил этилиб, маҳсулотни кайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажмини 1,5 баробар ошириш ва 30 мингта қўшимча иш ўрни яратиш чоралари кўрилади.

Олтиарик туманининг узумчилик, боғдорчилик ва мева-сабзавотчиликдаги тажрибасини инобатга олиб, Аграр университетининг “Боғдорчилик ва узумчилик” факультети ташкил этилади.

Учинчидан, 400 га яқин тик кудукларни қазиш натижасида 37 мингта хонадоннинг сув таъминоти яхшиланиб, томорқада экин экиш имконияти яратилади.

Хусусан, кудук қазиш ҳисобидан Бувайданинг “Буюк ипак йўли” маҳалласида 427 та, Бағдоднинг “Дашт” маҳалласида 425 та, Фарғона туманинг “Новкент” маҳалласида 415 та, Учқўприкнинг “Оксув” маҳалласида 382 та хонадонга сув етказиб берилади.

Шунингдек, Бандлик жамғармасидан 25 миллиард сўм ажратилиб, 20 минг хонадонда кичик ҳажмдаги иссиқхоналар қуриб берилади.

“Томорка хизмати” корхоналари сони 23 тадан 68 тага етказилади ва аҳоли томоркаларига 12 тадан ортиқ хизматларни кўрсатиш йўлга кўйилади. Бунинг учун Фермерлар кенгаши жамғармасидан 80 миллиард сўм ажратилади.

Тўртингчидан, вилоятда чорва моллари озука захираси учун фойдаланишга киритиладиган ерлар ҳисобидан 7 минг гектар майдон ем-харакетиши учун ажратилади.

Шунингдек, Ёзёвон ва Бағодод туманларида ҳосилдорликни ошириш натижасида 3 минг гектар паст рентабелли пахта ва ғалла майдонлари чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик учун берилади.

Бундан ташқари, ҳар бир туманда йилига 2 мингта хонадонга 200 бошдан парранда тарқатилиб, алоҳида маҳаллалар паррандачиликка ихтисослаштирилади.

“Ёзёвон сув омбори” атрофидаги 2 минг гектар ер майдонидаги қум-барханлар ўрнида сув ҳавзалари ташкил қилиниб, балиқ етишириш йўлга кўйилади.

Бешингчидан, 83 минг гектар майдоннинг сув таъминоти ва 84 минг гектарнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 125 минг гектарда сув тежайдиган технологияларни жорий килиш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Масалан, ушбу дастур доирасида Сўх туманида икки боскичли “Қайроқ” насос станциясини қуриш ишлари келгуси йилда яқунланади. Натижада, кўшимча 1 минг 700 гектар янги ерлар фойдаланишга киритилади ва бу ерлар ҳам Сўх аҳолисига танлов асосида бўлиб берилади.

Бундан ташқари, келгуси беш йилда сув таъминотини яхшилашга халкаро молия институтларидан 172 миллион доллар жалб этилади.

Еттинчи йўналиш – фаргоналикларнинг санъатсевар халк, бу заминни ҳакиқий истеъдодлар юрти эканини инобатга олиб, маданият соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Мен сўзимнинг бошида бу борада амалга ошириладиган катта-катта лойиҳаларга батафсил тұхталиб ўтдим.

Ана шу ишларга қўшимча равишда келгуси беш йилда 10 та маданият обьектида 87 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилади.

Хурматли дўстлар!

Улуғ мутафаккир Аблурауф Фитратнинг: “**Бу дунё қураш майдонидир. Бу қурашнинг қуроли соғлом жисму тан, ўтқир ақл ва яхши ахлоқдир**”, деган сўзларида чукур маъно бор.

Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етиши менинг келгуси фаолиятимда энг муҳим масала бўлиб қолади.

Ўзбекистонда яшаетган ҳар бир ўғил-киз давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва амалий ғамхўрлигидан четда қолмайди.

Мана, бугун даврамизда Фарғонанинг ана шундай навкирон ёшлари иштирок этмоқда. Мен бугун мана шундай азму шижоатли ўғил-кизларимга мурожаат килмокчиман:

Сиз, азиз ёшлар бугун олдингизда улкан имкониятлар очилаётган янги даврда – янги Ўзбекистонда яшамоқдасиз.

Ёшлик гайратингиз, ақл-заковатингизни ишга солиб, яратилған имкониятлардан самарали фойдаланиб меҳнат килсангиз, мен ишонаман, марра албатта сизники, келажак сизники бўлади!

Қадрли юртдошлар!

Биз Фарғонани “олтин водий” деб атар эканмиз, асосан унинг гўзал табиатини, саховатли заминини ўзимизга тасаввур этамиз.

Лекин, мен ўйлайманки, бу диёрда яшаётган одамларнинг кадр-киммати, иззат-хурматини жойига қўйсак, уларнинг ҳаётини ҳар томонлама обод ва фаровон килишга эриша олсак, шундагина бу чироили таърифга муносиб иш килган бўламиз.

Биз барчамиз биргаликда, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсақ, Худо хоҳласа, мана шундай орзу-максадларимизга албатта етамиз.

Нафакат Фарғона, балки бутун Ўзбекистонимиз том маънодаги “олтин диёр”га айланади.

Мана шундай юксак ва шарафли йўлда мен барчангизга куч-ғайраг, омад ва муваффакиятлар тилайман.

Ҳеч қачон чарчаманг!

Оилаларингизга бахту саодат, фаровонлик ёр бўлсин.

Доимо соғ-омон бўлинг!

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Багдоод тумани,
2021 йил 28 сентябрь*

АНДИЖОН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮҚСАҚ ЎСИШ НУҚТАСИ БЎЛИШИГА ИШОНАМАН

*(Андижон вилояти сайловчилар вакиллари
билин учрашувдаги нутқ)*

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Хурматли сайловчилар!

Авваламбор, мана шу гўзал ва табаррук заминда мен учун кадрдон бўлган Андижон вилояти вакиллари билан дийдор кўришиб турганимдан хурсандман.

Маълумки, бугун сиз, азизлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан учрашиб турибмиз. Бу сайлов барчамиз, бутун эл-юртимиз учун Янги Ўзбекистонни бунёд этишдек юксак мақсадни рўёбга чиқаришда бурилиш палласи бўлади.

Ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлиб, ўз олдига катта мақсадлар қўйиб яшайдиган Андижон аҳли ҳам ушбу сиёсий жараёнда фаол бўлиб, келажак учун масъулиятни чукур ҳис қилиб овоз беради, деб ишонаман.

Кадрли юртдошлар!

Андижон тўғрисида кўп гапириш мумкин, лекин энг лўнда гап шуки, Ўзбекистоннинг 1 фоиз ерида 10 фоиз аҳолиси яшайди.

Мана шу жиддий муаммони ҳал килиш, вилоят ҳалкига муносиб шароит яратиш учун сизлар билан маслаҳатлашиб, 4 минг гектар майдонда, 130 мингдан зиёд оила ёки 450 минг аҳоли учун мўлжалланган “Янги Андижон” шахрини бунёд этаётганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Андижонда яшашнинг ўзи одамдан доимий ҳаракатни, янгиликка интилишни, тадбиркорликни талаб қиласиди. Ҳалқимизнинг “Излаган имкон топади” деган доно ҳикмати ҳам, назаримда, худдики сизлар ҳақингизда айтилгандай.

Мен Андижон элидаги азму шижаат, омилкорлик ва миришкорликни, тараккиётга, янгиликка интилишни кўрганимда, беихтиёр, ўтган аср бошида Андижонда яшаб ўтган Миркомил Мирмўминбоевнинг номи эсимга тушади.

Ўз замонасининг машхур тадбиркори бўлган бу инсон улкан сармоя эгаси бўлгани, пахтачилик, дехкончилик, савдосотик соҳаларида катта ютукларга эришгани, йирик завод ва фабрикалар, банклар, Россия ва Европа мамлакатларида магазинлар очганини андижонлик ёши улуғ оқсоқоллар яхши билишади.

Миркомилбой хайр-саҳоват борасида ҳам бошқаларга ўрнак бўлган. Ўз ҳисобидан мактаб ва мадрасалар, масжид, шифохона, ҳаммомлар қуриш, боф ва хиёбонлар ташкил этишга хайриялар ажратган. Мухтоҷларга ёрдам қўлини чўзган.

Туркистонда хориждан автомашина ҳарид қилган биринчи маҳаллий ҳалқ вакили ҳам шу киши бўлган. Бу инсон ҳатто Андижон шаҳрини кайта қуриш, бу ерда трамвай харакатини йўлга қўйишга ҳаракат килгани тарихий манбалардан яхши маълум.

Афсуски, мана шундай тадбиркор ва саховатли инсон мудхиш даврнинг курбони бўлган. Унинг бор мулки, давлати ва сармояси большевиклар томонидан тортиб олинган. Ниҳоятда уддабурро, кенг фикрлайдиган, ишнинг кўзини биладиган бу инсоннинг қайғули кисмати истиқлолимизни қадрлашга, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлардан янада самарали фойдаланишга даъват этади.

Мана шундай ишбилармон аждодлари бўлган Андижон ахли республикамизда ҳамма соҳаларда етакчилар қаторида бўлиб келмоқда. Бунинг учун, Андижон ҳалқига ҳар канча раҳмат айтсак, арзиди.

Хурматли йигилиш катнашчилари!

Ҳаммамиз яхши биламиз, Андижон вилояти қўплаб улуг инсонларга бешик бўлган баракали замин. Қайси давр ёки қай бир

соҳани олмайлик, бу диёрдан юзлаб машхур шахслар – йирик давлат ва жамоат арбоблари, атоқли олим уламолар, адид ва шоирлар, дехкон ва фермерлар, ишбилармон кишилар, таникли шифокор ва педагоглар, спорт юлдузлари етишиб чиқканини кўрамиз.

Улар шу қадар кўпки, номларини шунчаки санаб ўтишнинг ўзи ҳам жуда кўп вактни олади. Бугун вактимиз тиғизлиги учун баъзи бир номларни айтишга улгурмасам, олдиндан узр сўрайман.

Самарали меҳнати ва ибратли фаолияти билан эл-юрт хурматини қозониб, вилоятнинг бугунги тараққиёти, унинг шон-шуҳрати ва обрусига муносиб ҳисса кўшиб келаётган:

Зокиржон Машрабов, Қобилжон Обидов, Отaxon Аламатов, Назиржон Сайдов, Ўқтамжон Охунов, Ҳасанбой Косимов, Фуломқодир Маматқодиров, Ҳамидулла Халилов, Турсунбой Рустамов каби хурматли фахрийларимиз;

Сирожиддин Зайнобиддинов, Абдулла Аъзамов, Шухрат Эгамбердиев, Ойбек Ёкубжонов, Рустамбек Шамсутдинов, Иброҳимжон Аскarov, Дилмурод Куронов, Равшан Сиддиков каби атоқли олимларимиз;

Шукуржон Маматқулов, Камолиддин Ғафуров, Равшаной Қодирова сингари жонкуяр муаллимлар;

Муҳаммад Али Аҳмедов, Қамчибек Кенжа, Абдухалил Қорабоев, Мунаввара Усмонова, Замира Ҳўжамбердиева, Ҳабиб Сиддик, Фарид Усмон, Наби Жалолиддин, Ҳумоюн Ақбаров, Ҳуршида Қўчкорова, Юлдуз Үрмонова каби истеъодли шоир ва адилларимиз;

Муножот Йўлчиева, Шерали Жўраев, Эркин Комилов, Нурилдин Ҳамроқулов, Исройлжон Ваҳобов, Озодбек Назарбеков, Ҳабибулла Юнусов, Санобар Раҳмонова, Равшан Ҳожиқулов, Севара Назархон, Фуркат Ашуралиев, Элмурод Аҳмедов каби эл севган санъаткорлар;

Расулжон Каримов, Раҳматжон Тошпўлатов, Висола Асадуллаева, Муслима Мирзаева, Нилюфар Йўлдошева, Абдулазиз

Ёкубов, Отабек Абдуллаев каби дастлабки ютуклари билан ҳаммамизни кувонтираётган фаол ёшларимиз номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Андижон заминида яшаб ўтган, ўзидан яхши ном колдирган машхур илм-фан, санъат ва маданият, адабиёт намояндлари-нинг ўлмас мероси вилоят ахлиниң бутунги улкан ютуклари учун мустаҳкам замин бўлаётгани шубҳасиз.

Шу сабабли бўлажак Янги Андижон шаҳри марказида “Маънавият хиёбони” ташкил этиб, уларнинг хотирасига бағишилаб ёдгорлик ўрнатсак, нима дейсизлар?

Ана шундай бетакрор шахслардан бири – Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг номини барчамиз яхши биламиз.

Тошмуҳаммад домла топология ва функционал анализ бўйича Тошкент илмий мактабининг асосчиси, юзлаб шогирдларнинг устози эдилар. Халқимиз у кишининг хозирги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий таълим вазирлигига раҳбар лавозимларида республикамиз тараккиёти йўлида улкан хизматлар килганини ҳеч қачон унумтайди.

Фидойи олимнинг илмий меросини чукур ўрганиш ва хотирасини абадийлаштириш максадида, жумладан, “Саримсоқов ўқишилари”ни йўлга қўйсак, Андижон давлат университетининг иқтидорли талabalари учун олим номидаги стипендиялар ташкил этсак, олим хотирасига атаб, у киши тугилган Шаҳриён туманида Тошмуҳаммад Саримсоқов номидаги аниқ фанларга ихтисослашган мактаб барпо этсак ва ёдгорлик ўрнатсак, ўйлайманки, ҳар томонламаadolатли иш бўлади.

Маълумки, Андижон – кураги ерга тегмаган полвонлар, бутун дунёга танилган моҳир спортчилар ютидир. Айниқса, Андижон бокс мактабининг ёркин вакиллари бўлган Мухаммадқодир Абдуллаев, Ҳасанбой Дўстматов, Икболжон Холдоров, Жа-

сурбек Латипов, оғир атлетика бўйича Олимпиада чемпиони ва рекордчиси Руслан Нуридинов сингари ўнлаб машҳур спортчилар, Марс Қўчкоров, Александр Размахов, Валентин Золотарёв каби юксак малакали мураббийларнинг номлари ҳаммамизга яхши таниш.

Вилоятда шаклланган шонли анъаналарни янада ривожлантириш мақсадида Андижон бокс академиясини ташкил этсак, айни муддао бўлади.

Бу академия – мен бунга ишонаман – юртимизни бокс бўйича чемпионлар мамлакатига айлантиришга катта хисса қўшади.

Хурматли учрашув қатнашчилари!

Шу кунларда барчамиз мамлакатимиз ҳаётидаги кутлуғ сана – Ўқитувчи ва мураббийлар умумхалқ байрамини кенг ишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, дунёдаги энг шарафли ва олижаноб қасб эгалари бўлган муҳтарам устоз ва мураббийлар, домлаларимизни чин қалбимдан табриклаб, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик, янги ютуқ ва муваффакиятлар тилайман.

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги вактда биз таълим соҳасида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Хусусан, таълим тизимининг мазмун-моҳиятини замон талаблари асосида ўзгартириш, ўкув муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, педагог ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-куvvatлашга каратилган мухим дастурлар ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

Азиз устоз ва мураббийларимизнинг жамиятдаги нуфузи ва обру́-эътиборини ошириш, уларнинг машакқатли меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида соҳанинг муносаб вакиллари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Шу борада олиб бораётган ишларимизни давом эттириш мақсадида, “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” кўрик-танловининг галиблари, фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлан-

ган муаллимлар, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат фаолиятига бағишилаб, ҳар йили “Устозларга эхтиром” деган ном билан алоҳида китоблар нашр этиб, уларни барча мактаб, лицей ва коллежлар, олий таълим муассасаларига, маҳаллаларга етказиб беришни йўлга қўйсак, ўйлайманки, бу ишимиз педагоглар меҳнатини муносиб кадрлаш, ёш йигит-қизларнинг таълим-тарбия соҳасига, ўқитувчи ва муаллимлик касбига бўлган кизикишини янада оширишга хизмат қилган бўлур эди.

Қадрли дўстлар!

Кейинги йилларда амалга оширган ислоҳотларимиз ва уларнинг самараси барчамизнинг, бутун ҳалқимизнинг кўз ўнгидага яққол намоён бўлиб турибди. Шу сабабли, уларга бирма-бир тўхталиб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман. Биз эришган барча ютукларнинг баҳоси, аҳамияти ва киммати, аввало, кундалик ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар билан ўлчанади, десам тўғри бўлади.

Бугун шуни катъий ишонч билан айтиш мумкинки, юртимизда бошланган ислоҳотлар ортга қайтмас тус олди. Энг асосийси, юртимизда яшаётган одамлар, уларнинг тафаккури, ҳаётга, атрофда юз бераётган барча воқеаларга муносабати ўзгарди.

Биласизлар, дунёқарашиб ўзгармас экан, турмуш ҳам, шароит ҳам ўзгармайди.

Бугун ҳалқимиз ислоҳотларга ишонч билан қарайти.

Одамларни рози килиш – осон иш эмас. Шу боис, биз фуқароларимизга муносиб турмуш шароитини яратиш, инсон қадр-киммати ва ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун янги режа ва дастурларни амалга оширишимиз зарур.

Бу борада биз Андижонда ахоли ва тадбиркорларни ташвишга солаётган долзарб муаммоларни, вилоят ривожига кучли туртки бера оладиган мавжуд резерв ва имкониятларни ҳар томонлама ўргандик.

Бир нарсани аник тушуниш зарур. Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун энг аввало, одам-

ларимизнинг саломатлиги ва яшаш шароитини яхшилашимиз керак. Шундагина, ислохотларимиз амалий натижа бериб, ҳар бир фукар буни ўз ҳаётида хис қиласди.

Андижон вилоятида ҳам бу масалалар алоҳида зътибор талаб киладиган, энг долзарб вазифалардан биридир.

Мисол учун, соғликни саклаш соҳасини оладиган бўлсак, вилоят аҳолисининг 56 фоизида ортиқча вазн, 46 фоизида меъёрдан ортиқ холестерин ва 31 фоизида юкори артериал кон босими мавжуд.

Окибатда, 480 минг нафар ёки вилоятдаги 40 ёшдан ошган аҳолининг ярмида юрак-кон томир, гипертония, кандли диабет каби касалликлар бор. Аҳолининг ўргача умр кўриш даражаси нисбатан паст.

Вилоятда 29 та оилавий шифокор пункти, 20 та оилавий поликлиника, 10 та шифохона таъмирталаб аҳволда. Тиббиётнинг бирламчи бўғинида кувватлар етишмайди.

Мисол учун, Андижон шаҳридаги 1-оилавий поликлиникага 82 минг нафар аҳоли тўғри келади.

Шу билан бирга, ҳар бир қарич ери олтинга тенг бўлган Андижон шароитида 20 мингдан зиёд оила уй-жойга муҳтож.

Иилига 30 мингдан ортиқ янги оилалар тузилаётганини инобатга олсак, ушбу эҳтиёж янада ошиб бориши аён бўлади. Шунингдек, 304 та маҳалланинг сув таъминоти яхши эмас, 4,5 минг километр ёки 40 фоиз ички йўллар таъмирталаб аҳволда.

Яна бир долзарб муаммо аҳоли бандлиги хисобланади. Вилоятда 141 минг нафар аҳоли ишсиз, 123 минг оила даромад манбаига эга эмас. Келгуси беш йилда меҳнат бозорига 260 мингдан зиёд ёшлар кириб келади. Бу ҳам янги иш ўринларига бўлган талабни янада кучайтирумокда.

Шулардан келиб чикиб, биз вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилашга каратилган беш йиллик дастурни тайёрладик.

Бунда “барча ислоҳотларимиз инсон қадр-кимматини ошириш учун” тамойилини рӯёбга чикариш максадида қўйидаги устувор йўналиш ва вазифаларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биринчи йўналиш – одамларимизнинг соғлигини асраш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаш бўйича Андижонни намунавий ҳудудга айлантирамиз. Бунинг учун, авваламбор, бирламчи тиббиёт бўғинида аҳолига хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш чоралари қўрилади. Хусусан, келгуси икки йилда шаҳар ва туманларда 11 та янги оиласвий поликлиника ва 29 та маҳаллада оиласвий шифокорлик пункти ташкил этилади.

Вилоятнинг барча тиббиёт муассасалари тўлиқ таъмирланаб, улар замонавий жиҳозлар билан таъминланади. Келгуси беш йилда барча туманларда тез тиббий ёрдам машиналари янгиланади, жумладан, янги реанимобиллар олиб келинади.

Саломатлиги бўйича юқори хавф гурухига кирадиган 600 минг аҳоли скрининг кўригидан ўтказилади, кон босими ва диабетни даволаш учун зарур дорилар бепул берилади.

Буйрак хасталикларини эрта аниқлаш учун “тиббиёт бригадалари” экспресс-тестлар билан таъминланади. Онкологик касалликларни барвакт аниқлаш учун 45 ёшдан ошган 400 минг аёл хар йили текширувдан ўтказилади. Пахтаобод, Қўрғонтепа, Шаҳриҳон ва Баликчи туманларида перинатал марказлар ташкил этилади. Шунингдек, хар йили 900 минг нафар болалар ва ҳомиладор аёллар 7 турдаги витаминлар билан бепул таъминланади.

Туманлар тиббиёт бирлашмаларининг хирургия бўлимлари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланади. Андижон ва Хонобод шаҳарлари, Асака, Баликчи, Жалақудук, Марҳамат, Улуғнор, Пахтаободдаги шифохоналар лапароскоп билан таъминланади. Натижада, йилига 20 мингдан зиёд аҳоли учун ошқозон-ичак, жигар ва ўт пуфагидаги жарроҳлик операциялари каминвазив йўл билан туманларнинг ўзида амалга оширилади.

Кўрғонтепа ва Шаҳрихонда жароҳатлар ва ўткир кон томир касалликлари марказлари ташкил килинади ҳамда гемодиализ хизмати йўлга кўйилади.

Яна бир муҳим масала – вилоятда эксперимент тарикасида 170 та бирламчи бўғин тиббиёт муассасаларида алоҳида ҳамширалик кабул пунктлари ташкил этилади.

Энди ҳамшираларга 12 та энг кўп учрайдиган касалликлар бўйича bemорларни бирламчи текширув ва скринингдан ўтказиш ва дастлабки ташхис кўйиш ваколати берилади.

Ушбу янги тизим бўйича келгуси йилда 700 нафар ҳамшира маҳсус курсларда ўқитилиши натижасида bemорларни кабул килиш навбати кисқариб, шифокор томонидан bemорга ажратиладиган вакт икки баробар ошади.

Шунингдек, вилоятда аҳолига юкори технологик тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кескин кенгайтирамиз. Жумладан, мураккаб операцияга муҳтоҷ I минг 100 нафар туғма юрак нуксони бор болаларни бепул даволаш ташкил этилиб, бунинг учун бюджетдан 30 миллиард сўм ажратилади.

Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси тўлиқ реконструкция килиниб, унинг негизида водий ахолиси учун кардиология, нейрохирургия, кўз касалликлари ва урология йўналишлари бўйича йилига 7 мингта мураккаб операция ўтказадиган “тиббиёт маркази” ташкил этилади.

Шунингдек, хусусий тиббиёт муассасалари сони мингтага етказилади. Бунда, хорижий ҳамкорлар билан иккита кўп тармоқли замонавий клиника барпо этилади. Шу тарика Андижон водий ва қўшни давлатлар ахолиси учун тиббий туризм марказига айлантирилади.

Умуман, Андижонда тиббиётни ривожлантириш учун келгуни беш йилда давлат томонидан 1,5 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Иккинчи йўналиш – ахолига муносиб яшаш шароитини яратиш, инфратузилма билан боғлик масалаларни ҳал этиш.

Бунинг учун, аввало, келгуси беш йилда 21 минг хонадонли кўп қаватли уйлар қурилади. Шундан икки мингтаси эҳтиёжманд оиласаларга ажратилиб, уларга ипотека кредити бўйича субсидия берилади.

Ҳаммангиз хабардорсиз, шу йил июнь ойида яхши ният билан “Янги Андижон” шахрига тамал тошини кўйдик.

Ушбу йирик лойиҳанинг биринчи босқичида 192 та кўп қаватли уй қурилиб, беш мингдан зиёд оила ўз бошпанасига эга бўлади.

Андижон ва Янги Андижон шаҳарларини боғловчи 16 километрлик тезюорар автобус йўналиши ташкил этилади. Шунингдек, вилоятда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳар йили камида 30 та кишлоқ ва маҳалла ободонлаштирилади ва ижтимоий объектлар таъмирланади. Шу максадда ҳар йили кариб 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Марказлашган ичимлик суви таъминоти даражаси 82 фоиздан 90 фоизга етказилади. Бунинг учун келгуси беш йилда 5 минг 700 километр ичимлик суви ва 813 километр канализация тармоқлари, мингдан зиёд сув иншоатлари қурилади ва реконструкция килинади. Ана шундай ишлар ҳисобидан вилоятда бир миллион аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланади. Бу мақсадлар учун 6 триллион сўм ажратилади.

Вилоятда 5 минг километр электр тармоқлари, 22 та подстанция, икки мингта трансформатор қурилади, мавжудларини реконструкция қилиш ва гаъмирлаш ишлари бажарилади. Натижада 350 мингдан зиёд аҳоли хонадонлари ҳамда 8,5 мингта ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектларининг электр таъминоти баркарорлашади.

Келгуси беш йилда 4,5 минг километр ички йўллар, 286 та кўприкларни қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун 3 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

“Андижон – Хонобод” темир йўли электрлаштирилади ва шахарлараро йўловчи поездлар йўлга қўйилади. Андижон аэропорти реконструкция қилиниб, авиақатновлар сони камида беш баробар кўпайтирилади. Вилоятда 79 та янги автобус йўналишлари очилиб, 531 та маҳалла жамоат транспорти катнови билан қамраб олинади.

Учинчи йўналиш – келгуси беш йилда 420 мингта янги иш ўринлари яратилади.

Аввало, тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш орқали 170 мингта янги иш ўрни очилади.

Бу ишларни молиявий таъминлаш учун вилоятга ҳар йили оиласи тадбиркорлик дастурлари доирасида 830 миллиард сўм имтиёзли кредит ресурслари ажратамиз.

Хабарингиз бор, 214 та шароити оғир маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб килиш бўйича янги ёндашувлар асосида “Андижон тажрибаси”ни бошладик. Бунинг учун 40 миллион доллар ажратдик.

Киска муддат ичida ушбу тажриба ўз натижаларини берди. Жумладан, беш минг фуқаро ўз бизнесини бошлади, икки минг ишсиз аҳоли доимий иш билан таъминланди. Етакчи тадбиркорлар билан кооперация асосида 11 минг фуқаро даромад манбайга эга бўлди.

Мисол учун, Шаҳрихоннинг “Оқ олтин” маҳалласида тадбиркор томонидан 107 та хонадонга 500 бошдан жўжа тарқатилиб, ҳар ойда улардан 160 тонна гўшт маҳсулотлари сотиб олинмоқда. Шу орқали, бир хонадон ойига ўртacha 4 миллион сўмгача даромад кўрмоқда.

Энди бу ишларни янги боскичда давом эттиришни Пахтаобод мисолида кўрсатиб ўтмоқчиман.

Бугунги кунда Пахтаободда 9 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли ишсиз, 3 мингта оила камбағаллик рўйхатига киритилган. Бундан ташкари, келгуси беш йилда яна 14,5 минг нафар битирувчи меҳнат бозорига кириб келиши кутилмоқда.

Тумандаги мавжуд 67 та маҳалланинг 16 таси “қизил” ва 47 таси “сариқ” тоифага киради. Бу ахволни ижобий томонга ўзгартириш учун энди “ҳоким ёрдамчилари” лавозимлари жорий этилади.

Улар маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш жойларини яратиш бўйича тизимли ишларни олиб боради. Ушбу ёрдамчилар маҳалладаги оиласвий тадбиркорликка кредитлар берриш, янги лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш билан шуғулланади.

Улар томорка, бўш ер ва бинолардан самарали фойдаланишни ҳам ташкил этади. Уларнинг ўз “бюджет”ига эга бўлиб, эҳтиёжманд оиласларга субсидиялар ажратиш, жамоат ишларига жалб қилиш, ёшларни касбга ўқитишни ташкил этиш ҳукукига эга бўлади.

Ҳоким ёрдамчилари иктисадиёт ва инвестиция идоралари, ҳокимиятда ишлайдиган билимли ва шижаотли ёшлар орасидан танланади. Лавозимга қўйишдан олдин улар икки ой давомида янги тизим асосида ишлашга ўқитилади ва ишининг самарасига караб, яхши ойлик тўланади. Икки-уч йил маҳаллада ишлаб, ўзини қўрсатганларини келгусида раҳбар лавозимларига қўямиз.

Шунингдек, Пахтаобод туманида саноат соҳасида умумий қиймати бир триллион сўм бўлган 80 та лойиҳа амалга оширилиб, беш мингта иш ўрни ташкил этилади. Бунинг учун “Қашкар”, “Маърифат”, “Гулистон паст кишлөк” ва “Ҳаётбахш” маҳаллаларида 4 та янги кичик саноат зоналари барпо этилади.

Тадбиркорлик дастурлари доирасида туманга йиллик 10 фоиз ставкада ҳар йили 47 миллиард сўм кредит ажратилади. Шунинг ҳисобидан етакчи тадбиркорлар билан кооперацияни ривожлантириш орқали 9 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Айни вактда, мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш хисобидан 5 мингта, 350 та хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш оркали 3 мингта, пахта ва ғалладан бўшайдиган ерларни аҳолига ижарага бериш оркали 3 мингта доимий иш ўринлари ташкил этилади.

Туманда замонавий “Экобозор” савдо комплекси ташкил килиниб, мингта янги иш ўрни яратилади.

Хоким ёрдамчиларига амалий кўмак бериш максадида, иқтисодий идоралар ва тижорат банклари раҳбарлари биректирилади. Шунингдек, туманда фаолият юритаётган Халқ банки, Микрокредит ва Агробанк раҳбар ва ходимлари хоким ёрдамчилари билан бирга янги лойиҳалар устида “маҳаллабай” иш олиб боради.

Туманнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, 16 та маҳаллада паррандачилик, тикувчилик, қандолатчилик, аёллар учун “Гўззалик салони” ходими касблари бўйича касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилади.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш оркали туманда тадбиркорлик субъектлари сони 1,5 мингдан 3 мингтагача кўпаяди. Умуман, келгуси беш йилда кайд этилган тадбирлар натижасида жами 23 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади.

Агар барча шаҳар ва туманларда ушбу янги тизим самарали ташкил этилса, уч йилда Андижонда ишсиз одам ва камбағал оила колмайди.

Иккинчидан, биз ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатишга устувор аҳамият қаратамиз. Келгуси беш йилда 45 минг нафар ёшлар тадбиркорликка, 22 минг нафар йигит-қиз меҳнат бозорида талаб юкори бўлган касб-хунарларга ўқитилади.

Ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 1,5 триллион кредит ажратилиб, 52 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, барча шаҳар ва туманларда 20 та ёшлар саноат

ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилиб, 12 минг йигит-қиз иш билан таъминланади.

Вилоятда ногиронлиги бор 950 нафар ёшлар тадбиркорлик қилиш истагини билдирган. Уларни қўллаб-кувватлаш учун хар бирининг бизнес лойиҳаларига 30 миллион сўмгача субсидия бериш йўлга кўйилади.

Андижон шаҳрида “Мумтоз шарқ хаттотлик маркази” ташкил этилиб, ёшлар хаттотлик ва наккошлик касбига ўргатиласди, улар яратган маҳсулотларнинг савдо кўргазмалари ташкил этилади.

Хонобод шаҳри ва Кўргонтепа туманида “Ёшлар IT лабораториялари” барпо этилиб, ёшлар график дизайнер ва дастурчи каби фаолият турларига ўргатиласди.

Учинчидан, кейинги беш йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 80 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, хизматлар ҳажми уч баробар ошади. Жумладан, Бўстон, Шаҳрихон, Асака, Олтинқўл, Андижон, Хўжаобод туманлари ҳудудларидан ўтган ҳалқаро автомагистрал бўйида 160 та хизмат кўрсатиш ва савдо обьектлари ташкил этиш хисобига, 1,5 мингта янги иш ўрни яратиласди.

Вилоятда кейинги беш йилда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида 25 та меҳмонхона, 60 та кўнгилочар ва дам олиш масканлари ташкил этилади.

Масалан, Хонобод шаҳрида “Афсона–2” дам олиш маскани, Шаҳрихон туманида “Хунармандлар маркази” ташкил этилади.

Хонобод шаҳрини “Водий туризм маскани”га айлантириш учун Кампирравот маҳалласида бўш турган 66 гектар майдонда сунъий кўл ва дам олиш маскани барпо этилади.

Бу ерда камида 800 та иш ўрни ташкил этилади, йилига 300 минг аҳолининг дам олиши учун имконият яратиласди. Ушбу масканнинг инфраструктураси давлат ҳисобидан амалга ошириласди.

Шунингдек, Хўжаобод туманидаги “Имом ота” туризм қишлоғи доирасида 20 та оиласий меҳмон уйи ва экотуризм дам олиш маскани ташкил этилади.

Буларни амалга ошириш учун алоҳида дастур ишлаб чикилиб, хорижий туристлар сонини камида 15 минг, маҳаллий сайёхларни 1,4 миллион нафарга етказиш чоралари кўрилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Андижон вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантариш учун давлат ҳисобидан 40 триллион сўм ажратилади.

Тўртиччи йўналиш инвестиция ва экспорт салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиш билан боғлиқ.

Сўнгги беш йилда амалга оширилган самарали ислоҳотлар натижасини Андижон вилоятининг тадбиркорлари мисолида кўришимиз мумкин.

Бежиз Андижонни “Тадбиркорлар юрти” деб аташмайди. 2020 йил якуни билан Андижон вилояти “Тадбиркорлар ва инвесторлар учун ишбилармонлик мухити” бўйича Республикада энг яхши кўрсаткичга эга бўлгани хамда сўнгги беш йилда 15 мингдан зиёд янги тадбиркорлар синфи шакллангани фикримизнинг яққол далилидир.

Шу максадда, катта натижаларга эришган андижонлик ишбилармонлар иштирокида “Тадбиркорлар кенгashi” ташкил этилади. Кенгаш вилоятда бу соҳадаги муаммо ва таклифларни тизимлаштириб, кўриб чиқиш учун вилоят ҳокимига киритади.

Шунингдек, ушбу Кенгаш Россия, Қозогистон ва бошқа давлатлардаги шу каби тузилмалар билан доимий алоказалар ўрнатиб, улар иштирокида ҳар йили “Худудлараро тадбиркорлар форуми” ўтказилиши йўлга кўйилади.

Андижон вилоятida инвестиция ва экспорт йўналишларида янги тизим жорий қиласиз.

Мисол учун, Марҳамат туманида курилиш материаллари, тўқимачилик, ипакчилик, чарм-пойабзал ва бошка тармоқларни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд. Шунинг учун, туман ҳокимининг инвестициялар ва ташки савдо масалалари бўйича ўринбосари кошида истикболли лойиҳаларни ишлаб чикувчи “Лойиҳа гурӯҳи” ва кичик геология экспедицияси ташкил этилади.

Тахлиллар натижаларидан келиб чиқиб, “Лойиҳа гурӯҳи” томонидан лойиҳалар тайёрланади ҳамда ушбу туманинг тадбиркорлари иштирокида ташкил килинадиган “Холдинг компанияси” томонидан амалга оширилиши таъминланади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси мазкур лойиҳаларнинг 30 фоизигача қисмини молиялаштиради.

Ушбу янги тизимни самарали йўлга кўйиш учун Жамғарма ҳар бир туманга йилига ўртacha 15 миллион долларлик маблағлар ажратади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда вилоятда 8 миллиард доллардан зиёд 4,5 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Вилоят саноатининг етакчи соҳаси ҳисобланган тўқимачилик тармогида киймати 3 миллиард долларлик 1 минг 300 та лойиҳа ишга туширилиб, 90 мингга доимий иш ўрни ташкил этилади.

Бунинг натижасида экспорт ҳажми тўрт баробар оширилиб, йилига ҳозирги 430 миллион доллардан 1,7 миллиард долларга стказилади.

Мисол учун, Пахтаобод туманида 55 гектар майдонда “Андижон Текстил” индустриси зонаси ташкил этилиши натижасида умумий қиймати 90 миллион долларлик 35 та лойиҳа амалга оширилади.

Бундай натижага курилиш материаллари, электротехника, чарм-пойабзал, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатларини ривожлантириш оркали ҳам эришиш мумкин. Хусусан, цемент,

оҳактош, пардозбоп тошлар, курилиш тоши ва бошка турдағи мавжуд хомашё захираларидан самарали фойдаланган ҳолда, курилиш материаллари саноатида 1,2 миллиард долларлик 565 та катта-кичик лойиха амалга оширилиб, 15 мингта доимий иш ўрни ташкил этилади.

Масалан, Булокбоши туманида 250 миллион долларлик хорижий инвестициялар ҳисобидан курилиш материаллари кластери ишга туширилиб, 1 минг 200 та янги иш ўрни яратилади.

Натижада кўшимча 100 миллион долларлик импортни кисқартириш ва 50 миллион долларлик экспорт имкониятлари яратилади.

“Андижон-фарм” эркин иктисадий зонаси имкониятлари ни кенгайтириш орқали фармацевтика соҳасида 125 миллион долларлик 98 та лойиха амалга оширилиб, 3,5 мингта доимий иш ўрни ташкил этилади. Натижада вилоятда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган дори воситалари сони ҳозирги 147 тадан 300 тага етказилади.

Чарм-пойабзal саноатида 230 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 10 минг иш ўринли 80 та лойиха ишга туширилади. Ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмлари олти баробар оширилади.

Мисол учун, Қўргонтепа туманида умумий киймати 20 миллион долларлик гайёр чарм-пойабзal маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳисобидан 1,2 мингта доимий иш ўрни яратилади.

Андижон ва Хонобод шаҳарлари ҳамда Олтинқўл туманларида электротехника саноатида 170 миллион долларлик 181 та лойиха амалга оширилиб, 4 мингта янги иш ўрни ташкил этилади ва йиллик 30 миллион долларлик экспорт имкониятлари яратилади.

Озик-овкат саноати бўйича 250 та лойиха амалга оширилиб, 400 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилади ва

8 мингта иш ўрни яратилади. Хусусан, Избоскан, Марҳамат, Булокбоши, Улуғнор, Олтинқўл, Баликчи, Бўстон туманлари ва Ҳонобод шаҳрида озик-овқат саноати йўналишида 11 та саноат кластерлари ташкил қилиниб, юкори қўшилган кийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш кувватлари яратилади.

Вилоятда автомобилсозлик соҳасида кичик бизнес билан кооперация алокаларини мустаҳкамлаб, маҳаллийлаштиришни кескин кенгайтиришга катта имконият мавжуд.

Мисол учун, 2020 йилда автомобилсозлик учун бутловчи қисмлар импорти 1 миллиард долларни ташкил этган. Шунинг учун, мавжуд моделларни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш максадида 100 миллион долларлик 85 та лойиҳа доирасида 1 минг 200 турдаги бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, маҳаллийлаштириш даражаси 65 фоизга етказилади.

Вилоят экспорти тўрт баробар оширилиб, йиллик 2,5 миллиард долларга етказилади. Бунда экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши 42 фоиздан 76 фоизга етказилади.

Вилоят экспортининг қарийб 70 фоизини ташкил этадиган тўқимачилик маҳсулотлари экспортiga алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун қўшилган киймати юкори бўлган тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспортida валюта тушумини таъминлашда экспортчиларга енгилликлар берилади.

Андижон вилоятининг экспортчилари ишбилармонлиги, улкан тажриба ва кўнікмага эга эканлигини инобатга олиб, Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан “Экспортчилар мактаби” ташкил этилади. Ушбу мактабда маркетинг тадқиқотлари, янги ташки бозорларга чиқиш стратегияси, халқаро стандартлар ва бошқа ташки савдога оид коидалар таҳлил қилинган ҳолда, тадбиркорларга экспорт фаолиятини бошлашга ва кенгайтиришга кўмаклашилади.

Бундан ташкари, Европа ва бошқа ривожланган давлатлар бозорларига чиқиш учун сертификатлаштириш органларининг халқаро аккредитациядан ўтиш билан боғлиқ харажатларини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш тизими жорий этилади.

Шунингдек, кўшни Кирғизистон билан чегарадош Пахтабод, Хонобод ва Марҳамат туманларида тайёр тикув-трикотаж, чарм ва бошқа маҳсулотларни экспорт килишга ихтисослашган “Такс Фри” тизими асосида савдо мажмуаси ташкил этилади.

Ўзбекистон–Кирғизистон–Хитой транспорт коридорида жойлашган “Андижон логистика маркази” фойдаланишга топширилади. Бу эса, ўз навбатида, чегарадош давлат – Кирғизистонга экспорт хажмларини икки баробарга ошириб, 600 миллион долларга етказиш имконини беради.

Бешинчи йўналиш – кишлок хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш орқали 80 мингта янги иш ўрни яратилади.

Аввало, 10 минг гектар пахта ва фалла майдонлари қисқартирилиб, аҳолига очик танлов асосида, ўртacha 10–20 сотихдан узок муддатли ижарага берилади. Натижада 30 минг аҳоли иш билан банд бўлади.

Янги ўзлаштириладиган 9 минг гектар майдон мева-сабзавот, доривор ва озуқа экинларини етиштириш учун кластерларга танлов асосида ажратилади ва бу 10 минг аҳолини банд қилиш имконини беради.

Бунда, электр тармоғини тортиш ва қудук қазиш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилади.

Иккинчидан, туманларнинг тупроқ-иклим шароити, сув таъминотидан келиб чиқиб, 15 минг гектарда интенсив боғ ва токзор барпо этилади ҳамда кўшимча 30 мингта яқин иш ўрнлари яратилади. Хусусан, Асака, Булокбоши, Жалакудукда узум-

чилик кластерлари ташкил этилиб, 9 минг гектарда токзор барпо қилинади.

Кластер корхоналарига қулай шарт ва муддатларда кредит ажратиш, уларнинг харажатларини қоплаб бериш механизмлари яратилади. Шунингдек, янги боғ ва токзорлар учун ер солиги-ни тўлаш бўйича имтиёзли давр уч йилдан беш йилга узайтирилади.

Андижон, Асака, Жалақудук, Марҳамат, Олтинқўл, Хўжаобод ва Кўргонтепа туманларида минг гектар майдонда замонавий иссиқхоналар ишга туширилади. Бунда мұқобил энергия харажатларининг бир кисми бюджетдан қоплаб берилади.

Ўрмон ерларидан самарали фойдаланган ҳолда, 500 гектар майдонда вилоят иклимига мос 13 турдаги доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилади.

Бунда сув чиқариш учун кудук казиш ва насос станциясини куриш харажатлари ҳам субсидия ҳисобидан қоплаб берилади. Қўшилган киймат яратиш максадида Андижон туманида ҳалқаро молия ташкилотларининг 45 миллион доллар маблаги жалб қилиниб, 410 минг тонна қувватга эга бўлган йирик агрологистика маркази ишга туширилади.

Шунингдек, Жалақудук ва Хўжаобод туманларида 10 миллион доллар сармоя эвазига логистика марказлари ташкил этилиб, кўшни Қирғизистон билан озиқ-овкат ва товарларни айрибошлиш имкони яратилади.

Учинчидан, 22 минг хонадонда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриб берилади. Шунингдек, “Булокбоши тажрибаси” асосида 145 минг хонадонда 2,5 минг гектар узумзор барпо этилади.

Аҳоли томорқалари сув таъминотини яхшилаш оркали 5 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланади.

Масалан, Марҳамат, Улугнор ва Бўстон туманларида 60 та катта ҳажмдаги кудуклар казилиб, 2,5 минг хонадон томорқасининг сув таъминоти яхшиланади.

Тўртингчидан, янги ўзлаштириладиган ерлар ҳамда Кўргонтепа, Жалакудук ва Улугнорда пахта ва ғалла майдонларини кискартириш ҳисобидан озуқа экинлари майдони 6,5 минг гектарга кенгайтирилади.

Бундан ташқари, ҳар бир туманда йилига икки мингта хонадонга 100 бошдан, беш йилда жами 14 миллион бош парранда таркатилиб, аҳолининг даромади оширилади.

Шунингдек, 6 та баликчилик кластерлари ташкил этилиб, 2,5 минг гектар сув ҳавзаларидаги ҳосилдорлик 4–5 баробар оширилади.

Бешинчидан, 84 минг гектар майдоннинг сув таъминоти, 8 минг гектарнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 125 минг гектарда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича алоҳида дастур кабул килинади.

Шунингдек, сув хўжалиги иншоотларини таъмирлаш ва қайта тиклаш учун 21 миллион доллар маблағ жалб қилинади.

Навбатдаги устувор йўналиш – барча боскичдаги таълим сифатини тубдан яхшилашдан иборат.

Вилоятда келгуси беш йилда 1 минг 100 та давлат, давлат-хусусий шериклик ва оиласиб боғчалар ташкил этиш натижасида мактабгача таълим қамрови 69 фоиздан 78 фоизга етказилади.

Келгуси беш йилда 33 та янги мактаб курилиб, 145 таси реконструкция килинади ва капитал таъмирланади.

Шунингдек, 2010 йилда тутатиб юборилган Андикон давлат чет тиллар институти қайта ташкил этилади. Бундан ташқари, вилоятда яна 4 та хусусий олий таълим муассасаси ташкил этилади. Натижада олий таълим қамрови 23 фоиздан 50 фоизга ошади.

Давлат-хусусий шериклик асосида 7 минг ўринли 16 та тала-балар турар жойлари барпо этилади.

Ёшларнинг буш вактини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилади. Жумладан, бюджет маблағлари хисобидан Андижон шаҳар, Андижон, Марҳамат туманинида “Маданият марказлари” кайта таъмирланади. Бўстон туманинида замонавий “Ёшлар маркази” қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Келгуси беш йилда вилоятдаги 23 та спорт таълим муассасаларида қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади.

Қадрли ватандошлар!

Шиддат билан ўзгариб бораётган замон, якин беш йиллик учун мўлжаллаган режаларимизнинг микёси ва қўлами ҳар бир соат, ҳар бир кундан юксак унум билан фойдаланишни тақозо этади.

Биз бугун қандай ислоҳотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни режалаштираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона ва улуғ бир максадга қаратилган. У ҳам бўлса, инсон қадрини улуғлаш, инсон ҳукуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ҳалқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, бир сўз билан айтганда, эл дуосини олиб, уни рози килишдан иборат.

Бу борада буюк бобомиз Бобур Мирзонинг: “**Бори элға яхшилик қилғил**”, деган ҳикматли даъвати биз учун албатта дастуриламал бўлади.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улуғ максадларга ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Бундай юксак мэрраларни факат тинимсиз изланиш, ҳалол ва фидокорона меҳнат билан қўлга киритиш мумкин.

Мен бугунги режаларимизда белгиланган устувор максад ва вазифаларни амалга оширишда бутун ҳалқимиз като-

рида, меҳнаткаш ва олижаноб Андижон элига ишонаман ва таянаман.

Кўп йиллик кузатувларим ва тажрибамдан келиб чикиб, айтмокчиманки, шахсан мен Андижон – бутун Ўзбекистоннинг энг баланд ўсиш нуктаси бўлишига ишонаман.

Сўзимнинг якунида барчангизнинг ишларингизга омад, хона-донларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Мард ва танти Андижон эли ҳамиша омон бўлсин.

Соғ-саломат бўлинглар!

Катта раҳмат сизларга!

*Андижон тумани,
2021 йил 29 сентябрь*

**ЧҮЛДА ВАТАН ЯРАТАЁТГАН
МАРДИ МАЙДОН ИНСОНЛАР
УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ
ШАРОИТИ ЯРАТАМИЗ**

*(Сирдарё вилояты сайловчилар вакиллари
билин учрашувдаги нүткө)*

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хурматли сайловчилар!

Аввало, мана шу гўзал ва саҳоватли Сирдарё заминида сиз, азиз ватандошларим билан соғ-омон кўришиб, яхши кайфиятда учрашиб турганимдан баҳтиёрман.

Мен хар гал Сирдарёга келганимда, улуг мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг қаҳрамонларини ҳаётда кўргандай бўламан.

Вилоятнинг бир томонига қарасак – Гулистон, Баҳт, яна бир тарафида – Мехнатобод, бир томонида – Ширин шаҳри ва элу юртга нур улашаётган Фарҳод ГЭСини кўрамиз. Ҳазрат Навоийнинг эзгу идеалларига фоятда мос бўлган бундай гўзал номлар замирида теран маъно мужассам.

Буюк аждодимизнинг “Мехнат ўтидан ёруғдир ҳар тараф кошонамиз”, деган ажойиб сатрлари бор. Бу сўзлар шу табарук заминда томир отиб – палак ёзиб, чўлда бўстон яратадиган марди майдон инсонлар шаънига айтилган, десак, айни ҳакиқат бўлади.

Мен Сирдарё ахлидаги куч-гайратни, ҳаётга, келажакка бўлган ишончни кўриб, ҳар сафар калбим тоғдек кўтарилади, сизлардаги азму шижаотдан ўзим учун катта маънавий кувват оламан.

Кадрли юртдошлар!

Ҳаммамизга яхши маълум, Сирдарё воҳасининг тарихи неча минг йиллар қаърига бориб тақалади. Бу ўлкада милоддан олдинги III-II асрлардаёқ ўзига хос маданият ва цивилизация мавжуд бўлгани ҳам фикримизни тасдиклайди.

Буюк ипак йўлининг асосий тармоғи ўтган бу заминда не-не улуғ зотларнинг излари колган. XV асрда машҳур темурийзода

хукмдорлар – Шоҳруҳ ва Улуғбек Мирзолар Мирзачўлга сув чикарганини сизлар яхши биласизлар.

Аждодларимизнинг ана шундай ишларини давом эттириб, вилоят тараккиётига бекиёс хисса кўшган Усмон Юсупов, Шароф Рашидов сингари атокли давлат арбобларининг хотирасини бугун миннатдорлик билан эслашимиз табиийдир.

Мирзачўлни ўзлаштиришда ўзини аямасдан меҳнат қилган Собиржон Сиддиков, Акоп Саркисов, Юсуф Ҳўжабеков, Қўзабокар Синдоров, Худоёр Латипов, Элчи Абдусаломов, Шарофат Бозорова, Назира Йўлдошева сингари ўнлаб машхур чўлкуварларнинг номларини хам эҳтиром билан ёдга оламиз.

Якин ўтмишда ҳалқимиз ўзининг фидокорона меҳнати билан күш учса – қаноти, одам юрса – оёғи куядиган бу дашту чўлларда янги ҳаёт ва маданият яратгани, ҳеч шубҳасиз, юксак жасорат намунасиdir.

Бу ўринда ўзининг самарали меҳнати ва ибратли фаолияти билан эл-юрт ҳурматини козониб, вилоятнинг бугунги тараккиёти, унинг шон-шуҳрати ва обрўсига муносиб хисса кўшиб келаётган Қўзибай Ўроков, Анвар Курбонов, Мирзахад Шоимов, Солијон Қудратов каби ҳурматли фахрийларимиз;

Муҳсин Ҳожиев, Қозокбой Йўлдошев, Ҳабиб Кушиев, Равшан Махмудов, Инобат Ширинова, Үғилой Эрбутасева, Абдувоит Фозилов сингари таникли олимлар ва жонкуяр муаллимлар;

Ҳаётхон Ортиқбоева, Норинисо Қосимова, Анвар Тоғаев, Аликул Ҳонимқулов, Али Носирли, Иброҳим Қосимов, Фарҳод Ўринов, Шариф Жумаев, Асатилла Ҳоликов, Озода Абдуллаева каби истеъоддли шоир ва адибларимиз, эл севган санъаткорлар;

Лазизбек Тўлкинов, Фарангиз Абдунабиева, Сафина Саъдулаева, Шахбоз Ҳолмирзаев, Сервер Ибрагимов, Отабек Кўчков сингари юртимиз довругини тарататётган спортчилар;

Ўткир Тожибоев, Максудбек Сирожиддинов, Сайфиддин Ҳайитбоев, Исломжон Ҳолматов, Саид Галимов, Ситора Наимжонова, Баҳодир Қўшиев каби турли соҳаларда тенгдошлирига ибрат ва намуна бўлиб келаётган фаол ёшларимиз номларини алоҳида таъкидлаб ўтамиз.

Мана шундай қаҳрамон инсонлар юрти бўлган Сирдарё вилоятининг ташкил топганига 2023 йилда 60 йил тўлади. Шу муносабат билан мамлакатимиз иктисадий-ижтимоий, маданий хаётида туттган мухим ўрнини инобатга олиб, Сирдарё вилоятининг 60 йиллик тўйини муносиб нишонласак, ўйлайманки, ҳар жиҳатдан адолатли иш бўлади.

Барчамизга аёнки, ўз тарихини унутмаган, аждодлари хотирасини эъзозлаб яшайдиган ҳалқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Хабарингиз бор, биз Гулистон шаҳрида Ўзбекистон ҳалқ шоираси Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабини ташкил этдик. Бу даргоҳда бугун Ҳалима опанинг ўнлаб издошлари таълим олмоқда, замонавий билимларни эгалламоқда.

Ўз вактида Ҳалима Худойбердиева катори кўплаб истеъоддли ижодкорларга устозлик қилган Ўзбекистон ҳалқ шоири Тўра Сулаймон Сирдарёning фидойи фарзанди, ҳақиқий куйчиси эди. Нафакат Сирдарёда, балки бутун мамлакатимизда бу ажойиб инсоннинг номини эшитмаган одам, унинг дилбар шеърлари ва қўшиклари кириб бормаган хонадон йўқ, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Бу улкан ижодкорнинг адабий меросини чукур ўрганиш, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш учун Мирзаобод туманидаги Тўра Сулаймон яшаб ижод қилган хонадонда шоирнинг уй-музейини ташкил қилсак, эл-юртимиз, адабий жамоатчилигимиз бу таклифни қўллаб-кувватлайди, деб ишонаман.

Хабарингиз бор, юртимизда ҳалқ оғзаки ижодиётининг ноёб дурданаси бўлган баҳшичилик санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Термиз ва Нукус

шахарларида ўтказилган фестиваллар бу борада мухим аҳамият касб этди.

Сирдарё воҳаси ўзининг Акрам булбул, Ҳамроқул бахши, Гулмурод бахши, Саидажмад бахши каби ижодкорлари билан шуҳрат козонгандан ва бу анъаналар бутун ҳам давом этмоқда. Шу ўринда кўнглимдаги бир фикрни сизлар билан ўртоқлашмокчиман: навбатдаги ҳалкаро бахшичилик фестивалини Гулистон шаҳрида ўтказамиз, десак, сирдарёликлар мезбонлик қилишга тайёрми?

Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш, инсонни кадрлаш ва ҳалқимиз ҳаётини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида бошқа худудлар қатори Сирдарё вилоятида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, ўтган беш йилда вилоятда маҳаллий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари кариб икки баробар ошган.

Вилоятга жалб қилинган сармоялар ҳажми 3,5 баробар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса 9 баробар ўсган.

Умуман, Сирдарёда бу каби ўзгаришлар кўп, бунга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шунинг учун, бугун эришилган натижалар ҳакида камрок гапириб, кўпроқ мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва ҳалқимизни рози қилиш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш тўғрисида фикрлашиб олсанак, максадга мувофик бўлади, деб ўйлайман.

Бугунги кунда вилоядта 40 минг нафар аҳоли ишсиз. Бунга қўшимча равишда ҳар йили меҳнат бозорига 15 минг нафар йигит-қиз кириб келмоқда. 30 минг оила доимий даромад манбаига эга эмас. Ваҳоланки, Сирдарёда қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт-логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи имкониятлар тўлиқ ишга солинса, ишсизлик деган муаммо умуман қолмайди.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотларнинг янги даври Сирдарёдан бошланганидан хабарингиз бор.

“Хонадонбай” ўтказилған хатловлар натижасида вилоятда 282 минг нафар ахолида сурункали касалликлар аникланди. Шундан 25 минг нафар ахолида – юрак-кон томир, 17 мингида – эндокрин, 28 мингида – нафас йўллари, 20 мингида – ошқозоничак, 21 минг нафарида буйрак билан боғлик сурункали касалликлар бор.

Бугунги кунда вилоятдаги энг долзарб масалалардан бири – 5 мингдан зиёд оила уй-жойга мухтож. Ҳар йили улар сафига яна минглаб янги оилалар қўшилмоқда.

Шунингдек, 136 та маҳалладаги ичимлик суви таъминоти талаб даражасида эмас. Йўл-транспорт, канализация ва бошка инфратузилмалар бўйича ҳам ахолида кўплаб эътиrozлар мавжуд.

Вилоятда 83 та мактаб кувватига нисбатан 1,5–2 баробар кўп юклами билан ишламоқда. 8 та маҳаллада боғча умуман йўқ.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Мазкур масалаларни хисобга олган ҳолда, биз Сирдарёни барча соҳалар бўйича жадал ривожлантириш ва ахоли ҳаётини яхшилаш мақсадида беш йиллик дастур лойиҳасини тайёрладик.

Биринчи йўналиш – кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмини икки баробар ошириш чоралари кўрилади.

Яхши биласизлар, оборотдан чиқкан срларни ўзлаштириш тажрибаси бундан икки йил олдин Сирдарёдан бошланган бўлиб, бугунги кунга қадар 17 минг гектар майдон кайта ўзлаштирилди.

Аввало, келгуси беш йилда вилоятда яна 34 минг гектар майдон ўзлаштирилиб, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик учун танлов асосида ажратиб берилади ва 30 минг нафар ахоли банд бўлади.

Масалан, Мирзаободда 12 минг гектар, Сардобада 6,5 минг гектар, Ховос туманида 8 минг 700 гектар қўшимча ер майдонлари фойдаланишга киритилади. Бунинг учун элкстр тортиш ва кудук казиш харажатларининг 50 фоизи коплаб берилади.

Сирдарёда 286 минг гектар экин майдонининг 30 фоизи юкори даражада шўрланган. Бу кўрсаткични кескин пасайтириш бўйича хорижий экспертлар жалб этилади ва экин ерлар шўрланишини пасайтириш ва экинларни тўғри жойлаштириш дастури амалга оширилади.

Ерларнинг шўрланишини пасайтириш чораларини мустакил амалга оширган кластер ва фермерларни молиявий қўллаб-куватлаш механизмлари жорий килинади. Бунда тупрок таркибини лаборатория таҳлилларидан ўtkазиш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан коплаб берилади.

Шунингдек, кишлок хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Сирдарё вилояти уруғчилик бўлими ташкил қилиниб, шўр срларда юкори ҳосил берадиган янги ғалла, сабзавот ва озуқа навлари яратилади. Бунинг учун Оқ олтин ва Боёвутда икки минг гектар майдон ажратилади. Гулистон, Сирдарё ва Сайхунободда минг гектарда сабзавот ва полиз уруғларини етиштириш полигони ташкил этилади.

Иккинчидан, 16 минг 200 гектар пахта ва ғалла майдонларини очиқ танлов асосида ахолига бир гектаргача узок муддатга ижарага бериш орқали 35 мингга яқин иш ўрни яратилади. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун “Лойиҳа офиси” ташкил этилиб, ҳар бир оиласига йилига камида 5 минг доллар даромад олиш имкониятини берадиган тайёр бизнес лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Мирзаобод ва Сардоба туманларида 10 минг гектар ғалладан бўшаган майдонда “Оқ олтин тажрибаси” асосида такрорий экин сифатида ковун-тарвуз етиштириш йўлга кўйилади. Бу 15 мингга яқин аҳолини даромад билан таъминлаш имконини беради.

Мирзаобол, Сирдарё ва Ховосда 12 минг гектар сарда токзорлар барпо этилади. Бунда Италия, Испания, Туркия каби мамлакатлардан инвесторлар жалб этилиб, Ховос туманида узумни

кайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чикариш кластери ташкил этилади.

Шунингдек. Боёвут, Сардоба ва Ховосда икки минг гектар интенсив мевали боғ ва Мирзаободда шунча гектар қўшимча анорзор барпо этилади.

Анорни саралаш, кадоқлаш ҳамда уни қайта ишлаш лойихалари ишга туширилиши натижасида анор экспорти икки-уч барабар, қўшилган қиймат 2,5 баробар ортади.

Янги боғ ва токзорлар учун ер солигини тўлаш бўйича имтиёзли давр уч йилдан беш йилга узайтирилади.

Боёвут, Сардоба. Мирзаобод, Сирдарё, Сайхунобод ва Ховос туманларида қайта ўзлаштириладиган минг гектар майдонда замонавий иссиқхоналар ишга туширилиб, беш мингдан ортик иш ўрни яратилади. Бунда мукобил энергия харажатларининг бир қисми бюджетдан қоплаб берилади.

Иссиқхоналарни ташкил қилишга уч йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга кредитлар ажратилади.

Вилоят экспорт салоҳиятини ошириш максадида қуввати 30 минг тонна бўлган 4 та йирик агрологистика маркази ва 35 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлайдиган қувватлар ишга туширилади.

Мисол учун, Сардоба ва Сирдарё туманларида кишлок хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, саралаш, кадоқлаш ва экспортини амалга оширишга ихтисослашган иккита янги агрологистика маркази ишга туширилади. Натижада мева-сабзавот йиллик экспорти ҳажми 150 миллион долларга оширилади.

Учинчидан, вилоятда сув таъминоти оғир бўлган 43 та маҳаллада 450 га якин кудук казилиб, 6,5 минг оиланинг томоркасида даромад олиш имконияти яратилади.

Шунингдек, 2 минг 200 та хонадонда кичик ҳажмдаги иссиқхоналар қуриб берилади.

Мирзаободдаги Дехконобод, “Турғун Аҳмедов”, “Оқ олтин” ва “Ойдин” маҳаллалари анор етиштириш ва юкори даромад

олиш билан танилган. Ушбу тажриба Боёвут ва Гулистандаги 5 минг хонадонда ҳам жорий қилинади. Бунинг учун, 275 минг туп анор күчатлари ахолига текин етказиб берилади.

Тұртингидан, келгуси беш йилда корамолчилик, әчкичилик, паррандачилик, баликчилик ва бошка тармокларни ривожлантириш бүйича қиймати 7 триллион 670 миллиард сүм бўлган 390 та лойиха амалга оширилиб, 15 мингга якин иш ўрни яратилади.

Фалла майдонларини кискартириш ҳамда фойдаланишга киритиладиган ерлар хисобига қўшимча 20 минг гектар майдон озука стишириш учун ажратилади.

Шунингдек, келгуси беш йилда 20 минг хонадонда 100 бошдан парранда тарқатилиб, жами икки миллион бош парранда бокиш йўлга қўйилади.

Баликчилик йўналишида 11 та кластер ташкил этилиб, 17 минг гектар сув ҳавзаларида хосилдорлик 100 минг тоннага етказилади, баликни кайта ишлаш қувватлари 1,5 баробар оширилади.

Шу билан бирга, Гулистан, Боёвут, Ховос туманларида 50 гектар майдонлар кооперация шаклида, ахолига 3 сотихдан бўлиб берилади. Бу орқали 1 сотихдан йилига ўртача 3–4 тонна балиқ стишириш йўлга қўйилиб, ҳар бир кооперация аъзоси учун йилига 10 минг долларгача даромад олиш имконияти яратилади.

Бешинчидан, 74 минг гектар майдоннинг сув таъминоти ва 36 минг гектарнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 111 минг гектарда сув тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Мисол учун, Боёвут ва Мирзаобод туманларидан окиб ўтувчи “К-1” каналининг 21 километри реконструкция килиниб, 7,5 минг гектар экин майдонининг сув таъминоти яхшиланади.

“Шўрўзак” коллекторини реконструкция килиш натижасида Сирдарё, Сайхунобод ва Гулистон туманларидаги заҳ сувлар кетказилиб, 12 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Иккинчи йўналиш – вилоятда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, инвестиция ва экспорт ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Сирдарё вилояти мамлакатимизнинг шаркий, марказий ва гарбий вилоятларини боғловчи кўприк бўлиши билан бир каторда, кўшни давлатлар ўртасида транзит юқ ташиш бўйича ҳам катта салоҳиятга эга.

Вилоятда саноат тармокларини ривожлантириш орқали ишсизликни бартараф этиш ҳамда юқори кўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун етарли имкониятлар мавжуд. Шунинг учун, энг аввало, тадбиркорларга барча зарур шароитларни яратиб бериб, уларни доим кўллаб-куватлашимиз лозим.

Ҳар бир туманда “Лойиха гурӯҳи” ҳамда уларни молиялаштирувчи Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштироқидаги “Холдинг компанияси” ташкил этилади. Ушбу гурӯҳ ҳар бир туманинг ўсиш нукталарини белгилаб, аник лойихаларни ўз ичига олган беш йиллик стратегияни ишлаб чикади.

Мазкур стратегияда:

- тадбиркорликни ҳар бир туман миқёсида кўллаб-куватлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш ҳамда бизнес инкубаторлар ташкил килган ҳолда, уларнинг тадбиркорлик саводхонлигини мунтазам равишда ошириб бориш;

- шаҳар ва туманларни инвестицион тоифаларга ажрагган ҳолда, алоҳида ёндашув асосида фискал сиёсат, имтиёз ва преференцияларни кўллаш амалиётини жорий килиш;

- туман ва шаҳарларда транспорт-логистика тизими ва инфраузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Ушбу гурух томонидан туманлар саноатининг “драйвер” соҳалари бўйича танлаб олинган лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳа кийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган қисми молиялаштирилади.

Вилоятнинг ҳар бир туманидаги 100 нафар тадбиркор ҳар иили аник мезонлар асосида танлаб олиниб, фаолиятини доимий равишда қўллаб-кувватлаш орқали уларни халкаро миқёсда ракобатбардош бўлган локомотив тадбиркорларга айлантирамиз.

Мирзаобод тумани мисолида ушбу тизим қандай ташкил этилишига тўхталиб ўтсан.

Тузилган “Лойиҳа гуруҳи” туманнинг ер ости ва ер усти имкониятларини ўрганиб, мавжуд ресурслардан келиб чиккан ҳолда, электротехника саноати бўйича янги лойиҳа таклифларини ишлаб чиқади.

Мазкур лойиҳалар туман бўйича танлаб олинган илғор тадбиркорларга таклиф килиниб, “Холдинг компанияси” томонидан шу лойиҳаларни шерикчилик асосида амалга ошириш учун 50 миллион доллар ажратилади.

Хитойлик инвесторларнинг вилоятга қизикишлари катта. Энди Хитойдаги элчихонамиз ҳамда Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигининг Хитойдаги ваколатхонаси Сирдарёга биректирилади.

Шу билан бирга, саноати паст ривожланган Оқ олтин, Ховос, Боёвут, Сардоба ва Гулистон туманлари тўлиқ “индустрисл зона”ларга айлантирилади.

Ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган, факат ўз саноати эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган асбоб-ускуна, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар учун божхона божларини тўлашдан уч йилга озод килинади.

Умуман олганда, вилоятда “драйвер” бўлган энергетика, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика ва бошқа тармоқларда келгуси беш йилда 5 миллиард долларлик

2 мингта инвестиция лойихалари амалга оширилиб, 60 мингта доимий иш ўрни яратилади. Жумладан, энергетика соҳасида 2,4 миллиард долларлик лойихалар доирасида куввати 3 минг 220 мегаватт бўлган электр станциялари барпо этилади.

Мисол учун, Саудия Арабистонининг “Аква Паур” корхонасининг бир миллиард доллар инвестицияси хисобидан 1,5 минг мегаваттли электр станцияси ишга туширилиб, ахоли ва корхоналар узлуксиз электр энергияси билан таъминланади.

Кимё саноатида келгуси беш йилда киймати 600 миллион долларлик 38 та лойиха амалга оширилиб, 5 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши натижасида йилига 200 миллион долларлик импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Мисол учун, Сирдарё туманида 40 гектар майдонда полимер маҳсулотларни ишлаб чиқариш “технопарки” ташкил этилиб, 350 миллион долларлик 8 та йирик лойиха амалга оширилади ва 2 мингта янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, технопаркда жаҳонга машхур ва маҳаллий брендлар билан кооперация алоқалари ўрнатилади.

Яна бир “драйвер” – тўқимачилик саноатида 800 миллион долларлик инвестициялар хисобидан 90 та лойиха ишга туширилиб, 20 мингта янги иш ўрни яратилади. Натижада ип калавани кайта ишлаш даражаси ҳозирги 38 фоиздан – 75 фоизгacha оширилиб, экспорт ҳажми 200 миллион долларга етказилади.

Боёвут, Гулистон ва Мирзаобод туманларида 300 миллион долларлик тайёр тикув-трикотаж, чойшаб ва кийим-кечак ишлаб чиқариш лойихалари амалга оширилиши натижасида 2 мингта янги иш ўрни ташкил этилиб, йилига қўшимча 80 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилади.

Курилиш материаллари саноатида Сирдарё, Сайхунобод туманлари, Ширин ва Янгиер шаҳарларида 250 миллион долларлик 210 та лойиха амалга оширилиб, 6 мингта доимий иш ўрни

яратилади ва 100 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Хусусан, Ховос тумани курилиш материаллари ишлаб чиқарига ихтисослашиб, 20 гектар майдонда “махсус саноат зона”си ташкил этилади. Бу ерда киймати 110 миллион долларлик 30 та лойиха амалга оширилиб, МДФ панеллар, лак-бўёклар, гипсокартон ва бошқа юкори кўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Озик-овқат саноатида 180 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 200 та лойиха ишга туширилади ҳамда 3,5 мингта янги иш ўрни яратилади. Натижада вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлаш даражаси 40 фоизга етади.

Экспорт икки баробар оширилиб, 150 миллион долларга олиб чикилади. Фармацевтика соҳасида “Сирдарё-фарм” эркин иктисадий зонасида 170 миллион долларлик 25 та лойиха амалга оширилиб, 3 мингта доимий иш ўрни ташкил этилади.

Натижада 55 миллион долларлик импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ҳамда дори воситалари сони ҳозирги 48 тадан – 100 тага етказилади.

Шунингдек, вилоятда саноатнинг бошқа тармоқларида 1 миллиард доллардан зиёд 14 та йирик лойиха ишга туширилиб, 15 мингта янги иш ўрни яратилади.

Мисол учун, Ширин шаҳрида Жанубий Корсиянинг 60 миллион долларлик инвестицияси ҳисобидан кишлок хўжалиги машиналари ва кичик механизациялаш учун ускуналар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, йилига 40 миллион долларлик техникалар ишлаб чиқарилади.

Чарм-пойабзал саноатида 150 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 5 минг иш ўринли 30 та лойиха ишга туширилади. Ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми беш баробар оширилади. Жумладан, Сирдарё туманида 15 гектар майдонда умумий киймати 40 миллион долларлик “Тайёр чарм маҳсулотлари ишлаб

чиқариш кластери” ташкил этилиб, 1,5 мингта доимий иш ўрни яратилади.

Келгуси беш йилда вилоят экспорти беш баробар ортиб, йилига 1 миллиард долларга, шундан саноат маҳсулотлари экспорти 600 миллион долларга етказилади.

Мисол учун, электротехника, курилиш материаллари, чарм маҳсулотлари экспорти 3 баробардан – 8 баробаргача оширилади.

Шунингдек, аввал экспорт қилинмаган 40 дан ортик турдаги маҳсулотлар ташки бозорга чиқарилиб, тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 36 фоиздан 56 фоизга етади.

Оқ олтин туманида Қозогистон корхоналари билан ҳамкорликда “Марказий Осиё” саноат-иктисодий зонаси ташкил этилиб, қўшимча 200 миллион долларлик экспорт килиш имконияти яратилади.

Республикамизнинг жанубий ва марказий вилоятларида ишлаб чиқариладиган электротехника, тўқимачилик, чарм, курилиш материаллари, озиқ-овқат ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини Россия ва қўшни давлатлар бозорларига етказиб бериш учун Мирзаобод туманида уларни саклаш, таксимлаш ва ташиб бўйича “йирик логистика хаби” ташкил этилади.

Экспортолди молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида банкдан ташкари кредит ташкилотлари томонидан ҳам хизматлар кўрсатиш тизими йўлга кўйилади. Бунинг эвазига маҳаллий экспортчи корхоналарни айланма маблағлар билан тезкор таъминлаш ва қўшимча 100 миллион долларлик маҳсулот экспорт килишга имконият яратилади.

Электротехника саноати маҳсулотлари учун Евropa Итифоқи давлатларида талаб этиладиган стандарт ва сертификатлар жорий этиш харажатларини чекловларсиз коплаб бериш тизими жорий этилади. Натижада Германия, Польша, Венгрия, Латвия каби Евropa мамлакатлари бозорларига тайёр маҳсулотлар экспорти 100 миллион долларга етказилади.

Умуман олганда, ушбу амалга ошириладиган ишлар натижасыда келгуси беш йилда вилоятдаги экспортёрлар сони үн баробар күпайиб, 1,5 мингтага етади.

Учинчи йұналиш – келгуси беш йилда 60 мингдан зиёд янги иш үринларини яратиш ва камбағалликни икки баробар кискартириш биз учун устувор вазифа бўлади.

Бунинг учун, авваламбор, ҳар бир маҳалла миқёсида тадбиркорликни жадал ривожлантириш орқали 20 мингта янги иш үрни яратилиди. Бу ишларни молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида оиласи тадбиркорлик дастурлари доирасида 2,5 триллион сўм имтиёзли кредит ресурсларини ажратамиз.

Шу үринда Сайхунобод тумани мисолида туманни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича янги “маҳаллабай” ишлаш тизимига тўхталиб ўтмоқчиман.

Тумандаги мавжуд 19 та маҳалланинг иккитаси “қизил” ва 14 таси “сарик” тоифага киради. Ҳозирги пайтда туманда 4 мингта меҳнатга лаёкатли аҳоли иш билан таъминланмаган. Бунга қўшимча равишда ҳар йили 1,5 минг йигит-қиз меҳнат бозорига кириб келади. Шунингдек, туманда 92 та оила камбағал тоифага киритилган.

“Маҳаллабай” тизимини бевосита қуйи бўғинда жорий қилиш учун тумандаги маҳаллаларга бириктириладиган “ҳоким ёрдамчилари” лавозимлари жорий этилади. Улар маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни кискартириш ва янги иш жойларини ташкил этиш бўйича тизимли ишларни ташкил этади.

Ушбу ёрдамчиларга маҳаллаларда оиласи тадбиркорлик кредитларини бериш, етакчи тадбиркорлар лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш, эҳтиёжманд оиласарга субсидиялар ажратиш ва уларни жамоат ишларига жалб килиш, ёшларни касбга ўқитиш бўйича молиявий инструментлар берилади.

Сайхунобод туманида 2 триллион сўмлик 141 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобидан 5 мингта иш үрни таш-

кил этилади. Жумладан, туманда иккита янги кичик саноат зонасини ташкил этиш орқали 500 та; мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш хисобидан 1,5 мингта; қишлоқ хўялигида 5 мингта, жумладан, пахта ва ғалладан кискарган ерларни ахолига бериш орқали 3 мингта; 70 та хизмат кўрсатиш шоҳобчаси, 40 та йўл бўйи сервис обьектини куриш орқали 900 та янги иш ўрни яратилади.

Ҳоким ёрдамчиларига амалий ёрдам бериш мақсадида иктисолий идоралар ва тижорат банклари раҳбарлари биринчирилади. Туманда фаолият юритаётган Халқ банки, Агробанк ва Микрокредитбанк раҳбар ва ходимлари “пастга тушиб”, тадбиркорлар ва ўз мижозлари билан янги лойиҳалар устида “маҳаллабай” иш олиб борадилар.

Ишсизлик юкори бўлган иккита маҳаллада кооперация асосида аҳолини банд килиш учун лидер тадбиркорларга 10 фоизлик кредитлар ажратиш орқали 500 дан ортик аҳолининг бандлиги таъминланади.

Ихтисослашувидан келиб чиқиб, 5 та маҳаллада иссиқхона, пазандачилик, сартарошлиқ, тикувчилик каби соҳалар бўйича касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилади.

Ушбу янги тизим вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида жорий этилиши натижасида вилоятда бирорта ҳам ишсиз одам бўлмаслигини таъминлашимиз керак.

Шу билан бирга, келгуси беш йилда хизмат кўрсатиш соҳасида қиймати 335 миллион доллар бўлган 600 та лойиҳа амалга оширилиб, 8 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Мирзаобод, Сайхунобод, Сардоба, Оқ олтин, Сирдарё ва Ховос туманлари худудидан ўтган 253 километр халқаро автомагистрал йўллари бўйида 43 гектар бўш турган ерларни аукционга чиқариш орқали, 100 та хизмат кўрсатиш обьекти барпо этилиб, мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Мирзаобод туманида А-373 халқаро магистрал йўли бўйидағи 14 километр узунликдаги худудда Оҳангарон туманининг пи-

лот концепцияси асосида комплекс хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилади.

Гулистон ва Янгиер шаҳарлари марказларида кўнгилочар кўчалар, колган барча туман ва шаҳар марказларида 9 та савдо ва кўнгилочар масканлар ташкил этилади.

Сирдарё тумани ва Тошкент вилояти чегарасида замонавий “Карвонсарой” мажмуаси ишга туширилиб, ҳунармандчилик маҳсулотлари бўйича савдо дўконлари, овқатланиш ва бошка хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти йўлга кўйилади.

Тўртинчи йўналиш – уй-жой куриш, йўл-транспорт ва мухандислик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳам мухим вазифалар амалга оширилади.

Аввало, келгуси беш йилда 10 минг хонадонли уй-жойлар курилади. Шундан 1,5 мингдан зиёд уй-жой кам таъминланган оиласаларга ажратилиб, уларга ипотека кредити бўйича 60 миллиард сўмлик субсидиялар берилади. Жумладан, оғир турмуш шароитида яшаётган 800 нафар аёлга субсидия ажратилади, 450 нафарига бошланғич бадал пули тўлаб берилади, 120 нафари беспул уй-жой билан таъминланади.

Шунингдек, Гулистон шаҳрининг эски деҳқон бозори ўрнидаги 42 гектар майдонда “Гулистон сити” барпо этилади.

Бу ерда 1 минг 700 хонадонли 16 каватли турар жойлар, умумтаълим ва бизнес мактаблари, иккита болалар боғчаси, замонавий клиника, маданият маркази ва меҳмонхона курилади.

Иккинчидан, келгуси беш йилда марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82 фоиздан 90 фоизга, канализация камрови 14 фоиздан 40 фоизга етказилади.

Бунинг учун 1,8 триллион сўм эвазига, 428 километр ичимлик суви ва 57 километр канализация тармоги, 118 та сув ва 7 та канализация иншоотлари барпо этилиб, 60 минг нафар ахоли сув билан таъминланади, 106 минг нафар ахолининг сув таъминоти яхшиланади.

Учинчидан, “Обод кишлок” ва Обод маҳалла” дастурлари доирасида келгуси беш йилда 110 та кишлок ва маҳаллада ободонлаштириш, ижтимоий объектлар, ички йўллар ва инфратузилмани таъмирлашга 1 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Бундан ташқари, кейинги уч йилда вилоятдаги 17 та кишлок инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантиришга 10 миллион доллар йўналтирилади.

Вилоятда электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида келгуси беш йилда 5 минг километр паст ва юкори кучланишли тармоқлар, 1 минг 100 та трансформатор янгидан қурилади ва реконструкция килинади. Натижада 420 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган масканлар обод килинади.

Тўртинчидан, келгуси беш йилда 2,6 минг километр автомобиль йўллари ва кўчалар, 141 та кўприкни куриш ва таъмирлаш ишлари бажарилади. Бунга 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Жамоат транспорти етиб бормаган 22 та аҳоли пунктига автобус катновлари йўлга қўйилади.

Вилоятни Тожикистон орқали Фарғона водийси билан боғлайдиган 4 та транзит автобус йўналишлари жорий этилади.

Бешинчи йўналиш – таълим соҳаси салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилади.

Вилоятда келгуси беш йилда **31 та** давлат ва давлат-хусусий шериклик асосида, **209 та** оиласиий боғча ташкил этилади. Айниска, мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган **8 та** маҳаллада **60 та** оиласиий боғча очилади.

Мирзаобод, Оқ олтин, Сардоба ва Ховос туманлари учун белгиланган ота-оналар тўлови микдорини икки баробар пасайтириш бўйича берилган имтиёз 2025 йилгача узайтирилади.

Мактабгача таълим қамрови **80 фоиздан 90 фоизга** етказилади.

Ууман, келгуси беш йилда ўрта мактабларни таъмирлаш ва реконструкция килиш бўйича янги дастур қабул қилинади. Дастур доирасида мактаб биноларини куриш, жихозлаш ва санитар талаблари илғор хорижий тажрибалар асосида қайта кўриб чикилади.

Шунингдек, ўқувчиларнинг кун давомида вактини мазмунли ўтказишларини назарда тутадиган алоҳида ўкув ва тўгараклар дастури ишлаб чикилади.

Бунда Сирдарё вилояти намуна бўлади.

Бунинг учун Сирдарёдаги мактабларни таълим ва тарбия кластерига айлантирамиз. Бу ерда ўқувчилар таълим олиш билан бирга, спорт билан шугулланиши, ахборот технологиялари ва замонавий касбларни, мусиқа ва санъатни ўрганиши учун барча шароитлар яратилади.

Ушбу янги тажрибани Гулистон ва Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Мирзаобод, Оқ олтин, Сардоба, Сирдарё ва Ховос туманларида янги куриладиган 22 та мактабда бошлаймиз.

Шунингдек, келгуси беш йилда сирдарёлик хотин-қизлар учун олийгоҳларга кириш давлат гранти уч баробар оширилади.

Олтичи йўналиш – вилоятда аҳоли саломатлигини саклаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

Бунинг учун, аввало, бирламчи тизимни профилактикага қайта йўналтириш, скрининг текширувларини оммалаштириш устувор вазифа этиб белгиланади.

Барча туман ва шахар марказий поликлиникаларида онкоанзорат хоналари ташкил этилади. Онкологик касалликларни эрта аниклаш учун 40 ёшдан ошган 310 минг нафар аҳоли ҳар йили скрининг текширувидан ўтказилади.

Шунингдек, аёллар ўртасида скрининг ўтказишни кенгайтириш учун мобил маммограф ажратилади.

Вилоятнинг 93 та тибиёт муассасаси тўлик ракамлаштирилadi ва республика марказлари билан телемедицина йўлга кўйилади.

Сирдарё, Оқ олтин ва Янгиерда З та туманлааро перинатал марказлар ташкил қилинади ва түлиқ жиҳозланади.

Оқ олтин ва Сирдарё туманларида жароҳатлар ва ўткир кон томир касалликлари марказлари ташкил қилинади ҳамда гемодиализ хизмати йўлга қўйилади.

Шунингдек, ҳар йили 285 минг нафар бола ва 15 минг ҳомиладор аёл витаминлар билан бепул таъминланади.

Мамлакатимизда илк бор тиббий сұғурта тизими Сирдарёда тажриба-синов тариқасида жорий қилинмоқда.

Бугунги кунда Сирдарёдаги 29 та давлат тиббиёт муассасалари томонидан ахолига кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари оиласвий шифокор томонидан бериладиган йўлланма асосида тақдим этилмоқда.

Энг муҳими, эски, самараисиз молиялаштириш тизимидан воз кечилиб, вилоятда шифохоналар бажарган иши ва эришилган натижалар асосида “ҳар бир даволанган ҳолат” учун маблағ олмоқда.

Энди даволаш ишларига вилоятдаги хусусий клиникалар ҳам жалб этилади. Ушбу тизим 2023 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳам жорий этилади. Келгуси йилда 6 та вилоят шифохонаси бирлаштирилади ва тиббиёт кластери ўз фаолиятини бошлайди.

Ушбу кластерга хорижий давлатларнинг энг илғор клиникалари ҳамкор сифатида жалб қилинади ҳамда барча мураккаб ва юқори технологик амалиётларни ўтказиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, мамлакатимизда илк бор ташкил этилаётган ушбу кластер ва бошқа тиббиёт муассасаларини замонавий кадрлар билан таъминлаш мақсадида Гулистон тиббиёт коллежи негизида Туркияning Соғлиқ билимлари университети филиали ташкил этилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Сирдарё вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун давлатдан жами

40,5 триллион сўм, жумладан, давлат бюджетидан 4,4 триллион сўм йўналтирилди.

Агар Сирдарёни коррупциядан холи худудга айлантирсак, ушбу маблағлар ҳисобидан янада кўпроқ эҳтиёжманд аҳолимиз оғирини енгил кила оламиз. Шунинг учун бюджет ажратмаларини очик-ошкора сарфлаш оркали иқтисод килинган маблағлар тўлигича эҳтиёжманд оиласар, “аёллар” ва “ёшлар” дафтарларига киргандарни кўллаб-куватлашга йўналтирилди.

Азиз дўстлар!

Кўриб турганингиздек, биз келгуси беш йил учун ўз олдимизга ҳар қачонгидан ҳам катта, ўта муҳим вазифаларни кўймоқдамиз.

Албатта, уларга эришиш осон эмас, буниям очик айтиш керак.

Ҳаётимизнинг турли соҳаларида муаммо ва камчиликлар ҳали етарли. Бюрократия, коррупция, локайдлик, бепарвонлик каби иллатлар оёғимизга кишан бўлиб тургани ҳам сир эмас.

Ишни замонавий ташкил этишда билими, савия ва малакаси етишмаётган, эскича ишлаб, шунчаки кун ўтказиб юрган раҳбарлар ҳам борлигини одамлар кўриб-билиб турибди.

Шу муносабат билан мен бутун жамоатчилигимизга, ҳалқимизга мурожаат килиб айтмоқчиман.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, олиб бораётган ислоҳотларимизнинг самарадорлигини ошириш учун бугун бизга маърифатли бошқарув – илм-фан ва адолатли конунларга асосланган, оқилона ва самарали бошқарув керак.

Энди одамлар лардига бепарво бўлган, “айтганим – айтган, деганим – деган” қабилида ишлайдиган раҳбарларни ҳалқ ҳам, ҳаёт ҳам қабул қилмайди.

Буни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Хурматли дўстлар!

Барчангиз биласиз, мамлакатимизнинг барча худудлари билан бирга, Сирдарё вилоятини ҳам ҳар томонлама ривожланган

худудга – чинакам гулистонга айлантириш менинг сайловолди дастуримнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Бу борада бизнинг энг биринчи вазифамиз – юртимида яшаётган, миллати, тили ва динидан катъи назар, ҳар бир инсоннинг қадр-кимматини улуғлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдан, ҳалқимизнинг келажакда эмас, балки бугун эркин ва фаровон яшишидан иборат.

Бу эзгу мақсадга етиш учун бизда ҳамма имконият мавжуд. Ер ости бойликларимиз, серхосил еримиз, сахий қўёшимиз бор. Энг муҳими, донишманд нуронийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, азamat ёшларимиз – тогни урса толқон қиласиган меҳнаткаш элимиз бор.

Мен кўпмиллатли ҳалқимиз каторида, кўпни кўрган, иродаси мустахкам Сирдарё ахли ҳам яқинлашиб келаётган сайловларда сиёсий ва маданий савиясини намоён этиб, ўз масъулиятини чукур ҳис қилган ҳолда, фаровон хаёт, ёруғ келажак учун овоз беради, деб ишонаман.

Азиз юртдошлар, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Катта раҳмат сизларга.

*Сирдарё тумани,
2021 йил 7 октябрь*

КЎҲНА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР, БОЙ ТАРИХ ВА МАДАНИЯТДАН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ

*(Сурхондарё вилояти сайловчилар вакиллари
биглан учрашувдаги нутқ)*

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Хурматли сайловчилар!

Аввало, сиз, азиз юртдошларим билан мана шундай күтариинки кайфиятда кўришиб турганимдан ғоят хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали бутун Сурхондарё вилояти ахлига ўзимнинг чуқур хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Тарихга назар ташласак, Сурхон эли азалдан мардлар юрти сифатида шухрат қозонганини кўрамиз. Бу заминдан кураги ерга тегмаган полвонлар, чавандозлар етишиб чиккан. Бугун ҳам бу юртдан энг ватанпарвар аскар ва зобитлар, моҳир спортчилар етишиб чикмоқда.

Мана, ўзингиз кўриб-билиб турибсиз, кўшни Афғонистондаги мураккаб вазият барчамизни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида ушбу мамлакатда тезрок тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдор. Биз афғон халқи билан қадимдан дўст-биродар бўлиб келганмиз. Бундан буён ҳам афғон халқига қўлимиздан келганича ёрдам берамиз.

Хурматли учрашув катнашчилари!

Барчангизга яхши маълумки, Сурхон – кўхна цивилизациялар, бой тарих ва маданиятни мужассам этган қадимий замин. Тарихда Бохтар, Тоҳаристон, Чагониён каби давлатлар, Кушондек буюк империялар айнан шу ҳудудда гуллаб-яшнаган. Фаёзтепа, Қоратепа, Далварзинтепа, Холчаён каби археологик манзилгоҳлар бу замин буддизм маркази сифатида шухрат қозонганидан далолат беради.

Хурматли олимларимиз яхши билади, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Таиланд, Лаос каби мамлакатларда буддизмга эъти-

код киладиган миллионлаб одамлар учун бундай ёдгорликлар хали очилмаган құрик бўлиб турибди. Шунинг учун ана шу манзилгоҳлар бўйлаб инфратузилмалар яратиш, туристик маршрутлар ташкил этиш борасидаги ишларимизни давом эттирамиз.

Сурхон воҳаси муқаддас динимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшган табаррук замин эканини барчамиз ифтихор билан тилга оламиз. Бу диёрдан етишиб чиқкан, шу заминда яшаб ижод қилган Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Варрок Термизий, Собир Термизий, Алоуддин Аттор, Сўфи Оллоёр сингари буюк ва машхур олим уламолар, шоир ва адибларнинг ҳар бири хақида соатлаб гапириш мумкин.

Албаттa, ана шундай аждодларимиз хотирасиға юксак эҳтиром қўрсатиш бўйича кейинги йилларда сизлар билан бирга катта ишларни амалга оширдик. Жумладан, Имом Термизий ва Ҳаким Термизий зиёратгоҳлари янгитдан қурилди ва обод килинди, Термизда Имом Термизий халкаро илмий-тадқикот марказини ташкил этиб, фаолиятини йўлга кўйдик.

Олгиной туманида машхур шоир ва уламо Сўфи Оллоёр мақбараси ҳашар йўли билан қисман обод килинган. Энди бу масканни янада обод килиш, унга олиб борадиган йўл ва коммуникациялар, зиёратчилар учун куляйликлар яратиш – олдимиизда турган мухим вазифалардан биридир.

Яна бир табаррук маскан – Султон Саодат мажмуасида канча саййид ва саййидзодалар, азиз авлиё зотлар дағн этилганини сизлар яхши биласиз. Бу муборак кадамжони тубдан обод этишини бошлаганимиздан хабарингиз бор.

Насиб этса, ана шу кутлуг масканлар юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар учун зиёратгоҳга айланади.

Қадрли сайловчилар!

Сизларга яхши маълум, бу замин асрлар давомида азим дарёлардан сув ичиб келган. Лекин бу воҳани гуллатиб-яшнатган, уни дунёга танитган энг буюк дарё – бу ўлканинг меҳнаткаш ва саховатли халқи, десак, хеч қандай муболага бўлмайди.

Бунинг тасдигини бу ерда кейинги беш йилда амалга оширилган кенг қўламли ишлар мисолида кўриш мумкин. Мехнаткаш ва матонатли воҳа ахли оғир иклим шароитига қарамасдан, фидокорона меҳнат килиб, турли соҳа ва тармокларда улкан натижаларга эришаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак кадрлайди.

Бу ҳақда сўз юритганда: Сурхон воҳасининг қиёфаси тубдан ўзгаргани, кўплаб замонавий корхоналар, магистрал йўл ва кўп-риклар, шинам уй-жойлар, илм-фан, маданият, санъат ва спорт масканлари барпо қилингани, ҳалқаро баҳшичилик мактаби, ўнлаб боғча ва мактаблар, олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари ташкил этилгани, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллалар тобора обод бўлиб, одамларнинг хаёт даражаси ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзининг ҳалол меҳнати, бетакрор истеъоди, билим ва тажрибаси билан ана шундай улкан ўзгаришларга муносиб хисса қўшиб келаётган юртдошларимиз ҳакида, албатта, бугун фахрланиб гапирсак арзиди.

Айникса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Иброҳим Файзуллаев, Раҳмон Муҳаммадиев, Аҳмад Нарзуллаев, Исахон Баҳромов, Юсуф Зиёев, муҳтарам фахрийларимиз Орзиқул Соатов, Ҳимо-йиддин Шарофуддинов, Яззон Ҳайитқулов, Абдиқарим Ахмедов, Муҳиддин Абдуллаев, Абдумурод Лапасов, Абдуҳалил Намозов каби фидойи инсонларнинг эл-юртимиз олдидаги хизматларини барчамиз яхши биламиз.

Бугун Шерзод Шоймардонов, Баҳодир Қодиров, Ҳайтали Алламуродов, Акбар Ҳусанов, Баҳром Мўминов, Муқаддас Исмоилова, Чори Чўтпўлатов, Камол Саидов, Аҳмат Мажидов Йўлдош Шойматов каби таникли тадбиркорлар, кластер раҳбарлари ва фермерларнинг номларини алоҳида қайл этиб ўтмокчиман.

Сурхон заминидан етишиб чикқан хурматли олимларимиз – академик Назар Тўраев, профессорлар Сайфулла Турсунов,

Эргаш Тўраев, Шомат Самадов, ёш олим, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Сирожиддин Мирзаев, маънавият фидойиси Тоштемир Турдиев ва бошка зиёлиларимизга эзгу фаолиятида ютук ва омадлар тилайман.

Ушбу воҳада туғилиб вояга етган Райно Узокова, Шукур Холмирзаев, Рўзи Чориев, Менгзиё Сафаров, Теша Сайдалиев, Шафоат Раҳматуллаев, Тоғай Мурод, Жамила Эргашева, Нодир Норматов сингари марҳум ижодкорларнинг хотирасига чукур хурмат бажо келтирамиз.

Атоқли рассом Рўзи ака Чориевни барчамиз яхши биламиз. У киши ўзининг гўзал асарлари, содда ва беғубор характери, Сурхон заминига бўлган чексиз муҳаббати ва ватанпарварлиги билан ҳаммамизнинг меҳримизни козонган эди.

Раҳматли Рўзи Чориевнинг таваллуд топганига бу йил 90 йил тўлди. Албатта, бу – оддий сана эмас. Бу – биз учун, айникса, санъатни юксак қадрлайлигидан Сурхон ахли учун ўзига хос тасвирий санъат байрамидир. Ушбу сана муносабати билан Рўзи Чориев хотирасини абадийлаштириш бўйича Термиз шаҳрида катор ишлар амалга оширилди.

Сурхон воҳасидан етишиб чиккан истеъдод згалари бугун ҳам миллий адабиётимиз ва санъатимиз ривожига муносиб хисса кўшиб келмоқдалар.

Айникса, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мирзо Кенжабек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодимлари Эшқобил Шукур, Тўлқин Ҳайит каби хурматли ижодкорларимизга бу борадаги хизматлари учун ташаккур айтамиз.

Улар каторида Ўзбекистон халқ баҳшилари Шоберди Болтаев, Абдиназар Поёнов, Чори Умиров, Хушвакт Марданакулов, Баҳшиқул Тоғаев ва Сафар Шайдуловга самимий эҳтиромимизни билдирамиз.

Шахсан мен баҳшиларнинг овозини – яхшиларнинг овози деб биламан. Шундай сеҳрли овоз Сурхон воҳасида, бутун юртимизда доимо маглур жаранглаб турсин!

Сурхон воҳасининг ўзига хос, гўзал ва бебаҳо санъатига сайқал бериб, унинг ривожини янги босқичга кўтараётган Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшанов, Ўзбекистон халқ артистлари Азиза Бегматова, Гулнора Равшанова, Маҳмуд Намозов, Самандар Алимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Сайёра Қозиева, Ҳосила Раҳимова сингари машҳур санъаткорларимиз, “Сурхон” гурухи, “Шалола” ва бошқа ижодий жамоаларга янада катта ижодий ютуклар тилаймиз.

Сурхон воҳаси ўз паҳлавонлари билан дунёда ном қозонган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Тоштемир Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев, Маҳтумкули Маҳмудов каби кураш бўйича жаҳон чемпионларимиз ва уларнинг изидан келаётган спортчи ёшларимиз бу фикрни амалда яккол тасдиклаб келмоқда.

Азму шиҷоатли воҳа ёшлари жаҳон спорт ареналарида чинакам Алпомиш авлоди, чинакам паҳлавонлар юрти фарзандлари эканларини ўзларининг ёрқин ғалабалари билан исботлаб келаётганлари барчамизни кувонтиради.

Японияда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида олтин медалларни кўлга киритган Баҳодир Жалолов, Гулжаной Наимова, Италиянинг “Рома” жамоаси аъзоси, машҳур футболчимиз Элдор Шомуродов, жаҳон ва Осиё чемпионлари Муҳсин Ҳисомиддинов, Нодир Эгамбердиев, Жаҳонгир Нарзиев халкаро майдонларда Ўзбекистон байробини янада баланд кўтарадилар, деб ишонамиз.

Сурхондарёдаги минг-минглаб бундай фидойи юртдошлиримиз тимсолида биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда фаол иштирок этаётган сурхондарёлик чинакам ватанпарвар инсонларни кўрамиз.

Доимо соғ-омон бўлинглар, катта раҳмат сизларга!

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Охирги беш йилдаги туб ислоҳотларимиз ва амалий ишларимиз натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари катори, Сурхондарёда ҳам бўлаётган сезиларли ўзгаришлардан, албатта, сизлар хабардорсиз. Буни ҳар бир Сурхон аҳолиси кундаклик турмушида ҳис килмоқда, ўз маҳалласида кўриб, шукроналик билан қўллаб-куватламоқда, десак, бу ҳам ҳақиқат. Шу боис бугун эришилган натижаларга тұхталиб ўтишни лозим топмадим.

Энг муҳими, одамларимизнинг фикр-карашлари ўзгарди, уларнинг эртанги кунга ишончи, ислоҳотларимизга нисбатан даҳлдорлиги ошди.

Шуни ҳисобга олиб, бугунги учрашувга тайёргарлик кўриш жараённида Сурхондарёда аҳоли яқин йилларда қандай ўзгаришларни кутаётганини, уларни энг кўп безовта қилаётган долзарб муаммо ва масалаларни пухта ўргандик.

Хусусан, аҳолимиз учун энг муҳим масалалардан бири бу – марказлашган тоза ичимлик суви таъминоти даражаси бўйича вилоят республикада энг охирги ўринларда туради. Жумладан, 144 та маҳаллага ичимлик суви ҳали умуман етиб бормаган. Шеробод, Ангор, Бойсун, Бандиҳон, Музработ, Олтинсой, Жарқўргон ва Деновда ичимлик суви таъминоти жуда паст даражада.

Шунингдек, вилоятда уй-жой, йўл-транспорт, электр таъминоти каби масалалар бўйича ҳам аҳолининг кўплаб эътиrozлари мавжуд.

Шу билан бирга, вилоятда 115 минг нафар аҳоли ишсиз. Бунга кўшимча равишда ҳар йили меҳнат бозорига 39 минг нафар ёшлар кириб келмоқда, 131 минг оила доимий даромад манбаинга эга эмас.

Соғлиқни саклаш ва таълим соҳасида ҳам ҳал этишимиз керак бўлган кўплаб камчиликлар мавжуд.

Жумладан, вилоятда 377 минг нафар аҳолида сурункали қасалликлар бор. Айникса, юрак-қон томир, қандли диабет, буйрак етишмовчилиги, нафас йўллари касалликлари кўплаб учрайди. Шунга қарамай, 2 минг 600 нафар шифокор етишмайди, яна 2 минг нафари пенсия ёшида.

Энг оғир муаммолардан яна бири бу – мактабгача таълимнинг аҳволи. Бандихон, Денов ва Кумкўргонда мактабгача таълим билан камров даражаси 30 фоизга ҳам етмайди. Вилоятда 119 та маҳаллада ҳали боғча мавжуд эмас.

Вилоятда 58 та мактаб кувватига нисбатан икки баробар кўп юклама билан ишламоқда, 2 мингдан зиёд педагог иш жойлари вакант бўлиб қолмоқда.

Энг ачинарли ҳолатлардан бирини бугун эсламаслик мумкин эмас. Чунки вилоятнинг шу ахволга келиб қолишига баъзи идораларда илдиз отиб кетган адолатсизликлар ҳам сабаб бўлган. Одамлар ҳеч нарсага ишонмай колганди. Кўлидан иш келадиган тадбиркорлар ноҳақ қамалган ёки қочиб кетганди. Шунинг учун вилоятда тадбиркорлик ҳам республикада энг охирги ўринларда эди. Мана шу сабаблар ҳам вилоят тараққиётига жиддий тўсик бўлган.

Биз бу номаъкулчиликларни бартараф килишда конун устувор ва жазо муқаррарлигини таъминлаб, барчасини жой-жойига кўйдик.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, биз Сурхондарёда аҳоли ҳаётини яхшилаш ва инсон қадр-кимматини таъминлаш бўйича беш йиллик дастур тайёрладик.

Бунда куйидаги устувор йўналиш ва вазифаларга алоҳида эътибор каратамиз.

Биринчи йўналиш – аҳолининг кундалик ҳаёти ва кайфиятига катта таъсир киладиган яшаш шароитларини яхшилаш эътиборимиз марказида бўлади.

Бунда, авваламбор, 2022–2026 йилларни Сурхондарёда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш беш йиллиги деб

эълон қиласиз. Буни амалда рўёбга чикариш учун келгуси беш йилда вилоятда 1 минг 700 километр ичимлик сув тармоқлари ва 96 та сув иншооти барпо этилади.

Аник мисоллар билан айтадиган бўлсак, мегалойиҳа – Тўпланг сув омборидан Термизгача 361 километр узунликдаги магистрал сув тармоғи қурилади. Бунга 138 миллион доллар ажратамиз.

Шу билан бирга, Музработ, Шеробод туманларида ичимлик суви таъминоти яхшиланади, Термиз шаҳрининг окова сув тизими реконструкция килинади ҳамда Сариосиё, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Шеробод, Кумкўрғон, Олтинсой, Шўрчи туманларида окова сув гизимлари қурилади.

Умуман, марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 57 фоиздан 80 фоизга етказилиб, 800 минг аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланаади, 870 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланади, канализация хизмати билан таъминланиш даражаси 4 фоиздан 22 фоизга етади.

Бу мақсадларга 5,5 триллион сўм маблағ йўналтирамиз.

Яна бир мухим масала – келгуси беш йилда 20 минг хонадонли 600 дан зиёд кўп каватли уй-жойлар қурилади. Шундан, қарийб 3 мингта хонадон эҳтиёжманд оиласаларга ажратилиб, уларга ипотека кредити бўйича 120 миллиард сўмлик субсидия берилади.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 150 та қишлоқ ва маҳаллани обод қилиш, ижтимоий соҳа объектлари ва ички йўлларни қуриш-таъмирлаш ишларига ҳар йили 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида келгуси беш йилда 5,5 минг километр паст ва юкори кучланишли тармоқлар, 1,5 мингта трансформатор янгидан қурилади ва таъмирланади. Бунинг самараси ӯлароқ, 264 мингдан зиёд аҳоли хонадонлари ҳамда 6 мингдан зиёд ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектларининг электр таъминоти баркарорлашади.

Термиз туманидан Термиз шаҳрига қўшилган маҳаллаларни боғлаш учун йирик йўл ўтказгич барпо этилади.

Шунингдек, келгуси беш йилда 6 минг километр автомобиль йўллари ва кўчалар, 300 та кўприкни куриш-тъамирлаш ишлари бажарилади. Бунга 2 триллион сўм йўналтирилади.

Бундан ташкари, “Дарбанд – Денов”, “Тошкент – Термиз” ва “Душанбе – Термиз” йўналишлари бўйича 180 километр автомобиль йўлларини реконструкция қилишга халқаро молиявий институтларининг маблағларидан 380 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

Иккинчи йўналиш – вилоятда қишлоқ хўжалигига экспортни энг камида беш баробар ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Сўнгги уч йилда вилоятда сабзавот майдонлари 35 минг гектарга кенгайтирилди ва 10 минг гектар ерда интенсив боғлар, токзор ва иссикхоналар барпо этилди. Хусусан, Термиз, Сариосиё ва Шўрчи туманларида 150 гектар жойда лимон, Шерободда 3,1 минг гектар ерда анор ва Боботоғ ҳудудида 2,7 минг гектар жойда писта плантациялари барпо этилди. Натижада вилоятнинг мева-сабзавотлар экспорти сўнгги уч йилда икки баробар ошиб, 100 миллион долларга етди.

Вилоятнинг салоҳиятини тўлиқ ишга солиб, ушбу кўрсаткини камида 500 миллион долларга етказиш лозим.

Биринчидан, вилоятнинг бебаҳо табиатидан фойдаланиб, эртапишар маҳсулотларни этиштириш орқали йилига уч марта ҳосил олиш шарт ва зарур. Бу вилоят учун жуда катта имкониятдир.

Мисол учун, олдинги йилларда Ангор туманида пахта ва ғалладан бошка ҳеч нарса йўқ эди. Сўнгги йилларда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ангорликлар 6,5 минг гектарда эртачи экин сифатида кўкат, карам, брокколи, қизил лавлаги, булғор қалампири каби маҳсулотларни этиштирмоқдалар. Бундан ташкари, 21 минг аҳоли хонадони-

даги 2,3 минг гектар томорқада ҳам ушбу экспортбоп экинлар экилмоқда.

Натижада Ангорнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари февраль ойидан бошлаб нафақат мамлакатимиз, балки ташки бозорларга ҳам етказилиб, жорий йилнинг ўзида кариб 10 миллион долларлик экспорт килинган.

Келгуси беш йилда Ангорда эски боғ ва токзорлар ҳамда янги ўзлаштириладиган ерлар хисобидан эртачи экинлар майдони 20 минг гектарга ва экспорт ҳажми йилига 25 миллион долларга етказилади.

Шунингдек, туманда минг гектар пахта ва ғалла майдонлари очик танлов асосида аҳолига ўртacha 50 сотиҳдан узок муддатга ижарага берилади ва икки мингга яқин иш ўрни яратилади.

Ангор мисолида бошқа туманларда ҳам жами 50 минг гектар майдонда эртачи экинлар етиштириш йўлга қўйилиб, экспорт ҳажми йилига 100 миллион долларга етказилади. Ушбу етиштирилган эртачи мева-сабзавот маҳсулотларни тезкор экспортга юклаш тизимини ташкил қилиш максадида республика Экспортни рағбатлантириш агентлиги қошида Сурхондарё вилояти учун алоҳида Жамғарма тузилади ва ҳар йили 100 миллион доллар маблағ йўналтирилади.

Аҳоли томорқаларида сув таъминоти оғир бўлган 150 та маҳаллада 775 та қудук қазилиб, 23 мингта оила томорқасида маҳсулот етиштириш имконияти яратилади. Вилоятнинг жами 15 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари очик танлов асосида аҳолига ажратилади.

Агар бу тажриба тез орада ўз самарасини берса, яна камида шунча пахта ва ғалла майдонлари камайтирилиб, мева-сабзавот етиштиришга ажратилади.

Шунингдек, 2 минг гектар ерда иссикхона, жумладан, минг гектарда лимон етиштириш йўлга қўйилади ва 5 мингдан ортик аҳоли бандлиги таъминланади. Биргина Кумкўронда камида 300 гектар майдонда лимон етиштирилади.

Иккинчидан, оборотдан чиккан 16,5 минг гектар майдон кайта ўзлаштирилиб, мева-сабзавотчилик ва чорвачиликка ажратилади ва 20 мингга яқин аҳоли банд килинади.

Масалан, Музработда 1,7 минг гектар, Бандихонда 1,5 минг гектар, Қизириқда 1,3 минг гектар, Қумкүрғон ва Узунда минг гектардан күшимча ер майдонлари фойдаланишга киритилади.

Бундан ташқари, Олтинсой, Сариосиё, Узун, Денов туманларида 20 минг гектар узумзор, Музработ, Қизириқда 7 минг гектар анорзор барпо этилиб, 30 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Масалан, Олтинсойда 1 минг 700 гектар майдонда кластер усулида узум плантацияси барпо этилиб, 3 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Узун туманида “Ин-витро” усулида йилига 2 миллион дона мева ва узум кучатларини етиштириш йўлга кўйилади.

Янги боғ ва токзорлар учун ер солигини тўлаш бўйича имтиёзли давр уч йилдан беш йилга узайтирилади ҳамда етти йил муддатга имтиёзли кредитлар ажратилади.

Шунингдек, 3 минг гектар ўрмон хўжалиги ерларида писта, каврак ва павлония плантациялари ташкил килинади.

Музработда 20 минг гектар жойда замонавий илм ва технологиялар асосида шоличилик кластери ташкил этилиб, 90 минг тонна шолини кайта ишлаш ва саклаш қувватлари ишга туширилади.

Учинчидан, оборотдан чиккан ерларнинг 6 минг гектарида ҳамда лалми майдонларда чорва учун озукабол экинлар етиштирилади.

Бундан ташқари, келгуси беш йилда хонадонларга 6,5 миллион бош парранда таркатилиб, уларга күшимча даромад олиш имконияти яратилади. Қумкүрғон, Шеробод ва Бойсун туманларида кўйичилик кластерлари ташкил этилиб, жундан гилам тўкиш йўлга кўйилади. Натижада чорвачилик соҳасида 17 мингга яқин аҳоли бандлиги таъминланади.

Балиқчилик йұналишида 10 та кластер ташкил этилиб, минг гектар сув ҳавзаларыда балиқ хосилдорлиги түрт-беш баробар оширилиб, махсулот қажми 35 минг тоннага еткелді.

Тұрттынчидан, келгуси беш йилда озик-овқат саноатида 350 миллион долларлик 490 та катта-кичик лойиҳалар амалға оширилади. Натижада мева-сабзавотларни қайта ишлаш дара-жаси 40 фоизга еткелді, 7 мингтә янги иш үрни яратылади.

Қизириқда 250 миллион долларлик тұғридан-тұғри хори-жий инвестициялар ҳисобидан замонавий иссикхона комплекси барпо этилади. Унинг негизида 65 минг тонна мева-сабзавотни саклаш, кадоклаш ва экспорт килиш күватыға зәға бүлған агрологистика комплекси ташкил этилиб, 1,5 мингтә иш үрни яратылади. Шунингдек, Ангор, Термиз, Олтинсой ва Сариосиёда ҳам агрологистика комплекслари ташкил қилинади.

Сурхондарё вилоятидан экспорт қилинадиган барча турдаги мева-сабзавот махсулотларини ташиш ҳаражатларининг 50 фоизгача кисми қоплаб берилади.

Бешинчидан, әкин ерлар сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бүйіча алохыда дастур амалға оширилади.

Бунда 115 минг гектар майдонда сув тежайдиган технологиялар жорий қилинади. Шунингдек, 163 миллион доллар ҳисобидан 229 минг гектар майдоннинг сув таъминоти ва 160 минг гектар әкин ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Учинчи йұналиш – вилоятда саноатни ривожлантириб, экспорт ва инвестация қажмини құпайтириш оркалы іктисодий үсишни таъминлашға алохыда зәтибор қаралылади.

Мавжуд имконияттарға қарамасдан, вилоят ялпи худуди махсулотдаги саноатнинг улуши 7,8 фоизни ташкил этади. Бу республикада паст күрсаткышлардан биридей.

Бундан ташкари, вилоятнинг туман ва шаҳарларыда саноат бир маромда үсаётгани йўқ. Бу борада Сурхон воҳасининг Аллоҳ берган мавжуд табиий, норуда ва қазилма ресурсларидан тұ-лик фойдалана олмаяпмиз.

Шунинг учун вилоятда инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятини янги боскичга олиб чиқиш максадида келгуси беш йилда саноат тармокларида 6,6 миллиард долларлик 5 мингдан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 130 мингта янги иш ўрни яратилади.

Биринчидан, вилоят учун асосий драйвер бўлган қурилиш материаллари, тўқимачилик, ипакчилик, озиқ-овқат, чарм-пойабзал каби соҳалардаги лойиҳаларга алоҳида эътибор берилади. Жумладан, қурилиш материаллари саноатида бир миллиард долларлик 900 та лойиҳани ишга тушириш ҳисобидан 14 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади, ишлаб чиқариш ҳажми беш баробар кўпайиб, йилига 670 миллион долларлик импорт ўрнини босадиган 280 миллион долларлик экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Бунинг учун вилоятда мавжуд 64 та кон тўлиқ ўзлаштирилиб, ҳусусий секторга берилади, шунингдек, базалт, гипс, шиша, керамзит учун хомашё, қурилиш ва пардозбоп тошлар ва оҳактош мавжуд бўлган 75 та истиқболли майдонларда геология-кидирув ишлари якунига етказилади.

Сариосиё, Шеробод, Бойсун ва Жарқўргон туманларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тамоили асосида саноат зоналари ташкил этилади.

Ушбу туманларда 20 дан зиёд норуда конлари бўйича геология-кидирув ишларига қўшимча 100 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Бундан ташкари, тўқимачилик саноатида 250 миллион долларлик 42 та йирик лойиҳани ишга тушириш натижасида 21 мингта янги иш ўрни ташкил этилади ва вилоятдаги ип-калаванинг қайта ишлаш даражаси хозирги 22 фоиздан 60 фоизга етказилади.

Ипакчилик соҳасида 165 миллион долларлик 58 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида ипак мато ишлаб чиқариш ҳаж-

ми икки баробар, ипак гиламлари хажми беш баробар оширилиб, қўшимча 18 мингта доимий ва 110 мингта мавсумий иш ўринлари яратилади.

Чарм-пойабзал соҳасида 120 миллион долларлик 37 та янги лойиҳа ишга туширилиб, ҳозирги хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлардан тайёр экспортбоп пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўтилади. Натижада 5 мингта янги иш ўрни ва 90 миллион долларлик қўшимча экспорт имкониятлари яратилади.

Иккинчидан, ушбу инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш мақсадида янги тизим яратилади.

Вилоятнинг ҳар бир туманида “Лойиҳа гурухи” ташкил этилиб, кичик геология экспедицияси фаолияти йўлга қўйилади.

Мисол учун, Сариосиё туманинг кўрғошин, рух, кўмир, норуда қазилмаларга, Узун туманинг мисга, Бойсун, Термиз, Шўрчи, Жаркўргон ва Кумкўргон туманларининг нефть ва газга, Шерободнинг темир рудаси ва кўмирга бой истикболли майдонларида геология-қидирув ишлари олиб борилади.

“Лойиҳа гурухи” томонидан туманинг ер ости ва ер усти имкониятлари таҳдил қилиниб, ҳар бир туман бўйича инвестиция ва экспорт стратегияси ишлаб чиқилади.

Бунда аник лойиҳалар тайёрланиб, улар тумандаги салоҳиятли тадбиркорлар иштирокида тузиладиган “Холдинг компанияси” томонидан амалга оширилади. Тўғридан-тўғри инвестициялар жамгармаси лойиҳаларнинг 30 фоизигача қисмини молиялаштиради.

Ушбу янги тизимни самарали ташкил қилиш учун Жамгарма ҳар бир туманга йилига 15 миллион долларгача, саноати паст бўлган туманларга эса 30 миллион долларгача маблағ ажратади.

Ушбу айтиб ўтилган барча масалаларни мувофикаштириб, тадбиркорлар билан “ягона дарча” тамойили асосида иш олиб бориш учун вилоятда Инвестициялар ва ташки савдо вазирининг

Ўринбосари бошчилигига “Инвесторларга кўмак маркази” ташкил этилади. Марказга республика даражасидаги масалаларни ҳал қилиш ваколатлари берилади. Яъни тадбиркорлик жамғармаси ҳамда экспорт жамғармаси маблағларини ажратиш, рухсатномалар бериш каби масалалар энди Сурхондарёнинг ўзида тезкор ҳал килиниши таъминланади.

Учинчидан, вилоят иктисади ўсишига туртки берадиган 10 та мегалойиха ишга туширилиб, жами 5,1 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилади ва 22 мингта янги иш ўрни яратилади.

Хусусан:

– Ангор туманида 1530 мегаватт қувватга эга янги буғ-газ электр станциясини ишга тушириш учун Нидерландиянинг “Стоун Сити Энержи” ҳамда Германиянинг “Симэнс” компаниярининг 1,2 миллиард долларлик;

– Шеробод туманида 457 мегаватт бўлган фотозэлектр станциясини куриш учун Бирлашган Араб Амирликларининг “Масдар” компаниясининг 260 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестициялари ўзлаштирилади.

Натижада вилоят ва қўшни ҳудудлардаги 750 мингта хона-дон ва 60 мингта саноат корхонасининг электр энергияга эҳтиёжини тўлиқ қоплаш имконияти яратилади.

Худди шунингдек, Жарқўрғон туманида россиялик ҳамкорлар билан 150 миллион долларлик хорижий инвестициялар хисобидан мавжуд конларда нефть қазиб олиш ҳажми беш барабар қўпайтирилиб, 250 минг тоннага етказилади.

Бундан ташкири:

– Шеробод туманида покистонлик ҳамкорлар билан 150 миллион долларлик ҳамда Бойсун туманида Жанубий Корея инвесторлари билан 100 миллион долларлик, жами 2,5 миллион тонна ишлаб чикариш қувватига эга цемент корхонаси лойиҳаси;

– Денов туманида 30 миллион долларлик минивэн ва кичик юқ автомобиллари ишлаб чикариш лойиҳаси;

– Ангор туманида 23 миллион долларлик тайёр пойабзal ва чарм-атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси;

– Жарқўргон туманида 45 миллион долларлик курилиш материалларини ишлаб чиқариш лойиҳаси вилоятнинг саноат салоҳиятини оширишга ўз хиссасини кўшади.

Тўртингидан, вилоят экспорти беш баробар ортиб, йиллик 1 миллиард долларга, шундан саноат маҳсулотлари экспорти 500 миллион долларга етказилади. Бу борада ҳар йили энг салоҳиятли 100 та маҳаллий корхонанинг ташки бозорга чикишига йўл очиш учун “тадбиркордан экспортчигача” тамойили асосида ҳар бир корхона учун алоҳида дастур ишлаб чиқилади.

Шунингдек, Термиз туманида “Термиз ҳалкаро савдо маркази” фаолияти йўлга кўйилиб, экспортчилар учун товарларни ташиб ва зарур инфратузилмани яратиш орқали кўшимча йиллик 200 миллион долларлик экспорт ҳажмлари таъминланади.

Бундан ташкири, Деновда 20 гектар ерда эркин иқтисодий зона макомига эга савдо-ишлаб чиқариш ҳудуди ташкил этилади.

Умуман, вилоятда экспортни тизимли қўллаб-қувватлаш натижасида келгуси беш йилда экспортчи корхоналар сони уч баробар ошиб, 900 тага стади.

Вилоят экспорти таркибида қўшилган кийматга эга тайёр маҳсулотлар улуши ҳозирги 32 фоиздан 65 фоизга оширилади.

Шунингдек, 150 та янги турдаги тайёр саноат маҳсулотлари экспорти ўзлаштирилиб, экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар турлари 250 тага етказилади.

Тўртингчи йўналиш – тадбиркорликни ривожлантириш орқали келгуси беш йилда 150 мингта янги иш ўрни яратилади. Бунинг учун, авваламбор, кичик бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш орқали 62 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Бу ишларни молиявий таъминлаш учун вилоятга ҳар йили оиласи тадбиркорлик дастурлари доирасида бир триллион сўм имтиёзли кредит ресурслари ажратамиз.

Шеробод тумани мисолида туманни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича янги “маҳаллабай” ишлаш тизимига тұхталиб ўтмокчиман.

Бугунги кунда Шерободда 48 та маҳаллада 8 минг 700 нафар меҳнатта лаёкатли аҳоли ишсиз. Келгуси беш йилда яна 28 минг йигит-қиз меҳнат бозорига кириб келади.

Туманнинг ҳозирги кундаги имкониятлари тўлиқ ишга солинса, бирорта ишсиз қолмаслиги керак.

Мисол учун, “Айинли”, “Бойқишилек”, “Боғобод”, “Хўжакия” маҳаллаларида 850 дан зиёд ишсиз аҳоли бор. Ваҳоланки, ушбу маҳаллалар анорчиликка ихтисослашган булиб, икки миллиард сўм хисобидан 400 гектар бўз ерларни кайта ўзлаштириб, ушбу маҳаллалар аҳолисини иш билан тўлиқ банд килиш мумкин.

Худди шу каби туманда 2 минг 300 гектар ерни оборотга кайтариш хисобидан кооперация асосида анор плантациялари ташкил этилиб, туманда 4 мингта иш ўрни яратилади. Бунда кооперативни ташкил этган тадбиркор хонадонлар ва деҳқонларни анор кўчатлари, ўғит ва дорилар билан таъминлайди ҳамда тайёр маҳсулотни кафолатли сотиб олади. Бу орқали ҳар бир оила йилига 100 миллион сўмгача даромад олиши мумкин.

Бундан ташқари, туманнинг “Каттабог”, “Фуржак”, “Олтин воҳа” ва “Шеробод” маҳаллаларида кўшимча 100 гектар майдонда лимончилик йўлга кўйилиб, 1,7 минг нафар аҳоли иш билан таъминланади.

Шу билан бирга, туманда 700 миллион тонна цемент, 6,5 миллион тонна оҳактош, 43 миллион тонна минерал тузлар, 2,5 миллион тонна пардозбоп тошлар захираси мавжуд.

Шу боис, Шеробод туманида саноат соҳасида умумий киймати 7 триллион сўм бўлган 90 та лойиҳа амалга оширилиб, 7 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Жумладан, мавжуд захираларни кайта ишлашга инфратузилма олиб келиниб, “Вандоб” маҳалласида 200 гектар майдонда

индустрисал зона, “Тарокли” ва “Қорабог” маҳаллаларида 2 та кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 5 минг аҳоли иш билан таъминланади. Шунингдек, мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш натижасида 1,5 мингта иш ўрни яратилади.

Бундан ташкари, туман худудидан ўтган халқаро магистрал йўл бўйидаги ерлар очик аукцион орқали савдога чикарилиб, 160 та хизмат кўрсатиш обьекти барпо этилади ва 600 та иш ўрни яратилади. Туманинг 7 та “қизил” маҳалласига тадбиркорлик дастурлари доирасида 10 фоизли ставкада 15 миллиард сўм кредит ажратилиб, 2 минг 100 аҳолининг иш билан бандлиги таъминланади.

Умуман, келгуси беш йилда кайд этилган тадбирлар натижасида туманда 16 минг аҳоли ишли бўлади.

Хурматли учрашув иштирокчилари!

Янги тизим тўғрисида сизлар билан маслаҳатлашмокчиман.

Энди ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни кисқартириш бўйича “ҳоким ёрдамчилари” лавозимлари жорий этилади. Ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бўлади. Шу орқали эктиёжманд оиласарларга субсидиялар ажратиш, жамоат ишларига жалб килиш, ёшларни касбга ўқитиши ташкил этиш ваколатлари ҳоким ёрдамчиларига берилади.

Ҳоким ёрдамчилари иқтисодиёт ва инвестиция идоралари, ҳокимиятда ишлайдиган билимли ва шиҷоатли ёшлар орасидан танланади. Лавозимга қўйишидан олдин улар икки ой давомида янги тизим асосида ишлашга ўқитилади. Икки-уч йил маҳалла да фидокорона ишлаб, ўзини кўрсатгандарини келгусида рахбарлик лавозимларига тайинлаймиз.

Агар ушбу янги тизим барча шаҳар ва туманларда самарали ташкил этилса, уч йилда вилоятда ишсизлик ва камбағалликни кескин кисқартиришга эришилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Сурхондарё вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун давлат ҳисобидан

50 триллион сўм ажратилиб, жами 320 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бешинчи йўналиш – аҳоли саломатлигини яхшилаш.

Энг аввало, бирламчи тиббий хизмат турларини ва сифатини ошириш чораларини кўрамиз.

Келгуси 5 йилда вилоятнинг бирламчи тиббий хизмат соҳасига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни икки марта оширамиз.

Натижада, оиласвий поликлиникалар ва шифокорлик пунктларига:

– кон босими ва кандли диабетни даволаш учун дори восита-лари бепул берилади;

– 765 минг бола ва 62 минг ҳомиладор аёл 7 турдаги витаминлар билан бепул таъминланади;

– зарур ускуналар билан жиҳозланиб, касалликларни эрта аниклаш йўлга қўйилади;

– ҳар бир фуқаронинг электрон тиббий картаси юритилиб, улар билан манзилли ишлаш ташкил этилади.

Шунингдек, 24 та оиласвий шифокорлик пункти ва 4 та оиласвий поликлиника янги очилади, 89 та тибиёт муассасаси тўлик кайта таъмирланади.

Иккинчидан, шифохоналарда амалга ошириладиган даволаш турлари сони 130 гадан 168 тагача оширилади. Жумладан, ҳар бир туман ва шаҳар касалхоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, 20 турдаги энг кўп учрайдиган операцияларни каминвазив усулида амалга ошириш йўлга қўйилади.

Шунингдек, Сариосиё, Шеробод ва Денов туманларида жароҳатлар ва ўтқир қон томир касалликлари марказлари ишга туширилади.

Узун, Олтинсой, Шўрчи, Денов ва Сариосиё туманларига тиббий хизмат курсатадиган 150 ўринли миңтақавий болалар шифохонаси барпо этилади.

Денов, Бойсун, Шеробод ва Кумкўрғонда перинатал марказлар ташкил этилади. Туғма ва орттирилган юрак нуксони билан 5 минг нафар, инфаркт билан 11 минг нафар, жарроҳликка мухтоҷ беморларни даволаш учун кардиохирургия амалиёти йўлга қўйилади. Бунинг учун вилоят кўптармокли тиббиёт марказини жиҳозлашга 2 миллион доллар ажратилади.

Учинчидан, кадрлар муаммосини ҳал қилиш мақсадида олис қишлокларга борадиган шифокорларни кўллаб-кувватлаш дастури давом эттирилиб, бунга қўшимча 20 миллиард сўм ажратилади.

Вилоят кардиология марказида барча замонавий операцияларни амалга оширишга имкон берадиган янги корпус барпо этилади ва бу ерда барча оғир жарроҳлик амалиётлари бажарилади.

Хабарингиз бор, қатор йиллар давомида пайдо бўлган муаммони ҳал қилиш мақсадида 2018 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали ташкил этилган эди. Тиббиёт соҳасида кадрлар таъминотини яхшилаштирилди. Олийгоҳни жалб этган ҳолда, ушбу филиал алоҳида мустакил институт сифатида фаолият бошлайди. Институт учун минг ўринли ўқув биноси ва кўп тармокли клиника барпо этилиб, замонавий ускуналар билан таъминланади.

Олтинчи йўналиш – барча босқичдаги таълим сифатини тубдан яхшилашдан иборат.

Сурхондарёда келгуси беш йилда мактабгача таълим билан камров даражаси 41 фоиздан 62 фоизга етказилади. Бу борада жорий йилда маҳсус дастур кабул килинди. Унга мувофиқ, Бандиҳон, Бойсун, Денов, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизириқ, Кумкўрғон туманларининг қишлоқ жойларида янги оиласиёт боғчаларга зарур жиҳозларни сотиб олиш учун 30 миллион сўмдан субсидия берилмоқда.

Олис ва чекка худудларда жойлашган давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчаларда бир нафар тарбияланувчи учун сарфланадиган харажатларнинг 75 фоизи қоплаб берилмоқда.

Шу билан бирга, келгуси беш йилда вилоятда 47 та давлат ва хусусий шериклик асосидаги 758 та оилавий боғча очилади, 75 та давлат боғчаси таъмирланади.

Ушбу ишларга бюджетдан 700 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қўшимча 30 минг нафар болажонларимизга боғчага бориш имконияти яратилади.

Келгуси беш йилда мактабларни таъмирлаш ва реконструкция килиш бўйича янги Миллий дастур қабул килинади. Аввало, мактаблар сифимини ошириш учун вилоятда 96 минг қўшимча ўкувчи ўрни яратилади. Бунинг учун 21 та янги мактаб ва 358 та мактабда янги бинолар курилади, 116 та мактаб мукаммал таъмирланади.

Шу оркали Сурхондарёда мактаб филиали деган эскилик саркитидан бутунлай халос бўламиз!

Ёшлиримиз вактини самарали ўтказиш учун Сурхондарёдаги мактаблар ўзига хос таълим ва маърифат марказларига айлантирилади. Бу ерда ўкувчилар таълим олиш билан бирга, спорт, музика ва санъат билан шугулланиши, ахборот технологиялари ва замонавий касбларни ўрганиши учун барча шароитлар яратилади.

Бунинг учун Сурхондарё мактабларида 320 та спорт ва 311 та маърифат заллари бунёд этилиб, тўлик жихозланади. 389 та компьютер синфҳоналари, 741 та технология устахоналари ва 776 та мактаб кутубхоналари жихозланиб, замонавий адабиётлар билан таъминланади.

Қумкўргон, Олтинсой, Бандиҳон туманлари ва Термиз шаҳрида ахборот технологиялари, математика, кимё-биология фанларига ихтисослашган 19 та мактаб ташкил этилади.

Энг асосий масала – ўқитувчилар сифат таркибини яхшилаш. Шунинг учун вилоятдаги 5 минг нафар ўрта маҳсус маълумотли муаллимларнинг малака ошириши учун педагогика йўналишида максадли қабул квоталари ажратилади.

Олий таълим камрови 25 фойздан 50 фойзга етказилади. Бунинг учун вилоятда 3 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилади.

Қадрли ватандошлар!

Менинг сайловолди дастурим, аввало, инсон қадрини күта-ришга каратилгани, хар бир фуқаронинг конуний манфаатлари-ни таъминлаш, унинг бош мақсади эканини, ўйлайманки, бар-чангиз сезиб, англаб турибсиз.

Келгуси беш йилда юртимизда, жумладан, Сурхондарё вилоя-тида амалга оширадиган барча ислоҳотларни “инсон – жамият – давлат” деган мутлақо янгича тизим асосида ташкил этамиз.

Ислоҳотлар натижаси, аввало, хар бир инсон, хар бир оила ва маҳалла ҳаётида яккол сезилиши учун барча имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз.

Албатта, ўз қадри, шаъни ва ғурурини ҳамма нарсадан ба-ланд қўйиб яшайдиган Сурхон эли бундай улуғ ишларнинг аҳа-миятини яхши тушунади.

Дунёда, минтақамизда вазият мураккаб бўлиб турган ҳозирги пайтда ўз олдимизга қўйган мэрраларга эришиш, албатта, осон бўлмайди. Лекин биз ўтган беш йилда катта билим ва тажри-ба тўпладик. Энг муҳими, бир-биrimизга бўлган ҳурматимиз, ишончимиз ошди, янада ҳамжиҳат бўлдик. Ҳар қандай синов ва кийинчиликларни акл-заковатимиз, самарали меҳнатимиз билан енгиб ўтишни ўргандик.

Америкалик машхур ишбилармон, “Форд” компаниясининг асосчиси Ҳенри Форднинг “Йўлингизда қийинчиликка дуч келяпсизми, демак, сиз орқага эмас, олдинга қараб бор-япсиз”, деган сўзларини кўпчилигингиз эшитгансиз, деб ўй-лайман.

Чиндан ҳам, кийинчилик одамни тоблайди, иродасини мус-таҳкам киласди, янги-янги имкониятларни излаб топиб, уларни ишга солишга ундейди.

Ана шундай оғир ва масъулиятли йўлда менга доим таянч ва суюнч бўлиб келаётган сиз, азиз юртдошларимга, сизларнинг юксак ишончинингизга муносиб бўлиш мен учун энг катта баҳт, энг катта шарафdir.

Кўпмиллатли Сурхон элининг бўлғуси сайловдаги танлови, азму қарори жамиятимизда адолат ва ҳақикат янада устувор, ҳалқимиз ҳаёти обод ва фаровон бўлишига хизмат қиласди, деб ишонаман.

Сизлар билан бирга Янги Ўзбекистонни, гўзал Сурхондарёни, албатта, барпо этамиз.

Тўғриси, бугун бахшилар ва полvonлар юртига келиб, сизлардек кадрдонларим билан кўришиб, мен ҳам сизлардан илҳом олдим десам, ишонинглар, буям ҳақиқат!

Сўзимни юрагимнинг тўридаги тўрт катор шеър билан тугатмоқчиман:

*Сизни кўрсам қувонади дилим-а,
Нурга тўлар бутун ўнгу сўлим-а,
Алномишдай ўзим қалқон бўлайнин,
Омон бўлинг доим, Сурхон элим-а!*

Доимо соғ-омон бўлинглар, азизларим!

*Термиз шаҳри,
2021 йил 8 октябрь*

**ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИМИЗ,
ТИНИМСИЗ ИНТИЛИШ ВА
ИЗЛАНИШ БИЛАН ЭЗГУ
МАҚСАДЛАРГА ЭРИШАМИЗ**

*(Қашқадарё вилояти сайловчилар вакиллари
билин учрашуудаги нүткө)*

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хурматли сайловчилар!

Аввало, сиз, азиз юртдошларим билан соғ-омон күришиб,
яхши кайфиятда учрашиб турганимдан бенихоя хурсандман.

Қашқадарё – қадимий ва табаррук замин, мард ва бағри-
кенг, меҳнаткаш ва лафзи ҳалол, ғуури баланд инсонлар
юртидир.

Бу воҳа ўзининг ноёб табиий бойликлари, улкан саноат са-
лоҳияти билан юртимизнинг бугунги ижтимоий-иктисодий риво-
жига бекиёс ҳисса қўшиб келаётгани эл-юртимизга яхши маълум.

2700 йиллик тарихга эга Шахрисабз ва Қарши шаҳарла-
ри билан бутун ҳалқимиз фаҳрланади. Ўрта асрларда Насаф,
яъни бугунги Қарши Ислом цивилизациясига бекиёс ҳисса
қўшгани учун “Мадина” деган олий мақомга сазовор бўлган.
Бундай юксак мақомга Ислом оламида факат 8 та шаҳар ло-
йик кўрилган.

“Илм ва дин қуббаси” номини олган Шахрисабздаги Оксарой,
Дорус-саодат, Дорут-тиловат каби месъморий обидалар Темурийлар Ренессанси даврининг буюк намуналари сифатида
бекиёс аҳамиятга эга. Испания Қироллигидан Амир Темур бобо-
миз хузурига элчи булиб келган Клавихонинг: “Парижнинг энг
нозик дидли зодагонлари ҳам Оксаройни кўрганида ҳайратдан
лол колар эди”, деган сўзлари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Мана, якинда Шахрисабзда “Амир Темур – дунё олимлари
ва адиллари нигоҳида” деб номланган ҳалкаро конференцияни
юкори даражада ўтказдик. Ўйлайманки, ушбу анжуманни ҳар
икки йилда ўтказиб борсак, ўринли бўлади.

Бу борада дунё миқёсидаги тадқикотларни умумлаштириб, янги изланишларга йўл очадиган “Темурийлар даври Ренессанси” илмий-маърифий марказини ташкил этиш ҳам муҳим ахамиятга эга.

Шу билан бирга, Яккабоғ туманидаги Сохибқирон Амир Темур туғилган Хўжа Илғор кишлоғини ободонлаштириб, замонавий инфратузилмалар яратсак, улуғ аждодларимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни бажарган бўлар эдик.

Шаҳрисабзда Халкаро маком фестивалини ўтказиш анъанасини йўлга кўйганимиз – маком санъатимиз билан бирга, ушбу гўзал шаҳарнинг шуҳратини янада оширишга хизмат килмоқда.

Мен нуфузли халқаро саммитларда, жумладан, Ҳиндистон ва Покистон давлатларининг раҳбарлари билан учрашувларда Ҳусрав Дехлавий, Абдулқодир Бедил, Мирзо Ғолиб сингари буюк Шарқ шоирларининг тарихий Ватани Кеш шаҳри бўлганини фаҳр билан тилга оламан.

Турли даврларда Насаф шаҳрида яшаб фаолият кўрсатган 400 нафардан зиёд – тақрор айтаман – 400 нафардан зиёд исломшунос олимларнинг илмий меросини чукур ўрганиш, асарларини бугунги тилимизда, кенг жамоатчиликка тушунарли килиб нашр этиш муҳим вазифамиздир. Ҳусусан, Абул Муин Насафий, Нажмиддин Насафий, Азизиддин Насафий, Барокат Насафий, Хиромий, Сайидо Насафий, Ҳаёлий сингари улуғ алломаларнинг маънавий мероси бугун ҳам бекиёс ахамиятга эга.

Айникса, буюк ватандошимиз Абу Муин Насафий бундан минг йил олдин жаҳолатга берилган кимсаларни ўз асарлари оркали тўғри йўлга бошлагани тарихдан яхши маълум.

Албатта, сизлар билан биргаликда Қарши туманида улуғ аждодимизга бағишлиб муҳташам ёдгорлик мажмуасини бунёд этганимиз эзгу ва хайрли иш бўлди. Мен бугун ушбу мажмуани зиёрат қилиб, кўнглим таскин топди.

Шу ишларнинг давоми сифатида Қарши давлат университети қошида Абу Муин Насафий номида илмий марказ ташкил этсак, алломаларимиз меросини халқимизга, ёшларимизга кенг танитишида яна бир муҳим кадам кўйган бўламиз.

Хурматли учрашув катнашчилари!

Биз бугун Янги Ўзбекистоннинг таянчи ва суюнчи бўлган юксак иктидорли, маънавий баркамол, ватанпарвар ёшларни тарбиялашда, аввало, муҳтарам нуронийларимизга, уларнинг бой тажрибасига таянамиз.

Мен қачон бу воҳага келсан, мана шундай инсонларнинг дуоларини олишга харакат киласман. Улар шу табаррук ёшда ҳам ибратли фаолияти билан барчага ўrnak бўлмоқда.

Шу ўринда Январь Иноятов, Эсонбой Ражабов, Шодиёр Хўжаназаров, Элмурод Боймуродов, Бўрон Рўзиев, Абди-мурот Бозоров, Суюн Абдиев ва бошқа кўплаб хурматли фахрийларимизга алоҳида раҳмат айтишни ўз бурчим деб биламан.

Қашқадарёдаги машҳур Гилон кишлогини ҳаммамиз яхши биламиз. Маълумотларга қараганда, мана шу кишлокда кейинги беш йилда биронта ҳам оиласи ажрим кайд этилмаган. Биз буни кишлок ахлининг ўзаро ҳамжиҳатлиги, маҳалла фаоллари, айникса, нуронийларимизнинг жонкуярлиги натижаси деб биламиз. Бундай ижобий тажрибани бутун эл-юртимизга ибрат килиб кўрсатсан, албатта, арзиди.

Мен Қашқадарёда туғилиб вояга етган қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов билан яқин дўст, ижодининг чинакам мухлиси бўлганимдан доимо фахрланаман. Улуғ шоиримиз: “**Толеимга битган Қашқаларемсан**”, деб туғилган юртини чексиз ардоклар эди.

Ҳалкимиз: “**Олтин конларидан ҳамиша олтин чиқади**”, деб бежиз айтмаган. Бундан кейин ҳам Қашқадарё воҳасининг шаҳар ва кишлокларидан, хусусан, Карши шаҳридаги атоқли

шоиримиз номи билан аталадиган ижод мактабидан Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Мухаммад Раҳмон, Самар Нур, Ислом Тўхтамишев, Чори Аваз, Назар Шукур каби истеъодли шоир ва ёзувчиларнинг муносиб издошлиари етишиб чиқади, деб ишонаман.

Айни пайтда Нельмат Арслон, Икром Отамурод, Шарофат Ашуррова, Лола Ўрекова, Назар Эшонкул, Лукмон Бўрихон ва бошка кўплаб ёзувчи ва шоирларимиз ўзларининг ижоди билан миллий адабиётимиз ривожига муносиб хисса қўшиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда миллий санъатимизнинг равнақи йўлида унтулмас хизмат қилиб, ҳалқимиз қалбидан чукур жой эгаллаган Икрома Болтаева, Фароғат Раҳматова, Тожиддин Муродов, Омон Беганжиев, Рустам Маъдиев, Ўлмас Сайджонов каби атоқли санъаткорларнинг хотирасини катта эҳтиром билан тилга оламиз.

Якинда 90 йиллик тарихга эга Қашқадарё вилояти мусикали драма театри тўлиқ таъмирангани, Маънавият ва маърифат маскани куриб фойдаланишга топширилгани вилоят маданий ҳайтида катта воқеа бўлди.

Ҳозирги пайтда ўзбек санъатининг пешқадам вакиллари хисобланадиган Бекназар Дўстмуродов, Замира Суюнова, Ўқтам Аҳмедов, Исок Тўраев, Насиба Сатторова сингари моҳир актёр ва ҳофизларимизга янги ижодий ютуклар тилаймиз.

Қачонки, қадимий бахшичилик санъати ҳакида сўз борганда, қашқадарёлик кўплаб ноёб истеъоддод эгаларини ҳам эслашимиз табиийдир.

Барча юртдошларимиз Қодир бахши Раҳимов, Шомурод бахши Тоғаевларнинг достон ва термаларини ҳали-хануз катта хаяжон билан тинглайдилар. Бугунги кунда уларнинг издошлиари – Ўзбекистон ҳалқ бахшилари Қаҳхор ва Абдумурод Раҳимовлар

ҳамда Маҳматмурод Ражабов, Бойқўчкор Ахмедов ва бошка кўплаб моҳир ижрочилар бу борадаги анъаналарни муносиб давом эттираётгани қувончилидир.

Келгуси йили Қодир бахши Раҳимов таваллудининг 85 йиллигини юртимиизда ҳар томонлама муносиб нишонласак, ўйлайманки, бу – халқимизнинг дилидаги иш бўлади.

Воҳа аҳли мамлакатимиизда илм-фан соҳаларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган Аскар Холмуродов, Карим Шониёзов, Тўлкин Бекмуродов, Убайдулла Уватов, Бегали Коғимов, Мухсин Қодиров, Анвар Чориев, Поён Равшанов сингари марҳум олимлар ҳамда бугунги кунда самарали фаолият олиб бораётган Қаландар Абдураҳмонов, Жуманазар Бекназаров, Анатолий Саъдуллаев, Абдураҳим Эркаев сингари таникли илм-фан намояндлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Азиз дўстлар!

Биз кейинги йилларда инсон қадрини улуғлаш масаласига алоҳида эътибор каратаётганимиз бежиз эмас. Чунки мустабид тузум даврида халқимизнинг қадр-киммати, инсоний шаъни ва гурури оёқости килингани ҳеч кимга сир эмас.

Мисол учун, ўша даврда Қарши шаҳридаги қадимий Одина масжиди камокхонага айлантирилганини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳозир бу срда Қатағон қурбонлари хотираси музейини – катта тарбия масканини ташкил этаётганимиз, албатта, тарихий адолагни тиклашга хизмат килади.

Биз маърифатпарвар жадид боболаримиз ҳақида доимо армон ва эҳтиром билан гапирамиз. Жадидчилик харакатининг етакчиси бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг хоки шу заминда экани, Қарши шаҳри бир муддат шу улуғ инсоннинг номи билан аталганини, афсуски, кўпчилик билмайди.

Қарши шаҳридаги марказий кўчалардан бирига Беҳбудийномини берсак, бу ҳам адолатдан бўлади, деб ўйлайман.

Ҳурматли сайловчилар!

Ҳаммангиз яхши биласиз, бугун мамлакатимиз муҳим сиёсий воеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибди. Албатта, ушбу сайлов барчамиз, бутун ҳалкимиз учун жуда катта аҳамиятга эга эканини яхши тушунамиз.

Биз келгуси беш йилда жонажон Ватанимизни хар томонлама ривожлантириш, инсон қадри ва манфаатларини таъминлашга қаратилган Янги Ўзбекистон стратегиясини ишлаб чиқдик. Ўйлайманки, сизлар унинг асосий мазмун-моҳиятидан яхши хабардорсиз.

Бирок Қашқадарё тўғрисида ўйлаганимда, бугунги Сизлар билан учрашувга тайёргарлик кўрганимда, мени энг кўп кийнаган, безовта килаётган масала – бу ҳудуд ахолисига муносиб хаёт, тўкин дастурхон ва доимий даромад манбаларини таъминлаб беришдир.

Афсуски, вилоятда табиий бойликлар, ер ресурслари кўп бўлишига қарамасдан, бу етарлича натижа бергани йўқ, ахолининг яшаш шароитлари республиканинг бошка ҳудудларига нисбатан пастлигича колмоқда. Бу муаммоларга ечим топишда давлат идоралари, мутасадди раҳбарлар томонидан ҳалигача тизимли иш олиб борилаётгани йўқ.

Вилоятда тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш бўйича мухит тўлиқ шаклланмаган. Шу боис бугунги кунда вилоятда 150 мингдан зиёд аҳоли ишсиз. Келгуси беш йилда 280 мингга якин ёшлар меҳнат бозорига кириб келиши ҳам иш ўринларига эҳтиёжни оширади.

Шунинг учун бугун Сизлар билан келгусида Қашқадарё вилояти ривожига кучли туртки бериш, бу ерда яшаётган ахолига муносиб иш ўринлари ва турмуш шароитини яратиш бўйича энг муҳим вазифалар ҳакида фикрлашиб олсак, Ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу мақсадда тайёрланган беш йиллик дастуримизнинг энг асосий мақсади 400 мингта иш ўрни яратишга қаратилади.

Аввало, тадбиркорлик мухитини шакллантириш ва бизнесни қўллаб-кувватлаш керак. Бунинг учун йирик корхоналар инфратузилмаси ва салоҳиятидан самарали фойдаланишимиз шарт.

Жумладан, вилоятдаги йирик саноат корхоналари ёнида 75 та янги кичик саноат зоналари барпо этилади ва уларда 1 мингдан зиёд лойихалар амалга оширилиб, 25 мингта доимий иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, Қарши аэропорти ёнидаги барча инфратузилмага эга 120 гектар майдонда саноат технопарки ташкил этилади ва 10 мингта иш жойи яратилади.

Ургутдаги ижобий тажрибадан келиб чикиб, Китоб туманида Ургут эркин иктисодий зонасининг филиали очилади. Нишон, Китоб, Гузор ва Яккабоғ туманларининг саноат газ тармоклари модернизация килинади ва ушбу худуд тадбиркорлари баркарор энергия билан таъминланади. Ушбу мақсадларга давлат томонидан 600 миллиард сўм ажратилади.

Шунингдек, Чирокчи, Миришкор, Дехконобод ва Шахрисабзда тадбиркорлик инфратузилмаси учун ҳар йили қўшимча 150 миллиард сўм ажратилади.

Бундан ташқари, тадбиркорларга 300 та давлат обьектлари очик савдо орқали сотилади. Шу билан бирга, янги ташкил этилаётган корхоналар учун янгича фикрлайдиган, замонавий кадрлар тайёрлаш зарур.

Иккинчидан, Қашқадарёда ишсизлар ва ёшларни касб-хунарга ўқитишнинг мутлако янги тизими жорий этилади.

Бунда нефть-газ соҳасининг вилоятда фаолият кўрсатаётган 5 та йирик корхонаси мутахассислари тажрибасидан фойдаланамиз. Энди худуддаги барча касб-хунар марказлари иккита энг йирик бўлган Шўртангазкимё мажмуаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводига бириктирилади.

Бу дегани, шу корхона мутахассислари:

– талаб юкори бўлган мутахассисларни вилоят бўйича тайёрлаш режаларини белгилайди;

– ўқув дастурлар ва методикасини амалиётдан келиб чикиб, қайта қўриб чиқади;

– ҳар бир ёш ўқувчи ўкиш жараёнида ўз мутахассисликлари бўйича амалиёт ўташини ташкил этади.

Янги очилган мономарказда IT, мураккаб ускуна оператори ва бошка юкори технологик мутахассисликлар ўргатилади.

Шунингдек, ҳар бир туманда камида бештадан, вилоятда жами 90 та касбга ўқитиш масканларида туманнинг ихтисослигидан келиб чикиб, ёшлар ва ишсизлар касбга бепул ўқитилади. Шу тизим орқали келгуси беш йилда 150 мингдан зиёд ишсизлар ва ёшлар тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитилади.

Бундан ташкари, Шаҳрисабз, Китоб, Касби ҳамда Қарши шаҳрида хунармандчилик марказлари қурилиб, 15 мингдан зиёд ёшлар шогирдликка олинади.

Учинчидан, туманларда ахолини тадбиркорликка жалб қилиш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича янги “маҳаллабай” тизими кандай бўлишини Касби тумани мисолида тушунираман.

Касби тумани пахта етиштириш ҳажми бўйича республикада биринчи ўринда. Лекин иккисодиётнинг бошка соҳалари эътибордан четда қолиб кетган эди. Шу боис бугунги кунда туманда 9 минг 400 нафар меҳнатга лаёкатли аҳоли ишсиз, 1 минг 200 та оила камбағал тоифага киритилган. Бундан ташкари, келгуси беш йилда яна 10 минг нафар битирувчи меҳнат бозорига кириб келади.

Бундан буён янги тизим сифатида кичик тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва камбағалликни қискартириш учун “ҳоким ёрдамчилари” лавозимлари жорий этилади. Улар кредит ва субсидия бериш, маҳалладаги томорка ва бўш ерлардан самарали фойдаланиш, кооперациялар ташкил килиш бўйича аҳолига кўмаклашади. Уларнинг ўз “бюджет”и бўлиб, эҳтиёжманд оиласаларга субсидиялар ажратиш, жамоат

ишлирига жалб килиш, ёшларни касбга ўқитишни ташкил этиш хукуклари берилади.

Имтиёзли кредит ва субсидия оладиган аҳоли ва ишсиз фука-ролар билан камбағалликдан чикиш ва кўпроқ даромад олишга ундейдиган “ижтимоий шартнома” тузишга ҳоким ёрдамчилари масъул бўлади.

Масалан, ҳоким ёрдамчилари тумандаги 41 та маҳаллада 10 тадан эҳтиёжманд хонадонга 6 сотихли иссиқхоналар ташкил килишга бош-қош бўлади. Бунга имтиёзли кредитлар ва субси-диялар ажратилади.

Ёки Майманоқ кишлоғида аҳоли хонадонларида 200 гек-тар майдонда боғ ташкил қилиниб, 600 нафар фукаро ишли бўлади.

Ҳоким ёрдамчилари туманинг “Майманоқ”, “Денов”, “Қа-маши” ва “Юксалиш” маҳаллаларида ташкил этиладиган 4 та кичик саноат зоналарида 90 та лойиҳаларни жойлаштиради ва минг нафар аҳоли бандлигини таъминлайди.

Ёшларни “ҳоким ёрдамчиси” лавозимига қўйишдан олдин 2 ой давомида янги тизим асосида ишлашга ўқитамиз, 2–3 йил маҳаллада ишлаб, ўзини қўрсатганларини келгусида раҳбарлик лавозимларига қўямиз.

Ушбу тизимлар орқали келгуси беш йилда Касби туманида жами 21 минг нафар аҳоли доимий даромад манбасига эга бўлади.

Умуман олганда, вилоятда:

- оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида йилига 1 триллион сўм;
- кичик ва ўрта бизнесни кўллаб-кувватлаш учун қўшимча 100 миллион доллар;
- вилоятдаги тадбиркорларга кредит фоиз тўловларини ком-пенсация қилишга қўшимча 100 миллиард сўм ажратилади.

Шунингдек, Чирокчи, Дехконобод, Касби, Миришкор ва Ни-шонда янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари учун

2025 йил 1 январга кадар фойда солиғи ставкаси 50 фоизга пасайтирилади ҳамда ер, мол-мулк, айланмадан соликлар тұлашдан озод этилади.

Тұртқынчидан, Қашқадарёда ахолини тадбиркорликка жалб килишда эңг катта резерв – бу 56 минг гектар томорқалардан самарали фойдаланиш хисобланади.

Хозирги кунда вилоятда ҳар бир хонадонга ўртача 10 сотих томорқа түғри келиб, унинг бор-йүғи 20–25 фоизидан фойдаланылмоқда.

Агар ушбу томорқалардан йилига 3–4 марта ҳосил олиш йүлга күйилса, күшімча 100 минг гектар ернинг үринини босади. Мисол учун, Қарши тумани “Талликурон” маҳалласыда күкәт етиштирилиб, 5 мартағача ҳосил олиб, ҳар бир хонадон йилига 40–50 миллион сүм даромад күрмөкда.

Шахрисабздаги “Синабоф” маҳалласыда эса лимон ва қатор орасыга күшімча экинлар экіш орқали битта хонадоннинг йиллик даромади 80 миллион сүмгача етмоқда.

Шу боис алохидә дастур доирасыда вилоятда 27 минг гектар экін майдонлари танлов асосыда 60 мингга яқин ахолига 50 сотихдан ажратып берилади.

Хабарим бор, Шахрисабз туманининг тоголди “Ҳисорак”, “Сайёд”, “Сувтушар”, “Бошқок”, “Бешбек”, “Сарчашма” ва “Оммағон” қишлоқлари ахолиси деңқончилик қилиш учун ушбу ерларнинг ажратилишига катта умид боғламоқдалар.

Шунингдек, 15 мингта хонадонда кичик ҳажмдаги иссикхоналар куриш учун имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратылади. Сув таъминоти оғир бўлган 771 та маҳалладаги томорқалар учун 4 мингта қудук қазиб берилади.

Мана, сизларга бандлик ва ахоли даромади бўйича аник хисоб-китоб.

Иккинчи йўналиш – Қашқадарёда 40 фоиз ахолининг даромади, уларнинг дастурхони қишлоқ хўжалигига боғлиқ, бу ҳам ҳакикат.

Агар вилоятда камбағалликни кескин қисқартирмокчى бўлсак, айнан аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириб, уни мутлақо янги даражага олиб чикиш талаб этилади.

Бунинг учун, **авваламбор**, пахта ва галла етиштириш бўйича етакчи бўлган Қашқадарёда ишлаб чиқариш хажмини камида 30 фоизга ошириш чоралари кўрилади.

Бунда уруғлик тайёрлаш тизими янгича ташкил килиниб, 8 та тумандаги 22 минг гектар майдонда хусусий шериклик асосида уруғлик етиштириш, тайёрлаш, сертификатлаш ва сотиш корхоналари ташкил этилади.

Вилоятда Пахта уруғчилиги маркази ташкил килиниб, хорижий эксперталар билан бирга, қурғоқчиликка чидамли, юкори ҳосил берадиган янги навлар яратилади. Бундан ташқари, юкори ҳосил берадиган навларни четдан олиб келиш ва эркин жойлаштиришга ҳам рухсат берамиз.

Қашқадарёда энг ачинарли ҳолатлардан бири, бу – вилоят аҳолиси халигача пахтани букилиб, кўл меҳнати билан териб келмоқда. Шунинг учун келгуси беш йилда 40 фоиз қишлоқ ҳўжалиги техникалари янгиланиб, механизация даражаси 90 фоизга, жумладан, машинада пахта терими 15 фоиздан 60 фоизга етказилади. Бунда пахтани машинада териш харажатининг 30 фоизини бюджетдан коплаб бериш яна уч йилга узайтирилади.

Шунингдек, импорт килинадиган техника, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар божхона тўловларидан икки йил муддатга озод килинади. Қишлоқ ҳўжалиги техникаси хариди учун субсидиялар кўлами ҳам кўпайтирилади.

Иккинчидан, вилоятнинг энг оғрикли нукталаридан яна бири – бу қишлоқ ҳўжалиги ерларини барқарор сув билан тъминлаш хисобланади.

Масалан, Қарши магистрал каналидан сув олиб келиш учун биргина электр энергияси сарфига йилига 100 миллион доллар-

га якин маблағ талаб қилинади. Яъни 1 гектар пахтани сұғоришиңа 2,5 миллион сүм харажат қилинмоқда. Лекин сувдан самара-сиз фойдаланиш туфайли ушбу маблағларнинг 30 фоизи исроф бўлмоқда. Шу боис келгуси беш йилда 118 минг гектарда инновациян сув тежовчи технологиялар жорий қилинади.

Шунингдек, 93 минг гектар майдонни лазерли текислаш оркали, шунга алоҳида аҳамият беринг, йилига 130 миллион куб метр сув иктисад қилинади. Бунинг учун 25 миллиард сүм субсидия берамиз.

Бундан ташкири, 105 миллион доллар ҳисобидан Қарши насос станциялари каскади реконструкция қилиниб, 400 минг гектар ер майдонининг сув таъминоти яхшиланади. Фузор, Қамаши, Қарши, Косон ва Яккабоғда 33 миллион доллар ҳисобидан 16 та насос станцияси модернизация қилиниб, 40 минг гектар ерлар қайта фойдаланишга киритилади. “Сечанқўл” коллекторини таъмирлаб, Миришкор ва Муборакда 51 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Шунингдек, экин майдонларининг ҳолатидан келиб чиқиб, ирригация ва мелиорация тизимларини яхшилаш учун келгуси беш йилда бюджетдан 1 триллион сүм ажратилади.

Учинчидан, азал-азалдан Қашқадарё “чорвадорлар юрти” бўлиб келган. Шу боис Касби, Миришкор, Нишон ва Косонда кластер тизими асосида 1 минг бошдан кам бўлмаган йирик чорвачилик комплекслари ташкил қилинади. Ушбу туманларда 40 минг гектар майдонлар чорва озукасини етиштириш учун ажратилади.

Косонда “Чорвадорлар амалий ўкув маркази” ташкил қилинади. Марказ йирик чорва комплекслари билан бирга, аҳоли хонадонларидаги чорва наслини яхшилашга ҳам кўмаклашади.

Келгуси беш йилда 300 минг гектар яйлов срларни кайта тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш чоралари кўрилади.

Бу даврда майда шохли корамоллар сони 2 баробарга оширилиб, 1 миллион бошга етказилади ҳамда уларнинг насли яхшиланади.

Умуман, Қашқадарёда чорвачиликни ривожлантириш учун халкаро молия ташкилотларидан 150 миллион доллар маблағ жалб қилинади. Керак бўлса, ушбу маблағларни янада кўпайтирамиз.

Тўргинчидан, 30 минг гектар оборотдан чиккан майдон ўзлаштирилади ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилади. Бу орқали 25 мингга яқин аҳоли бандлиги таъминланади.

Қамаши, Чирокчи, Шаҳрисабз, Китоб ва Яkkабоғ туманларида 15 минг гектар узумзорлар, Китоб, Шаҳрисабз ва Яkkабоғ туманларида 3 минг гектар интенсив боғ, Китобда 2 минг гектар янги анорзор, Қамаши, Чирокчи, Яkkабоғ, Дехқонобод туманларида 4 минг гектар писта плантациялари барпо этилади. Буларнинг хисобидан 30 мингта янги иш ўрни яратилади.

Косон ва Қамаши туманларида 10 минг гектар лалми майдонда полиз етиштириш хисобидан 12 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланади. Миришкор, Қамаши, Касби, Косон, Қарши ва Муборакда 2 минг гектарда замонавий иссиқхоналар ишга туширилиб, 25 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Учинчи йўналиш – тадбиркорликни ривожлантириш оркали инвестиция ва экспорт салоҳиятини янги босқичга олиб чикилади.

Келгуси беш йилда саноат тармокларида карийб 10 миллиард доллар бўлган 2 мингдан зиёд катта-кичик лойиҳалар амалга оширилади ва 150 мингта янги иш ўринлари яратилади.

Қашқадарё вилояти мамлакатимизда нефть-газ ва энергетика соҳасининг асосий таянчи бўлиб, келгуси йилларда уларни ривожлантириш иктисадий дастуримизда муҳим ўрин эгаллайди.

Бу борада нефть-газ саноатида 5 миллиард доллар бўлган 5 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади ҳамда 7 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Мисол учун, карийб 2 миллиард доллар инвестициялар хисобидан Шўртан газ-кимё комплексининг куввати 3 баробарга кенгайтирилади. Ушбу комплексда “GTL” заводида ҳосил бўладиган 430 минг тонна нафта қайта ишланиб, ундан йилига қўшимча 280 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен, жами 500 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, янги кимё саноати кластери ташкил этилиб, унда 2,7 миллиард долларга тенг 12 та лойиҳа амалга оширилади.

Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш 10 трilliон сўмга оширилиб, импорт ўрнини босувчи янги турдаги 23 та кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Экспорт 425 миллион долларга етади.

Энергетика соҳасида келгуси беш йилда умумий қиймати 1,3 миллиард долларлик, жами қуввати 1 минг 250 мегаватт бўлган лойиҳалар амалга оширилади.

Жумладан, Фузор туманида 200 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармоялар хисобидан куввати 300 мегаватт бўлган қуёш электр станцияси барпо этилади. Галлимаржон иссиқлик электр станциясида 1 миллиард доллар хорижий инвестиция хисобидан қўшимча 900 мегаватт қувватлар ишга туширилади. Шунингдек, 500 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция хисобидан Муборак иссиқлик электр станцияси модернизация килинади.

Энергетика вазирлиги ҳузурида йирик тармоқ лойиҳалари учун инфратузилма барпо этиш мақсадида маҳсус жамғарма ташкил этилиб, унга 200 миллион доллар маблағ ажратилади.

Вилоятда 300 га яқин фойдали қазилма конлари мавжуд. Жумладан, нефть, газ, олтингугурт, рангли металлар, калий, до-

ломит, кварц, цемент, гипс, керамзит, графит, кварцит, табий пардозбоп ва деворбоп тошлар ҳамда бошка захиралар аникланган. Бу захираларни ўзлаштириш ва янги конларни очиш максадида геология-қидирув ва қазиб олишга камайтирилган солик ставкалари жорий килинди. Агар лойиха 20 миллион доллардан йирик бўлса, ташки инфратузилма олиб келишни давлат ўз зимасига оладиган бўлди.

Бундан ташкири, Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси ушбу лойиҳаларда ўз улуши билан қатнашади. Шунингдек, геология-қидирув ишларига 2 триллион сўм ажратилади. Келгуси беш йилда 100 тадан ортиқ конлар очик танлов орқали инвесторларга таклиф этилади.

Шу билан бирга, вилоятнинг иқтисодиёти йирик нефть-газ корхоналарига боғланиб қолмаслиги учун маҳаллий саноат тармоклари бўйича ҳам йирик лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор каратиш зарур.

Шу боис келгуси беш йилда вилоят учун “драйвер” бўлган – тўқимачилик, электротехника, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, мебелсозлик ҳамда курилиш материаллари соҳаларига фаол инвестициялар жалб килиниб, экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин оширилади.

Бунинг учун, ҳар бир туманда Инвестициялар ва ташкири савдо вазирлиги:

- истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқувчи “Лойиха гурӯхлари”ни ташкил этади;
- туманнинг илғор тадбиркорлари билан “Холдинг компаниялари” тузади;
- энг истиқболли маҳаллий саноат лойиҳаларига Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси 30 фоиз улуш билан киради;
- Жамғарма томонидан ҳар бир туманга йилига камида 20 миллион доллардан, саноати паст бўлган туманларга эса 30 миллион долларгача маблағлар ажратилади.

Вилоят маҳаллий саноатидаги энг катта резерв – бу тўкимачилик соҳаси. Ҳозирда пахта толасининг атиги 21 фоизи вилоятнинг ўзида қайта ишланади. Шу боис Нишон, Касби, Миришкор ва Яккабоғ туманларида 1,2 миллиард долларлик 182 та текстил лойиҳаси амалга оширилади ва 35 мингта янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, сунъий тола ишлаб чиқариш бўйича 580 миллион доллар инвестициялар ҳисобидан 4 та инновацион лойиҳа амалга оширилиб, сунъий тола ишлаб чиқариш ҳажми 150 минг тоннага етказилади.

Бундан ташкири, Касби ва Нишон туманларида киймати 225 миллион долларлик ип-калава ва мато ишлаб чиқариш бўйича “мега” лойиҳа амалга оширилади.

Вилоятда тўкимачилик соҳасида фаолият юритадиган тадбиркорларга қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида хорижий банклардан 500 миллион долларлик имтиёзли ва узок муддатли кредитлар жалб килинади. Шунингдек, давлат томонидан ушбу максадларга 100 миллион доллар кредитлар ажратилади. Натижада Кашқадарёда тўкимачилик маҳсулотлари йиллик экспорти 5 баробарга кўпайиб, 450 миллион долларга етказилади.

Курилиш материаллари саноатида ҳам жуда катта имкониятлар мавжуд.

Оддий мисол, ҳозирги кунда вилоятдаги мавжуд 148 та норуда конлардан 51 таси бекор турибди. Шу боис соҳада келгуси беш йилда 740 миллион долларлик 430 та лойиҳа амалга оширилади, 12 мингдан ортик янги иш ўринлари яратилади. Китоб, Қамаши, Дехконобод ва Чирокчи туманларида мармар ва оҳактош плиталари, гипс, гипсокартон ва табиий пардоззоп тошлар каби курилиш материаллари ишлаб чиқарадиган саноат кластерлари ташкил этилади.

Худудда катта хомашё базасига эга бўлган чарм-пойабзал саноатига ихтисослашган Миришкор, Китоб туманлари ва Қарши

шахрида 185 миллион долларлик 42 та янги лойиҳалар ишга туширилади.

Масалан, Қарши шахрида 20 миллион долларлик лойиҳалар ишга туширилиб, “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида тайёр чарм, пойабзal ва атторлик буюмлари ишлаб чикарадиган кластер ташкил этилади.

Тармоқни жадал ривожлантириш учун тадбиркорларга кўшимча имтиёзлар берилади. Жумладан:

- импорт қилинаётган фурнитура, елим, бўёқ, пойабзal тагликлари ва бошка ёрдамчи маҳсулотларни вилоятнинг ўзида ишлаб чикариш лойиҳалари учун кредит фоиз тўловларининг 10 фоизгача қисми қоплаб берилади;

- замонавий окова-сув тозалаш иншоотларини барпо этиш харажатлари солик базасидан чегириб ташланади.

Ушбу тармоқдаги лойиҳалар ишга туширилиши натижасида 25 мингта янги иш ўринлари ташкил қилиниб, 110 миллион долларлик экспорт таъминланади.

Электротехника саноатида 127 миллион долларлик 10 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилади ҳамда ишлаб чикариш ҳажмлари 105 миллион долларга оширилади.

Жумладан, Қарши шахрида 30 миллион долларлик хорижий инвестиция ҳисобидан күёш панелларини, Шахрисабз туманида 18 миллион долларлик мис кувурларини ишлаб чикариш лойиҳалари ишга туширилади.

Мебель саноатини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шахрисабз шахри ва Қарши туманида мебелчилик кластерлари ташкил этилиб, 110 миллион долларлик 49 та лойиҳа амалга оширилади.

Шу билан бирга, кишлоқ ҳўжалигини янги боскичга олиб чиқиши ҳисобидан озиқ-овкат саноатида ҳам қўшимча имкониятлар пайдо бўлмокда. Бунда юқори салоҳиятга эга бўлган гўшт ва сутни қайта ишлашга катта эътибор қаратамиз.

Жумладан, Чирокчи, Нишон ва Косон туманлари бу йўналишга ихтисослашади ва алоҳида Қашқадарё бренди яратилади.

Келгуси беш йилда озик-овқат саноатида қиймати 320 миллион долларлик 185 та лойиҳа амалга оширилиб, 10 мингдан ортик янги иш ўринлари ташкил этилади.

Вилоятда экспортни қўллаб-куватлаш максадида Экспорт агентлиги томонидан Қашқадарё вилояти учун дастлабки боскичда 50 миллион доллар йўналтирилади.

Амалга ошириладиган ислохотлар натижасида вилоятда экспорт хажми 1,1 миллиард долларга етказилади ёки ҳозиргига нисбатан 5 баробарга ошади.

Мухтасар айтганда, келгуси беш йилда Қашқадарё вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун давлат ҳисобидан 60 триллион сўм ажратилади.

Тўртинчи йўналиш – аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай инфрагузилма яратиш.

Авваламбор, ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам вилоятдаги энг оғир масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда 521 та маҳаллада яшайдиган 1,8 миллионга яқин аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган. Айникса, Косон, Дехконобод, Қамашида бу кўрсаткич жуда паст. Карши шаҳри канализация иншоотидаги тозалаш ускуналарининг 60 фоизи яроқсиз аҳволда бўлгани боис оқова сув тозаланмасдан очик сув манбаларига чиқариб ташланмоқда.

Бундан ташқари, вилоятдаги мавжуд 14 та канализация насос станцияларининг барчаси таъмирга муҳтож. Шу боис келгуси беш йилда марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 47 фоиздан 80 фоизга етказилади.

Бунда 4 минг 300 километр ичимлик суви ва 360 километр канализация тармоқлари, 237 та ичимлик сув ва 2 та оқова сув иншоотлари барпо этилади. Жумладан, Косон, Муборак, Қама-

ши, Гузор туманлари, Қарши, Шахрисабз, Китоб шаҳарларида ичимлик сув ва канализация тармокларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича умумий киймати 260 миллион доллар бўлган 4 та лойиха амалга оширилади.

Натижада илгари ичимлик суви етиб бормаган Гузор, Косон, Дехконобод, Қамаси, Қарши, Касби, Муборак ва Миришкордаги 342 та маҳалланинг 1,5 миллион аҳолиси тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади. Ушбу ишларга жами 3 триллион сўм маблағ ажратилади. Ичимлик суви танкис бўлган Гузор, Нишон, Касби, Миришкор туманларининг ер ости шўрланган сувларини кайта ишлаб, истеъмолга йўналтириш лойихаси амалга оширилади.

Шу билан бирга, 5 минг километрдан зиёд автомобиль йўллари ва ички кўчалар, 130 та кўпrik ва сунъий иншоотни қуриш-таъмирлаш учун қарийб 4 триллион сўм йўналтирилади. Хусусан, келгуси йилда “Гузор–Чим–Кўкдала” автомобиль йўлининг 35 километр кисмida реконструкция ишлари якунига етказилади. “Тошкент–Термиз” М-39 автомобиль трассасининг 60 километр кисми халқаро молия ташкилотлари маблағлари хисобидан реконструкция қилинади.

Шунингдек, ички йўлларни таъмирлаш ва фойдаланишининг янги тизими жорий этилади. Жумладан, ҳар бир туман ва шаҳарда алоҳида жамғарма ташкил этилиб, баркарор молиявий манбалар билан таъминланади.

Ушбу жамғарма маблағларининг 50 фоизи жамоатчилик таклифлари асосида шакллантирилган лойихаларга сарфланади. Чирокчида 471, Дехконободда 385, Қамасида 353, Миришкорда 226, Косонда 277, Қарши туманида 284 километр ички йўллар таъмирланади.

Шунингдек, Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ ва Қамасининг 1 миллион аҳолисига қулай шароитлар яратиш мақсадида Қашқадарёни Самарқанд билан боғловчи довон давлат-хусусий шериклик асосида кайта таъмирланади, шунингдек, тун-

нел қурилишининг иқтисодий самарадорлиги хам ўрганиб чикилади.

“Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида келгуси беш йилда 140 та кишлок ва маҳаллада кенг кўламли ободонлаштириш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, бунга 1,6 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Вилоят аҳолисини қийнаб келаётган энг долзарб муаммолардан яна бири – уй-жой билан таъминлаш масаласидир. Шу йилнинг ўзида уй-жой масаласида Ҳалқ қабулхоналарига 6 минг нафар фуқаро мурожаат қилган бўлиб, бу республикада энг юқори кўрсаткич хисобланади.

Жорий йилдан бошлиб, “Боғдод тажрибаси” асосида уй-жойлар, ишлаб чиқариш, саноат ва ижтимоий инфраструктура объектларини ўз ичига олган Янги Ўзбекистон массивлари барпо этилади.

Биринчи боскичда вилоятнинг Чирокчи, Шаҳрисабз ва Косон туманларида, иккинчи боскичда Яккабоғ, Карши ва Гузор туманларида эҳтиёжга караб қурилишлар давом этади. Янги массивлар ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан тайёр ҳолда фойдаланишга топширилади.

Аҳолини доимий иш билан таъминлаш мақсадида массивлар худудида 7 та кичик саноат зоналари ташкил этилади. Ҳар бир массивда 20 гектардан иборат “Ёшлар иссикхона мажмуалари” қурилиб, у ердаги 14 минг оиласига 10 сотихдан тақсимлаб берилади.

Шунингдек, Карши ва Чирокчи туманларининг 5 минг гектар кир-адирларида “Янги Ўзбекистон массиви” барпо этилиб, 8 минг квартирали 300 та кўп қаватли уй, мактаб, боғча, шифохона, савдо маркази ва бошқа объектлар қурилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда вилоятда жами 30 минг квартирали қарийб 1 мингта кўп қаватли уйлар ва 2,5 мингта якка тартибдаги уйлар барпо этилади.

Бундан ташкари, 6 минг километр электр узатиш тармокла-ри, 1,7 минг дона трансформатор ва 13 та подстанцияда курилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Натижада 729 та маҳалладаги 319 минг ахолининг электр энергия таъминоти ях-шиланади.

Яна бир масала – Чирокчи тумани худуди 2,8 минг квадрат километр бўлиб, вилоятнинг салкам ярим миллион аҳолиси ушбу туманда яшайди.

Халк кабулхоналарига келиб тушган мурожаатларга кўра, одамлар ўзининг кундалик муаммоларини ҳал қилиш, давлат идораларига бориш учун 2–3 соатлаб вакт сарфлайди. Туман ичидаги жамоат транспорти ривожланмагани оқибатида одамлар марказга келиш учун бир нечта транспортдан фойдаланиши, бунга 50 минг сўмгача харажат қилишга мажбур.

Шу билан бирга, ўз пайтида туман Чирокчи ва Кўкдала худудларига бўлинган эди. Шу боис кўплаб ахолининг мурожаатларини инобагга олиб, ушбу туман негизида Чирокчи ва Кўкдала туманларини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Бундан ташкари, Шаҳрисабз тумани маркази ҳалигача Шаҳрисабз шаҳрида колиб кетди. Бу ҳолат туманнинг ривожла-нишини чекламокда.

Шуни инобатга олиб, Шаҳрисабз тумани марказини Чоршанба шаҳарчасига кўчириб, уни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилишни таклиф этаман.

Энг муҳим йўналиш – аҳоли саломатлиги, айниқса, оналар ва болаларимиз соғлигини муҳофаза қилиш ҳисобланади.

Авваламбор, бу борада мамлакатимизда илк бор Қашқадарёда мутлако янги тизим – “Она ва бола тиббиёт кластери”ни ташкил этишни таклиф киламан.

Бунда вилоятдаги болалар кўп тармокли тиббиёт маркази, перинатал, скрининг ва репродуктив саломатлик марказлари ҳамда туғруқ комплекси бирлаштирилади. Лўнда килиб айтганда, кизларимизни оналикка тайёрлашдан бошлаб, боланинг туғилиши

ва 18 ёшга етгунча кўрсатиладиган барча тиббий хизматлар бир жойда ташкил этилади.

Шу билан бирга, кластерда 200 дан ортиқ турдаги мураккаб ва юкори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилади.

Шаҳрисабз шаҳри, Қамаши, Чирокчи ва Косонда перинатал марказлар ташкил қилиниб, “Она ва бола тиббиёт кластери”, Республика перинатал ва Болалар миллий марказлари билан интеграция қилинади.

Шунингдек, ҳар йили 730 минг нафар болалар ва 90 минг нафар ҳомиладор аёллар витаминлар билан бепул таъминланади.

Қашқадарёнинг олис ва чекка ҳудудларида истикомат қиласидан 20 минг нафар ахоли учун оиласий поликлиникаларда кечаю қундуз сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизими йўлга кўйилади.

Мисол учун, вилоят марказидан 210 километр ва туман марказидан 70 километр узоқликда жойлашган Шаҳрисабз туманининг “Кўл” қишлоғидаги оиласий поликлиника янгидан курилиб, бепул стационар даволанишга шароитлар яратилади.

Бундай олис қишлоқларни малакали шифокорлар билан таъминлаш максадида бу ердаги ёшларга тиббиёт олийгоҳларига киришлари учун максадли квоталар ажратилади.

Шунингдек, вилоятда келгуси икки йилда 21 та маҳаллада оиласий поликлиника ва шифокорлик пунктлари ташкил этилади. Кон босими ва диабет касалликларини даволаш учун аҳолига энг зарур дори воситалари бепул етказилади. Буйрак касалликларини эрта аниклаш максадида барча бирламчи тиббиёт муассасалари экспресс-тест воситалари билан таъминланади. Онкологик касалликларни эрта аниклаш учун 40 ёшдан ошган 132 минг аёл ҳар йили скрининг текширувидан ўтказилади.

Шахрисабз, Ғузор ва Касбида жароҳатлар ва кон-томир қасалликлари марказлари ташкил этилиб, уларда гемодиализ хизмати ҳам йўлга кўйилади.

Олтинчи йўналиш – мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 62 фоизга етказилади. Бунинг учун 40 та давлат ва 38 та хусусий, мингта оиласиб боғча ташкил этилади. Косон ва Шахрисабз педагогика коллеклари базасида “Мактабгача таълим кластери” фаолияти йўлга кўйилади. Бунга Қарши давлат университети ва Педагогика институти бош-кош бўлади.

Қашқадарёнинг олис ва тоғли худудларидағи барча фарзандларимиз мактабгача таълим билан қамраб олинади. Дехконобод, Касби, Китоб, Миришкор, Қамаши, Чирокчи, Нишон, Яккабоғ ва Ғузорда боғча тўлови микдори 2 баробарга камайтирилади.

Вилоятда мактабгача таълимни ривожлантиришга 1 трилион сўмдан зиёд маблағлар йўналтирилади.

Бугунги кунда худудда 101 та мактаб 3 сменада ишлайди, 380 та мактабда спорт зали йўқ, 809 та мактаб тоза ичимлик суви, 169 та мактаб замонавий иситиш тизими билан таъминланмаган.

Шуларни хисобга олган холда, келгуси беш йилда 22 та янги мактаб курилади, 400 таси тўлиқ таъмирланади. Натижада 140 мингта кўшимча ўкувчи ўрни яратилади.

Вилоятдаги 10 минг ўрта маҳсус маълумотли муаллимларга олийгоҳларда ўқиш учун квота ажратилади.

Қашқадарёга келиб, футбол ҳақида гапирмаслик мутлақо мумкин эмас. Вилоятда бугунги кунда олий лигада иштирок этадиган “Насаф”, “Шурған”, “Машъал” ҳамда Осиё ва Европада таниш бўлган аёлларнинг “Севинч” профессионал футбол клублари фаолият юритмоқда. Ушбу клубларнинг Отабек Шукуров ва Азизжон Ғаниев сингари тарбияланувчилари бугунги кунда Ўзбекистонимиз нуфузини бутун дунёга таратмоқда.

Шуни хисобга олиб, вилоятда футболни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича катта ишларни амалга оширамиз. Жумладан, Шахрисабз шахрида болалар ва ўсмирлар футбол маҳорати мактаби ташкил этилиб, унда 154 нафар иктидорли ёш футболчи тайёрланади. Қарши шахридаги болалар ва ўсмирлар футбол маҳорати мактаби учун замонавий спорт базаси барпо этилади. Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Қамаси, Чирокчи туманларидағи стадионлар тўлиқ таъмирланади.

Ёшлиарнинг футбол билан мунтазам шуғулланиши учун спорт мактаблари, футбол маҳорат мактаблари, футбол академиялари, умумтаълим мактаблари сифатли инвентарлар билан жиҳозланади.

Азиз ватандошлар, қадрли дўстлар!

Мен Қашкадарё вилоятини ҳар жиҳатдан жадал ривожлантиришга қаратилган энг асосий режа ва дастурларимиз ҳақида кискача тўхталиб ўтдим. Ҳеч шубҳасиз, бундай улуғ мақсадларга сиз, азизлар билан биргаликдаги ҳалол ва фидокорона меҳнатларимиз, тинимсиз интилиш ва изланишларимиз орқали эришишимиз мумкин.

Бундай шарафли йўлда сиз, муҳтарам Қашкадарё ахлиниңг юксак ишончи ҳамда самимий қўллаб-куватлаши менга катта куч бағишлайди.

Ишончим комил, буюк Амир Темур бобомизнинг:

“Ҳамиша азму жазм билан иш тутдим.

Бирон ишга қўл урсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, уни охирига етказмагунимча тинмадим”, деган хикматли сўзларини барчамиз яхши биламиз.

Халқимиз, ота-боболаримиз қайси соҳада бўлмасин, ўз олдиға бирон-бир мақсад қўйса, албатта, унга етмагунча асло ҳаракатдан тўхтамаганлар.

Бугун сиздек мард ва танти юртдошларим, навкирон ўғил-қизларимиз олдида, Амир Темурдек жаҳонгир зотлар, Насафийлар-

дек буюк алломалар рухи кезиб юрган ушбу табаррук заминда туриб бир фикрни айтмокчиман:

Худонинг марҳамати билан барчамиз биргалиқда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғ мақсадларимизга, албатта, етамиз.

Мана шундай эзгу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётингиз ва фаолиятингизда улкан муваффакиятлар, оиласий баҳт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

*Карши шаҳри,
2021 йил 11 октябрь*

**БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ,
АЗМУ ШИЖОАТ ВА
ҚАТЪИЯТ – БУХОРОНИНГ
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДИР**

*(Бухоро вилояти сайловчилар вакиллари
биган учрашувдаги нутқ)*

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хурматли сайловчилар!

Авваламбор, Бухорои шарифдек табаррук заминда сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан бахтиёрман. Фурсатдан фойдаланиб, сиз, қадрдонларимга, сизлар оркали бутун Бухоро ахлига, ўзимнинг чукур хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларими ни билдираман.

Ҳаммамиз яхши биламиз, кўхна ва бокий Бухоро инсоният цивилизациясининг энг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Бу қутлуғ диёрда ўтмишда 400 га яқин мадраса, жумладан, 33 та олий мадраса, яъни олий ўқув юрти фаолият юритгани бугун ҳам одамни ҳайратга солади.

Бухоро – И мом Бухорийдек буюк ҳадисшунос олимлар, Мухаммад Наршахийдек улуғ тарихчилар, Ибн Синодек тиббиёт илмининг пири бўлган тенгсиз алломалар, қадри баланд инсонлар юрти. Бухоро – “етти пир” номи билан маълум ва машҳур бўлган азиз-авлиёлар хоки поклари ётган муқаддас заминдир.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, Бухорои шарифдан буғунги кунгача уч мингдан зиёд машҳур олим ва адиллар, сиёсат ва жамоат арбоблари, маданият намояндлари етишиб чиқкан.

Рамзий маънода айтсан, биринчи ва иккинчи Ренессанс равнақига мислсиз ҳисса қўшган Бухоронинг уч мингдан зиёд алломалари, илм ва маърифат осмонини юлдузлар каби ёритиб турибди. Уларнинг бебаҳо меросини бугунги авлодга етказиш максадида “Бухоронинг буюк алломалари мероси” номли кўп

жилдли китоблар туркумини нашр этсак, мен ўйлайман, ўринли бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, энг аввало, жаҳон тиббиёт илмининг султони, буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино номини фаҳр билан тилга олишга ҳаклимиз. Бу улуғ олим илм-фанинг турли соҳаларида 400 дан зиёд нодир асарлар ёзгани маълум.

Шу маънода, буюк аждодимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш мақсадида “Абу Али ибн Сино ва Шарқ Ренессанси” мавзусида ҳалқаро илмий конференция ўтказиш анъанасини йўлга қўйишини таклиф этаман.

Фоят қийин ва оғир даврларда ҳам эзгулик байроғини баланд кўтариб майдонга чиккан бухоролик Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Абдувоҳид Бурхонов сингари фидойи зотлар эл-юрт дарди ва тақдирини ўйлаб яшаган буюк инсонлар эди.

Айникса, Туркистон жадидчилик харакатининг доҳийларидан бўлган егук давлат ва жамоат арбоби, истеъододли адиб, биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитратнинг бу борадаги хизматлари таҳсинга сазовордир.

Ўтган асрнинг 20-йилларида туркистонлик 70 нафар йигит-кизни Германияга ўқишига юборишда бу улуғ сиймонинг қандай катта роль ўйнаганини сизлар, албатта, яхши биласиз. Фитрат чет элга жўнаб кетаётган талабаларни Самарканддаги Амир Темур мақбараси олдида Ватан манфаатларига содик бўлиш ҳакида касамёд килдиради. Қаранг, қандай ватанпарварлик, фидойилик намунаси бу!

Улуғ алломанинг она тилимиз, тарих ва мусика соҳаларини ривожлантиришдаги бекиёс хизматларини эътиборга олиб, Бухоро шаҳрида Абдурауф Фитрат номидаги ўзбек тили ва хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган ижод мактаби барпо этсак, нима дейсизлар?

Ўзбек халкининг яна бир буюк фарзанди, атокли давлат ва сиёсат арбоби Файзулла Хўжаевнинг эзгу ишларини эл-юрти-мизда билмайдиган инсон топилмайди, албатта.

Нихоятда мураккаб ва суронли йилларда у дастлаб тўрт йил Бухоро жумхуриятига, кейин 13 йил Ўзбекистон ҳукуматига раислик килган. Афсуски, шундай улуғ инсон 1938 йили катагон курбони бўлган.

Бир пайтлар Бухоро шаҳрида ташкил этилган ёдгорлик мажмуасини “Файзулла Хўжаев уй-музейи” деб қайта номлаб, унинг янги экспозициясини яратсак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Муҳтарам юртдошлар!

Хабарингиз бор, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг таълим, фан ва маданият бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО Бухорони 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон килди. Ҳеч шубҳасиз, бу юксак эътироф миллий меросимизни тиклаш ва ўрганиш, муқаддас қадамжоларни обод этиш борасида мустакиллик даврида, хусусан, кейинги беш йилда бу ерда амалга оширган ишларимизга берилган ҳакконий баҳодир.

Шу билан бирга, амалга оширишимиз зарур бўлган вазифаларимиз ҳали жуда кўп. Масалан, ҳадис илмининг сultonи Имом Бухорийнинг устози, юртимизда ислом ҳукукшунослиги фанига асос соглан буюк аллома Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳазратларининг муборак номини абадийлаштириш, илмий меросини ҳалқимизга етказиш бурчимиздир.

2023 йилда Кабир Бухорий бобомиз таваллудига 1255 йил тўлади. Ушбу санани муносаб нишонлаш бўйича маҳсус қарор кабул киласиз.

Биз бундан уч йил муқаддам Мир Араб мадрасасини олий диний таълим муассасаси сифатида қайта тиклаганимиздан сизлар хабардорсиз. Келгуси йили ушбу мўътабар даргоҳнинг фаолият бошлаганига хижрий йил ҳисоби бўйича 500 йил тўлади. Шу

мухим санани халкаро миқёсда нишонласак, ўйлайманки, айни муддао бўлур эди.

Маълумки, Бухоро – миллий санъатимиз ва маданиятимиз-нинг кадимий марказларидан бири. Маком санъатининг гултожи бўлмиш “Шашмақом”нинг оламшумул шуҳрат топишида ушбу заминнинг хиссаси бекиёсdir.

Навбатдаги Халкаро маком санъати фестивалини Бухорода ўтказсак, дунё мақом усталари шу ерда жамулжам бўлса, бу, албатта, гўзал ва тарихий анжуман бўлади.

Ҳурматли учрашув катнашчилари!

Бухоро аҳли ўзининг ҳалол меҳнати ва салоҳияти билан турли соҳа ва тармокларда улкан натижаларга эришмоқда.

Бугун ана шу жараёнда фаол иштирок этиб келаётган бухоролик Ўзбекистон Қаҳрамонлари Муяссар Темирова, Мартия Раҳматова, Азим Латипов, Тўра Нарзиев, Муҳаммад Аҳмедов, муҳтарам фахрийларимиз Беҳбуд Жумаев, Убайдулла Носиров, Самойдин Ҳусенов, Фармон Аминов, Сайиткули Оккиев, Алишер Нарзуллаев ва бошқа нуронийларимизга фидокорона меҳнатлари учун раҳматлар айтамиз.

Ўзбекистон халк ўқитувчилари Мунаввара Файзиева, Мусо Толибов, Гулойим Жаллиева, Ҳаким Тоҳиров, Абдурашид Ҳасанов, уста фермер ва тадбиркорлар, кластер раҳбарлари Санам Жумаева, Гулбаҳор Шарапова, Дилбар Аҳмедова, Рустам Пайзиев, Иброҳим Ҳамроев, Азамат Султонов, Нурмуҳаммад Очилов, Мансур Маҳмудов, Ботир Усмоновнинг номларини алоҳида хурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Оғир замонларда илм-фанимиз ва маънавиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган академиклар Иброҳим Мўминов, Тўра Мирзаев, Саид Шермуҳамедов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, атоқли шоирлар Омон Мухтор, Тилак Жўра, Садриддин Салим Бухорий ва бошқа фидойи инсонлар хотира-сига хурмат бажо келтирамиз.

Бухорога хос илмий-ижодий анъаналарни давом эттириб келаетган таникли профессорлар Файзулла Мўминов, Иброҳим Ҳакқулов, Сулаймон Иноятов, Қаҳрамон Ражабов, Бако Умаров, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Султонмурод Олимов, Бобур Бобумурод, Саломат Раҳмонова каби ижодкорларнинг номларини миннатдорлик билан қайд этамиш.

Бухоро замонавий ўзбек санъатининг бутун бир авлодини етишириб берган замин сифатида ҳам қадрлидир. Ўзбекистон халқ артистлари, атокли кино ва театр усталари Рассоқ Ҳамроев, Марям Ёкубова, Омина Фаёзова, Олим Ҳўжаев, таникли композиторлар Мухтор Ашрафий, Мутаваккил Бурҳонов, Ўлмас Расулов шу замин фарзандлариридир.

Ўзбекистон санъат арбоби Мустафо Бафоев, Ўзбекистон халқ артистлари Бахтиёр Ихтиёров, Теша Мўминов, Убайдулла Омон, Ўзбекистон халқ ҳофизи Сойибжон Ниёзов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Курсия Эсонова, Йўлдош Кенжав, Юлдуз Турдиева, Моҳичехра Шомуродова, Илёс Арабов каби таникли санъаткорларимиз ёркин истеъоди билан халқимизга астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Жаҳон ва китъамиз чемпионлари Аббос Атоев, Ришод Собиров, Шаҳобиддин Зоиров, Шаҳрам Ғиёсов, ёзги олимпия ўйинларида 8 марта иштирок этиб, Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин эгаллаган Оксана Чусовитина каби спортчиларимиз билан ҳақли равишда фаҳранамиз.

Бу заминда истеъодли ўғил-қизларимизнинг қўплиги туфайли жорий йилда олийгоҳларга кириш бўйича Бухоро вилояти етакчи бўлди. Бу борада Қоракўл тумани янада баланд кўрсаткич билан мамлакатимиз туман ва шаҳарлари орасида биринчи ўриннин эгаллагани эътиборга сазовордир.

Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, марҳум Тўхтамурод Жумаев асос соглан “Қоракўл

методикаси”ни барчамиз яхши биламиз. Энди ушбу тизим имкониятларини янада юкори боскичга олиб чикиш учун Қоракүл халқаро математика мактаби негизида IT кластери барпо этилади. Шу орқали соҳада таълимдан ишлаб чиқаришгача бўлган яхлит занжир яратилади.

Қадрли дўстлар!

Бухорога келишдан олдин мен вилоят тадбиркорлари, партиядошларим билан маслаҳатлашдим, аҳоли мурожаатларини ўргандим. Вилоятнинг асосий кўрсаткичлари ҳам чуқур таҳлил қилинди.

Ҳаммангиз гувоҳсиз, ўтган беш йилда Бухорода кўплаб янги корхоналар, уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, йўллар ва бошқа муҳандислик обьектлари курилди. Шахар ва туманлар марказлари, қишлоқ ва маҳаллалар тобора обод бўлмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда ўз ечимини кутаётган қатор масалалар борлиги ҳам ҳақиқат. Бугунги кунда вилоятда 100 мингдан ортик аҳоли ишсиз. Жорий йилнинг ўзида вилоят аҳолисидан иш ўринлари бўйича 6 мингдан зиёд ҳамда 8 мингдан ортик ижтимоий ёрдам тўғрисида Халқ қабулхоналарига мурожаатлар келиб тушган.

Шу боис Бухоро вилоятини ривожлантириш учун барча идора ва тармоқлар биргаликда режаларини белгилаб, тинимизиз ишлашимиз керак. Юкоридагиларни инобатга олиб, Бухоро вилояти иктисодиётини жадал ривожлантириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал килиш бўйича беш йиллик дастурни ишлаб чиқдик.

Биринчи йўналиш. Вилоятнинг салоҳияти, мавжуд ресурсларини кайта ишлаш имкониятларини инобатга олиб, келгуси йиллар Бухорода саноатда кескин бурилиш даври бўлади.

Жумладан, жами 8 миллиард долларлик 5 мингта лойиҳа амалга оширилиб, 100 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бунда, энг аввало, саноатнинг стратегик тармокларида хомашёни чукур қайта ишлашга қаратилган 5 та “мега лойиха” амалга оширилади.

Хусусан, Қоракүл туманида киймати 2,7 миллиард долларлик, йилига 1,3 миллиард куб метр газни қайта ишлайдиган газ-кимё комплексини барпо этиш лойихаси бошланади. Бу лойиха доирасида энг замонавий технологиялар асосида йилига 770 минг тонна полимерлар ишлаб чиқарилади.

Ушбу корхонанинг атрофида саноат кластери ташкил этилиб, унда курилиш материаллари, кимё, енгил саноат, электротехника, автомобилсозлик ва бошка маҳаллий саноат тармоклари учун 100 дан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шу оркали Қоракүл, Олот, Жондор ва Пешкў туманларида 3 мингта доимий иш ўрни яратилиб, йилига 110 миллион долларлик маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда вилоятда электр энергияси ишлаб чиқариш манбалари мавжуд эмас. Шунинг учун 1,6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан 4 та шамол, қуёш ва иссиқлик электр станциялари барпо этилади. Ушбу станциялар йилига 6,3 миллиард киловатт соат ёки вилоят эктиёжига нисбатан икки баробар кўп электр энергияси ишлаб чиқаради.

Жумладан, 2023 йилда Пешкў ва Фиждувонда жами қуввати 1 минг мегаватт бўлган 2 та шамол электр станцияси курилади.

Шу билан бирга, ахолини юкори даромадли иш ўринлари билан таъминлайдиган маҳаллий саноат равнакига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада, энг аввало, тўқимачилик саноатида жами 450 миллион долларлик 180 дан зиёд йирик ва ўрта лойихалар ишга туширилиб, 40 мингта иш ўрни яратилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, ислоҳотларимиз натижаси сифатида пахтани етиширишдан бошлаб, тайёр кийимгача бўлган

ва ишлаб чиқаришнинг барча цикларини камраб олган кластер тизими Бухорода ўз самарасини кўрсатди. Ушбу ишларимизни давом эттириб, вилоятда келгуси беш йилда пахта толаси ва ип-калавани қайта ишлаш даражасини 35 фоиздан 100 фоизга етказиш ва экспортни 4 баробарга кўпайтириш чораларини кўрамиз.

Масалан, Ромитанда 135 миллион доллар, Вобкентда 156 миллион доллар инвестиция жалб қилиниб, йилига 45 минг тонна ип-калавадан тайёр кийимлар ишлаб чиқариш лойихалари ишга туширилади. Шунингдек, сунъий тола ишлаб чиқариш кувватлари 36 минг тоннага етказилиб, улардан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилади.

Худуд учун салоҳияти юкори бўлган яна бир тармок – қурилиш материаллари саноати ҳам янги боскичга олиб чиқилади.

Бунинг учун вилоятдаги 78 та кон участкаси аукционга чиқарилади, 37 та истиқболли майдонда геология-қидирув ишлари амалга оширилади. Коровулбозор ва Пешкӯ туманларида қурилиш материаллари кластерлари ташкил этилиб, 10 триллион сўмлик 282 та лойиха амалга оширилади.

Жумладан, худди Фозғондаги каби Пешкӯда ҳам барча инфратузилмага эга, мармар-гранитни қайта ишлаш ҳисобидан йилига 200 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган кластер ташкил этилади.

Чарм саноатида терини қайта ишлаш даражаси 70 фоизга етказилади. Бунинг учун Вобкент, Фиждувон, Ромитан, Шофиркон, Коракўл, Жондор ва Когонда экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 400 миллиард сўмлик 42 та лойиха амалга оширилади ва 8 мингта янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, “Фиждувон” эркин иқтисодий зонаси худуди 430 гектарга кенгаяди ва темир йўл тармоғи ўtkазилади, бар-

ча туманларда жами 30 та янги кичик саноат зоналари ва 15 та “Ёшлар саноат зоналари” ташкил этилади. Уларнинг инфратузилмасига 300 миллиард сўм йўналтирилади.

Энди ҳар йили “ёшларнинг энг зўр бизнес ғоялари”га йилига 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Вилоятда Узбекистон – Абу-Даби инвестиция компанияси томонидан “Бизнес мактаб” ташкил этилади.

Шу билан бирга, маҳаллий лойиҳаларга кўмаклашиш учун Бухоро саноатини ривожлантириш жамғармаси тузилади. Ушбу жамғармага дастлабки боскичда маҳаллий бюджетдан 200 миллиард сўм, Осиё тараккиёт банкидан 500 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Худудда маҳаллий саноатни ривожлантириш максадида ҳар бир туманда Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги:

- истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқувчи “Лойиҳа гурухлари”ни ташкил этади;
- туманнинг илғор тадбиркорлари билан “Холдинг компаниялари” тузади;
- энг истиқболли маҳаллий лойиҳаларга Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси 30 фоиз улуш билан киради;
- Жамғарма томонидан ҳар бир туманга йилига камида 15 миллион доллардан маблағлар ажратилади.

Куни кеча кўшнимиз Туркманистон билан Олот туманидаги чегарадош худудда “Чегара олди савдо зонаси” ташкил этиш бўйича муҳим келишувга эришдик.

Умуман, вилоятнинг экспорт салоҳияти кейинги беш йилда ишга тушадиган лойиҳалар хисобидан 3,5 баробарга ошиб, 570 миллион долларга етказилади.

Иккинчи йўналиш. Кам харажат билан энг кўп иш ўринлари яратадиган, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолимизнинг асосий даромад манбаи бўлган аграр соҳани ривожлантириш навбатдаги устувор йўналишимиз бўлади.

Бу борада олдимизда турган энг асосий масала, бу – экин ерларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда вилоятда кишлок хўжалиги ерларининг 80 фоизи шўрланган бўлиб, шўр ювиш учун ҳар бир гектарга 5 минг метр куб сув сарфланмоқда.

Шу боис энди ҳар йили 65 минг гектар шўрланган ерларда чукур юмшатиш ва лазерли текислаш амалга оширилиб, сув сарфи 20–25 фоизга камайтирилади. 8 минг километр канал ва коллекторлар таъмирланади, 126 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий килинади.

Бундан ташкири, 30 миллион евро ҳисобидан Коракўл, Фиждувон ва Бухоро туманларидағи насос станциялари модеризация қилиниши натижасида 150 минг гектар экин майдонларининг сув таъминоти яхшиланади.

Шунингдек, Пешкӯ, Ромитан ва Жондор туманларидағи 12 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилади.

Иккинчидан, келгуси беш йилда вилоятда 200 минг гектар экин майдонларини фойдаланишга киритиш бўйича алоҳида дастур қабул килинади.

Шундан 100 минг гектар ерлар мева-сабзавот етиштиришга ажратилади. Жумладан, Коракўл, Пешкӯ, Шофиркон, Ромитан, Фиждувонда 25 минг гектарда токзорлар, Бухоро, Когон, Жондор ва Вобкент туманларида 15 минг гектарда интенсив боғ барпо этилади. Шунингдек, 2 минг гектар ерда замонавий иссиқхоналар курилади.

Бу мақсадлар учун дастлаб 150 миллион доллар маблағ жалб этилади. Талабга караб, бу маблағлар кўпайтирилади.

Шу ўринда кишлок аҳолиси кутаётган яна бир муҳим масалага тўхтамоқчиман.

Ҳозирги кунда вилоятдаги томорқадан фойдаланишда етарли тажриба тўплаган 76 та маҳаллада 36 мингта хонадон аниқ турлаги маҳсулот етиштиришни йўлга қўйган.

Масалан, Ромитаннинг “Кўргон” маҳалласида анор, Вобкентдаги “Анжирбоғ”да анжир, Бухоро туманидаги “Янги турмуш”да узум, Пешкӯдаги “Афшона”да лимон етиштириш ривожланган. Бу каби хонадонларга қўшимча ер ажратилса, маҳсулот етиштириш ҳажмини кескин ошириш ҳамда бандлик масаласини ҳал қилиш имконияти яратилади.

Шунинг учун келгуси йилдан 15 минг гектар пахта, ғалла ва бошқа экин майдонлари кисқартирилиб, очик танлов асосида аҳолига 50 сотихгача ижарага берилади. Шу билан бирга, 14 мингта хонадонда кичик иссиқхоналар куриб берилади ва 35 миллиард сўм субсидия ажратилади.

Қолаверса, 110 та маҳаллада 530 та кудук қазиш ҳисобидан 10 мингга якин хонадоннинг сув таъминоти яхшиланиб, томорқада экин экиш имконияти яратилади. Томорқаларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун 100 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.

Учинчидан, ўзлаштириладиган майдонлар ҳисобидан 60 минг гектар ер озука етиштириш учун ажратилади ва озука ишлаб чиқариш ҳажми 5 баробарга оширилади.

Қўйчилик кластерлари томонидан 250 минг гектар яйлов ерларини кайта тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш ҳамда қўйлар сонини 1,5 баробарга кўпайтириб, 500 минг бошга етказиш чоралари кўрилади.

Шоғиркон, Қоракўл, Пешкӯ туманларида аҳоли билан кооперация йўлга кўйилиб, жунни кайта ишлаш 2 баробар, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш 3 баробар кўпаяди.

Учинчи йўналиш. Юқорида айтганимдек, Бухоро азалазалдан тадбиркор ва хунармандлар юрти сифатида шуҳрат козонган. Бу салоҳиятни ишга солиш учун аҳолига зарур шароитлар яратиб, одамларни касбга ўргатсак ва озгина кўмак берсак, bemalol 90 минг аҳолининг бандлигини таъминласа бўлади.

Бу ишларни “маҳаллабай” ташкил этиш учун ҳар бир маҳаллада “ҳоким ёрдамчилари” фаолияти йўлга қўйилади.

Ҳоким ёрдамчилари маҳаллада:

– тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш жойларини яратишга масъул бўлади;

– ер, кредит, инфратузилма, касбга ўқитиш ва бошқа зарурий кўмак бериш тизимини йўлга қўяди;

– аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш ҳамда экинларни экишда кўчат, ўғит, иссикхона, сув масалаларини ҳал этишга кўмаклашади;

– уларнинг ўз “бюджет”и бўлиб, эҳтиёжманд оиласарга субсидиялар ажратиш, жамоат ишларига жалб қилишни ташкиллаштиради.

Бухоро вилояти мисолида айтадиган бўлсак, ҳоким ёрдамчилари оиласи тадбиркорлик дастурлари доирасида ҳар йили ажратиладиган 700 миллиард сўм кредитни 544 та маҳаллага берилишини таъминлайдилар. Яъни ҳар бир маҳаллада камидаги 1 миллиард сўмдан маблағ бўлади.

Ҳоким ёрдамчилари иктисадиёт, инвестиция, ҳокимият идораларида ишлайдиган билимли ва шиҷоатли ёшлар орасидан танланади ҳамда 2 ой давомида янги тизим асосида ишлашга ўқитилади.

Ушбу янги тизимни Шофиркон мисолида тушунтириб бермокчиман.

Туманда 8 минг 200 нафар меҳнатга лаёкатли аҳоли ишсиз. Бундан ташқари, келгуси беш йилда яна 13 минг 200 нафар ёшлар меҳнат бозорига кириб келади.

Шуларни хисобга олиб, ҳоким ёрдамчилари бу даврда камидаги 25 минг аҳолини банд қилишга масъул бўлади.

Жумладан, туманда:

– 50 та маҳалланинг 5 минг нафар аҳолисини касб-хунарга ўқитишга 4 миллиард сўм субсидия ажратилади ҳамда уларнинг бизнесини бошлашига кредитлар берилади;

– Шароф Рашидов маҳалласи – чорвачилик, “Боғиафзал” ва “Саврак” – каштачилик, “Пашмон” – тунукасозликка ихтисослашиб, 1 мингга яқин аҳоли бандлиги таъминланади;

– “Вардонзе”, “Мингчинор”, “Журобод”, “Янги қишлоқ” маҳаллаларида кооперация усулида 600 гектар майдонда узум етиштириш йўлга қўйилиб, 1 минг 800 нафар аҳолининг бандлиги таъминланади;

– “Тезгузар”, “Жилвон”, “Султонобод”, “Бобур”, “Ориф” маҳаллаларида 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 60 та лойиха доирасида 1 минг 300 нафар янги доимий иш ўрни яратилади;

– 3,5 мингта хонадонда ихчам иссиқхоналар ташкил этиш орқали 7 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади;

– эҳтиёжманд оиласарга 10–15 сотиҳдан, жами 420 гектар майдон 10 йилга ижарага берилиб, 5 минг нафар фуқаро банд бўлади;

– 350 та енгил конструкцияли хизмат кўрсатиш шоҳобчасини ташкил этиш хисобидан 700 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Сув таъминоти оғир бўлган “Жўйнав” ва “Искогаре” маҳаллаларида кудук қазиб бериш орқали 700 та оила томорқасида экин экиш имконияти яратилади ва 2 минг нафар аҳоли банд килинади.

Ушбу янги маҳаллабай тизимни бошқа туманларда ҳам самарали ташкил қилсак, Бухорода ишсизлик ва камбағаллик кескин кискаради, одамларимиз биздан рози бўлади.

Тўртинчи йўналиш. Бухоро дунё маданиятининг энг қадими манзилларидан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Вилоятдаги 829 та маданий ёдгорликдан 287 тасининг тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Шу боис, Бухорода туризмни жадал ривожлантириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Натижада хорижий ва маҳаллий туристлар сони 5 миллион нафарга, экспорт ҳажми эса 600 миллион долларга етказилади.

Якинда ЮНЕСКО томонидан Бухоронинг яна 7 та қадимий обидаси Умумжахон маданий мероси рўйхатига киритилди. Уларни ҳамда вилоятдаги яна 800 дан зиёд тарихий бойлигимиз бўлган маданий объектларни бирма-бир реставрация килишни бошлаймиз.

Бунга дастлаб 300 миллиард сўм ажратилиб, маҳаллий ва хорижий олимлар, реставраторлар ва бошқа энг нуфузли мутахассислар жалб килинади.

Айникса, “Арк кўргони”нинг бундан 100 йил олдин вайрон килинган қисмлари қайта тикланади.

Шунингдек, буюк бобокалонимиз, улут аллома Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Афшона кишлогини туризм шаҳарчасига айлантиришни таклиф қиласман.

Бухоро шаҳрида замонавий жиҳозланган тарих музейи ташкил этилади ва унда вилоятдаги мавжуд 130 мингдан зиёд экспонатлар орасидан Бухоро тарихининг энг ноёб дурдоналари жойлаштирилади.

Бухоро шаҳрида Археология институтининг филиали, Бухоро давлат университетида алоҳида кафедра ташкил этилади.

Қоракўл туманидаги “Пойкент – осмон остидаги музей” археологик парки ташкил этилади. Шунингдек, вилоятнинг туризм инфратузилмаси ҳам кенгайтирилади.

Бухоро аэропорти орқали ҳалкаро авиакатновлар сони 5 барабарга оширилади.

Келгуси беш йилда вилоятда катта-кичик 255 та меҳмонхона барпо этилади, 60 та янги туризм маршрутлари ташкил килинади.

Туризм билан бир қаторда, унга ёндош бўлган бошқа хизматларни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор каратамиз. Бу соҳада жами 50 мингта янги иш ўрни яратилади.

Хусусан, халкаро автомобиль йўллари бўйида 2 та йирик савдо мажмуаси барпо этилади. Шунингдек, киймати 200 миллион долларлик 500 та лойиха амалга оширилиб, 15 мингга яқин иш ўрни яратилади. Шунингдек, Фиждувонда худудлараро улгуржи савдо маркази курилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Бухоро вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун давлат ҳисобидан 50 триллион сўм ажратилади ва жами 280 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бешинчи йўналиш. Бухоро ахли учун уй-жой, электр, табиий газ, тоза ва сифатли сув таъминоти, ички йўллар, окова сув тизимини яхшилаш навбатдаги муҳим вазифамиз бўлади.

Бугунги кунда 10 мингдан зиёд оила яшаш шароитини яхшилашга муҳтож. Ҳар йили 16 мингдан зиёд янги оила курилмоқда. Шу боис келгуси беш йилда 20 мингдан ортиқ хонадонли уй-жойлар курилади.

Жорий йилдан бошлаб, “Боғдод тажрибаси” асосида уй-жойлар, ишлаб чиқариш, саноат ва ижтимоий инфраструктура обьектларини ўз ичига олган “Янги Ўзбекистон” мавзелари барпо этилади.

Биринчи боскичда вилоятнинг Фиждувон ва Бухоро туманларида, иккинчи боскичда Ромитан, Вобкент, Когон ва Қоракўл туманларида курилишлар амалга оширилади.

Бунда эҳтиёжманд оиласаларга бошлангич ва фоиз тўловлари учун йилига 120 миллиард сўм субсидия ажратилади.

Бухоро шаҳри худуди атроф туманлари ҳисобидан 3,5 минг гектарга кенгаяди.

Вилоятдаги 620 та кўп квартирали уйлар таъмирланади ва шу оркали 146 минг нафар аҳолининг турмуш шароити яхшиланади.

Бухоро учун энг долзарб бўлган аҳолини марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш камрови ҳозирги 62 фоиздан

каміда 90 фоизга етказилади. Бунинг учун 600 миллион доллар маблағ жалб килиниб, 2 минг километр ичимлик суви, 600 километр канализация тармоғи, 110 та сув иншоотлари курилади ва таъмирланади.

Энг мухими, 700 мингдан зиёд аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланади, 165 мингдан зиёд аҳолининг оқова сув хизматини яхшилашга эришилади.

Бухоро вилояти аҳолиси мурожаатлари ичидә йўлларни таъмирлаш масаласи энг долзарб ўринларда туради. Шу боис ке́йинги беш йилда 3,5 минг километр автомобиль йўллари ва ички кўчалар, 412 та кўприкни куриш-таъмирлаш учун карийб 3,5 триллион сўм йўналтирилади.

Шунингдек, 6 минг километр электр тармоқларини таъмирлаш ва янги линиялар тортиш, 1,5 минг дона янги трансформаторларни ўрнатиш ишлари амалга оширилади. Натижада 334 та маҳалла аҳолисининг электр таъминоти яхшиланади. Бу ўтган беш йилга нисбатан икки баробар кўп деганидир.

“Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида келгуси беш йилда 130 та кишлоқ ва маҳаллада кенг кўламли ободонлаштириш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, бунга 1,2 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Бир ижобий тажрибага эътибор қилинг. Бухорода ўтган йилдан бўён аҳоли таклифлари асосида “Фуқаролар бюджети” тизими яратилиб, энг долзарб бўлган мактаб, ички йўл ва кўча ёритиш каби лойиҳаларга 30 миллиард сўм йўналтирилган.

Энг асосийси, бу лойиҳалар 5 мингдан зиёд аҳоли таклифлари асосида шаклланган. Бу ишларни изчил давом эттириб, фуқаролар ташаббуси асосидаги лойиҳаларга келгуси беш йилда 600 миллиард сўм йўналтирилади.

Олтинчи йўналиш. Бухоро вилоятига ҳар сафар келганимда одамлар саломатлиги, уларга малакали ва сифатли

тиббий хизматлар кўрсатиш аҳволи доим диккат марказимда бўлади.

Вилоятда 422 минг нафар аҳолининг сурункали касаллиги бор. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан ошириш мақсадида Бухоро шаҳрида илмни амалиёт билан бирга олиб борадиган “тиббиёт шаҳарчаси” ташкил этилади.

Бунда вилоятнинг 10 та тиббиёт муассасаси билан бирга, Бухоро тиббиёт институтининг энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган клиникаси барпо этилади. Бу ерда нейрохирургия, онкология ва кардиохирургия йўналишларида маҳсус бўлимлар очилади ҳамда мутахассислар тайёрлаш йўлга кўйилади.

Ҳомиладор аёллар ва чақалокларга юкори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш учун эса Фиждувон, Ромитан ва Қоракўлда перинатал марказлари фаолияти йўлга кўйилади.

Бирламчи бўгинда 40 ёшдан ошган 500 мингдан зиёд аҳоли диабет, юрак-кон томир ва онкологик касалликлар бўйича манзилли тиббий кўриклардан ўтказилади.

Келгуси беш йилда яна 14 та оилаский шифокорлик пункти ва 6 та оилаский поликлиника ташкил этилади, 100 та тиббиёт муассасаси тўлик таъмирланади.

Еттинчи йўналиш. Таълим тизимида ҳам катор ислохотларни амалга оширамиз.

Энг аввало, келгуси беш йилда мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган 22 та маҳаллада 507 та оилаский боғча ташкил этилади. Шунингдек, камров кўрсаткичи паст бўлган худудларда 92 та давлат ва давлат-хусусий шериклик, 586 та оилаский боғча ташкил этилади. Натижада вилоят бўйича мактабгача таълим қамрови 91 фоизга етказилади. Бухоро вилоятида бу борада ўзига хос тажриба шаклланган.

2026 йилга бориб мактаб ёшидаги ўкувчилар сони 390 минг нафарга етишини инобатга олиб, вилоятда 50 минг-

га яқин янги ўкувчи ўрни яратилади. Бунинг учун 24 та янги мактаб курилади, 262 таси реконструкция қилинади ва капитал таъмирланади.

Келгуси беш йилда вилоятда ёшларни олий таълим билан камраб олиш даражаси 50 фоиздан оширилади ва қўшимча 17 мингдан ортиқ ёшлар олий таълимга қабул қилинади.

Мухтарам Бухоро аҳли!

Улуғ бобомиз, нақшбандия тариқатининг йирик раҳнамоси Хожа Аҳрор Валийнинг “Шунчаки орзу билан иш битмайди, мақсадга етиш учун ғайрат ва ҳиммат керак”, деган сўзларида чукур маъно бор.

Мен аввал ҳам айтганман: бугун биз интилаётган янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш – бу шунчаки орзу эмас. Бу – аниқ стратегик мақсад ва умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган буюк амалий жараёндир.

Мен ишонаман, бундай буюк жараённинг натижаси ҳам, албатта, улкан бўлади.

Бугун тақдим этилаётган бизнинг сайловолди дастуримизда – Янги Ўзбекистон стратегиясида келгуси беш йилдаги мақсад ва вазифалар, уларга эришиш йўллари аниқ ишлаб чиқилган.

Бу стратегиянинг кўлами ва миқёси ғоят кенг бўлиб, уни амалга ошириш учун бизга, аввало, вақт керак, ислоҳотларнинг давомийлигини таъминлаш зарур.

Асрлар давомида юртимизда кечган улуғ ва шонли жараёнларда доимо олдинги сафда бўлиб келган Бухоро аҳли бу йўлда ҳам барчага ўrnak бўлади, деб ишонаман.

Мен бу олижаноб ҳаракатда сизлар каби кўпни кўрган, хаёт синовларидаги тобланган мард ва фидойи ватандошларимга таянаман.

Бухорои шариф аҳли – ўз сўзи ва аҳдида қатъий, ниятлари улуғ халқдир. Бу замин ёшлари – азму шижаатли, ботир ва ғайратли ёшлардир.

Биз бунга тарихда ҳам, ҳозирги кунда ҳам такрор ва такрор гувоҳ бўлиб келяпмиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, меҳнатда, ўқишида ва оиласвий хаётда улкан баҳт ва омадлар тилайман.

Эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимизга, Бухоромизга кўз тегмасин!

Катта раҳмат сизларга.

*Қоракўл тумани,
2021 йил 12 октябрь*

ЗАМОНАМИЗ ФАРҲОДЛАРИ – НАВОЙЙ ЭЛИ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПСИН!

*(Навоий вилояти сайловчилар вакиллари билан
учрашувдаги нутқ)*

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!
Хурматли сайловчилар!

Авваламбор, бугун сиз, азиз юртдошларим билан мана шундай кўтаринки кайфиятда учрашиб турганимдан ғоят хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали Навоий вилоятининг кўпмиллатли халқига ўзимнинг чуқур хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Навоий вилояти деганда бир томони чўл, бир томони кўл, бир ёни улкан тоғлар, бир тарафи бепоён далалардан иборат бетакрор табиатни, улкан саноат минтақасини тасаввур этамиз.

Ушбу худуддаги Навоий, Зарафшон, Учқудук каби замонавий шаҳарларнинг довруғи бутун дунёга тараган.

Биз вилоятни ноёб ва қимматбаҳо қазилмаларнинг мўл захирасига, кончилик, металлургия, энергетика, кимё, қурилиш материаллари, озик-овқат соҳасидаги замонавий корхоналарга эга бўлган воҳа сифатида барчамиз яхши биламиз.

Бу ўлканинг тупроғи – олтин, деймиз. Лекин аслида унинг мард ва матонатли, бағрикенг халқи олтиндан ҳам қимматли бойлигимиз, десак, айни ҳакиқат бўлади.

Дорогие друзья!

Навоийская область – поистине благодатный край. Её недра полны огромных богатств, и мы, безусловно, гордимся этим.

Но самое большое, действительно бесценное богатство – это, конечно, люди, представители около 100 наций и народностей, живущие здесь в мире и согласии.

Многонациональный Навои – яркий пример отношений дружбы и взаимопонимания между разными народами, формировавшихся в крае на протяжении тысячелетий.

Узбеки, казахи, каракалпаки, таджики, русские, корейцы, представители многих других этно-культурных общностей живут на этой прекрасной и щедрой земле единой семьей и все вместе вносят достойный вклад в развитие области.

Сегодня в регионе действуют 8 национальных культурных центров, для них созданы все условия. Обучение в школах ведётся на 7 языках. В этом плане Навоийская область также является примером.

Как вы знаете, 30 июля в нашей стране установлено Днём дружбы народов. В нынешнем году он был широко отмечен в Ташкенте.

Предлагаю в следующем году отметить этот светлый праздник большим торжеством в Навоийской области, провести также международную конференцию по данной тематике и много других замечательных и интересных мероприятий.

Мы также планируем 2022 году построить в городе Навои Парк дружбы как символ единства нашего многонационального народа.

Қадрли дўстлар!

Бугун Навоий вилоятининг шуҳратини оширишга муносиб ҳисса кўшиб келаётган Комил Ибрагимов, Анатолий Панин, Серикбой Сагатов, Фарход Сойибов, Қувондик Санақулов каби Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Насриддин Атоев, Тоҳир Раҳимов, Раъно Валиева, Анора Бобомуродова, Сероб Исунц, Ибодулла Мустафоев, Абдулла Керембаев каби муҳтарам нуронийларимизга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Ойдин Ҳожиева, Одил Ҳотамов, Ашурали Жўраев, Вафо Файзулло, Салима Умарова, Ирина Кенжаева, Баҳридин Садриддинов каби истеъододли шоир ва адибларимиз, Саодат

Бозорова, Баходир Мухиддинов, Тўлкин Нурмуродов, Нигора Сафарова, Гулчехра Сатторова, Зоя Бахранова сингари фидойи олим ва педагогларимиз, Фарход Саидов, Мехриддин Раҳматов, Қодир Жўракулов, Серижан Жанаҳметов, Мухиддин Кенжакев каби эл севган санъаткорларга янги ютуклар тилаймиз.

Маълумки, Навоий вилояти, айникса, Нурота, Ҳатирчи, Томди, Учкудуқ, Конимех каби туманлар азалдан машҳур баҳшилар, оқин ва жировлар юрти сифатида ҳам машҳурдир. Бугун вилоятда бу соҳада Ғанишер Нарзуллаев, Нурлибек Таскараев, Мардонкул Жумаев, Максат Ҳалбаев сингари иктидорли ёшлар етишиб чиқаётгани барчамизни кувонтиради.

Улуғбек Файзиев, Бахтиёр Ҳамроев, Шерзод Жумаев, Шавкат Холназаров, Азамат Ҳоликов, Бахриддин Мўминов каби ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар, Лариса Ким, Элбек Султонов, Кумушхон Файзуллаева, Давлат Бобонов каби иктидорли спортчи ва мураббийларнинг ибратли фаолиятини алоҳида таъкидлаймиз.

Турли соҳаларда ўз тенгдошларига ўrnak ва намуна бўлиб келаётган Жамшид Ходжаев, Шоҳруҳ Шаропов, Иброҳим Ғаффоров сингари фаол ёшларимизни ўз фаолиятидаги дастлабки ютуклари билан кутлаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бу йил буюк Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 580 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётганидан яхши хабардорсиз.

Улуғ бобомиз хаёти ва ижодини чукур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш бўйича бошлаган ишларимизни юкори боскичга кўтаришда Навоий ахли, вилоят зиёлилари янада фаоллик кўрсатадилар, деб ишонаман.

Маълумки, Навоий вилояти катта илмий, техник ва интеллектуал салоҳиятга эга.

Сизлар яхши биласиз, Хатирчи туманида машхур “Тамабаҳрин” маҳалласи бор. Маҳаллада жойлашган 22-мактаб вилоятнинг энг илғор таълим масканларидан бири хисобланади.

Бу йил Навоий вилояти мактаб битирувчилари олийгоҳларга кириш бўйича мамлакатимизда биринчи ўринни эгаллашида ушбу жамоанинг алоҳида ҳиссаси бор.

Бу ерда фаолият юритаётган фидойи устозлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш максадида ушбу мактаб негизида аник фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этсак, ўйлайманки, барчангиз бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Мухтарам дўстлар!

Хабарингиз бор, ҳозирги вақтда мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантиришга катта эътибор қаратяпмиз.

Шу маънода, улуғ авлиё, мавлоно Ориф Деггароний номи билан аталадиган меъморий мажмууани реставрация килиш ҳамда уни сайёхлик маршрутига киритиш мухим вазифамизdir.

Шунингдек, Кармана тарихини ҳар томонлама чукур ўрганиш, бу шаҳарнинг ёшини аниклаш бўйича илмий тадқиқотларни кучайтириш зарур.

Навоий вилоятида азалдан сангтарошлиқ, гиламдўзлик, каштачилик, кулолчилик ва бошқа кўплаб амалий санъат турлари кенг ривожланган. Айниқса, Нурота каштачилик мактаби бетакрор анъаналари билан шуҳрат қозонган.

Шуни эътиборга олиб, Нурота шаҳрида “Каштачилик маркази”ни ташкил этсак, нима дейсизлар?

Ҳаммамиз яхши биламиз, вилоятда ҳалигача биронта театр мавжуд эмас.

Шу боис Навоий шаҳрининг кўркам массивларидан бирида замонавий талабларга жавоб берадиган драма театрини барпо этсак, ўйлайманки, вилоят ахлининг кўнглидаги иш бўлади.

Азиз ватандошлар!

Сармишсойдаги икки минг йиллик тарихга эга нодир коятош суратлари ЮНЕСКО томонидан инсоният номоддий мероси рўйхатига киритилгани сизларга яхши маълум.

Якинда Тўдакўл сув хавзаси дунёнинг 170 дан ортиқ давлати аъзо бўлган Рамсар конвенцияси рўйхатига киритилди. Умумий майдони кариб 32 минг гектарни ташкил этадиган ушбу кўл ва унинг бебаҳо соҳиллари бутун дунёдан қушлар учун муҳим тўхтаб ўтиш жойи хисобланади.

Шунинг учун вилоятда, айниқса, Тўдакўл ҳудудида экотуризмни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур тузиб, уни амалга оширамиз.

Кадрли дўстлар!

Барчангиз яхши биласиз, бундан беш йил олдинги сайловолди учрашувимизда ва ҳар йиллик ташрифлар давомида Навоий вилоятини ривожлантириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича катор устувор вазифаларни белгилаб олиб, уларни изчилим амалга ошириб келмоқдамиз.

Якинда “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқаридиган янги комплекс, азот кислотаси заводи, “Навоий кон металлургия комбинати”нинг 7-гидро металлургия заводи, юртимиздаги 100 мегаваттли биринчи куёш фото электр станцияси каби 1,5 миллиард долларлик лойиҳаларни ишга туширдик.

Мазкур лойиҳалар иктисадиётимиз учун катта аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, Навоий вилоятини ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятдир. Бу – юкори малакали иш ўринлари, маҳаллий саноат корхоналари ва инфратузилмани ривожлантириш учун янги мэрралар, вилоятда ишлаб чиқарилган ҳар хил турдаги маҳсулот ва хизматлар учун кафолатланган бозор, дегани.

Шу билан бирга, янги корхоналар баркарор ишлаши учун уларга кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта ташкил

этиш, ишчиларни уй-жой билан таъминлаш, яшаш шароитини яхшилаш ва инфратузилмани ривожлантириш талаб этилади.

Юкоридагилардан келиб чикиб, биз Навоий вилоятидаги мавжуд улкан резерв ва имкониятларни тўлик ишга солган холда, туман ва шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллаларни ривожлантириш, ахолига муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқдик.

Дастур доирасида куйидаги устувор йўналишлар эътиборимиз марказида бўлади.

Биринчи йўналиш. Энг аввало, Навоийдаги саноат тармоқлари эҳтиёжини кондириш учун касбга ўргатиш тизими ни замон талабларига мос равишда қайта кўриб чикишимиз керак.

Келгуси беш йилда вилоятда 12 минг олий, 40 минг ўрта мълумотли мутахассисларга талаб бўлади.

Шу сабабли Навоий вилоятини мухандис мутахассисларни тайёрлаш бўйича республика марказига айлантириш дастурини амалга оширамиз.

Бунинг учун Навоий кончилик институти негизида карийб 15 минг талабани ўқитадиган Политехника университети ташкил этилади. Ушбу олийгоҳда нуфузли хорижий университетлар билан кўшма дастурлар, замонавий лабораториялар, жаҳоннинг етакчи олимлари иштирокида амалий-инновация марказлари фаолият олиб боради.

Шунингдек, Навоий давлат педагогика институти қувватлари кўшимча 6 минг ўринга кенгайтирилади. Натижада вилоятда 20 та янги йўналишлар очилиб, олий таълим билан камров даражаси 37 фоиздан 60 фоизга етади.

Аҳолини касб-хунарга ўқитишнинг ҳам мутлақо янги тизими ташкил этилади. Вилоятдаги 60 та касб-хунар мактаби ва марказлари, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлайдиган монो-

марказ Навоий кон-металлургия комбинати ва “Навоийазот”га бириктирилади.

Энди ушбу корхоналарнинг раҳбарлари ва тажрибали мутахассислари вилоятда тоғ-кон, металлургия, кимё, курилиш материаллари саноати ва уларга боғлик бўлган йўналишлар учун кадрлар тайёрлаш режаларини белгилайди. Шунингдек, касб-хунарга ўқитиш масканларининг ўкув дастурлари ва ўқитиш методикасини замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқади. Ўкиш жараёнини ишлаб чиқариш билан боғлаб, ҳар бир ўкувчинг ўз мутахассислиги бўйича бевосита корхоналарда амалиёт ўтасини ташкил этади.

Вилоятдаги мономарказда ёшлар мураккаб ускуна оператори, технолог, кончи, лаборант ва юқори технологиялар соҳасидаги бошқа йўналишларга ўқитилади.

Бундан ташкири, Навоий кон-металлургия комбинати томонидан “Бизнесга кўмаклашиш маркази” ташкил этилиб, тадбиркорлар бизнес юритишга ўргатилади.

Умуман, вилоятда келгуси беш йилда 60 мингга яқин ишсизлар ва ёшлар касб-хунар ва бизнес кўнилмаларига эга бўлади.

Иккинчи йўналиш. Вилоят аҳолисига муносиб яшаш шароити яратилиб, инфратузилма билан боғлик масалалар ҳал этилади.

Хозирги кунда вилоятда уй-жойга бўлган талаб юкорилиги барчамизга маълум. Айниска, ушбу масала Навоий ва Зарафшон шаҳарларида ўта долзарб.

Келгуси беш йилда Навоий аҳолиси камида 150 минг нафарга ошади. Шундан келиб чикиб, Навоий шаҳрида янги мавзе барпо килинади ва 4 минг хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар, мактаб, боғча ва бошқа ижтимоий обьектлар барпо этилади.

Шунингдек, Зарафшон шаҳри ҳудуди кенгайтирилиб, кўшимча 30 минг аҳоли яшashi учун замонавий инфратузилмага эга бўлган “Саноатчилар шаҳарчаси” курилади.

Бошка туманларда ҳам 14 минг хонадонли 400 та кўп каватли уй-жойлар барпо этилади.

Бунда:

– жорий йилдан бошлаб, Кармана туманида “Бағдод тажрибаси” асосида уй-жойлар, ишлаб чиқариш, саноат ва ижтимоий инфраструктура объектларини ўз ичига олган Янги Ўзбекистон мавзелари барпо этилади;

– 2 мингта хонадон эҳтиёжманд оиласалар учун ажратилиб, уларга 100 миллиард сўм субсидия берилади.

Навоий шароитида энг долзарб масалалардан бири – аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳисобланади. Шу боис беш йилда вилоятда 1 минг километрдан зиёд ичимлик суви ва 90 километр канализация тармоклари курилади.

Шунингдек, 32 миллиард сўмлик гидрогеологик тадқикотлар олиб борилиб, Зарафшон шаҳри, Учкудуқ, Хатирчи ва Томди туманларининг жами 70 мингдан ортик аҳолиси, ер ости захираси ҳисобидан ичимлик суви билан таъминланади.

Натижада 2026 йилга бориб, 163 минг нафар аҳолига илк бор ичимлик суви етказиб берилади ва яна 200 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланади.

Вилоятда марказлашган ичимлик суви таъминоти даражаси 69 фоиздан 84 фоизга оширилади.

“Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида келгуси беш йилда 100 та кишлок ва маҳалла обод қилинади. Бунга бюджетдан ҳар йили камида 600 миллиард сўм йўналтирилади.

Шунингдек, келгуси беш йилда 5 минг километр электр тармоғи, 1 мингдан зиёд трансформаторлар янгидан курилади. Бу ўтган беш йилга нисбатан 2 марта кўп.

Вилоятда 6 минг километр автомобиль йўллари, 186 та кўприк курилади ва таъмирланади. Бу максад учун 3 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилади.

Навоийнинг оғир иқлим шароитида ишлаб келаётган одамларимиз саломатлигини асраш максадида вилоятда “яшил худудлар”ни кўпайтириш ишлари изчил давом эттирилади.

Жумладан, барча шаҳар ва туманлар марказида жами 500 гектар яшил майдонлар ва жамоат парклари ташкил этилади.

Учқудук тумани, Навоий ва Зарафшон шаҳарларида ҳар йили камида 100 минг тупдан мевали ва манзарали дараҳтлар экиласди ҳамда “яшил белбоғ” яратилади. Конимех, Томди ва Учқудукда жами 100 минг гектар майдонда “яшил копламалар” барпо килинади.

Шу билан бирга, Томдида 55 минг гектар майдонда “Октоғ”, Учқудукда 1,2 миллион гектар майдонда “Марказий Қизилқум” кўрикхоналари ташкил этилади.

Айдар-Арнасой кўллар тизимида экологик баркарорликни саклаш, кейинги беш йилликда устувор вазифаларимиздан бири бўлиб колади. Мазкур кўллар тизимида йиллик сув йўқотиш 3 миллиард куб метрни ташкил этиб, сув сатҳи 2,5 метргача паса-йиб кетган, сувдаги тузлар микдори 2 баробар ошган. Ушбу кўллар тизимини тиклаш бўйича алоҳида дастурни амалга оширамиз.

Шунингдек, 800 гектаргача бўлган кирғок бўйларида иҳота-зорлар ташкил этилади.

Саноат корхоналарининг атмосфера ҳавосига заарли таъсирини камайтириш максадида алоҳида дастур қабул қилиб, амалга оширамиз. Бу ишлар учун 600 дан ортиқ чанг тозалаш ускуналари ўрнатилади ва модернизация килинади. Бу орқали ҳавога чиқарилаётган чиқиндилар 25 фоизга камайтирилади.

Учинчи йўналиш. Келгуси беш йилда вилоятда 9 миллиард долларлик 2,2 мингта инвестиция лойихаси амалга оширилиб, 75 мингта янги иш ўрни яратилади.

Авваламбор, бу:

- Навоий кон-металлургия комбинатидаги 1,7 миллиард долларлик 5 ва 6-гидро металлургия заводларини куриш, “Пистали” конини ўзлаштириш ва “Мурунтов” конини кенгайтириш;
- киймати 3,4 миллиард доллар бўлган 28 та янги лойиҳани камраб олган замонавий газ-кимё технологик кластерини ташкил этиш;
- умумий қуввати 2,8 минг мегаватт бўлган кариб 3 миллиард долларлик 7 та электр станциясини ишга тушириш каби “мега лойиҳалар”ни амалга оширамиз.

Шунингдек, тоғ-кон саноатида 450 миллион долларлик 52 та лойиҳа доирасида 7,5 мингта янги иш ўринлари яратилади.

Вилоятдаги истиқболли майдонларда геология-кидирув ишларини амалга ошириш учун 124 та лойиҳалар доирасида 3,5 триллион сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, вилоятдаги имкониятларни тўлик ишга солиб, маҳаллий саноат жадал ривожлантирилади, инвестициялар ва экспорт кескин кўпайтирилади.

Натижада вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоизга, жумладан, худудий саноат 2 баробарга ошади. Бунинг учун вилоятда инвестицияларни жалб қилиш ва маҳаллий саноат тармокларини ривожлантириш бўйича янгича тизим яратилади.

Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ҳудудда маҳаллий саноатни ривожлантириш мақсадида ҳар бир туманда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чикувчи “Лойиҳа гурӯхлари”ни ташкил этиш, туманинг илфор тадбиркорлари билан “Холдинг компаниялари”ни тузиш ишларини амалга оширади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси Энг истиқболли маҳаллий лойиҳаларга 30 фоиз улуш билан киради. Жамғарма томонидан ҳар бир туманга йилига камида 15 миллион доллардан маблағ ажратилади.

Яна бир масала – ҳудудда йирик саноат корхоналари билан кичик бизнес ўртасида кооперацияни кучайтириш бўйича катта имкониятлар мавжуд.

Мисол учун, Навоий кон-металлургия комбинати томонидан ўтган йили 410 миллион долларлик маҳсулотлар импорт қилинган. Вахоланки, жорий йилда ўтказилган саноат ярмаркасида кооперация асосида комбинат тузган шартномалар хисобига 10 дан ортик маҳаллий саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар оширилди.

Шунинг учун вилоятда маҳаллийлаштириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилади. Ушбу дастур асосида 52 та лойиҳа доирасида 7,5 мингта янги иш ўрни яратилади ва йилига 310 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Жумладан, Навоий шаҳрида 70 миллион долларлик инвестициялар хисобидан ҳозирда 32 миллион долларлик импорт килинаётган графит маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга кўйилади.

Энди Навоийда ҳар йили Ҳалкаро саноат ва кооперация форуми ўтказилади.

Маҳаллий саноат лойиҳалари учун вилоятда 13 та янги саноат ҳудуди ташкил этилади. Маҳаллийлаштириш лойиҳалари учун кредит фоизларининг 10 фоизгача кисми коплаб берилади.

Курилиш материаллари саноатида 577 миллион доллар инвестициялар хисобига 235 та лойиҳа амалга оширилади ва 15 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Фозғон шаҳрида 2 йил давомида амалга оширилган ишлар натижасида 14 та корхона ишга туширилиб, 1 мингта иш ўрни яратилди. Эндиликда ушбу кластер кенгайтирилиб, 20 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кариб 2 баробарга ошади.

Бу лойихаларни электр энергияси билан таъминлаш максадида бюджетдан 50 миллиард сўм маблағ ажратилиб, янги электр тармоклари тортилади ва подстанциялар курилади.

Пардозбоп тошлар экспортидаги транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини коплаб бериш жорий этилади.

Шунингдек, Карманада 80 минг тонна базальт хомашёсидан тола ва арматура ишлаб чиқариш бўйича 50 миллион долларлик лойиҳа ишга туширилади.

Бу оркали курилиш материаллари саноатида йилига 180 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Тўқимачилик саноатида келгуси беш йилда 290 миллион доллар бўлган 120 та йирик лойиҳа ишга туширилиб, 27 мингта иш ўринлари ташкил этилади.

Қизилтепа, Навбаҳор ва Хатирчидаги 55 миллион долларлик тўқимачилик корхоналари ишга туширилиб, мато ва тайёр кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Натижада газлама мато ишлаб чиқариш 10 баробарга, трикотаж мато 3 баробарга ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари 2 баробарга оширилади.

Шунингдек, вилоядта 30 минг тоннадан кам бўлмаган ҳажмда сунъий тола ишлаб чиқариш учун тадбиркорларга тайёр бизнес-режа ва молиявий ресурслар тақдим этилади.

Амалга оширилган ислоҳотлар ҳисобига тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробарга кўпайиб, 560 миллион долларга етказилади.

Электротехника саноатида 192 миллион доллар бўлган 19 та лойиҳа амалга оширилади ва 1,5 мингта иш ўрни яратилади.

Бу йўналишда ишлаб чиқариш ҳажми 5 баробарга кўпайиб, 450 миллион долларлик электротехника маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилади.

Чарм-пойабзал саноатида 110 миллион долларлик 68 та лойиҳа доирасида 13 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Нати-

жада пойабзал ишлаб чиқариш кувватлари 3 баробарга, чарм-атторлик маҳсулотлари ва ҷармдан кийим ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробарга оширилади.

Чарм-пойабзал саноати учун хомашё базасини кенгайтириш максадида чўл ҳудудлардаги 20 минг гектар яйлов ёшларга тақсимланади ва зарур сув қудуклари қазиб берилади.

Шунингдек, ёшларга коракўл қўйлари етказиб берилади ҳамда ундан олинадиган тери ва жунни сотиб олиш, кайта ишлаш тизими йўлга қўйилади.

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида 1 миллиард долларлик 83 та инвестиция лойиҳаси доирасида 12 мингта янги иш ўрни яратилади.

Навоий ҳалкаро логистика маркази фаолияти кенгайтирилиб, нуфузли ҳалкаро компания бошқарувига берилади ва 400 миллион долларлик маҳсулот экспортி йўлга қўйилади.

Умуман, келгуси беш йилда ишга тушириладиган кувватлар ҳисобидан ҳудудий экспорт ҳажми 6 баробарга кўпайиб, 900 миллион долларга етказилади.

Тўртингчи йўналиш. “Маҳаллабай” ишлаш асосида ҳар бир туман ва шаҳарда кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағаликни қискартириш масаласига алоҳида эътибор қартилади.

Авламбор, вилоятда келгуси беш йилда кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш оркали 70 мингта янги иш жойи яратилади.

Бу ишларни Навбахор туманининг 41 та маҳалласи мисолида, янги жорий этиладиган “хоким ёрдамчилари” томонидан қандай ташкил этилишини тушунтириб ўтсан.

Ушбу ёрдамчилар маҳаллада оиласий тадбиркорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кредит бериш, ишсиз фуқароларни кооперация ташкил этиш оркали бизнесга жалб этиш ишларини амалга оширади.

Мисол учун, ишсизлик юкори бўлган “Кўхрон”, “Учтут”, “Арабсарой”, “Навбаҳор” маҳаллаларида кооперациялар ташкил этиш учун тадбиркорларга 10 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилади. Шу орқали 500 та оила даромад манбаига эга бўлади.

Яна 4 та маҳаллада ёшларни косибчилик, чорвачилик, асаларичилик, агрономлик, тикувчилик, зардӯзлик, мебелсозлик йўналишлари бўйича касб-хунарга ўқитиш ташкил этилади.

Аёллар ва ёшлар ўртасида ишсизлик юкори бўлган 6 та маҳаллада 720 нафар фукаро касбга ўқитилади ҳамда уларга ўз бизнесини бошлаш учун 6 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилади.

Бу ишларни молиялаштириш учун ҳоким ёрдамчиларининг ўз “бюджет”и бўлади. Умуман, ҳоким ёрдамчилари тадбиркорлар билан биргаликда туманда 634 та лойихани амалга ошириш ҳисобидан 9 минг 200 та янги иш ўрни ташкил этишга бош-кош бўлади.

Шунингдек, туманда кичик саноат зонасида янги лойиҳаларни амалга ошириш орқали 500 та, мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 1 минг 200 та, қишлоқ хўжалигига 7 мингдан ортик, шундан, пахта ва галладан кискарған ерларни аҳолига бериш орқали 3,5 мингта иш ўрни яратилади.

Юкорида санаб ўтилган ишлар орқали Навбаҳор туманида фаолият юритаётган корхоналар сони камиде 2 баробар кўпайиб, 17 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Вилоятнинг 307 та маҳалласидаги ҳоким ёрдамчилари ушбу тизимни самарали ташкил этса, вилоятда ишсизлик ва камбагаллик 3 баробар кисқартирилади.

Шу билан бирга, шароити “огир” бўлган Томди, Учкудук, Конимех, Нурота туманларида ташкил этиладиган янги тадбиркорлик субъектлари фойда, ер, сув, мол-мулк, айланмадан олиниадиган соликлардан озод этилади.

Шунингдек, вилоятда барча инфратузилмага эга 48 та кичик саноат зонаси ташкил этилиб, уларда 600 та лойиҳа амалга оширилади ва 10 мингта иш ўрни ташкил этилади.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ҳар йили 500 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Бешинчи йўналиш. Мавжуд резервларни ишга солиш хисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини 2 баробарга ошириш чоралари кўрилади.

Биринчидан, келгуси беш йилда фойдаланишдан чиккан 50 минг гектар ер ўзлаштирилиб, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик ривожлантирилади. Бу кариб 35 минг аҳолини банд килиш имконини беради. Бунда электр тортиш ва қудук қазиш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан коплаб берилади.

Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор ва Хатирчида 14 минг гектарда янги токзорлар ҳамда 5 минг гектарда интенсив боғлар барпо этилади. Натижада, 20 мингдан ортиқ аҳоли банд бўлади.

Шунингдек, вилоятда 1 минг гектарда замонавий иссиқхоналарнинг ишга туширилиши ва 3 минг хонадонда ихчам иссиқхоналар қурилиши натижасида 7 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги тъминланади.

Шу билан бирга, 20 минг гектар, шундан 5,5 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини очиқ танлов асосида аҳолига 1 гектаргача узок муддатга ижарага бериш оркали 20 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Масалан, Кармананинг “Ҳазора” ҳудуди аҳолиси анорчилик билан шугулланиб, гектаридан ўргача 35–40 тонна ҳосил этишириб келмоқда. Ушбу ҳудуддаги 200 гектар пахта майдони тўлик анорчилик учун ажратилади ва анорни қайта ишлаш йўлга кўйилади.

Иккинчидан, вилоятда 9 миллион гектарга яқин яйловлар мавжуд бўлиб, чорвачиликни ривожлантириш учун жуда кагта имконият бор.

Конимек, Томди ва Учкудук ҳудудидаги яйловларда яроксиз 120 та қудуклар бюджет ҳисобидан тикланади. Томдида 3 минг бошга мұлжалланган туячилик, Учкудуқда 4 минг бош йилкичilik комплекслари ишга туширилади.

Хабарим бор, Конимек ирригация тармокларининг охирида жойлашгани сабабли экинларни суғориша кийинчиликлар юзага келмоқда. Шунинг учун тумандаги 2 минг 300 гектар пахта ва ғалла майдонлари кисқартирилиб, қорамол сони 500 бошдан кам бўлмаган янги чорвачилик лойиҳаларига танлов асосида берилади.

Вилоятда балиқ етиштириш ҳажми 3 баробарга кўпайтирилиб, 40 минг тоннага етказилади. Мисол учун, “Тўдакўл” сув омборида 10 миллион доллар инвестиция ҳисобидан йилига 15 минг тонна балиқ етиштирилади.

Учинчидан, келгуси беш йилда 57 минг гектар майдоннинг сув таъминоти ва 45 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилади. Сув таъминоти оғир бўлган 58 та маҳаллада 2 мингта қудук қазиб берилади.

Шунингдек, 106 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий килинади ва 109 минг гектар экин ерларини лазерли текислаш йўлга кўйилади. Бу ишлар 500 миллион куб метр сувни иктисад килиш имконини беради.

Шу билан бирга, 51 миллион доллар ҳисобига вилоятда 20 та насос станцияси модернизация қилинади.

Олтинчи йўналиш. Тиббий ва таълим хизматларини сифат жихатидан янги босқичга олиб чиқамиз.

Афсуски, бугунги кунда вилоятда 294 минг нафар ёки 30 фоиз аҳолининг сурункали касалликлари бор.

Шунинг учун тиббиётнинг бирламчи бўгини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта аниклаш ва даволаш имкониятлари кенгайтирилади. Жумладан, кейинги йилда 20 та янги оиласиб поликлиника ва шифокорлик пунктлари ташкил этилади.

Оилавий шифокорлик пунктларида диабет ва кон томир касалликларини эрта аникладиган экспресс-диагностика усуллари жорий этилиб, ҳар йили 300 минг нафар ахоли манзилли скринингдан ўтказилади. Касаллик аникланганда, зарур дорилар бепул берилади.

Бундан ташкари, 40 ёшдан ошган 148 минг нафар аёллар ҳар йили онкологик скрининг текширувидан ўтказилади.

Вилоятнинг худуди катталигини инобатга олиб, Хатирчи, Навбаҳор туманлари ва Зарафшонда перинатал марказлар, шунингдек, Зарафшонда ўткир кон томир касалликлари ва жароҳатларга ихтисослашган тиббий марказ ташкил килинади.

Барча тиббий хизматларни бир жойда кўрсатиш ва сифатини ошириш учун Навоий шаҳрида “тиббиёт кластери” ташкил этилади. Бунда вилоят кўп тармокли маркази ҳамда эндокринология, онкология, офтальмология, урология ва травматология шифохоналари бирлаштирилиб, 600 ўринли марказ барпо этилади.

Вилоядта катта ёшли ахоли учун 150 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси курилади.

Ногиронлиги бўлган ва тиббий реабилитацияга муҳтож беморлар учун минтақавий реабилитация маркази барпо этилиб, барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жихозланади.

Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим тизими сифатини яхшилаш бўйича ҳам изчил чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Келгуси беш йилликда ушбу хайрли ишларни давом эттириб, боғчалар сони етарли бўлмаган ҳудудларда 17 та давлат боғчаси, 26 та хусусий шериклик, 466 та оилавий боғча ташкил этилади.

Ахоли таркок яшовчи, олис ва тоғли ҳудудлар – Хатирчи, Нурота, Навбаҳор ва Конимех туманларида мобиль боғчалар

фаолиятини йўлга қўйиб, мактабгача таълим хизматини бепул амалга ошириш имконини яратамиз.

Фозғон шаҳри, Томди, Учкудук, Конимех ва Нурота туманлари учун боғча тўлови 2 бараварга камайтирилади. Натижада вилоят бўйича мактабгача таълим қамрови 95 фоизга етказилади.

Шунингдек, келгуси беш йилда вилоятда 8 та янги мактаб куриш, 62 тасини таъмирлаш ҳисобидан мактаблар куввати 22 минг ўқувчи ўrniga оширилиб, 182 мингга етказилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Навоий вилоятини иктисадий ва ижтимоий ривожлантириш учун давлат ҳисобидан 40 триллион сўм ажратилади ва жами 180 мингта янги иш ўrniga яратилади.

Хурматли учрашув иштирокчилари!

Бугун сизлар билан Навоий вилоятида яшаб меҳнат қилаётган инсонлар хаётини янада фаровон килишга каратилган аниқ режа ва мақсадларимиз ҳақида батафсил фикрлашиб олганимиздан бехад хурсандман.

Мен ҳаёт машаққатларида, турли синовларда тобланган, мард ва олижаноб Навоий элинин замонамиз Фарҳодлари деб биламан ва барчангизга яна бир бор чукур хурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангиз кўриб-билиб турибсиз, шиддатли ва мураккаб замонда яшаяпмиз.

Бугун – доимий ҳаракат замони, чинакам кураш замони. Ана шу курашда биз, албатта, галиблар сафида бўлишимиз шарт.

Агар ана шундай улуғ ишонч билан яшасак, ишласак, албатта, натижа бўлади. Жонажон Ўзбекистонимиз, албатта, энг ривожланган давлатлар қаторига киради.

Ана шундай буюк мақсадлар йўлида мен бутун ҳалқимиз қатори Навоий аҳлига суюнаман.

Ўз юртига фидойи. Ватанимизга чексиз мухаббати ва садо-
қати билан барчага ўрнак бўлиб келаётган бу эл шу йўлда доимо
олдинги сафларда бўлишига катъий ишонаман.

Менинг умидим шуки, ҳаммамиз жонажон Ўзбекистонимиз,
жумладан, Навоий вилояти равнаки йўлидаги эзгу орзу-ниятла-
римизга етайлик!

Бу йўлда барчангизга бахт ва омад, оиласарингизга файзу
барака тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинглар!

Катта раҳмат сизларга!

*Навоий шаҳри,
2021 йил 13 октябрь*

КҮПМИЛЛАТЛИ, БАҒРИКЕНГ ДИЁР АҲЛИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА БАХТ-САОДАТИ УЧУН

*(Тошкент вилояти сайловчилар вакиллари
билин учрашувдаги нуткى)*

Ассалому алайкум, мухтарам ватандошлар!

Хурматли сайловчилар!

Авваламбор, мана шу гўзал ва бетакрор заминда сиз, азизлар билан кўтариинки кайфиятда учрашиб турганимдан бенихоя хурсандман. Сизларга, сизлар оркали бутун вилоят ахлига ўзимнинг чукур хурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман.

Ҳаммамиз яхши биламиз, Тошкент вилояти ўзининг сўлим табиати, кўхна ва бой тарихи, иқтисодий, маданий-маънавий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади.

Вилоятнинг олтин, кумуш, мис, мармар, кўмир, кўргошин, алюминий каби ўнлаб кимматбаҳо ва ноёб казилмаларга бой конлари, энергетика, машинасозлик, кон-металлургия, кимё, озиқ-овқат, курилиш материаллари, тўқимачилик тармоқларидағи йирик корхоналари саноатимиз ривожи учун муҳим аҳамият касб этади.

Бу диёрнинг энг асосий бойлиги – аслида унинг меҳнаткаш, бағрикент, кўпмиллатли ҳалқидир. Бугунги кунда вилоятда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳилликда яшаб, баҳамжихат меҳнат кильмоқдалар.

Шу борада эътиборга лойик бир ҳаётӣ мисолни келтирмокчиман.

Пискент туманининг “Октека” маҳалласида истикомат қиласиган Жонсаидовлар оиласи ҳакида эшигтган бўлсангиз керак. Тожик ота, қозок онанинг етти нафар келини – ўзбек, қозок, рус, уйғур, грузин, чечен миллатларига мансуб бўлиб, улар аҳил ҳаёт кечирмоқда.

Мана сизга бағрикенглик намунаси, мана сизга тотувликнинг ёрқин ифодаси!

Хурматли дұстлар!

Сүнгти йилларда амалга ошираётган туб ислохотларимиз ва халқнинг ичига кириб, амалий ишлар бошлангани натижасида вилоятдаги шахар ва туманларга, олис кишлоқ ва маҳаллаларга янги ҳаёт, янги тараккиёт кириб келмоқда. Энг мухими, одамларда ертанги кунга ишонч ортмоқда.

Сизлар яхши биласизлар, Тошкент вилоятининг ташкил топганига 80 йилдан ошик вакт үтган бұлса-да, үзининг маъмурий марказига эга эмас зди. Бу, албатта, худудни комплекс ривожланиши, ахолининг меҳнат килиши ва муносиб яшаши учун жиддий муаммоларни туғдириб келарди.

Сизлар билан маслаҳатлашган ҳолда, Нурафшон шаҳри деб ном олган вилоят марказини янгидан барпо этишга киришдик.

Нурафшон шаҳрида бошқа иншоотлар билан бир каторда, вилоят ахлиниң муносиб дам олиб, маънавий ҳордик чиқариши учун замонавий истироҳат боғи, санъат саройи, тарих музейи, маънавият ва маърифат масканини ҳам барпо этамиз. Сизлар билан биргалиқда, яқин йилларда Нурафшон шаҳрини үз номига мос, Ватанимизнинг энг замонавий шаҳарларидан бирига айлантирамиз.

Насиб этса, гүзәл Нурафшонни бунёд этганимиздан ҳаммамиз фаҳрланиб юрамиз!

Мұхтарам учрашув қатнашчилари!

Тошкент вилояти қадимдан илм-фан, хунармандчилик, маданият юксак тараккий этган маконлардан бири бұлғани сизларга маълум. Үрта асрларга оид тарихий манбаларда бундан минг йил аввал Шош вилотида 40 га яқин обод шаҳарлар бұлғани ёзиб қолдирилган.

Амир Темур бобомиз ҳозирги Оқкүрғон тумани худудидағы мұғуллар вайрон килган қадимий шаҳарни қайта тиклаб,

Ўғлиниг номи билан Шоҳруҳия деб атагани ҳам буюк Сохибқироннинг бу ўлкага меҳри ўзгача бўлганидан далолатдир.

Ушбу табаррук диёр – Шайх Умар Богистоний, Хожа Аҳрор Валий, Абу Сулаймон Банокатий сингари азиз авлиёларга бешик бўлганидан ҳаммамиз ифтихор туямиз.

Зангиота меъморий мажмуаси бутун минтақада маълум ва машҳурдир. Ушбу табаррук зиёратгоҳни обод килиш бўйича қатор савобли ишлар амалга оширилганидан барчангиз хабардорсиз.

Тошкент вилоятида камол топган Бадриддин Чочий, Гулшан, Алмай, Сидқий Хондайликий, Музайяна Алавия сингари ўнлаб етук ижодкорлар, ўз даврида вилоят ривожига муносиб ҳисса қўшган Ҳамроқул Турсункулов, Жўра Хонназаров, Султон Сегизбоев, Ким Пен Хва, Турсуной Охунова каби таникли инсонларнинг номларини чукур хурмат билан ёдга оламиз.

Хумсон кишлоғида туғилиб ўсган тараккийпарвар олим, шоир ва таржимон Элбек “**Миллатнинг нажоти – мактабда, муаллимда**”, деб билган. Абдулла Авлонийнинг шогирди бўлган адаб янги усулдаги мактаблар учун кўплаб дарслик ва кўлланмалар яратган.

Мустабид тузум даврида қатағонга учраган истиқлол фидойисининг номини абадийлаштириш мақсадида Нурафшон шаҳрида кўркам ва замонавий кутубхона барпо этиб, уни Элбек номидаги вилоят марказий кутубхонаси деб атасак, сизлар нима дейсизлар?

Шунингдек, бугунги ахборот ва янгиликларга талаб тобора кучайиб бораётган бир пайтда Тошкент вилоятининг ҳам ўз телерадиоканалини ташкил этиш вақти келди, деб хисоблайман.

Азиз юртдошлар!

Тошкент вилояти бир вақтлар ўзининг ноёб боғдорчилик мактаби билан нафакат юргимиизда, балки хорижда ҳам шухрат козонган.

Вилоятдан етишиб чикқан “Ризамат” узум навининг муаллифи Ризамат Мусамухаммедов, лимоннинг ўндан ортиқ серхосил навларини яратган Зайниддин Фахриддинов, “Юсупов” номли машхур помидор навининг муаллифи Карим Юсупов, боғдорчилик илмининг ҳақиқий жонкуяри, академик Маҳмуд Мирзаев, атоқли соҳибкор, Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаев сингари заҳматкаш инсонларнинг меҳнатлари халқимиз учун бугунги кунда ҳам ўз мевасини бермоқда.

Хусусан, Ризамат ота Мусамухамедовнинг узумчилик соҳасидаги натижалари Франция, Болгария, Венгрия, Италия каби кўплаб давлатларда ҳам бугун кенг қўлланаётгани барчамизга ифтихор бағишлайди.

Ана шундай уста соҳибкорнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Паркент туманида Ризамат Мусамухамедов номидаги Узумчилик илмий-амалий марказини ташкил қилисак, ҳар йили халқимиз, хорижий меҳмонлар ва сайёхлар иштирокида Узум сайли ўтказиш анъянасини йўлга кўйсак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Бу таклиф ҳам сизларга мъекулми?

Бугунги кунда вилоят ҳаётида ўзининг самарали меҳнати ва ибратли фаолияти билан эл-юрт хурматини қозонган Сайдали Раҳмонов, Алим Тўйчиев, Жонсаид Турдиев, Александр Фармонов сингари Қаҳрамонларимиз, Абдуҳошим Муталов, Туроп Холтоев, Умматқул Мирзакулов, Зокиржон Алматов, Сайфулла Асатов, Абдумажид Шодиев, Алиназар Эгамназаров, Виктор Пак, Фарида Ибрагимова, Усмон Жўрасев каби муҳтарам фахрийларимиз Тошкент вилоятининг шон-шуҳрати ва обруси ни оширишга муносиб ҳисса кўшиб келаётганини алоҳида таъкидламокчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Абдусаттор Абдукаримов, Темуржон Носиров, Акмал Саидов, Ўқтам Пратов, Абдурашид Ҳасанов,Faфуржон Мухамедов, Захро Аҳмедова, Раъно Фозилова, Валерия Мардиева, Ўриш Сафаров, Саъдулла Лутфуллаев каби заҳ-

маткаш олим ва педагоглар, Барот Исроил, Абдулла Шер, Асад Асилов, Маҳмуд Тоир, Шарифа Салимова, Зарифа Эралиева, Кумуш Абдусаломова каби шоир ва ёзувчиларга янги ютуқ ва зафарлар тилаймиз.

Азиз биродарлар!

Ўтган асрнинг ўттизинчи-киркинчи йилларида Янгийўл шаҳридаги театрда Юнус Ражабий, Ҳабибий, Етим Бобоҷонов, Қундуз Миркаримова, Саттор Ярашев, Фарогат Раҳматова сингари таникли санъаткор ва адиблар фаолият қўрсатганини кўпчилик нуронийларимиз яхши эслайдилар, албатта.

Кейинчалик мазкур ижодий жамоа Муқимий театрига кўшиб юборилган. Шундан буён Тошкент вилоятида театр мавжуд эмас.

Воҳа аҳлининг кўп йиллик орзуси бўлган янги театрни ҳам ташкил этиш вакти келди, деб ўйлайман. Агар сизлар қўллаб-куватласангиз, Нурафшон шаҳрида янги театр барпо этамиз.

Тошкент вилояти фольклор анъаналари, ўзига хос миллий оҳанглари ва бой санъати билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Шу ўринда лирик қўшикчилик мактабининг йирик вакили, қибрайлар атоқли санъаткор, Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Фахриддин Умаров номини алоҳида эслаб ўтишни истардим.

Бу улуғ санъаткор ўтган асрнинг 30-йилларида Украина га сургун килинганини кўпчилик ёшларимиз билмайди. Юксак инсоний туйғуларни авж пардаларда куйлаган атоқли хонанданинг ижрочилик анъаналарини давом эттириш мақсадида вилоят марказида Фахриддин Умаров номидаги санъат ижод мактабини ташкил килсак, нима дейсизлар?

Тошкент вилоятининг фарзандлари бўлган Зулфикор Мусоков, Зухра Ашуррова, Тошпўлат Маткаримов, Озода Нурсаидова, Жаҳонгир Аҳмедов, Абдурашид Йўлдошев сингари таникли санъаткорлар ҳалқимиз меҳрига сазовор бўлиб келмоқда.

Кейинги йилларда юксак мэрраларни қўлга киритаётган Фазлиддин Ғойибназаров, Акбар Жўраев, Ислом Асланов, Ва-

дим Меньков, Достон Ёкубов, Элмурат Тасмурадов, Турсуной Раҳимова, Рината Бойметова, Светлана Осипова, Санжар Турсунов, Элнур Абдураимов сингари машхур спортчилар ҳам мана шу заминдан етишиб чиккани барчамизга ғурур бағишилайди.

Тошкент вилояти донгдор чавандозлар ва полвонлар юрти эканини ҳам яхши биламиз. Вилоятда бугун миллий ғуруримиз бўлган от спортини янада ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар бор. Бу борадаги миллий анъаналаримизни давом эттириб, Оҳангарон ва Бўстонлик туманларида Халқаро отчопар ва чавандозлик мактабини ташкил қилиш таклифини билдирам, ўйлайманки, сизлар ҳам кўллаб-кувватлайсизлар.

Хурматли сайловчилар!

Янги Ўзбекистонни куришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, Тошкент вилояти бўйича ҳам олдимизга янада катта марраларни белгилашимиз керак. Айникса, саноат салоҳияти, кулагай географик жойлашуви, бой табиий ресурслари, малакали ва меҳнаткаш аҳолиси етарли бўлган пойтахт вилоятини энг ривожланган худудга айлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳри билан биргаликдаги уйғун ривожланиши ҳам вилоят учун кенг ва улкан имкониятдир. Шундай бўлса-да, ишсизлик даражаси, аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари, тоза ичимлик суви таъминоти, кишлок хўжалиги самарадорлиги бўйича вилоят мамлакатимизнинг бошқа худудларига нисбатан анча орқада қолмоқда.

Мисол учун, вилоятда 130 минг аҳоли ишсиз, келгуси беш йилда 270 минг ёшлар меҳнат бозорига кириб келади.

Вилоят ичимлик суви манбаларининг “бошида” турса-да, салкам 1 миллион аҳоли тоза ичимлик сувига муҳтоҷ.

Олий таълим, мактаб ва касб-хунар тизимларидаги ўқитиш сифати, мактабгача таълим камрови бўйича ҳам вилоят республикадаги кўрсаткичлардан пастда туради.

Жумладан, айни пайтда вилоятда 8 минг нафар малакали педагог, 11 минг мұхандис ва технолог, 3 минг агроном ва ветеринар, 7 мингдан зиёд IT, геология ва курилиш-лойиҳалаш соҳаларида кадрлар етишмайды.

Тошкент вилоятининг хизматлар, савдо, туризм, логистика борасидаги салоҳияти 50 фоизга ҳам ишга солинмаган, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Шу боис, келгуси беш йилда вилоятда иктисадиёт қандай ривожланади, ахолининг ҳаёти қандай үзгаради, одамларимиз учун нималар килиб берамиз, уй-жой, даромад, иш ўринлари нишанинг хисобига бўлади, шулар тўғрисида бугун сизлар билан маслаҳат килиб олмоқчиман.

Умуман, вилоятдаги кенг қўламли ислоҳотларимизнинг таянч нуктаси, бу – инсон кадрини улуғлаш, ахолининг келажакка ишончини янада мустаҳкамлаш бўлади.

Шунинг учун, бугун кўриб чиқиладиган беш йиллик дастур марказида вилоятнинг 100 мингдан ортиқ ёшлиарини энг замонавий касб-хунарларга ўқитиш, барча соҳаларда камида 450 минг янги иш ўринларини яратиш, ахоли даромадини камида 2 барабарга ошириб, камбағалликни кескин қисқартириш, ҳар бир маҳалла ва кишлоқда ахолимиз учун муносаб турмуш шароитларини яратиш каби мухим масалаларни үзидаги камраб олади.

Хурматли сайловчилар!

Мамлакатимизнинг янги саноат сиёсатини амалга ошириши, биринчи бўлиб Тошкент вилоятидан бошлаймиз.

Бу – мавжуд табиий ресурслар негизида йирик, энг замонавий жихозланган корхоналарни ташкил этиш, саноат зоналарида кооперация асосида талаб юкори бўлган ва ракобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлар ўртасида илм-фан, инновация, инжиниерингни камраб оладиган саноат кластерларини ташкил этиш, саноатнинг барча тармоқлари учун замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган,

малакали кадрларни тайёрлаш ва танлаш тизимини йўлга кўйиш каби мухим вазифалардан иборат.

Вилоятда келгуси беш йилда умумий киймати 20 миллиард доллар бўлган 8 мингта йирик, ўрта ва кичик инвестиция лоийхалари амалга оширилиб, 180 мингдан зиёд доимий иш ўринлари яратилади.

Биринчи навбатда, Олмалиқ, Чирчик, Ангрен, Бекобод, Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарлари “саноатнинг таянч шаҳарлари”га айлантирилади. Хусусан, Олмалиқ, Ангрен ва Оҳангаронда “йирик мис кластери” корхоналари ташкил этилади.

Эътиборингизга бир ракамни келтирмокчиман. Нуфузли халкаро компаниялар билан олиб борилган геологик изланишлар натижасида Олмалиқда мис ва бошқа хомашёнинг 45 миллион тоннадан ортиқ ёки 700 миллиард долларлик ялпи захиради аникланди. Бу аникланган захиралар бўйича биз дунёдаги энг етакчи давлатлар каторидан ўрин эгалладик.

Шу боис, Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан киймати қарийб 8 миллиард доллар бўлган лойиха доирасида 3- ва 4-мис бойитиш фабрикалари, карьер ва мис эритиш заводи курилиб, йилига 160 миллион тонна рудани қайта ишлаш ва 400 минг тонна мис, олтин, кумуш, молибден ишлаб чикариш йўлга кўйилади.

Шунингдек, Ангренда 160 гектар майдонда йирик саноат зонаси барпо этилади. Унда 200 минг тонна мис қайта ишланиб, мис фольгаси, аккумулятор, куёш ва шамол энергетикаси, электромобиллар учун бутловчи кисмлар ҳамда тоғ-кон саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чикариш йўлга кўйилади ва 3 мингта иш ўрни яратилади. Бу “мис мега кластери”да ишлаб чикариш ҳажми 13 миллиард долларни ташкил этиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши қарийб 10 фоизга стади.

Ушбу саноат шаҳарларида йилига 10 минг ёшлиарни бевосита кластер корхоналарига боғлаган ҳолда касбга ўқитиш ва иш билан таъминлаш тизими йўлга кўйилади.

Бунда олий таълим ва касб-хунарга ўқитиш ишлари Олмалик кон-металлургия комбинати ва кластер корхоналари буюртмаси асосида ташкил этилади. Ўқув масканларига малакали хорижий экспертлар, энг замонавий лаборатория, ИТ технологиялари хамда ўқув қўлланмалари олиб келиниб, ўқув дастурлари тўлик янгиланади.

Оҳангарон ва Пискент туманларида рангли металлар захиралирини аниклаш ва қўпайтириш бўйича 35 та геологик изланишлар амалга оширилиб, бу ишлар учун 2 триллион сўм маблағ ажратилади.

Шунингдек, Чирчик ва Олмалик шаҳарларини инновацион кимё саноати марказига айлантирамиз. Хусусан, “Химград” иктисодий зонаси ташкил этилиб, хорижий инвесторлар билан биргаликда 500 миллион долларлик 35 та лойиха амалга оширилади. Олмалик шаҳрида 1 миллиард доллар инвестиция эвазига “яшил технологиялар” асосида аммиак, карбамид ва аммофос ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади.

Улуғбек шаҳарчасида 8 минг талабага мўлжалланган 3 та олийгоҳ, яъни Россиянинг Менделеев кимё университети, Венгриянинг Дебрецен университети ва Тошкент кимё технологиялари институти, нуфузли илмий ташкилотлар ва лабораторияларни ўз ичига олган кимё саноати илмий кластери ташкил этилади.

Шунингдек, Чирчик шаҳрида йилига 7 минг дона трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги техникалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кластер ўз фаолиятини бошлайди.

Бундан ташкири, Бекобод шаҳри кора металлургия марказига айлантирилади ва “Ўзбекистон металлургия комбинати”нинг қувватлари камида 2 баробарга оширилади. Жумладан, қиймати 770 миллион долларлик куюв-прокат мажмуасини ишга тушириш орқали ишлаб чиқариш хажми 2,3 миллион тоннага етказилади.

Шунингдек, Паркент туманинда мавжуд 27 миллион тонна темир рудасини ўзлаштириш бошланади.

Бекобод шаҳрида саноат зонаси ташкил этилиб, қурилиш, саноат, уй-рӯзгор учун металл маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 100 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилади.

Олмалик комбинати ва Ўзметкомбинат томонидан кичик бизнес билан кооперация асосида электродвигателлар, фильтрлар, мой ва подшипник каби маҳсулотлар ва хизматлар учун кейинги йилда 250 миллиард сўмлик, 2026 йилга бориб эса 1 триллион сўмлик бозор яратилади.

Саноат корхоналари ва аҳоли томонидан электр энергияси га бўлган эҳтиёжни инобатга олиб, Чотқол ва Пском дарёларида жами куввати 621 мегаватт бўлган 3 та янги гидро электр станцияси қурилади. Бунга 1,2 миллиард доллар инвестиция йўналтирилади. Қибрайдаги 450 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция хисобидан жами куввати 710 мегаватт бўлган 3 та иссиқлик электр станцияси қурилади. Натижада вилоятда истеъмолчиларга 21 миллиард киловатт соат ёки ҳозиргидан 2 баробар кўп электр энергияси етказиб бериш имконияти яратилади.

Хурматли сайловчилар!

“Янги саноат сиёсати” доирасида вилоятнинг энг катта захираси, бу – шахар ва туманларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, маҳаллий саноат имкониятларини тўлиқ ишга солиш хисобланади.

Масалан, бугунги кунда тўқимачиликда ип-калаванинг 30 фоизи, озик-овқат саноатида эса 10 фоиздан кам маҳсулотлар қайта ишланади, холос.

Маҳаллий саноатдаги резервларни тўлиқ ишга солиш учун вилоятда саноат лойиҳаларини амалга ошириш бўйича янгича тизим жорий этилади. Бунда туман ва шаҳарлар аниқ бир саноат тармоқларига ихтисослашади.

Ҳар бир туманда лойихаларни ишлаб чиқувчи “Лойиха гурхини” ҳамда тадбиркорлар иштирокидаги “Холдинг компанияси” ташкил этилади. Ушбу лойихаларнинг 30 фоизгача кисми Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси томонидан молиялаштирилади. Шу максадда, ҳар бир туманга йилига 20 миллион доллар маблағ ажратилади.

Мисол учун, Оҳангарон, Юқори Чирчик ва Ўрта Чирчик туманлари қурилиш материаллари саноатининг таянч ҳудудига айлантирилиб, қиймати 1,3 миллиард долларлик 150 та лойиха амалга оширилади.

Биргина Оҳангарон туманида “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тамойилига асосланган кластер ташкил этилиб, кўшимча 4,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши натижасида темир-бетон ва қурилиш қоришмаларининг таннархи 25 фоизга арzonлашади.

Шунингдек, Ўрта Чирчик ва Пискентда мебелсозлик “драйвер” соҳа бўлиб, қиймати 180 миллион доллар бўлган 90 та лойиха амалга оширилиб, 7 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Хусусан, Ўрта Чирчиқда Туркияning “Остим” саноат зонаси билан бирга ламинат ДСП, фурнитура ва тайёр мебеллар ишлаб чиқариш бўйича замонавий кластер ташкил этилади. Бу лойихалар учун Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасидан 35 миллион доллар йўналтирилади.

Фармацевтика саноати Бўstonлик, Паркент ва Зангиотада келгуси беш йилда устувор тармокка айланиб, 750 миллион долларлик 30 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Жумладан, Зангиотада қиймати 300 миллион доллар бўлган фармацевтика кластери ташкил этилади. Унда 6 та йирик корхона, илмий-тадқиқот ва экспертиза марказлари, замонавий лаборатория ҳамда Халкаро фармацевтика олийгоҳи ташкил этилади.

Электротехника саноати мис кластери ишлаб чиқариш занжирининг давоми бўлиб, Ангрен, Оҳангарон ва Чирчик шаҳарларида қиймати 300 миллион доллар бўлган 40 та лойиха амалга оширилади. Уларда ишлаб чиқарилган 13 турдаги кабель, маишӣ техника маҳсулотлари ҳамда кучланишли ускуналар ва техник курилмаларга мўлжалланган эҳтиёт кисмлар Тошкентдаги “Технопарк”, “Электроаппарат”, Чирчиқдаги “Трансформатор заводи”га, шунингдек, автомобиль саноати корхоналари ва бошқа ишлаб чиқарувчиларга етказиб берилади.

Тўқимачилик саноатида ҳам умумий қиймати 420 миллион доллар бўлган 90 та лойиха амалга оширилиб, 31 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилади. Бунинг натижасида Бўка, Бекобод, Ўрта Чирчик, Куйи Чирчик, Чинозда ип-калавани чукур кайта ишлаш кўрсаткичи 100 фойзга етказилади.

Зангиота, Паркент, Тошкент туманларида эса 50 минг тонна сунъий тола ва аралаш мато ишлаб чиқариш учун тадбиркорларга тайёр бизнес-режалар ҳамда молиявий ресурслар ажратилади.

Оҳангарон ва бошқа туманларнинг чорва хомашё базасидан самарали фойдаланиб, чарм саноатида 190 миллион долларлик 62 та лойиха ишга туширилади. Хусусан, Оҳангарон туманида чарм-пойабзal индустрىал зонаси ташкил этилади ва вилоятдаги экспорт ҳажми 5 баробар оширилиб, 60 миллион долларга етказилади.

Вилоятда жами 35 та саноат зонаси ташкил этилиб, уларни инфратузилма билан таъминлашга келгуси йилнинг ўзида 250 миллиард сўм ажратамиз. Зарур бўлса, ушбу маблағ яна кўпайтирилади.

Махаллий саноат корхоналари учун муҳим бўлган 64 турдаги хомашё импорти учун божхона имтиёzlари яна беш йилга узайтирилади.

Вилоятда амалга ошириладиган янги лойихалар ҳисобидан келгуси беш йилда экспорт ҳажми 2,2 баробарга ўсиб, 2,6 мил-

лиард долларга етказилади. Бунда экспорт географияси хозирги 60 та давлатдан 100 та давлатга кенгайтирилади.

Хурматли дұстлар!

Айтиш жоизки, Тошкент вилояты шаҳарлар сони бүйіча мамлакатимизда биринчи үринде туради. Келажакда ушбу шаҳарлар мамлакатимиз пойтахти билан узвий боғланган ҳолда ривожланади.

Аввалимбөр, Нурафшон шаҳри яқин 10 йилда камида 200 минг аҳоли яшайдиган, замонавий ва аҳоли учун қулай, таълим, тиббиёт ва бизнес маркази бўлган шаҳарга айлантирилади.

Бунинг учун шаҳарда 30 минг аҳолига мўлжалланган замонавий “Янги Ўзбекистон” турар жой мавзеси барпо этилиб, унда 5 та мактаб, 12 та боғча, 2 та оиласи поликлиника ва жамоат парки қурилади. Шунингдек, 15 минг талабага мўлжалланган Нурафшон давлат университети ташкил этилади. Давлат-хусусий шериклик асосида 150 миллион долларлик замонавий кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этилади.

Нурафшон шаҳридан пойтахтга олиб борувчи йўллар кенгайтирилиб, алоҳида йўлакда тезюарә электробуслар катнови ташкил этилади. Бу оркали 2 та шаҳар үртасида иш ва ўқишига катнайдиган аҳоли учун қулай ва мунтазам транспорт катнови йўлга қўйилади.

Шунингдек, Олмалиқ, Чирчик, Ангрен, Бекобод, Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарлари ҳудуди кенгайтирилиб, ҳар бирида “Янги Ўзбекистон” уй-жой мавзелари, ижтимоий обьектлар ва “яшил майдонлар” барпо этилади.

Бугунги кунда Чирчик шаҳрининг “Ифтихор” маҳалласида барча зарур қулайликлар ва ижтимоий инфратузилмага эга янги турар жой мавзеси бунёд этилиб, 2,5 минг хонаданли 39 та кўп каватли уй қурилмоқда. Кейинги босқичда бу ерда яна

3,5 минг оиласа мұлжалланған, 56 та замонавий уйлар барпо этилади. Ушбу тажрибани вилоятнинг бошқа шаҳарларида ҳам давом эттирамиз.

Пойтахтдан бу шаҳарларга 120 километр тезлиқда юрадиган замонавий электропоезд ҳаракати йўлга кўйилади. Бунинг учун 10 та электропоезд харид килиниб, уларда пойтахт билан ягона билет тизими жорий этилади.

Ушбу шаҳарлардаги 800 дан зиёд кўп қаватли уйларнинг марказлашган иссиқлик таъминотини яхшилашга ярим триллион сўм маблағ ажратамиз. Шунингдек, реновация дастури доирасида 6 та шаҳардаги 45 та эскирган икки қаватли уйлар ўрнига, замонавий кўп қаватли уйлар қурилади.

Вилоят туманларида ҳам келгуси беш йилда 25 минг квартирали кўп қаватли уйлар барпо этилади. Келгуси беш йилда 220 та қишлоқ ва маҳаллада “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари амалга оширилади. Бу максадлар учун 2 триллион сўм йўналтирамиз.

Марказлашган ичимлик суви таъминоти 68 фоиздан 90 фоизга, канализация камрови эса 17 фоиздан 40 фоизга етказилади. Бунинг учун 6 триллион сўм йўналтирилиб, 3 минг 800 километр ичимлик суви ва канализация тармоқлари, 106 та сув иншоотлари барпо этилади.

Натижада Куйи Чирчик, Юкори Чирчик, Ўрта Чирчик, Бекобод, Бўка, Оққўргон, Зангигита, Тошкент ва Чиноз туманлари ҳамда Нурағишон шаҳридаги 1 миллионга яқин аҳоли тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади.

Шунингдек, 6 минг километр электр тармоқлари ва 1,5 мингдан ортиқ трансформаторлар янгиланади.

Энг муҳими, вилоят туманларини ўзаро ва пойтахт билан боғлайдиган Жамоат транспортини ривожлантириш дастури қабул қилинади. Дастур доирасида 20 та янги йўналишлар очилади. 120 дан зиёд янги бекат қурилади, 13 та автостанция барпо этилади.

Келгуси беш йилда Тошкент вилоятида 3,5 минг километр автомобиль йўллари ва 232 та катта-кичик кўприкларни куриш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, бу ишларга 4 триллион сўм йўналтирилди. Жумладан, пойтахтдан Улуғбек шахарчаси орқали Чирчикка олиб борадиган янги автомобиль йўли барпо этилади.

Шунингдек, вилоят “Инфратузилмани ривожлантириш жамғармаси”га қўшимча 100 миллион доллар ажратилади.

Кадрли юртдошлар!

Тошкент вилояти бетакрор ва хилма-хилликка бой табиати билан нафакат мамлакатимиз аҳолиси, балки хорижликларни ҳам ўзига маҳлиё этиб келади. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда қишки ва ёзги туризм учун чексиз имкониятга эга бўлган энг кулай ҳудуд – Тошкент вилояти хисобланади.

Биргина мисолга аҳамият беринг, пойтахтнинг ўзидан вилоятга хафтасига 200–250 минг нафар аҳоли чикади, бу ойига карийб 400 миллиард сўмлик тушум дегани.

Шу боис, вилоятда туризм салоҳиятини янги боскичга олиб чикиш бўйича алоҳида дастурни амалга оширамиз. Авваламбор, Амирсой ва Чимён туристик мажмуаларида, Чорвок сув омбори ва “Тошкент денгизи” атрофида, Оҳангарон, Ангрендаги тоғли ҳудудларда қўшимча туристик зоналар ва дам олиш масканлари барпо этилишига 1 миллиард доллар инвестициялар жалб этилиб, 80 минг иш ўринлари яратилади.

Паркент туманини туризм марказига айлантириш максадида “Янги Ўзбекистон” боғидан Паркентнинг сўлим гўшаларига элтувчи 30 километр узунликда янги магистрал йўл курилади. Тошкент шаҳридан Паркентга тезюрас автобуслар қатнови ташкил этилади. Шунингдек, туман инфратузилмасини ривожлантириш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилиб, мазкур ҳудудда туризм учун маҳсус солик режими жорий килинади.

Бунда тадбиркорлар уч йил давомида айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқларини ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тұлайди. Йүл бүйларида савдо, умумий овқатланиш ва хизмат күрсатиш объектлари барпо этилиб, камида 3 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Бунинг учун 200 миллиард сүм кредитлар ажратиласы.

Ангрен, Бўстонлик, Паркент, Оҳангаронда камида 100 гектардан қир-адир ерлари дам олиш масканлари, дала ҳовлилар ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун очик аукционга чикарилади.

Оҳангарондаги “Эртошсой” ва “Овжазсой” қишлоклариға “туризм қишлоғи” мақоми берилиб, инфратузилма билан тұлық таъминланади.

Шу ўринда вилоятнинг хизматлар соҳасида тұлық ишга солинмаган яна бир йўналиши ҳақида тұхталып ўтмокчиман.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрига кунига 130 минг тонна юклар катта ҳажмли машиналарда кириб чикади. Бу пойтахт күчаларидан тирбандлик, йўллар сифати ва ҳавонинг тозалигига ҳам салбий таъсир күрсатмоқда. Бу – вилоядта логистика хизматларини кенг йўлга кўйиш учун катта имконият демакдир. Шу боис, Ўрта Чирчик, Юкори Чирчик, Кўйи Чирчик ва Тошкент туманларида хусусий инвесторлар томонидан юкларни тақсимлайдиган 4 та йирик улгуржи савдо логистика марказлари қурилади.

Мисол учун, 200 миллион доллар тұғридан-тұғри инвестиция хисобидан Ўрта Чирчик туманидаги 150 гектар майдонда йирик саноат парки ва логистика маркази барпо этилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва етказиб бериш учун 60 минг тонна кувватга эга бўлган 2 та йирик агрологистика мажмуаси ташкил этилади. Натижада вилоядта ишлаб чиқариладиган саноат ва озик-овқат маҳсулотлари учун ҳам кафолатланган бозор таъминланади.

Шунингдек, вилоят ҳудудидан ўтувчи барча халқаро автомобиль йўллари атрофида хорижий лойиҳачиларни жалб этган ҳол-

да Йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш дастури амалга оширилади. Бу орқали келгуси беш йилда камида 3 мингта лойиха амалга оширилади.

Энг мухими, ушбу дастур доирасида ер майдонлари эмас, тайёр лойихалар очик аукционга чиқарилади.

Бошка йўналишларда ҳам шу каби ишлар амалга оширилиб, Тожикистон билан чегарадош Бекобод туманида савдо зонаси, Қозогистон билан чегарадош Чиноз туманида эркин саноат зонаси, Қибрай туманида курилиш материаллари ва кишлок хўжалиги маҳсулотлари савдоси зонаси ташкил этилади.

Умуман, вилоятда хизматларнинг бошка соҳаларида қиймати 7 триллион сўм бўлган лойихалар амалга оширилиб, 50 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилади.

Хурматли ватандошлар!

Тошкент вилоятида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ҳам зарур инфратузилма, молиявий ресурс ҳамда ахолида етарли тадбиркорлик салоҳияти мавжуд. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш учун ёшларни янги бизнес кўнікмалари га ўргатиш, маҳаллаларда ишларни тизимли ташкил этиш зарур.

Сайловолди дастури доирасида мен ҳар бир вилоятга борганимда янги “маҳаллабай” ишлаш тизимини тушунтириб кела-япман.

Тошкент вилояти бу борада, яъни, “маҳаллабай” ишлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни кисқартириш бўйича намуна бўлиши шарт.

Бунинг учун ҳар бир маҳаллада жорий этилаётган ҳоким ёрдамчилари лавозимига кўзи ёнадиган, ишбилармон, янгиликларни жорий этишдан кўркмайдиган, шашти баланд ёшларни танлаб оламиз ва ойлик маошини муносаб килиб берамиз. Уларда зарур маблаг, ваколат ва механизmlар бўлади.

Ҳоким ёрдамчилари, аввало, маҳаллада уюшмаган ёшлар, ишсизлар, булажак тадбиркорлар рўйхати ва эҳтиёжларини

аниклайди, уларни касб-хунарга ўқитишни ташкил қиласи ва пулини түлаб беради, ўз ишини бошлаётгандарга зарур ускуналар олишга күмаклашади. Банклар билан биргаликда ахолига оилавий тадбиркорлик лойихаларини ишлаб чикиш, кредит олиш ва ишга тушириш бўйича ёрдам беради.

Масалан, ушбу янги тизимни Чиноз туманининг 55 та маҳалласида кўлладиган бўлсак, 3 минг нафар ёшларни касб-хунарга ўргатиб, 12 минг нафар ёшлар бандлиги таъминланади. Бунинг учун 20 миллиард сўм йўналтирилади. Оилавий тадбиркорлик лойихалари учун ҳар йили 50 миллиард сўм имтиёзли кредит ва 20 миллиард сўм субсидия берилади.

Бундан ташқари, йилига 300 та оиласи танлов асосида оилавий тадбиркорлик лойихаларини бошлаш учун субсидиялар ажратилади. Кооперация асосида 2 мингта ахоли хонадонида интенсив усулда балик етиштириш йўлга кўйилади. Бу оркали ҳар мавсумда битта оила ўртacha 50 миллион сўмгача даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу тадбирлар ҳисобидан туманда келгуси беш йилда 20 минг ахолининг барқарор даромад манбаи яратилади.

Вилоятда кичик бизнес лойихаларини молиявий қўллаб-куватлаш ишлари кескин оширилади. Жумладан, оилавий тадбиркорлик дастурлари учун ҳар йили 1 триллион сўм имтиёзли кредит ресурслари ажратилади. Ҳалқаро молия ташкилотларидан 60 миллион доллар жалб қилинади. Тадбиркорларга кредит фоизини компенсация килиш учун яна кўшимча 100 миллиард сўм ажратилади. Ушбу маблағлар лойихалар амалга оширилишига караб, ҳар йили кўпайтириб борилади.

Ишлизик юкори бўлган Бўка, Пискент, Оққурғон, Бекобод туманларида янги тадбиркорлик субъектлари учун 2025 йил 1 январга кадар:

— ер, мол-мулк, айланмадан олинадиган солиқлар I фоиз;

– фойда солигининг амалдаги ставкасининг 50 фоизи микдорида белгиланади.

Бекобод ва Оққўргон туманларини ривожлантириш дастурлари қабул қилиниб, уларга бюджетдан йилига 100 миллиард сўм ажратилади.

Қадрли учрашув қатнашчилари!

Вилоятда илмий-инновацион ёндашув асосида кишлок хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор каратилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробарга оширилади.

Хабарингиз бор, жорий йилда ер муносабатларида янги давр бошланди. Очигини айтадиган бўлсак, шу кунга қадар ердан фойдаланишда тадбиркорлар, фермерлар ва дехконларнинг эртаниги кунга ишончи йўқ эди. Бундай ҳолатда дехкон ер унумдорлигини ошириш, қўшилган кийматни яратиш, янги технологияларни жорий этишдан манфаатдор эмас эди.

Шунинг учун, ер ажратиш ва олиб қўйиш бўйича ҳокимларнинг ваколатлари бекор килинди. Бундан буён барча ерлар фактат очик электрон танлов асосида ажратилади. Бу орқали Тошкент вилоятида илдиз отиб кетган коррупциявий ҳолатларга, “ер олди-сотдиси”га, ерни ўзбошимчалик билан эгаллашга барҳам берилмоқда.

Янги тартиб асосида вилоятда 14,5 минг гектар пахта ва галла ҳамда самарасиз боғ-токзорлар майдонлари қискартирилиб, аҳолига 50 сотихгача узоқ муддатга ижарага берилади ва 30 мингдан ортик иш ўринлари яратилади. Бу майдонларда маҳсулот ишлаб чиқариш кооперация асосида ташкил килинади. Бунинг учун 100 миллиард сўм ажратилади.

Энг муҳими, ишлаб чиқаришни тизимли ташкил килган ҳолда, ҳосилдорлик пахтада 60–65 центнерга, ғаллада 80–90 центнерга етказилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, вилоятда 30–40 йил давомида экиб келинаётган эски ғўза ва галла навла-

ри юкори ҳосилдор ҳамда эртапишар янги навларга алмаштирилади.

Шунингдек, 65 минг гектар пахта ва 50 минг гектар ғалла майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий қилинади ҳамда йилига 20 минг гектар майдонда лазерли текислаш йўлга кўйилади. Бу ишларга келгуси беш йилда жами 1 триллион сўмга яқин субсидия маблағлари ажратилади.

Ўрта Чирчик, Қуйи Чирчик, Оҳангарон, Оқкўргон, Бўка, Пискент туманларини кафолагли сув билан таъминлаш мақсадида Оҳангарон сув омбори сигими 100 миллион метр кубга оширилади. Шунингдек, 80 миллион доллар жалб қилиниб, 38 та насос станцияси модернизация қилинади.

Бундан ташқари, пахтачиликда механизация даражасини оширишга ҳам алоҳида эътибор каратилади.

Эсимда, пахта йигим-теримини ташкил килишда “Тошкент технологияси” деган тажриба бўлар эди. Ўша пайтларда пахтанинг асосий кисми машиналарда териб олинган.

Келгуси беш йилда бу тизим қайта тикланиб, камида 70–80 фоиз пахта ҳосили машиналар ёрдамида териб олинади. Бунда машина терими харажатларининг 30 фоизи бюджетдан коплаб берилади.

Интенсив технологияларни кўллаш ва ҳосилдорликни ошириш ҳисобидан, мева-сабзавот ишлаб чиқариш ҳажми камида 2 баробар кўпайтирилади. Хусусан, Зангиота, Қиброй ва Тошкент туманларида 2 минг 700 гектар ғалла ва Юкори Чирчикда 4 минг гектар пахта майдонлари босқичма-боскич кискартирилиб, мева-сабзавотчилик ҳудудларига айлантирилади. Бу туманларда 50 та кластер корхоналари ташкил қилиниб, кооперация усулида экспортбоп маҳсулотлар етиштириш йўлга кўйилади.

Сабзавотчиликда энг асосий масала – уруғ тайёрлаш тизимини тўғри йўлга кўйиб олишимиз шарт. Бунинг учун юкори-

даги туманларда 200–300 гектардан ер майдонлари ажратилиб, алохида уругчилик кластерлари фаолияти йўлга кўйилади.

Тошкент вилоятининг илмий салоҳиятидан тўғри фойдаланган ҳолда, ҳудуддаги илмий муассасалар билан ҳамкорликда ҳар бир кластер қошида илмий марказ ташкил этилади. Бундай кластерларга ишлаб чиқарилган уруғликни экспорт килишга ҳам руҳсат берилади.

Паркент, Қибрай, Пискент, Юкори Чирчик, Янгийўл, Оҳангарон, Бўстонлиқ туманларида 50 минг гектар боғ ва токзорларнинг иқтисодий самарасиз бўлган 60 фоизи тўлик янгиланади. Шунингдек, янги ўзлаштирилладиган ва лалми ерлар хисобидан ушбу туманларда 20 минг гектар майдонда интенсив боғ ва токзорлар барпо этилади.

Боғдорчилик илмий-тадқикот институти ва Аграр университетнинг “ин-витро” лабораторияларидан самарали фойдаланган ҳолда Тошкент, Паркент ва Қибрай туманларида йилига 5 миллион дона мева ва ток кўчатларини этиштириш йўлга кўйилади. Бунинг учун 10 миллион доллар ажратилади.

Мисол учун, хориждан келтирилган 20 та намуна асосида узумнинг экспортбоп бўлган данаксиз навлари яратилади.

Умуман, вилоят шароитида ҳар бир гектардан олинадиган ўргача даромадни 5 минг долларга етказиш чоралари кўрилиши шарт.

Етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт хажмини ошириш максадида 200 миллион долларга яқин маблағ жалб килиниб, 1 миллион тонна кувватга эга бўлган 12 та агрологистика маркази ташкил килинади.

Воҳада ўрмончилик соҳасида ҳам катта имкониятлар мавжуд. Бугунги кунда 500 минг гектар ўрмон ерларининг факат 20 фоизи ўрмон билан копланган. Келгуси беш йилда камида 50 минг гектар майдонда ўрмонлар барпо этиш ишлари амалга оширилади.

Бунинг учун “Бурчмулла” ва “Оҳангарон” ўрмон хўжаликларида йилига қўшимча 5 миллион дона кўчат етишириш йўлга кўйилади. Шунингдек, Бўстонлик ва Оҳангарон туманларида 6 минг гектар майдонда ёнғок, бодом ва писта плантациялари барпо қилинади.

Бўстонлик туманида 4 минг гектар ўрмон хўжалиги ерлари тоғ ва тоғ олди худудларида яшовчи аҳолига қўшимча даромад олиш учун кўп йиллик ижарага берилади.

Чорвок сув омбори атрофидаги худудларда 55 миллиард сўм хисобидан камида 1 минг гектар майдонда иклим шароитига мос дарахт турларидан химоя ўрмонлари барпо этилади.

Шунингдек, 80 миллиард сўм ажратилиб, Тошкент – Бўстонлик автомобиль йўли четларини кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади.

Оҳангарон, Куйи Чирчик, Бўка ва Бекобод туманларида чорвачилик соҳасида бошлаган ишларимизни давом эттириб, 70 минг бош қорамолга мўлжалланган 45 та йирик чорвачилик комплекслари курилади. Оҳангаронда кооперация асосида 15 минг гектар яйлов ерлар аҳолига қўй ва эчки бокиш учун ажратиб берилади. Ушбу туманда кўйчилик ва эчкичилик йўналишида генетика маркази ташкил қилиниб, янги зот яратиш ва наслни яхшилаш чоралари кўрилади.

Зангиота, Юқори Чирчик, Ўрта Чирчик, Янгийўл ва Паркентда паррандачилик кластерлари ташкил қилиниб, йилига қўшимча 40 минг тонна парранда гўшти ишлаб чиқарилади. Шунингдек, аҳоли хонадонларида парранда бокишни ташкил этиш оркали 20 мингта оила қўшимча даромад олиш имконига эга бўлади.

Жумладан, Куйи Чирчикда куркачиликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар борлигини инобатга олиб, 2 мингта оиласда 50 бошдан жами 100 минг бош курка бокиш ташкил этилади.

Балиқчилик бўйича хонадонларда интенсив балиқ етиштиришни кўпайтириш чоралари кўрилади, шунингдек, 10 та балиқчилик кластери фаолияти йўлга кўйилиб, вилоятда балиқ етиштириш ҳажми 60 минг тоннага етказилади.

Азиз дўстлар!

“Инсон қалри учун” тамойилининг мухим бўғини – барча учун сифатли таълим олишга имконият ва шарт-шароитлар яратишdir. Лекин, вилоятдаги мактаб таълими бу талабларга тўлик жавоб беряпти, деб айта олмаймиз.

Мисол учун, жорий йилги битирувчиларнинг бор-йўғи 16 фоизи олийгоҳларга кабул килингани ҳам бунинг исботидир.

Олий маълумот ва тоифага эга бўлмаган ўқитувчилар улущи 54 фоизни ташкил этади. Бу – республикада энг паст кўрсаткичлардан бири. Чирчик, Нурафшон, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Бекобод, Тошкент ва Янгийўл туманларидағи 70 фоиз мактаблар икки сменада, айрим мактаблар ҳатто уч сменада ишламоқда.

Шу боис, Тошкент вилоятини мактаб таълими ислоҳотларининг намунасига айлантириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Авваламбор, “Янги Ўзбекистон устозлари” дастури амалга оширилиб, таълим сифати паст бўлган 60 та мактабга бошка худудлардан камида 150 нафар малакали ўқитувчилар жалб килинади. Уларга маҳсус устама тўланади, 15 миллион сўм бир марталик тўлов берилади, яшаш жойининг ижара пули қопланади.

Кейинги уч йилда 25 минг нафар ёки 70 фоиз ўқитувчиларнинг малакаси оширилиб, халкаро ва миллий сертификат олиши таъминланади. Ушбу ишларга хусусий таълим ташкилотлари ҳам фаол жалб килинади.

Тошкент вилояти учун малакали педагог кадрларни тайёрлаш квоталари 2 баробарга оширилади. Келгуси беш йилда

бюджет хисобидан 20 та янги мактаб курилади, 260 таси реконструкция қилинади ва капитал таъмирланади.

Вилоятда мактабларни куриш ва фойдаланишнинг янги тизими йўлга кўйилади. Жумладан, Кибрай, Ўрта Чирчик, Зангиота ва Тошкент туманларида хусусий капитални жалб қилган ҳолда, 12 та замонавий типдаги мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилади. Ушбу мактаблар учун тўловлар лизинг асосида бюджет хисобидан 25 йил давомида амалга оширилади.

Ўз навбатида, таълимнинг бешиги бўлган мактабгача таълим тизимидағи ислохотлар давом эттирилиб, камров даражаси 80 фоизга етказилади. Бунинг учун 96 та давлат боғчалари курилади ва реконструкция қилинади, 800 та хусусий ва оилаский боғчалар ташкил этилади.

Кибрайда имконияти чекланган болалар учун реабилитация маркази ташкил этилиб, ҳар йили 2 минг нафар болалар бепул согломлаштирилади.

Мактабгача таълим йўналишида қабул квоталари 2 баробарга оширилиб, олий маълумотли педагог кадрлар улуши 50 фоизга етказилади.

Педагог кадрларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш мақсадида келгуси йилдан Ўрта Чирчик, Бўка, Охангарон, Юкори Чирчик туманларида “Мактабгача таълим кластери” фаолияти йўлга кўйилади.

Хурматли сайловчилар!

Мен учун энг бебаҳо нарса – бу ҳалқимизнинг соғлиғидир. Бу борада Тошкент вилоятида ўз ечимини кутаётган кўплаб масалалар тўпланиб колган.

Энг кўп учраётган сурункали касалликларни барвакт аниқлаш, даволаш ва профилактика қилиш, сифатли ва малакали тиббий хизматларни йўлга кўйиш учун вилоятнинг барча оилаский шифокорлик пунктлари ва оилаский поликлиникалар тўлиқ янги киёфага келтирилади ва жиҳозланади, зарур реак-

тив ва дори воситалари билан таъминланади. Қўшимча 30 та оиласвий поликлиника ва шифокорлик пунктлари очилади. Чирчик, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод каби йирик саноат корхоналари жойлашган ҳудудлардаги барча аҳоли онкологик скринингдан мажбурий ўтказилади.

Пском, Чимён, Юсуфхона, Такаёнғок, Бурчмулла, Яккатут каби тогли ҳудудларда маҳсус тез тиббий ёрдам бригадалари, Чорбог-Чимён туристик зонасида шошилинч ёрдам бўлими ва санитар авиация хизмати фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, ҳар йили 500 минг аёл учун манзилли скрининг текширувлари ташкил этилади. Йилига 800 минг нафар болалар ва 70 минг нафар ҳомиладор аёллар турли витаминалар билан бепул таъминланади.

Вилоят учун энг оғрикли масалалардан бири – бу тиббий муассасаларининг 40 фоизи Тошкент шаҳрида, колганлари туман ва шахарларда таркоқ жойлашгани ҳисобланади.

Ўйлаб кўринг, Бекобод шаҳридаги ҳомиладор аёл Чирчик шаҳридаги перинатал марказга 165 километр йўл босиб келиши қанчалик тўғри? Ёки бемор эндокрин касаллликлари бўйича Юкори Чирчикка, юрак безовта килганда эса Ўрта Чирчикдаги диспансерга мурожаат қилиши керак. Шу билан бирга, бугунги кунда 2,5 минг шифокор ўринлари вакантлиги ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун, энг аввало, вилоятдаги 14 та ихтисослашган шифохона Нурафшон шаҳрига кўчирилиб, ягона тиббиёт комплекси ва нуфузли хорижий университет билан бирга тиббиёт олийгоҳи ташкил этилади. Вилоят марказига кўчирилган шифохоналар ўрнида уларнинг филиаллари ташкил этилади.

Шунингдек, вилоят ҳокимлигига маҳсус жамғарма ташкил этилиб, ҳар йили тиббиёт олийгоҳларининг юкори курс

талабаларидан 100 нафарига контракт пуллари тўлаб берилди. Ушбу талабалар билан шартнома тузилиб, вилоятнинг энг оғир Бўстонлик, Бўка, Охангарон ва Янгийўл туманларига ишлаш учун юборилади ва уларга қўшимча устама тўланади. Вилоятнинг 500 дан зиёд ёш шифокорлари энг илғор хорижий клиникаларда малака оширишга давлат хисобидан жўнатилади.

Аҳолига юкори технологик тиббий хизматлар кўрсатишни туманларнинг ўзида йўлга кўямиз. Бунинг учун барча туман ва шаҳар шифохоналарида янги 30 турдаги хирургия, 15 турдаги эндокринология ва 12 турдаги кардиология даволаш амалиётлари йўлга кўйилади.

Шунингдек, Ангрен, Бекобод, Бўстонлик ва Чиноз туманларида жароҳатлар ва ўткир кон томир касалликлари марказлари, Янгийўл, Олмалик, Бекобод шаҳарлари, Тошкент ва Оқкўргон туманларида “перинатал марказлар” барпо этилади. Ушбу максадлар учун келгуси беш йилда бюджетдан 1,5 триллион сўм маблағ ажратилади.

Азиз дўстлар!

Биз ўтган беш йил давомида яхши ниятда сизлар билан, бутун халқимиз билан ўз йўлимизни танлаб олдик. Албатта, ўтган давр мобайннида кўплаб синовларни бошимиздан ўтказдик. Лекин, кандай кийин бўлмасин, ислохотлар йўлидан ортга кайтмадик.

Биз бугун кандай ўзгаришлар, кандай янги лойиҳаларни режалаштираётган бўлсан, уларнинг барчаси ягона ва улуғ максадга – халқимизнинг шаъни, ғурури ва кадр-кимматини янада юксалтиришга, одамларни рози килиш, ҳар бир инсоннинг эркин ва фаровон, баҳтли ва саодатли ҳаёт кечиришини таъминлашга каратилган.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, бундай юксак мэрраларга ўз ўзидан, қурук ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмай-

ди. Бунинг учун тинимсиз харакат килишимиз, кўзланган мақсад йўлида ахил ва ҳамжиҳат бўлиб, фидокорона ишлашимиз керак.

Мен бугун тилга олинган устувор режаларимизни амалга оширишда, аввало, халқимизга, унинг фидойи, жонкуяр ва фаол вакилларига, катта меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган Тошкент вилояти ахлига таянаман.

Замон билан ҳамоҳанг бўлиб, жонажон Ватанимизга юксак садоқат билан яшаётган вилоят ахли ҳамиша омон бўлсин!

Барчангизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Яна бир бор катта раҳмат сизларга!

*Юқори Чирчик тумани,
2021 йил 16 октябрь*

**ТОШКЕНТНИ ИЛМ-ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР, МАДАНИЯТ
ЮКСАК ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНГАН
ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРГА
АЙЛАНТИРАМИЗ**

*(Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари
билин учрашувдаги нутқ)*

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Хурматли сайловчилар!

Авваламбор, мана шу гүзал ва бетакор заминда мен учун кадрдан бўлган Тошкент шаҳри вакиллари билан яхши кайфијатда дийдор кўришиб турганимдан хурсандман. Сўзимнинг аввалида барчангизга, сизлар орқали кўпмиллатли Тошкент ахлига ўзимнинг самимий хурмат-эхтиромим ва эзгу тилакларимни билдиришга руҳсат бергайсиз.

Албатта, кадим ва навқирон пойтахтимиз Тошкенти азимнинг ноёб хусусият ва аломатлари ҳакида жуда кўп гапириш мумкин.

Тошкент – саховат, меҳр-окибат, ризқу барака манбаи бўлган табаррук замин эканига ҳар биримиз ўз тақдиримиз, аждодларимиз ҳаёти мисолида ишонч ҳосил қилғанмиз.

Нафақат юртимиз, балки дунёning турли ҳудудларидан келиб, Тошкентнинг нон-тузидан баҳраманд бўлиб, не-не улуғ сиймолар камолга етганлар.

Шу маънода, “**Тошкент – нон шаҳри**”, деган гап шунчаки чиройли таъриф эмас. “**Тошкентнинг таригини еган чумчук Маккатиллодан ҳам қайтиб келади**”, деган сўзлар замирида жуда катта ҳаётий ҳақиқат бор.

Азалдан Тошкент шаҳри – миллий давлатчилигимизнинг юксак тараккий этган марказларидан бири бўлган, десак, айни ҳақиқат бўлади. Қарийб уч минг йиллик Шоштепа, 2200 йиллик тарихга эга Мингўрик ёдгорликларидан топилган ноёб экспонатлар ҳам шундан далолат беради.

Абу Райхон Беруний, Махмуд Кошғарий сингари улуғ мутафаккирлар асарларида Шош, яъни Тошкент эли мард, жасур, ўз

юрти химоясига ҳамиша тайёр, кўли очиқ ва сахий инсонлар сифатида таърифланган.

Тошкент ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ҳамиша илмфан, маърифат, зиё ва заковат маскани сифатида бутун Шарқ оламида машхур бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бу заминда таваллуд топган Шоший, Тошкандий тахаллуслари билан фаолият кўрсатиб, бебаҳо асарлар яратган юзлаб улуғ зотлар дунёвий ва диний илмлар бўйича ўз замонасининг тенгсиз олимлари ҳисобланган.

Мана шундай буюк аждодларимиз хотирасига юксак хурмат ифодаси сифатида пойтахтимизда табаррук қадамжолар, масжид ва мадрасаларни обод қилиб, Сузук ота мақбараси каби муҳташам мажмуалар бунёд этаётганимиз, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини кураётганимиздан барчангиз яхши хабардорсиз.

Ўтган асрнинг бошида Тошкент бутун Туркистон ҳудудида маърифатпарварлик харакатининг бош марказига айланган эди. Миллий матбуотимизнинг ilk намуналари, ҳозирги Миллий театримизнинг тамал тошини қўйган Турон труппаси, ёшларни дунёнинг энг илғор олий таълим муассасаларига юборган хайрия жамиятлари ўтган асрнинг бошларида дастлаб Тошкент бағрида туғилгани хам, албатта, бежиз эмас.

Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Убайдулла Хўжаев, Шокиржон Раҳимий, Тавалло, Ғулом Зафарий сингари жадидчилик харакатининг тошкентлик етакчилари юртимизда миллий уйғонишнинг янги даврини яратишига киришган эдилар.

Мустабид тузум бу фидойи зотларни жисмонан йўқ килган бўлса-да, уларнинг хуррият ва маърифат ҳакидаги орзу-умидлари халқимиз қалбида ҳамиша барҳаёт яшамоқда.

Хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистон Олий суди ҳайъати томонидан ўз вактида миллий озодлик учун курашган 115 нафар ватандошимизнинг пок номлари окланди.

Жадид боболаримиз орзу қилган, улар интилган эзгу ғоялар янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги юксак максадларимиз билан тўла ҳамоҳанг экани барчамизга маънавий рух ва шиҷоат бағишлайди.

Миллий истиклол йўлида ҳалок бўлган жасур ота-боболаримизнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг меросини чукур ўрганиш максадида бошлаган кенг кўламли ишларимизни албатта изчил давом эттирамиз.

Маълумки, Тошкент азалдан тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик шаҳри бўлиб келади. Бу ерда бўлиб ўтган ва ўтаётган нуфузли ҳалкаро саммитлар, турли учрашув ва анжуманлар дунё ҳалклари ўртасида тинчлик ва баркарорликни, инсонпарварлик ва эзгулик ғояларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Айнан шу сабабли жаҳон сиёsat майдонида “**Тошкент руҳи**” деган машҳур ибора пайдо бўлгани, албатта, бежиз эмас.

Минтақамизнинг илм-маърифат маркази бўлмиш Тошкентда ўз даврида Мухтор Авезов, Мирзо Турсунзода, Хидир Деряев, Сотим Улуғзода, Ибройим Юсупов каби кардош ҳалкларнинг кўплаб етук адаб ва шоирлари, олим ва арбоблари ҳам гаҳсил олганлар.

Бугун минтақа ҳалклари ўртасидаги азалий дўстлик алоқалари янги боскичга қўтирилаётганини инобатга олиб, якинда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё ҳалкаро институтини ташкил этганимиздан албатта хабардорсиз.

Биз бундан бўён ҳам кардош қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, жумладан, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Тошкент ахлининг мардлиги ва матонати Иккинчи жаҳон уруши йилларида яна бир бор ёрқин намоён бўлганини бутун дунё яхши билади. Уларнинг юздан зиёд мард вакиллари Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди.

Ҳалқимизнинг уруш давридаги жасорати ва бағрикенглиги рамзлари – Собир Раҳимов ҳайкали, Шоахмад ота Шомаҳмудов

оиласига бағишланған ёдгорликни аввалги жойига үрнатгани-
миз халқимизнинг дилидаги иш бўлди. Шунингдек, янги бунёд
этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ёшларимиз учун
ҳакиқий ибрат дарсхонасига айланди.

Бугунги кунда Тошкент – азим пойтахтимиз, бундан ўттиз
йил аввал дунёга миллий мустакиллигимиз эълон килинган сиё-
сий марказ сифатида ҳам кўп минг йиллик тарихимиздан шонли
ўрин эгаллайди.

Тошкент – қанчадан-қанча олиму фузалолар, давлат ва жа-
моат арбоблари, шоиру адиллар, буюк санъат намояндадарини
етиштирган азим шаҳардир.

Республикамида замонавий фан ва техника тараккиётига
улкан ҳисса кўшган, ҳар бири ўз соҳасида илмий мактаб ярат-
ган машҳур илм-фан арбоблари, атокли академикларимиз ху-
сусида, уларнинг ишини муносиб давом эттираётган садоқатли
шогирдларининг ибратли фаолияти ҳақида жуда узоқ гапириш
мумкин.

Бугун ушбу залда бутун умрини илм-фан соҳасидек ма-
шаққатли ва шарафли ишга бағишлигар, минглаб юкори мала-
кали кадрларга устозлик қилган ана шундай инсонларнинг му-
носиб вакилларини кўриб турганимдан беҳад мамнунман. Эл-
юртимиз сиз, азизларнинг Ватанимиз равнаки йўлида қилаётган
ѓоят муҳим ва олижаноб меҳнатингизни яхши билади ва доимо
юксак қадрлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўз номидан, халқимиз
номидан самимий миннатдорлик билдириб, илмий фаолиятингизга
янги-янги ютуқлар тилашга ижозат бергайсиз.

Замонавий ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўринга эга бўл-
ган Ойбек, Ғафур Ғулом, Миркарим Осим, Зулфия, Саид Аҳмад,
Озод Шарафиддинов, Үлмас Умарбеков, Үткир Ҳошимов, Тоҳир
Малик каби кўплаб шоир ва адилларимиз халқимизнинг фахри
ва ифтихори ҳисобланади.

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Юнус Ражабий, Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Фани Аъзамов, Наби Фаниев, Зикир Мухаммаджонов, Икром Акбаров, Ботир Зокиров, Турғун Алиматов, Ориф Алимаҳсумов сингари маданиятимиз намояндалари ўзбек санъатининг довругини дунёга танилдилар.

Бу азиз инсонларнинг барчаси ҳалқимизнинг, Тошкент элининг калбида барҳаёт яшамоқда. Шулар каторида оғир мустабид тузум шароитида дину диёнатимиз, бой маърифий меросимизни асраш борасида катта хизматлар килган Эшон Бобоҳон, Абдувоҳид кори, Зиёвуддин ва Шамсиддин Бобоҳоновлар, Айвар кори Турсунов сингари етук дин пешволаримизнинг номларини миннатдорлик билан эслашимиз табиийдир.

Шу ўринда ўзининг фидокорона меҳнати билан Тошкент шаҳрининг бугунги тараққиётига, аҳолининг дарду ташвишлирини, ижтимоий муаммоларини ечишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган мухтарам фахрийларимизга алоҳида раҳмат айтиб, уларнинг серкирра фаолиятига муваффакиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Алимуҳамедов, Тоир Дадаҳонов, Холиджон Комилов, Иброҳим Ғафуров, Турғун Азларов, Шавкат Аюпов сингари мухтарам юртдошларимизнинг номларини хурмат билан тилга оламиз.

Пойтахтда туғилиб, камол топган элимизнинг юзлаб севимили санъаткорлари билан барчамиз албатта фахрланамиз.

Ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки, бой билим ва тажрибаси билан нафакат пойтахтимиз, балки бутун мамлакатимиз равнакига улкан ҳисса қўшиб келаётган тошкентлик ишлаб чиқариш соҳасининг таникли ходимлари, тадбиркор ва ишбилармонлар, инженер-техник мутахассислар, бунёдкор курувчилар, жонкуяр шифокорлар, академик ва профессорлар, моҳир ва фидойи педагоглар, адабиёт, санъат ва спорт оламининг кўзга кўринган намояндалари, жасур ҳарбийларимизнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Афсуски, вактимиз тифизлиги бунга имкон бермайди, лекин, менга колса, уларнинг барчасини бирма-бир, номма-ном санаб чиқкан бўлар эдим.

Тошкентни азим Тошкент килиб келаётган бундай ажойиб инсонларга, айниқса, ўзининг азму шижаоти, изланувчанлиги, навкирон салоҳияти билан барчага ўрнак бўлаётган пойтахтимиз ёшларига бугунги фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор ўзимнинг самимий хурмат-эҳтиромимни билдираман.

Мухтарам ватандошлар!

Қадимда Тошкентнинг 12 та машхур дарвозаси бўлганини барчамиз яхши биламиз. Бу дарвозалар факат душманга ёпик бўлган, холос. Карvon тўла юқ билан, қўлида китоб ва соз билан, қалбида пок нияти билан бу шаҳарга қадам кўйган меҳнаткаш, оқил ва олижаноб инсонлар учун бу дарвозалар худди Тошкент халкининг қалбидай ҳамиша очик бўлган.

Биз бугун халқимизнинг эзгу анъаналарини давом эттириб, пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдамиз.

Мен Тошкент шаҳрида барпо этилаётган янги-янги иншоот ва масканларни, таъбир жоиз бўлса, Янги Ўзбекистоннинг янги дарвозалари, деб атаган бўлардим.

Мана, пойтахтимизнинг кунчикар томонида барпо этилган янги Ўзбекистон боғи ва муҳташам Мустақиллик монументи, унинг ёнида қад кўтараётган халқаро аэропорт, шаҳар марказидаги осмонўпар Тошкент-Сити – буларни бунёдкорлик дарвозалари, деб атасак, айни ҳақиқат бўлади.

Талабалар шаҳарчаси, янги-янги боғчалар, мактаблар, институт ва университетлар – булар худди келажакка очилган дарвозалар каби пойтахтимизга салобат ва файз бағишлаб турибди.

Айни пайтда шаҳардаги ўнлаб замонавий корхоналар, ИТ парклар – бамисоли тараккиёт дарвозалари бўлиб, миллий икти-содиётимиз ривожига хизмат қилмоқда.

Адиблар хиёбони, Ғалаба боғи, Наврӯз боғи сингари муаззам масканлар – эзгулик ва қадрият дарвозаларидир.

Бунёд этилаётган мухташам турар жойлар – янги ҳаёт дарвозалари орқали минг-минглаб одамлар қалбига кувонч кириб келаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Ана шундай улуғвор ишларимизнинг давоми сифатида Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Алишер Навоий номидаги ҳалкаро илмий-тадқикот маркази, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбек миллий академик драма театри ва Ўзбекистон давлат санъат музейини ўз ичига олган янги, улкан мажмуа – Маънавият шаҳарчасини бунёд этаётганимиздан сизлар албатта хабардорсиз.

Мана шундай янги курилишлар, обод масканлар, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт марказлари Тошкент шахри учун, ҳалқимиз, жондан азиз фарзандларимиз учун тараккиёт сари катта йўл очиб бермоқда.

Биз – дунёга, дунё – бизга очик бўлиши керак. Бугунги ҳаёт, бугунги тараккиётнинг талаби аслида шу. Ва биз мана шу ҳал килувчи тамойилни ҳаётимиз коидасига айлантирамиз.

Хурматли йиғилиш катнашчилари!

Ҳаммангизга яхши маълум, бугунги кунда мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ватанимизга етук малакали мутахассислар тайёрлаб беришга хизмат киладиган олий таълим тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Биз охирги беш йилда олий таълимга камров даражасини 9 фоиздан 28 фоизга етказдик. Менинг сайловолди дастуримда бу кўрсаткични якин келгусида 50 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бу ўринда, мавжуд олий таълим муассасаларининг асосий кисми Тошкент шахрида жойлашганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Албатта, биз ёшларимизга олий таълим беришни кенгайтириш максадида яна янги олий ўкув масканларини ташкил килалими. Лекин уларни битирган фарзандларимиз эртага қаердан иш топади, деган ҳаётий савол ҳаммамизни ўйлантириши керак.

Бугунги шиддатли замонда, глобал миқёсда ракобат кучайиб бораётган мураккаб вазиятда юксак интеллектуал салохиятга эга кадрларга ҳамма жойда эҳтиёж бор. Агар биз ёшларимизга муносиб даромадли, қулай шароитли иш топиб бера олмасак, улар четдан бўладиган таклифлар ҳакида ўйлайди. Албатта, ҳозир ҳамма эркин, хоҳлаган мамлакатида ишлаши мумкин.

Лекин мен шу юртнинг нон-тузини еб, шу ерда камол топган ҳар бир мутахассис аввало шу юрт манфаати учун хизмат килишини хоҳлардим. Чунки биз чет давлатлар учун мутахассислар тайёрлаб беришни максад қилмаганимиз.

Биз янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни хорижда эмас, жонажон Ватанимизда бунёд этмокчими. Бунинг учун ҳар томонлама кучли мутахассисларимизга, иктидорли ўғил-кизларимизга уларнинг эҳтиёж ва қизиқишлирига мос иш топиб беришимиз, ўз навбатида, улар ўзларининг бор билим ва салохиятини мамлакатимиз равнаки учун сарфлаши зарур. Шундагина, биз ташкил қилаётган янги-янги институтлар, университет ва академиялар ўзини оклади.

Хурматли сайловчилар!

Сизлар билан бу галги учрашувимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари муносабати билан бўлиб ўтаётганини ҳаммангиз яхши биласиз.

Сайлов – бу танлаш дегани. Бу ҳалкимизнинг танлов имкониятидир.

Мен бу мухим сиёсий жараёнда қўпмиллатли ҳалкимиз билан бирга, барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Тошкент ахли ҳам муносиб иштирок этиб, бошқаларга ўрнак ва намуна бўлади, деб ишонаман.

Ҳеч кимга сир эмас, биз бу буюк шаҳар тимсолида Ўзбекистонимизнинг бугунги озод ва обод киёфасини, нурафшон келажагини кўрамиз. Шу боис, менинг сайловолди дастуримда инсоннинг қадр-кимматини улуғлаш, ҳалқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг барча худудлари каторида Тошкент шахрини ҳам ҳар томонлама тараккий эттириш, уни янада гўзал ва обод шахарга – дунёнинг йирик мегаполисларидан бирига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор каратилган.

Бугун сизлар билан бу борада олдимиизда турган энг муҳим вазифалар ҳакида фикрлашиб, маслаҳатлашиб олсак, максадга мувофик бўлади, деб ўйлайман.

Хурматли ҳамишаҳарлар!

Республикамизнинг барча худудларида бўлгани каби ўтган беш йил ичидаги пойтахтимизда ҳам салмокли ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳри иқтисодиётини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилган чоралар натижасида сўнгги беш йилда ялпи худудий маҳсулот аҳоли жон бошига 2016 йилдаги 15 миллион сўмдан 40 миллион сўмга етди.

Мен бугун эришилган ютуклар ҳакида гапириб ўтмоқчи эмасман. Чунки бу натижалар барчамизнинг кўз ўнгимизда, кундалик ҳаётимизда намоён бўлмоқда.

Албатта, ҳали олдимиизда қилинадиган ишлар кўп. Ўзечими ни кутаётган катор муаммолар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Тахлилларга кўра, 2026 йилга бориб пойтахт аҳолиси 3,2 миллион нафардан ортиши кутилмоқда. Яна ярим миллиондан зиёд одам кунига шаҳарга келиб кетади. Бу, ўз навбатида, шаҳар инфратузилмаси, таълим, тиббиёт, жамоат транспорти, уй-жой коммунал ва бошқа барча соҳаларга юкламанинг анча ошишига олиб келади.

Шуларни инобатга олиб, келгуси беш йилда Тошкент шаҳрини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Жумладан, келгуси беш йилда:

- “Тошкент яшаш учун кулай яшил шаҳар”;
- “Бизнес учун улкан имкониятлар шаҳри”;
- “Минтакавий инвестициялар маркази”;
- “Рақамли пойтахт”;
- “Билим ва инновациялар шаҳри”;
- “Пойтахт – маданият ва маърифат булоғи”;
- “Соғлом турмуш ва сифатли тиббиёт” дастурларини амалга ошириш бўйича режаларимизни бугун Сиз – азиз сайловчилар билан маслаҳатлашиб олмокчиман. Энг аввало, келгуси беш йилда “Тошкент яшаш учун кулай яшил шаҳар”га айланиши бўйича барча шароитлар яратилади.

Хабарингиз бор, шаҳар худуди жорий йилда 8 минг гектарга кенгайтирилди. Пойтахтнинг архитектураси ва қиёфасини саклаб колиш мақсадида ушбу худудда “Янги Тошкент” концепцияси амалга оширилади ва босқичма-босқич шаҳар шаркий йўналишга қараб кенгайтирилади. Жумладан, Бектемир туманида 20 минг хонадонли замонавий мавзе барпо этилиб, боғча, мактаб, тиббиёт муассасаси ва дам олиш марказлари қурилади.

Янгиҳаёт туманида инфратузилмага якин худудда, йирик мавзе шаклида 200 та кўп каватли уйлар қурилиб, 10 мингдан ортиқ оиланинг турмуш шароити яхшиланади.

Тошкент шаҳрига қўшилган худудларни яшаш учун ҳар томонлама кулай қилиш мақсадида алоҳида дастур қабул қилиниб, бу ерда истиқомат килаётган 100 мингдан зиёд аҳолининг яшаш шароити яхшиланади. Шунингдек, ушбу худудларда янги корхоналар, саноат зоналари, аҳоли дам олиш масканлари, иқтисодий ва ижтимоий обьектлар қурилади.

Шу билан бирга, шаҳар худудидаги авария холатига қелган, 60–70 йил аввал қурилган кўп каватли уйлар ўрнига замонавий турар жойларни барпо этиш бўйича “реновация дастури”

амалга оширилади. Бунда ушбу уйларда яшайдиган аҳолини рози килиб, уларга янги уйлардан макбул таклифлар берилиши шарт.

Мисол учун, Янгиҳаёт туманинг “Спутник” мавзесидаги яшашга яроксиз ҳолга келиб қолган 400 дан зиёд 2 қаватли ёғоч уйлар ўрнида янги кўп қаватли уйлар қурилиб, 4,5 минг оила янги замонавий хонадонлар билан таъминланади.

Тошкент шаҳрида мавжуд кўп қаватли уй-жойлар орасида-ги бўш ерларда ҳар қандай қурилишлар килишга чек қўйилади. Кўп қаватли уй-жойларга туташ ҳудудлар факатгина ушбу уй мулкдорларига доимий фойдаланиш учун бириктирилади.

Умуман, келгуси беш йилда пойтахт аҳолиси учун 100 минг хонадонли кўп қаватли, энергия тежамкор уйлар қурилади.

Уй-жойга муҳтоҷ оиласидаги учун 14 триллион сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилиб, дастлабки бадал ва фоиз тўловларини коплаш учун 5 минг нафар оиласига субсидия берилади. Уларнинг хоҳишига караб, иккиласмичи бозордан уйларни сотиб олишларига ҳам рухсат берилади.

Бир масалага эътибор беринг. Тошкентда ҳавода чанг микдори белгиланган меъёрлардан 2 баробар кўп. Шу боис, қурилиш майдонларида чангни бостирувчи замонавий усуллар ва технологиялар кенг жорий қилиниши шарт ва зарур бўлади.

Бундан буён шаҳарда “яшил ҳудуд”ларни кўпайтириш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб колади. Келгуси йилда ҳар бир туманда сайилгоҳ ҳамда шаҳар бўйича 25 та “яшил ҳудуд” ва аллеялар ташкил этилади. Шаҳар ҳудудидан окиб ўтувчи 28 та каналнинг 111 километр кирғоклари мустаҳкамланади ва сайилгоҳлар ташкил этилади. Шунингдек, пойтахтнинг 60 километр канал бўйлари, 250 километр пиёда йўлаклари атрофига манзарали дарахтлар экилади.

Тошкент катта ҳалқа йўлининг атрофига манзарали дарахтлар экилиб, ихотазорлар ташкил этиш орқали “яшил белбоғ”

яратилади ҳамда пиёда йўлаклари ва велойўлаклар ташкил этилади.

Чирчик дарёсининг шахардан ўтувчи 16 километр қисмини ободонлаштириш ҳисобидан жами 306 гектар майдонда рекреацион зона, пиёда йўлаклари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини камраб олган “Дарё бўйи” мажмуаси барпо этилади. Натижада шаҳардаги “яшил майдонлар” улуши ҳозирги 16 фоиздан 30 фоизга етказилади.

Пойтахт аҳолиси ва уларнинг даромадлари ошиб бораётгани боис, сўнгги йилларда шахсий автотранспортлар 2–3 баробар кўпайиб, кунига шаҳар кўчаларида 700–800 мингдан зиёд транспорт харакатланмоқда. Бу тирбандликларни келтириб чиқариш билан бирга, экология, пиёдалар ва йўловчилар хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Пойтахтнинг жамоат транспорти ва йўл инфратузилмаси бу муаммоларга жавоб берга олмаяпти.

Шаҳарда ер ости ва ер усти пиёда ўтиш йўлаклари, автотураргоҳлар этишмайди. Шунингдек, пойтахтда 500 дан зиёд катта чорраҳалар мавжуд булиб, уларнинг 200 тасида транспорт воситаларини ўtkазиш даражаси паст.

Жамоат транспортидан бор-йўғи 33 фоиз йўловчи фойдаланмоқда. Айни вактда, 80 та йўналишдаги автобусларнинг интервали тифиз пайтларда 30 минутгача кечикиши аҳоли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Шу боис, келгуси беш йилда шаҳарда ўзаро узвий боғланган барча транспорт турларини ривожлантириш дастури кабул килинади.

Ушбу дастур асосида ер усти транспорти ва метро йўналишлари кесишуvida 16 та йирик автостанциялар, Чилонзор, Юнусобод ва Яшнобод туманларидағи шаҳарга олиб кирувчи 6 та метро бекати атрофида автотураргоҳлар, марказий кўчаларда 40 минг автомобиль учун мўлжалланган 80 та кўп қаватли

автотураргохлар, тирбандлик юкори бўлган кўчаларда 21 та йўл ўтказгичлар қурилади. Ер усти ҳалка метрополитени йўлиниг 7 та бекатдан иборат 13 километр узунликдаги “Кўйлик-Кипчок” участкаси қурилиши якунига етказилади.

Шунингдек, йўл ҳаракатини “аклли тартибга солиш” тизими жорий этилиб, бунга шаҳарнинг 500 та йирик чорраҳаси улана-ди, 200 га якин мунтазам автобус йўналишлари ташкил этилади. Жамоат транспорти паркини янгилаш учун 400 та замонавий автобус, 700 та электробус олиб келинади. 90 та янги замонавий метро поездлари харид қилиниб, йўловчилар ташиб куввати 2 баробарга оширилади.

Автобуслар катновини субсидиялаш тизими ҳам кайта кўриб чиқилади. Энди ташувчиларга субсидиялар йўловчи сони бўйича эмас, балки йўналиш ва қатновлар сонига караб берилади. Шунингдек, кундан-кунга ҳётимизга кириб келаётган янги технологияларни инобатга олиб, электромобиллардан фойдаланиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш максадида 50 та кувватлаш станцияси ва бошқа инфратузилмалар яратилади.

Бундан ташкири, 1,8 минг километр автомобиль йўли ва ички кўчаларни таъмиrlашга 3 триллион 200 миллиард сўм маблағлар йўналтирилади.

Тошкент шаҳрида коммунал соҳани ривожлантириш борасида ҳам бир катор йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Хабарингиз бор, жорий йилда кўп қаватли уйларга бошқарув-сервис компанияларини жалб қилишни бошладик. Бу янги тажриба Юнусобод туманида ўз самарасини берди. Келгуси беш йилда барча кўп қаватли уйлар, тулаш худудларда жойлашган ижтимоий обьектларга шартнома асосида хусусий бошқарув компаниялари хизмат кўрсатади.

Ички худудларни ободонлаштириш ҳам ушбу компанияларга юклатилади. Бунда хизматлар нархи ошиб кетмаслиги, ахолига ортиқча юк туширмаслик максадида, ободонлаштириш билан

боғлик харажатларни бюджетдан коплаб берсак, бу сизларга маъкулми?

Тошкент шаҳрининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш лойиҳасига умумий киймати 185 миллион евро миқдорида инвестиция йўналтирилади. Буларнинг ҳисобидан Тошкент шаҳрида марказлашган ичимлик суви камрови хозирги 95 фоиздан 100 фоизга етказилади.

“Салар” ва “Бектемир” оқова сув иншоатларини шаҳар худудидан чиқарган ҳолда, суткалик қуввати 1 миллион куб метр бўлган замонавий оқова сув тозалаш иншооти курилади. Шунингдек, 37 миллион доллар инвестиция ҳисобидан “Бўзсув” ва “Қодирия” ичимлик ва оқова сув иншоатлари замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланади.

Бундан ташкири, шаҳардаги ёмғир сувлари ва дренаж тармокларини қайта тиклаш дастури қабул қилиниб, барча “яшил худудлар” шу манбалар ҳисобидан суғорилади.

Келгуси йилда 11 миллион доллар маблағ эвазига Сергели ва Янгиҳаёт туманларида 830 та кўп каватли уй-жойларнинг ташкини ва ички иссиқлик тармокларини қайта тиклаш ишлари амалга оширилади.

Давлат-хусусий шериклик асосида киймати 1,4 миллиард европлик инвестициялар ҳисобидан пойтахтнинг иссиқлик таъминоти тизими боскичма-боскич модернизация килинади. Натижада 440 мингта хонадон ва 3,5 мингта ижтимоий обьектларнинг иссиқлик таъминоти яхшиланади.

Булардан ташкири, 1,5 триллион сўм маблағлар ҳисобидан 4,5 минг километр электр тармоғи, 1 минг 200 та трансформатор модернизация килинади, 4 та юкори кучланишли янги подстанция курилади.

Шунингдек, 30–40 йил олдин курилган кўп каватли уй-жойлардаги 3 мингдан ортиқ яроксиз лифтлар янгисига алмаштирилади, 5 мингдан зиёд кўп каватли уйларни таъмирлаш,

284 та маҳаллаларда 480 та болалар майдончаси қуришга 1 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Айтиш жоизки, жорий йилда пойтахт ахолиси билан учрашганимда, улар маҳаллаларни обод қилиш бўйича олдимга кўплаб муаммоларни кутариб чиқишиди. Буларни ҳал қилиш учун ҳар бир маҳаллага 2 миллиард сўм берилгани, маблағлар жамоатчилик таклифлари ва уларнинг бевосита назорати остида сарфланётгани ўз самарасини берди.

Ушбу тажрибани тизимли давом эттириб, ажратилаётган маблағларни янада кўпайтирамиз. Бунинг учун 575 та маҳаллани ривожлантириш бўйича шаҳар ҳокимлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилади ҳамда ҳар бир маҳаллага 10 миллиард сўмдан ажратилади.

Бу шаҳар бўйича карийб 600 миллион доллар маблағ деганидир. Ушбу маблағларнинг 5 миллиард сўми ахоли таклифлари асосида, очик ва шаффоф “Фукаролар бюджети” тизимидан фойдаланиб, энг долзарб бўлган ижтимоий ва коммунал лойихаларга сарфланади.

Яна 5 миллиард сўми эса маҳаллада бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва оиласавий тадбиркорликни қўллаб-куватлашга йўналтирилади. Ушбу маблағдан самарали фойдаланишга янги иш бошлайдиган ҳоким ёрдамчилари масъул бўлади.

Тошкент шаҳри ҳокимиятида Пойтахт иктисодиёти ва урбанизация масалалари билан тизимли шуғулланадиган илмий марказ очилади. Ушбу марказ ахоли орасида доимий сўровлар ўтказиб, мавжуд муаммоларнинг илмий ечимларини ишлаб чиқади.

Хурматли сайловчилар!

“Тошкент – бизнес учун улкан имкониятлар шаҳри” дастурини амалга ошириш оркали келгуси беш йил ичida ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 200 триллион сўмга етказилиб, карийб 2 баробарга ўсиши таъминланади.

Келажакда Тошкент шаҳрини илғор инновацион ва инвестицион худудга айлантирамиз. Шаҳарда жойлашган оғир саноат корхоналари пойтахт ташқарисига боскичма-боскич кўчирилади. Пойтахтда юкори технологияли инновацион тармоклар – электроника ва электротехника, IT инжиниринг, биотехнология корхоналари жойлашади.

“Ўзэкспомарказ” худудида Тошкент халкаро молиявий маркази барпо этилади ва унда фаолият юритадиган халкаро банклар, молиявий институтлар, юридик, консалтинг ва инвестицион компанияларга қулай шароитлар яратилади.

Ушбу Марказ нафакат Ўзбекистон, балки минтақамиз учун Инвестициялар хабига айланади. Бунинг учун шаҳарда алоҳида Илғор лойихалар ва инжиниринг маркази очилади.

Шунингдек, кадрлар захирасини яратиш максадида “таълим – илм – тадқиқот” тамойили асосида ҳар бир олийгоҳнинг ўқув дастурлари “яшил” ва “ракамли” иктисадиётга йўналтириш учун трансформация килинади. Ушбу тизимнинг ўзаги Янги Ўзбекистон универсиети бўлади.

Ҳар бир туманда Инновация ва технология маркази ҳамда “лойиҳа гуруҳлари” ташкил этилиб, уларда давлат-хусусий шериклик асосида алоҳида технопарк ва IT мактаби фаолият юритади.

Истиқболли лойихаларга Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси 30 фоиз улуш билан киради ва бунга 200 миллион доллар ажратилади.

Янги ташкил этиладиган Ўзбекистон тараққиёт банки томонидан Тошкент шаҳри тадбиркорларига қулай шартларда узок муддатли кредитлар ажратиш учун 1 миллиард доллар ресурслар тижорат банклари орқали эмас, балки тўғридан-тўғри йўналтирилади.

Пойтахтга инвестиция ва илғор технологияларни ҳамда энг нуфузли халкаро компанияларни кенг жалб қилиш максадида,

келгуси йили “Тошкент халкар инвестиция форуми” ўтказилади. Бу орқали кўшимча 10 миллиард доллар инвестияларни жалб килиш имконияти яратилади.

Умуман, Тошкент шаҳрида кейинги беш йилда 14 миллиард долларлик 2 мингга яқин инвестия лойиҳаси амалга оширилиб, 250 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Тошкент шаҳри атрофида “саноат белбоги” ташкил қилинib, Бектемир, Сергели, Яшнобод ва Янгиҳаёт туманлари юкори даромад келтирувчи саноат тармокларига мослаштирилади. Ушбу туманларда 4 та технопарк ташкил этилади ва 5 миллиард долларлик лойиҳалар доирасида 80 мингта янги иш ўринлари яратилади. Хусусан, Янгиҳаёт туманида индустрисал технопаркда киймати 600 миллион долларлик 119 та лойиҳалар доирасида 18 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Мисол учун, ПВХдан йўл тўсиклари ва йўл қурилиши маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида 500 та янги иш ўрни яратилади.

Яшнобод туманида “Технопарк” фаолияти кенгайтирилиб, ўкув ва илмий-тадқикот маркази ташкил этилади. Электроника ва электротехника йўналишида 750 миллион долларлик 55 та истиқболи лойиҳалар ишга туширилади. Бу орқали 15 мингта янги иш ўрни яратилади. Биргина ушбу лойиҳалар доирасида 1 миллиард долларлик электротехника маҳсулотлари экспорт килинишига эришилади ҳамда йилига бюджетта кўшимча 400 миллиард сўмдан ортиқ тушум таъминланади.

Юнусобод ва Олмазор туманларида фармацевтика соҳасида 800 миллион доллар инвестиялар хисобидан 21 та лойиҳа ишга туширилади. Мисол учун, Юнусободда 50 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестиялар асосида 31 та янги турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилади. Олмазорда кон касалликларини даволаш воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган 30 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, 250 та юкори даромадли янги иш ўринлари яратилади.

Олмазор, Учтепа, Чилонзор ва Янгихаёт туманларида озиковқат саноатида жаҳонга машҳур брендлар билан ҳамкорликда 550 миллион долларлик 140 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада йилига 2,2 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 150 миллион долларлик экспорт йўлга кўйилади, 10 минг аҳоли иш билан таъминланади.

Тўқимачилик соҳасида асосий эътибор дизайн ишлаб чиқиш ҳамда йирик инвестициялар талаб этадиган мато, фурнитура ва тикувчилик учун бошқа ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришига каратилади. Бу борада Сергели, Янгихаёт, Учтепа ва Яшнобод туманларида 1 миллиард долларлик 68 та лойиҳа амалга оширилиб, 8 мингта янги иш ўрни яратилади. Шу билан бирга, пойтахтимизда халқаро даражада кўргазмалар ўтказиш имкониятини берувчи Савдо ва кўргазма парки, алоҳида модалар кўчаси ташкил этилади.

“Саноат белбоғи”га кирадиган технопарк ва йирик корхоналар атрофида логистика марказлари, божхона терминаллари ташкил этилади. Жумладан, Янгихаёт туманидаги 200 гектар майдонда 1 миллион тонна кувватга эга “Куруқ порт” ташкил этилади. Барча транспорт турларини ўзаро боғлайдиган ушбу портда юкларни тўплаш, саклаш, расмийлаштириш ва жўнатиши хизматлари кўрсатилади. Шунингдек, мазкур “куруқ порт” Осиё-Тинч океани минтакасидаги 248 та “куруқ порт”ни бирлаштирувчи ягона тизим доирасида ишлайди. Биз яқинда бу бўйича халқаро битимга кўшилдик. Бу орқали ташки савдо доирасида юк ташиш харажатларининг 20 фоизга арzonлашишига эришилади.

Шаҳар худудида жойлашган барча божхона юк омборлари пойтахт ташқарисига чиқарилади. Ишга тушириладиган лойиҳалар хисобидан шаҳар экспорти 2 баробарга оширилиб, йилига 2,5 миллиард долларга етказилади. Экспортчи корхоналар сони 3 баробарга ошади ҳамда юкори кўшилган қийматли

тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши ҳозирги 42 фоиздан 60 фоизга етказилади.

Ҳурматли дўстлар!

Мамлакатимизнинг энг йирик бизнес, савдо, таълим, тиббиёт ва транспорт маркази бўлган Тошкентда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш бўйича ишга солинмаган жуда катта заҳиралар мавжуд. Бу – ҳам даромад манбаи, ҳам тез ташкил этиладиган иш ўринлари ҳамда саноат тармоқларини ривожлантириш учун шароит яратиш дегани.

Якинда, 20 август куни тадбиркорлар билан ўтказилган “очик мулокот”да кўплаб бизнес вакиллари солик, божхона, рўйхатдан ўтиш, инфратузилмага уланиш каби масалалар амалда ечилганини таъкидлашди.

Лекин, хабарим бор, шаҳар тадбиркорларини энг кийнаётган масала – бу ер участкаси ва бино олиш. Шу боис, шаҳардаги ер билан боғлик масалаларни ҳал қилиш мақсадида келгуси йилларда 4 мингдан ортик ер участкалари онлайн аукцион савдоларига чиқарилади. Мисол учун, 67 километрлик Тошкент автомобиль ҳалка йўли бўйида барча шароитларга эга замонавий хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилади. Шунингдек, 300 дан зиёд давлат мулки объектлари тадбиркорларга сотилади.

Давлат корхоналари фаолиятини трансформация қилиш ҳамда шаҳар ҳудудига қўшилган ерларни ривожлантириш жараёнида бу имкониятлар янада кенгаяди.

Ўтказилган “очик мулокот” барчамиз учун жуда катта тажриба бўлди. Бундан бўён ҳар ойда шаҳарда тадбиркорлар билан “мулокот ҳафталиги” ўтказилади ва бу доимий амалиётга айланади. Ҳукумат аъзолари, республика, шаҳар ва туман даражасидаги барча раҳбарлар тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганади ҳамда ҳал этиш чораларини кўриб боради.

Бу – ҳар йили 20 августда ўтказиладиган очик мулокотга тайёргарлик учун ўзига хос “платформа” бўлиб хизмат килади.

Хабарингиз бор, сайловолди дастурида ҳар бир туманда Тадбиркорлар кенгашини ташкил қилиш эълон қилинган эди. Ушбу тажрибани Тошкент шаҳридан бошлаймиз. Бунда ҳар бир тумандан энг обрўли, илфор тадбиркорлар орасидан Кенгаш аъзолари сайланади. Бош вазир қабулхонаси ушбу Кенгашнинг ишчи органига айланади.

Улар “тадбиркорларнинг овози” бўлиб, ҳоким ва туманнинг бошка раҳбарлари олдига аник масалалар қўяди, “мулокот ҳафталиги”ни ташкиллаштириб, ижросини назорат килиб боради. Бу, аввало, бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлайдиган хизматлар қўламини кескин оширади.

Хизматлар соҳасида Юнусобод ва Мирободда – бизнес ва молия, Яккасаройда – туризм, Учтепада – савдо, Мирзо Улуғбекда – таълим ва IT, Шайхонтоҳурда – туризм ва соғлиқни сақлаш соҳалари ривожлантирилиб, 9 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Юнусободда киймати 220 миллион доллар бўлган бизнес марказ ва меҳмонхона комплекси ишга туширилиб, 2 мингта янги иш ўрни яратилади.

Келгуси беш йилда хориждан келадиган меҳмонларни 3 миллион нафарга етказиб, туризм хизматлари ҳажмини 1 миллиард долларга олиб чиқиши бўйича барча имкониятлар бор.

Савдо соҳасининг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш, бошка тармоқлар учун “драйвер”га айлантириш учун энг катта масала – бу савдо майдонларининг етарли эмаслигидир. Мисол учун, сўнгги икки йилда шаҳарда савдо майдонлари 2 баробарга ошган бўлса-да, уларнинг ҳажми йирик мегаполисларга нисбатан 10–15 бараварга паст. Шунинг учун келгуси беш йилда шаҳардаги савдо майдонлари 10 баробарга оширилади.

Бунинг учун 44 та йирик савдо ва кўнгилочар марказлари ишга туширилади, ҳар бир туманда туну кун фаолият кўрсатадиган савдо ва кўнгилочар кўчалар барпо этилади, янги курилаётган уй-жойлар ва бизнес марказларининг пастки каватлари хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасига ихтиослаштирилади.

Савдо ва хизматлар соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-куватлаш мақсадида янги меҳмонхоналар ва 5 минг квадрат метрдан катта савдо комплекслари беш йил давомида мол-мулк солиғини 2 баробар паст ставкада тўлайдилар. Курилган биноларнинг амортизация харажатларини икки йил давомида тўлиқ коплаш оркали уларга фойда солиғини камайтириш имконияти яратилади.

Шахар маҳаллаларида оиласий тадбиркорликни ривожлантиришга йилига 1 триллион сўм йўналтирилади. Ахолини касб-хунарга ўқитиб, тадбиркорликка жалб киладиган микрокредит ташкилотларига 100 миллиард сўм микдорида имтиёзли кредитлар ажратилади. Шахар ёшларини юкори даромад келтирувчи касбларга ўргатиш мақсадида 11 та креатив технологиялар маркази очилади. Уларда веб-ишлилмалар, график дизайн, робототехника, ракамли медиа каби йўналишлар бўйича йилига 5 минг нафар ёшларимиз замонавий касбларга тайёрланади.

Бу ислоҳотлар натижасида янги тадбиркорлар сони камида 3 баробарга оширилади, 510 мингта янги иш ўринлари яратилади ҳамда ўзини ўзи банд килиш тизими оркали қўшимча 250 минг нафар ахоли бандлиги таъминланади.

“Ижтимоий реестр”га киритилган оилаларга ҳар йили 400 миллиард сўм ажратилади.

Келгусида маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш жойларини яратиш учун масъул бўлган, тумандаги маҳаллаларга биректириладиган ҳоким ёрдамчилари лавозимлари жорий этилади. Уларнинг ўз “бюджет”и бўлиб, эҳти-

ёжманд оиласарга субсидиялар ажратиш, жамоат ишларига жалб қилиш, ёшларни касбга ўқитиши ҳамда аҳоли билан ижтимоий шартнома тузиш ҳукуки берилади. Шунингдек, улар ҳар бир маҳаллага ажратиладиган 10 миллиард сўм маблағларни максадли ва самарали ишлатилишини ташкиллаштиради.

Умуман олганда, келгуси беш йилда пойтахтнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига давлат ҳисобидан 70 триллион сўм ажратилади.

Хурматли сайловчилар!

Тез ривожланиб бораётган шахримизни ракамли технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги кунда шахримизда деярли ҳар бир вояга етган инсон уяли телефондан кенг фойдаланмоқда, ҳар бир хонадонга Интернет жадал кириб бормоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларни янада кенгайтириш – давр талаби.

Келгуси беш йилда шаҳарда Интернет тезлигини 5 баробарга, ракамли хизматлар ҳажмини 3 баробарга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда “Ракамли Тошкент” ва “Ақлли шахар” дастурлари амалга оширилади. Мазкур дастурлар доирасида шаҳарда куриладиган ҳар бир кўп қаватли уй-жой, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа объектларнинг юкори тезликдаги Интернет тармоғи билан жиҳозланиши шартлиги белгилаб қўйилади.

Мавжуд 2 мингта тиббиёт ташкилотлари, боғча, мактаб, олийгоҳ ва маҳалла идоралари юкори тезликдаги Интернет тармоғига уланади. Шунингдек, барча метро станциялари, автобус бекатлари ва бошқа жамоат жойлари симсиз Интернет тармоғи билан гаъминланади. Давлат хизматлари ва пенсия тизими тўлиқ рақамлаштирилади. Шахар аҳолиси учун ягона тиббий карта, тиббий сугурта ва электрон рецепт ахборот тизимлари ишга туширилади.

Барча туманларда “Хавфсиз шахар” тизими жорий этилиб, сунъий интеллект курилмаларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳо-

ли гавжум жойлар, дам олиш масканлари, вокзал ва аэропортлар ҳамда чорраҳаларда шахсни идентификация қилиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек туманида “IT парк” фойдаланишга топширилиб, ракамли маҳсулотлар ҳажми 100 миллион долларга етказилади.

Бунда замонавий молиявий технологиялар, телемедицина, электрон тижорат, транспорт ва логистикада масофавий бошкарув, онлайн таълим каби ракамли хизматлар кенг жорий этилади. Бу орқали ахборот технологиялари соҳасида 21 мингта янги иш ўринлари яратилади.

Хурматли юртдошлар!

Шаҳар соғлиқни саклаш тизимида бир қатор муаммолар йиғилиб қолгани аҳолимизнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлмоқда. Мавжуд 76 та поликлиниканинг ярмида диагностика ускуналари 20–30 йилдан бери ишлатиб келинади. Шунингдек, 74 та шифохонадан 35 фоизи кам кувватли, 5 таси кўп тармокли тиббий хизматларни кўрсата олади, холос. Сергели ва Янгиҳаёт туманларида бирорта шифохона йўқ. Миробод, Яккасарой, Юнусобод ва Бектемир туманларида эса туғрукхона мавжуд эмас.

Яккасаройдаги 3-сонли болалар юқумли касалликлари шифохонаси, Шайхонтохурда жойлашган болалар кардио-ревматологияси, Юнусободдаги 7-сонли шифохоналардаги шароитлар айникса аянчли ахволда.

Шу боис, Тошкент шаҳрида “Соғлом турмуш ва сифатли тиббиёт” дастурини амалга оширамиз.

Авваламбор, бирламчи бўгинда:

– пойтахтнинг 575 та маҳалласида “тиббиёт бригадалари” ташкил этилиб, улар томонидан диабет, аёллар онкологияси, ҳомила нуксони, камконлик ва паразитар касалликлар бўйича скрининг текширувлари амалга оширилади;

– 13 та янги оиласиий поликлиника курилади, 25 таси тўлик таъмирланиб, энг замонавий ускуналар билан жихозланади;

- барча болалар шифохоналари ва туғруқхоналар таъмираниб, жиҳозланади;
- аёллар онкологияси, кўз ва сил касалликларини барвакт аниқлаш мақсадида 5 та тиббий диагностика автобуси орқали шаҳар маҳаллалари ва йирик корхоналарда мунтазам скрининг тадбирлари йўлга кўйилади;

– келгуси йилда 50 та ва кейинчалик яна 100 та тез тиббий ёрдам машинаси олинади, шу орқали чакиравга кечикиш ҳолатларига барҳам берилади.

Миробод, Яккасарой, Юнусобод ва Янгиҳаёт туманларида поликлиника, диагностика маркази, замонавий лаборатория, туғруқхона ва кўп тармокли шифохонани ўзида қамраб олган тиббиёт кластерлари ташкил этилади. Натижада шаҳар шифохоналарида 30 турдаги хирургия, 15 турдаги эндокринология ва 12 турдаги кардиология янги даволаш амалиётлари жорий этилади. Бу – республика ихтисослашган тиббиёт марказларига муружаатларни 4 баробарга камайтиради.

Ушбу мақсадлар учун келгуси беш йилда бюджетдан 2 триллион сўм маблағ ажратилади. Шу билан бирга, келгуси икки йилда пойтахт ахолиси учун давлат тиббий суғурта тизимини жорий этиш бошланади.

Яна бир масалага эътиборингизни каратмокчиман. Халқ орасида “Янги ТошМИ” деб танилган Тошкент тиббиёт академиясининг 1,1 минг ўринли клиникаси 40 йилдан бери бирор марта капитал таъмирланмаган. Ушбу клиникани келгуси беш йилда тиббиёт тизимининг “флагман”ига айлантириш дастури амалга оширилади. Шунингдек, туташ худудда энг илғор хорижий технологиялар асосида Республика онкология ва радиология тиббиёт маркази барпо этилади.

Хурматли дўстлар!

Янги Ўзбекистон келажаги сифатли таълим тизими билан бевосита боғлиқ. Келажакда ҳар бир соҳа ва тармокнинг

халқаро миқёсда рақобатдош бўлиши учун, авваламбор, таълим тизимида кескин ўзгаришлар килишимиз зарур. Шунинг учун “Билим ва инновациялар шаҳри” дастури амалга оширилади.

Бугунги кунда 117 та маҳаллада боғча мавжуд эмас. Мазкур муаммони ҳал қилиш ва пойтахтликларнинг эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда, ушбу маҳаллаларда мақбул ер участкалари ажратилиб, боғча куриш учун аукционга чикарилади. Шунингдек, 200 та давлат боғчаси реконструкция килиниб, тўлиқ жиҳозланади. Натижада мактабгача таълим билан камров даражаси 80 фоиздан 100 фоизга етказилади.

Кўп бора таъкидлаганимиздек, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади”. Келгуси беш йилда барча янги уйжой мавзеларида мактаблар курилади ва мавжуд 180 та мактаб реконструкция килинади.

Шаҳардаги аҳолининг даромадларини инобатга олиб, хусусий таълим муассасалари тармоғини кенгайтиришни кўллаб-кувватлаймиз. Бунинг учун шаҳарда аҳоли талаби асосида 100 та куляй ер танланиб, мактаб барпо этиш учун аукцион орқали талбиркорларга мақсадли равишда берилади.

Айрим шаҳар мактабларида битта синфда 45–50 тагача болжонларимиз ўқиётганидан яхши хабардорман. Давлат боғчасига фарзандини бераман деб ойлаб, ҳатто йиллаб навбат кутаётган оиласалар ҳам бор. Шу боис, фарзандларини хусусий боғча ва мактабга берган ота-оналар енгилликлар беришимизни кутяпти.

Энди хусусий мактаб ва боғчалар учун ойлик 3 миллион сўмгача тўловдан даромад солиги олинмайди. Бу – ҳар бир фарзанд тўловидан ойига 400 минг сўмгача маблағ рўзгорда колади, дегани.

Қанча курилиш керак бўлса, килиб берамиз, лекин мени безовта килаётган асосий масала, бу – пойтахт мактабларидаги

таълим сифати ва болаларимиз тарбияси. Мисол учун, Олмазор, Учтепа, Шайхонтоҳур, Бектемир туманларида олийгоҳларга кириш даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан паст. Айниқса, Шайхонтоҳурда 5 та ва Олмазорда 4 та мактаб битирувчиларининг бор-йўғи 5–6 фоизи олийгоҳларга кира олган. Шу билан бирга, пойтахт мактабларида ўқувчиларга касб-хунар бериш ишлари ҳали тизимли йўлга кўйилгани йўқ. Бундан ташкари, 23 минг нафар педагогларнинг ярмидан кўпи малака тоифасига эга эмас.

Шуларни хисобга олган ҳолда, пойтахтда таълим сифатини яхшилаш максадида Тошкент тажрибаси яратилади. Бунинг учун ҳар бир туманга хориждан малакали мутахассисларни жалб килиб, “Илғор таълим” педагогларни ўқитиш маркази ташкил қилинади. Шунингдек, энг замонавий методикалар ва дастурлар асосида 23 мингдан зиёд педагогларнинг малакаси оширилади. Барча хорижий тиллар ва IT ўқитувчилари келгуси уч йилда халқаро сертификатларга эга бўлиши учун зарур чоралар кўрилади.

Бугунги куннинг муҳим талабларидан бири шуки, ўқувчилар мактабни камида битта касб-хунарни эгаллаган ҳолда тамомлашлари шарт. Шу максадда мактабларда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришга кўмаклашадиган алоҳида лавозим киритилади. Улар касбга ўргатишнинг янги тизими асосида 9–11 синф ўқувчиларини турли корхоналарда 3 ой давомида иш ўрганишини ташкиллаштиради. Бунда касб ўрганаётган ўқувчиларга иш ҳаки давлат томонидан тўланади.

Бугунги кундаги яна бир долзарб масала – бу бола тарбияси. Шу боис, ўқувчиларнинг кун давомида вактини мазмунли ўтказишни назарда тутувчи алоҳида ўкув ва тўгараклар дастури ишлаб чиқилади. Бу масалада ота-оналар билан мактаб ўртасида “ўзаро мажбуриятлар шартномаси” тузилади. Унда ота-она боланинг таълим-тарбияси учун нимага жавоб беради-ю, муал-

лимлар кандай мажбуриятларни ўз зиммасига олади, буларнинг барчаси аниқ-аниқ белгилаб қўйилади.

Ҳар бир мактаб атрофида жойлашган маҳалла, олийгоҳ ва корхона вакилларидан иборат “зиёлилар гурухлари”нинг иши фаоллаштирилади.

Бугунги кунда пойтахт олийгоҳларида 250 минг талаба таълим олмоқда. Келгуси беш йилда бу кўрсаткич 2 баробарга ошади. Шундан келиб чиқиб, “Ёшлар шаҳарчаси”нинг қувватлари кенгайтирилади ва унинг инфратузилмаси янгиланади. Янги Ўзбекистон кўчаси бўйлаб, бир неча олийгоҳларни боғланган ҳолда, 25 минг ўринли кампуслар ташкил этилади. Камида 20 та олийгоҳнинг таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилади. Миллий университет ва Техника университети жаҳоннинг нуфузли рейтингларига кириши бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

Шунингдек, келгуси беш йилда нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликда зарур бўладиган янги касблар бўйича камида 10 та янги олийгоҳ ташкил этилиб, пойтахтдаги жами олий ўқув юртлари сони 31 тага етади. Шунингдек, магистратурада таълим олиш учун Тошкент шаҳридаги хорижий ва давлат олийгоҳларга 200 та ҳамда хотин-кизлар учун давлат олийгоҳларига 500 та давлат гранти берилади. Ҳар бир талабага ойига 5 Гигабайт белупл интернет бериш тизими ҳам жорий қилинади.

Ёшларнинг янги ташабbusларини қўллаб-қувватлаш максадида “Янги Ўзбекистон” боди атрофида “Заковат” клубининг биносини ҳамда “Интеллектуал ўйинлар шаҳарчаси”ни барпо этамиз.

Маълумки, Мингўрик, Бинкат, Чоч, Шош, Тошкентномлари билан аталган азим пойтахтимиз доимо Марказий Осиёйнинг бепоён ҳудудларида нафақат давлатчиликнинг маркази, балки илм-фан, маданият ва маънавият гуркираб ривожлан-

ган шаҳар бўлган. Эътибор қилинг, шу вактлардаёқ Тошкентда “Донишмандлар маҳалласи” мавжуд бўлган ва бу жойда ўз даврининг энг етук илм-маърифат намояндалари фаолият юритган.

Биз бу анъаналарни давом эттирган ҳолда, пойтахтда илм-фанни янада ривожлантириш, бунга истеъододли ёш олимларни кенг жалб қилиш бўйича алоҳида дастурни амалга оширамиз. Бу мақсадларни амалга ошириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академияси орқали олимларнинг илм-фан ва инновация соҳаларидаги янги тадқикотларига 100 миллион доллар ажратамиз. Жумладан, 70 миллион доллар илмий ишланмалар ва уларни иқтисодиётнинг реал соҳаларига жорий этишга, қолган қисми эса “Ёшлар шаҳарчаси”да жойлашган “Инновацион хаб” орқали стартап лойиҳаларига берилади.

Ушбу жараёнларда барча ёшлар эркин катнашиш имкониятига эга бўлади. Бунга нуфузли хорижий эксперталар жалб килиниб, ҳар бир лойиха очик танлов асосида саралаб олинади. Шунингдек, IT парк негизида Илмий инновациялар маркази ташкил этилиб, унга ҳар йили 30 миллиард сўм ажратилади. Ёш олимларнинг илмий мақола ва материалларини энг нуфузли ҳалқаро илмий журналларда чоп этиш харажатлари ҳам бюджетдан коплаб берилади.

Азиз ҳамишаҳарлар!

“Пойтахт – маданият ва маърифат булоғи”, деб бежиз айтганимиз йўқ. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 40 дан зиёд театр ва музейлар, 60 дан ортиқ концерт, томоша ва кинозаллар, очик майдонлар, 30 га яқин истироҳат боғлари ва хиёбонлар мавжуд. Бундан ташкири, маданият ва санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари, жумладан, Маданият ва санъат институти, Консерватория, Миллий мусиқа санъати институти, Хореография академияси, Миллий эстрада санъати институти ҳам Тошкент шаҳрида жойлашган.

Ушбу улкан салохиятдан унумли фойдаланиб, пойтахтнинг 575 та маҳалласига маданият руҳини янада кенгрөқ олиб киришимиз керак. Шу боис, ҳар бир маҳаллада маданий ҳётни бойитиш бўйича таклифларни сизлар билан баҳам кўрмокчиман.

Бу борада Тошкент шаҳрида Маданиятни кенг тарғиб килиш жамғармасини ташкил этамиз. Ушбу Жамғарма хисобидан ҳар бир маҳаллада ойида камида бир марта таникли актёр ва хонандалар, санъат ва адабиёт намояндалари билан учрашувлар ўtkазилади. Маҳалла, парк ва очиқ майдонларда сайёр спектакль ва концертлар ташкил қилинади. Бунга вилоят театрлари, санъаткорлар, баҳшилар, макомчилар ҳам жалб килинади. Шаҳар театрларига бориши учун маҳаллалар орқали бепул билетлар тарқатилади. Ҳафтада бир кун шаҳар музейларига кириш бепул бўлади. Маданият ва санъат, тил ва адабиёт олийгоҳлари маҳаллаларда маданий тадбирларни ташкил қилишга бош-кош бўлади.

Ушбу тадбирлар “Маҳалла” ва бошқа телеканаллар орқали кенг ёритилади. Бу ишларимиз ҳақиқатда “маҳаллада дув-дув гап” бўлиб, миллий маданиятимизни ҳалқимиз қалбидан чукур жой олишига ишонаман.

Ўйлайманки, шаҳар фаоллари ушбу таклифларимни кўллаб-куvvatлайдилар. Шу билан бирга, маданият соҳасига ҳам эътибор кучайтирилиб, 20 та маданият марказлари курилади ва реконструкция қилинади.

Келгуси йилларда цирк биносини замонавий талаблар асосида таъмирлаймиз ҳамда тарихий Хадра майдонини кайта тиклаймиз. Бунда ушбу масканни Тошкент шаҳар аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари, айникса, болажонларимизнинг маданий ва маънавий ҳордик чиқаришлари учун яхлит замонавий мажмуя сифатида ташкил этамиз. 2023 йилда Тошкент шаҳрида “Халқаро цирк санъати” фестивалини ҳам айнан шу майдонда ўtkазишни таклиф этаман.

Шунингдек, болажонларнинг яна бир севимли маскани бўлган Тошкент хайвонот боғи бўйича янги концепция ишлаб чиқилиб, давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосида тубдан ривожлантирилади ва пойтахтимизнинг энг гавжум гўшаларидан бирига айлантирилади.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш долзарб вазифалардан бири хисобланади. Спорт мусобакалари бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионатларини ўзимизда ўтказиш бўйича бошланган ишларимизни давом эттириб, Тошкент шаҳрида 2024 йилгача “Олимпия шахарчаси” курилади.

Келгуси йилда Шайхонтохурда 2,5 минг томошабинга мўлжалланган замонавий муз саройи ишга туширилади. Янгиҳаёт туманида ёшларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишига шароит яратиш максадида жами қуввати 2,5 минг ўринли универсал спорт комплекси барпо этилади.

Янги тарихимизда илк бор шу йил декабрь ойида Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатига Тошкент шаҳри мезбонлик киласи. 2022 йилда дзюдо, 2023 йилда бокс бўйича жаҳон чемпионатлари, 2025 йилда Ёшлар Осиё ўйинлари ҳам айнан пойтахтимизда ўтказилади.

Азиз дўстлар!

Ўзбек халқининг академик шоириFaфур Гулом бир пайтлар эл-юртимизнинг эзгу орзусини ифода килиб, Тошкенти азимни улуғлаб: “Лондон, Париж, Румога алишмайман, кўхна Шоп!” – деб фаҳр билан ёзганини барчамиз яхши биламиз.

Мен ишонаман, сиз, азизлар билан, мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда фидокорона меҳнат килиб, азим пойтахтимизни ҳамма ҳавас киладиган, дунёдаги энг гўзал, илм-фан ва инновациялар, маданият юксак даражада ривожланган замонавий шаҳарга айлантирамиз. Бунинг учун

бизда барча күч ва имкониятлар бор. Биз бунга албатта қодирмиз!

Барчамизни камолот, баҳт-саодат сари етаклаган, бекиёс имкон яратиб берган, ўзининг самимий меҳрини аямаган она шаҳримиз – жонажон Тошкентимиз дунё тургунча турсин!

Ҳамиша улуғ максадлар билан яшайдиган, доимо олдинги сафларда бўлиб келаётган Тошкент ахли, бутун халқимиз омон бўлсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Барчангизга катта раҳмат.

*Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 октябрь*

**ҮЗ КУЧИМИЗ, ҮЗ МЕҲНАТИМИЗ,
МУСТАҲКАМ ИРОДАМИЗ БИЛАН
ҲАР ҚАНДАЙ ЮКСАК МАРРАНИ
ЭГАЛЛАШГА ҚОДИРМИЗ**

*(Жиззах вилояти сайловчилар вакиллари билан
учрашувдаги нұтқ)*

Ассалому алайкум, хурматли ватандошлар!
Қадрли дўстлар!

Сўзимнинг аввалида сизларга ва сизларнинг тимсолингизда меҳнаткаш ва олижаноб Жиззах ахлига ўзимнинг чуқур хурмат-эҳтиромимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни, бутун ҳалқимизни буғунги куттуғ айём – “Ўзбек тили байрами куни” билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мен мана шу қадимий ва табаррук заминда туғилиб ўсганимдан, унга фарзандлик меҳри билан боғланганимдан ҳамиша фаҳрланаман. Бугун ҳам ҳузурингизга улкан меҳр ва соғинч билан сизларнинг оқ фотиха ва эзгу дуоларингизни олиш учун келдим, десам, кўнглимдаги гапни айтган бўламан.

Мухтарам ватандошлар!

Хабарингиз бор, Президент сайлови муносабати билан барча ҳудудларимизда ҳалқимиз вакиллари билан бир ой давомида учрашувлар ўтказдим. Бу учрашувларда мен аввало эл-юргимиз, фукароларимизнинг фикри, ҳаётга караши ва муносабати тубдан ўзгариб бораётганини яна бир бор чуқур ҳис килдим.

Бу – кейинги беш йил давомида биз эришган энг катта натижалардан бири, десак, янгилишмаган бўламиз. Чунки дунёкарошнинг ўзгариши – энг муҳим ютук. Инсоннинг онги ва тафаккури ўзгарса – унинг хаёти албатта яхши томонга ўзгаради.

Бўлиб ўтган учрашувларда аҳоли фактат ўз шахри ёки қишлоғи эмас, балки бутун мамлакатимиз ҳаётига дахлдор бўлган янги таклиф ва ташаббусларни ўртага ташлаётгани, уларнинг буғунги ислоҳотларга, эртанги кунга ишончи кун сайин мус-

тахкам бўлиб бораётгани, халқимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга ҳар томонлама тайёр эканини кўриб, одам хурсанд бўлади, албатта.

Бугун халқ билан учрашувларда мўътабар нуронийларимизнинг дуолари, меҳрибон ва муnis опа-сингилларимизнинг орзуниятлари, саноат корхоналарида, ижтимоий соҳаларда ва далалярда ҳалол меҳнат килаётган юртдошларимизнинг шижаоти, навқирон ёшларимизнинг ёниб турган кўзларида бир нарсани яккол сезиш мумкин. Бугун кўпмиллатли халқимиз битта ўй, бигта фикр билан яшамоқда. Улар биз бошлаган халқчил ислоҳотларга катта хайриҳоҳлик ва ишонч билан караб, меҳнатимизнинг ҳосилини, самарасини тезрок кўришни истамоқда.

Буларнинг барчаси халқимизнинг хоҳиш-иродаси асосида танлаб олган тараккиёт йўлимиз ҳар томонлама тўғри эканини англатади.

Мен халқимизнинг орзу-ниятларини рӯёбга чиқаришни – бутун Ўзбекистонимиз катори Жиззах вилоятини ҳам тубдан ривожлантиришни ўзим учун энг асосий мақсад қилиб белгилаганман.

Азиз юртдошлар!

Биз Жиззах деганда кўхна тарихи, қадрият ва удумлари, ориятли ва заҳматкаш инсонлари билан ном таратган диёрни тасаввур этамиз.

Бу ҳудуддаги тарихий ёдгорликлар, ноёб археологик топилмалар Жиззах воҳасининг азалдан цивилизация ва маданият бешикларидан бири бўлганини кўрсатади.

Мана шу табаррук заминда буюк боболаримиз – соҳибкирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекнинг ўчмас излари қолган. Бобур Мирзо ўз хаётининг кийин ва машаққатли даврларида бу воҳадан меҳр ва паноҳ топгани, узоқ йиллар ўзига сафдош бўлган жиззахлик мард ва жасур ўғлонлар ҳакида ёзган хотиралари “Бобурнома” сахифалари орқали яхши маълум.

Тарихнинг турли даврларида юонон, араб, мұғул босқинла-рига қарши курашлар, үтган аср бошларида юз берган Жиззах қўзғолони бу халқ ҳамиша ўз эрки ва озодлиги учун мардона курашиб яшаганидан далолат беради.

Маълумки, дунёда бола хуқуклари бўйича дастлабки қонуний меъёрлар 1804 йили Франция фуқаролик кодексига кири-тилган, деб хисобланади.

Бироқ Жиззах воҳасида камол топган хуқуқшунос аллома Уструшоний XIII асрдаёқ “Бола хуқуклари мажмуаси” деган ноёб асарини яратиб, гўдакнинг она корнида пайдо бўлган пайтидан бошлаб, вояга етгунига қадар бўлган хуқукларини мукаммал баён этиб берган.

Ҳаммангиз яхши биласиз, бугун юртимизда болалар хуқукларини ҳимоя қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Болалар Омбудсмани институтини ташкил этдик. Фарзандларимиз учун янги-янги боғча ва мактаблар, маданият, санъат ва спорт муассасаларини барпо этмоқдамиз.

Шунингдек, Мехрибонлик уйлари тубдан таъмирланиб, барча зарур шароитлар яратилмоқда. Жиззахдаги Мехрибонлик уйи ҳам үтган йили капитал таъмирдан чикарилиб, тўлик қайта жиҳозлангани сизларга яхши маълум, албатта.

Лекин номини “Мехрибонлик уйи” деб атаганимиз, ҳар канча зўр шароит яратганимиз билан, барибир, бу даргоҳлар ота-она, оиласининг ўрнини боса олмайди.

Шу мақсадда, оиласиб болалар уйларини ташкил этмоқдамиз. Мехр-окибатли, бағрикент юртдошларимиз ота-она кара-могисиз колган болаларни ўз оиласирига фарзандликка қабул килаётгани ҳаммамизни хурсанд килади.

Бундай саҳоватпеша инсонлар Жиззах вилоятида ҳам кўплаб топилади. Мана, масалан, Шароф Рашидов туманида яшовчи Дилбар Қаршибоева ўз хонадонида оиласиб болалар уйини таш-

кил килиб, беш нафар болани фарзандликка олгани алохига таҳсинга сазовордир.

Ўз навбатида, улуғ ҳукукшунос аллома Уструшоний бо-бомизнинг табаррук хотирасини абадийлаштириш максадида Жizzах шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига унинг номини берсак, нима дейсизлар?

Агарки, жizzахлик олимлар, ижодкор, зиёлилар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари воҳада яшаб ўтган улуғ алломаларнинг бебаҳо меросини ҳар томонлама чукур ўрганиш, бу мавзууда илмий тадқиқотлар, китоб ва рисолалар яратиш ҳамда кенг тарғиб этиш ишларини бошласалар, мен уларнинг бу ҳаракатларини ҳар томонлама кўллаб-кувватлашга тайёрман.

Қадрли йиғилиш қатнашчилари!

Биз бугун юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишини Янги Ўзбекистон стратегиясининг асоси сифатида белгиладик.

Миллий тараққиёт ғояси эса ўтган асрнинг бошида майдонга чиккан маърифатпарвар боболаримизнинг ҳаётий дастури бўлгани барчамизга маълум.

Бутун умрини шу эзгу мақсадга бағишлиаган машхур жадид боболаримиз қаторида жizzахлик маърифатпарварларнинг ҳам муносиб ўрни борлигини алохига эътироф этишимиз керак. Жумладан, Ҳусан домла, Очил кори, Мулла Эгамберди, Тошибулат домла сингари зиёли инсонлар бу ерда янги усуздаги жадид мактабларини очиб, ёш авлодни маърифатли қилишга интилганлар.

Жizzахлик яна бир таникли шахс – Нуриддин ҳожи Маъруфхўжа эса 1902 йилда шахсий маблағи хисобидан Эски шаҳар мавзесида билим даргоҳи барпо этган. Энг мухими, у ерда қизларни ҳам ўқитиш йўлга қўйилган.

Ана шундай фидойи инсонлардан яна бири, Бахмал туманида туғилиб ўсган истеъдодли адаб Анқабой Худойбаҳтов матбуот,

адабиётшунослик ва драматургия соҳаларида салмоқли ишларни амалга оширган. Афсуски, у умрининг айни гуллаган вактида – 35 ёшида, 1938 йилда буюк сафдошлари Фитрат, Қодирий, Ҷўлпонлар сингари қатагон қурбони бўлган.

Турли даврларда юртимиз озодлиги йўлида жонини фидо килган мард ва ватанпарвар ота-боболаримиз ҳакида тарихий ҳакиқатни чукур ўрганиш ва ҳалқимизга етказиш, уларнинг хотирасини агадийлаштириш биз учун ҳам карз, ҳам фарзdir.

Ҳаммангиз яхши эслайсиз, бундан беш йил муқаддам биз эзгу ниятлар билан Жizzах вилоятида ҳалқимизнинг атокли фарзандлари – Ҳамид Олимжон ва Зулфия опага бағишлиб ёдгорлик мажмуаси, улар номидаги ижод мактаби, музей ва хиёбон ташкил қилган эдик. Бу икки улуғ ижодкорнинг ҳаёти чинакам вафо ва садоқат достонидир.

Атокли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов хотирасига нисбатан тарихий адолатни тиклаш мақсадида собик Жizzах туманини у кишининг номи билан атаб, вилоят марказида бу улуғ зот шарафига муҳташам хиёбон ва ҳайкал барпо этганимиз ҳалқимиз қалбидан, янги Ўзбекистон тарихидан алоҳида ўрин эгаллади. Мана шундай ишларимизнинг давоми сифатида якинда самарқандлик сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувда Шароф Рашидов таҳсил олган Самарқанд давлат университетига у кишининг номини бериш ҳакида ташабbus килганимиздан ҳам хабарингиз бор, албатта.

Жizzах вилоятининг иқтисодий-ижтимоий равнаки йўлида унүтилмас хизматлар қилган мохир пахтакор Ҳамроқул Носиров, машхур курувчи Ўриш Мажидов, давлат идораларида самарали фаолият юритган Убайдулла Тўракулов, Сарвар Худоёров, таникли олим ва ижодкорлар Назир Сафаров, Сарвар Азимов, Асил Рашидов, Орифжон Икромов, Мухаммаджон Холбеков, Ўрол Носиров, Сайдулла Ҳаким, миллий маданиятимиз риво-

жига катта хисса кўшган Орифхон Хотамов, Эсон Лутфуллаев сингари санъат дарғаларининг хотирасини бугун ҳурмат билан тилга оламиз.

Якинда Жиззах педагогика институтида Эсон Лутфуллаев номидаги ёш мақомчилар ансамбли ташкил этилгани хайрли иш бўлди.

Ўзбекистон халк ҳофизи, атокли бастакор Орифхон Хотамовнинг маданиятимиз ривожига кўшган улкан хиссасини эътиборга олиб, Жиззах шаҳрида Орифхон Хотамов номидаги маком санъати ва мумтоз кўшикчилик бўйича республика танловини ўтказсак, ўйлайманки, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Хабарингиз бор, 2017 йили вилоят мусикиали драма театри бутунлай кайтадан бунёд этилди. Фарзандларимиз учун мухташам қўғирчок театри барпо этдик. Биз албатта бундай маънавият масканларини ҳали кўплаб бунёд этамиз.

Маълумки, якин вақтгача вилоятда бор-йўғи 2 та олий ўкув юрти мавжуд эди. Кейинги йилларда бу ерда яна 3 та олийгоҳни ташкил қилдик.

Бугунги шиддатли тараққиёт даври олдимизга қўяётган талаблар ҳамда вилоятнинг ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда, Жиззах давлат педагогика институтига Университет мақомини берсак, бу таклифга нима дейсизлар?

Бугун Жиззах шаҳридаги олийгоҳларда 31 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда. Аҳоли ва талаба ёшларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, шаҳардаги Форум мажмуаси худудида замонавий кутубхона барпо этишни таклиф қиласман.

Шу ўринда, Жиззах вилояти – моҳир чавандозлар юрти десам, муболага бўлмайди. Галлаорол, Бахмал, Зомин, Фориш, Шароф Рашидов туманларида чавандозлик, кўпкари каби миллий спорт ўйинлари бўйича ўзига хос анъана ва қадриятлар шаклланган.

Ана шуларни инобатга олиб, Жиззахда Йилкичилик ва от спортини ривожлантириш марказини ташкил этсак, мақсадга мувофик бўлади, деб ўйлайман.

Хурматли учрашув қатнашчилари!

Мен бугун даврамизда ўтирган, Жиззах вилоятининг фахри ва ғуурига айланган кадрдонларимни кўриб турганимдан бехад курсандман.

Жиззахнинг табаррук тупрогини улуғлаб, унинг шон-шуҳратини дунёга тараннум этиб келаётган Парда Зиётов, Анорбой Эшматов каби Қахрамон фермерларимиз, Норкул Нушаров, Эркин Холматов, Абдуллајон Турдикулов, Ўнғор Ўринбоев, Ислом Субхонкулов сингари бой билим ва тажрибага эга фахрийларимизнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз.

Хотам Умуроев, Ўришбой Йўлдошев, Абдугофур Маматов, Холбўта Тўракулов, Умаркул Раҳмонкулов, Ольга Хван, Бахти Очилова, Зулфия Пардаева сингари заҳматкаш олим ва педагоглар, Баҳрулло Лутфуллаев, Рамиз Усмонов, Жўра Исроилов, Эргаш Муҳаммад, Сойим Исҳоқ, Шухрат Жабборов, Абулқосим Мамарасулов, Мехри Абдураҳмонова, Зулфия Йўлдошева, Муҳаррам Абдухалирова сингари маданият ва санъат, адабиёт ва матбуот соҳаси вакилларига янги ютуқлар ёр бўлсин деймиз.

Холида Алимова, Санобар Суярова, Бозоргул Тўраева, Ларина Пак, Мария Сафонова каби фаол хотин-кизларимизнинг жамиятимиз хаётидаги ўрнини ҳеч нарса билан ўлчаб, киёслаб бўлмайди.

Бобо-Усмон Ботуров, Шоҳсанам Тошпўлатова, Мафтуна Мелиева каби истеъодли спортчи ва мураббийларга алоҳида ташаккур айтамиз.

Мана шундай шиҷоатли ва жонкуяр инсонларни тарбиялаб этишитирган табаррук заминга, бағрикенг ва саховатли Жиззах халқига фарзандлик меҳрим билан бош эгиб, таъзим киламан.

Мұхтарам юргдошлар!

Биз янги Үзбекистонни қуришнинг биринчи кунларидан бошлаб “Халқ давлатта әмас, давлат халққа хизмат қилади”, деган сиёсатни энг устувор вазифа ва тамойил сифатида үзимизга белгилаб олдик. Шу улуғ максад йўлида дастлабки мухим қадамларни қўйдик.

Барчангиз яхши биласизлар, илгари узоқ йиллар мобайнида Жizzахга Марказдан етарли эътибор берилмагани оқибатида вилоятнинг кўплаб соҳаларида тизимли муаммолар йиғилиб қолган. Шунча табиий ресурслар ва қазилма бойликлар бўла туриб, вилоятда биргина “Аккумулятор заводи” ва пахта тозалаш корхоналаридан бошқа саноат деярли йўқ эди.

Сўнгги беш йилда амалга оширган ислоҳотларимиз натижасида Жizzахда ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга кўриниб қолди. Хусусан, вилоятга жалб килинган инвестициялар ҳажми 8,5 баробарга, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар 14 баробарга кўпайган. Шунингдек, 3 мингдан зиёд янги лойиҳалар ишга туширилиб, саноат маҳсулотлари ҳажми бир неча баробарга ошди.

Мактабгача таълим қамрови 16 фоиздан 67 фоизга етказилиди. Аҳоли учун 11 минг хонадонли уйлар қурилди.

Шу билан бирга, вилоятдаги мавжуд муаммоларни барчамиз жуда яхши биламиз. Шу боис, эришилган натижаларга маҳлиё бўлмасдан, вилоятдаги 80 мингдан зиёд ишсизлар бандлигини таъминлашимиз, ҳар йили меҳнат бозорига кириб келадиган 30 мингга яқин ёшларимизнинг келажаги учун мустаҳкам замин яратишимиш шарт.

Бунинг учун вилоятда ҳосилдор ер, қазилма бойликлар, меҳнаткаш аҳоли ва қулай транспорт коридорлари мавжуд. Шулардан келиб чикиб, келгуси беш йилда “ислоҳотларимиз инсон қадрини улуғлаш учун” тамойили асосида шахар, туман, маҳалла ва қишлоқларни ривожлантириш, халқимиз-

га муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича янги режа ва дастурларни сиз, азиз ҳамюртларим билан маслаҳат қилмокчиман.

Ҳурматли сайловчилар!

Жиззах вилоятини, авваламбор, “замонавий саноат карвон-бошилари”дан бирига айлантириш учун барча шарт-шароитларни яратамиз.

Бунинг учун ностандарт ёндашувлар, Жиззах эркин индустриал ҳудуди, логистика ва саноат зоналари хамда бошқа имкониятлардан кенг фойдаланамиз. Жумладан, менда катта кизикиш уйғотган Ҳиндистон тажрибаси асосида вилоятда “Жиззахда ишлаб чиқаринг” саноат дастурини амалга оширамиз. Ушбу дастурда замонавий корхоналарни ташкил этиш, муҳандислик-инфратузилмага уланишга кўмаклашиш, кулагай шарт-шароитлар яратиш бўйича барча имтиёз ва преференциялар назарда тутилади.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун инвестициялар ва ташкил савдо вазири ўринбосари бошчилигига “Инвесторларга кўмак маркази” ташкил этилади. Бу борада ўзаро ёрдам ва амалий ҳамкорлик бўйича Ҳиндистон раҳбарияти билан келишувга эришилди.

Шунингдек, ҳар бир гуманда лойиҳаларни ишлаб чикувчи “Лойиҳа гурухи” ва тадбиркорлар иштирокидаги “Холдинг компанияси” ташкил этилади. Ушбу лойиҳаларнинг 30 фоизгача кисми Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси томонидан молиялаштирилади.

Ҳар бир туманга йилига 30 миллион долларгача, саноат соҳаси кам ривожланган Янгиобод, Зафаробод, Мирзачўл, Дўстлик ва Бахмал туманларига 40 миллион долларгача маблағ ажратиб борилади.

Вилоятда келгуси беш йилда умумий киймати 12 миллиард доллар бўлган 4 мингдан зиёд катта, ўрта ва кичик инвестиция

лойихалари амалга оширилиб, 120 мингта янги иш ўринлари яратилади. Ушбу лойихаларда замонавий машинасозлик, электротехника, энергетика, курилиш материалари, озик-овкат, тўқимачилик, чарм-пойабзal каби соҳаларга алоҳида эътибор каратилади.

Жумладан, “Жиззах” эркин иктисадий зонаси худуди кенгайтирилиб, 800 миллион долларлик 90 дан ортик саноат лойихаси амалга оширилади ва 15 мингта янги иш ўрни яратилади.

Хисоб-китобларимизга кўра, иктисадиёт ва ахоли даромадлари ўсиши туфайли ҳозирги кунда автомобилсозлик мамлакатимиз саноатининг энг йирик тармокларидан бирига айланди. Келгуси беш йилда аҳолимизнинг автомобилларга бўлган талаби йилига 500–600 мингга яқин бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, ушбу саноат тармоғи қишлоқ хўжалиги, курилиш, коммунал соҳа учун ҳам техника ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради.

Шуни инобатга олиб, вилоятда автомобиль саноатига ихтинослашган йирик кластер ташкил этилади. Ушбу кластер тайёр автомобиль ва бутловчи кисмлар ишлаб чиқариш, конструкторлик, логистика, кадрлар тайёрлаш соҳаларини ҳам камраб олади.

Жумладан, Жиззах шаҳри, Пахтакор ва Шароф Рашидов туманларида 500 миллион долларлик 60 та лойиха амалга оширилиб, ҳам автомобиль, ҳам бутловчи кисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, махаллийлаштириш 60 фоизга етказилади. Хусусан, Шароф Рашидов туманида киймати 100 миллион долларлик лойиха хисобидан автомобиллар учун кузов панеллари, пластик кисмлар, ўриндиклар, ёкилги баклари ва бошка бутловчи ҳамда эҳтиёт кисмлар ишлаб чиқарилади.

Бугун биз сизлар билан тадбир ўтказаётган корхона ҳам мана шундай йирик лойихалардан биридир. Бу ерда Америка ва Европанинг нуфузли инженериинг компаниялари билан бирга, тажриба-конструкторлик ва дизайнерлик маркази ташкил этилади.

Натижада 2026 йилга келиб, вилоятда ушбу тармок 13 триллион сүмдан ортиқ маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

Вилоядта “нол”дан ташкил этилган саноат тармокларидан яна бири – бу курилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати хисобланади. Айникса, цемент ва базалтдан курилиш маҳсулотларини энг замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш илк бор Жиззахдан бошланди.

Келгусида бу ишлар узвий давом эттирилиб, вилоядта 1,3 миллиард доллар бўлган 310 та лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, Фориш, Бахмал, Зафаробод ва Янгиобод туманларида 56 та конлар ўзлаштирилиб, ихтисослашган кластерлар ташкил этилади.

Масалан, Фориш туманида базалт тоши чуқур қайта ишланиб, композит қувур, минерал плита, арматура, сунъий тола, геосетка каби маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган технопарк ташкил этилади. Унда 700 миллион долларлик 13 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада мазкур тармокнинг ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга кўпайиб, йилига 450 миллион долларга етади.

Юкоридаги соҳаларни ривожлантириш учун metallurgия саноатини янада кенгайтиришимиз шарт. Бунинг учун вилоядаги табиий ресурс ва имкониятлар билан бир каторда, бошка худудлар ва кўшни давлатлар билан кооперацияга асосланган ҳамкорлик имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур.

Ғаллаорол туманида metallurgия соҳасига ихтисослашган, йиллик 1,5 миллион тонна кувватга эга бўлган “мега” комплекс лойиҳасининг бошланиши ҳам бу борада катта имконият эшикларини очади. Мазкур комплекс ишга туширилгандан сўнг, йилига 1,5 миллиард долларлик 50 турдаги металл маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, Форишдаги “Учқулоч” конида 120 миллион доллар хорижий инвестиция хисобидан йилига 500 минг тонна руда қайта ишланади ва 1 мингта янги иш ўрни яратилади.

Фаллаоролдаги Кўйтош вольфрам кони тикланиб, “Саврук” ва “Кўкбулқ” маҳаллаларидаги 500 нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Яна бир масалага эътибор беринг. Бугунги кунга қадар Жиззах вилоятида бирорта ҳам электр энергиясини ишлаб чикариш кувватлари бўлмаган. Шу боис, бу соҳада 1 миллиард долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилиб, куввати 1 минг 200 мегаватт бўлган электр станциялари барпо этилади.

Мисол учун, Фаллаоролда Бирлашган Араб Амирлигининг “Масдар” компанияси томонидан 150 миллион доллар сармоя ҳисобидан куввати 220 мегаватт бўлган күёш электр станцияси ишга туширилади.

Тўқимачилик саноатига ихтисослашган Пахтакор, Арнасой, Зарбдор, Шароф Рашидов туманлари ва Жиззах шаҳрида 550 миллион долларлик 67 та янги корхона фаолияти йўлга қўйилади. Мисол учун, Арнасойда 25 миллион долларлик мато бўяш ва унга гул босиш лойиҳаси доирасида 1 мингта доимий иш ўрни яратилади.

Шунингдек, вилоятда йилига 50 минг тонна сунъий тола ишлаб чикариш кувватлари босқичма-босқич ишга туширилади. Натижада ип-калава ишлаб чикариш ҳажми 1,7 баробар, газлама мато 5 баробар, трикотаж мато 1,5 баробар ва тайёр маҳсулот 3 баробарга оширилади.

Озик-овқат саноатида 720 миллион доллар бўлган 250 та лойиҳа доирасида 10 мингта янги иш ўринлари ташкил этилади. Бунда юкори салоҳиятга эга ҳисобланган мева-сабзавот, гўшт ва сутни чукур кайта ишлашни ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.

Жумладан, Шароф Рашидов туманида тўлик хорижий инвестициялар ҳисобидан 270 минг тонна маҳсулотларни қайта ишлаш ва 30 минг тонна маҳсулотни саклаш кувватларига эга бўлган “Мега-агрологистика комплекси” ишга туширилади.

Чарм-пойабзал саноатида Дўстлик, Фаллаорол ва Шароф Рашидов туманлари ҳамда Жиззах шаҳрида 128 миллион долларлик 30 та лойиҳа амалга оширилади ва 11 мингта янги иш ўрни яратилади.

Масалан, Шароф Рашидов туманида чарм маҳсулотлари ишлаб чикиришга ихтисослашган саноат зонаси ташкил этилади ва 16 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида экспорт ҳажми 5 баробарга ошиб, 100 миллион долларга етказилади.

Фармацевтика саноатида имконият катта бўлган Бахмал, Зомин, Фориш, Фаллаорол туманларида киймати 350 миллион долларлик 42 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 15 мингта янги иш ўринлари яратилади. Ушбу максадлар учун ҳар бир туманда минг гектардан плантациялар ташкил этилиб, доривор ўсимликлар етишириш ва чукур қайта ишлаш бўйича 4 та классер барпо этилади.

Энг муҳими, саноати паст бўлган Янгиобод, Зафаробод, Мирзачўл, Дўстлик ва Бахмал туманларида янги корхоналар ташкил этишни кўллаб-кувватлаш мақсадида, бу ҳудудларга киритилган инвестициялар ва янги лойиҳаларга уч йилгача солик ва божхона имтиёзлари берилади. Шунингдек, “бир дарча” тамойили асосида оиласидай тадбиркорлик ва кичик бизнес учун мини технологияларни етказиб бериш, уларни 100 минг долларгача молиялаштириш ва ўқитиш хизматлари йўлга қўйилади. Бу максадлар учун 100 миллион доллар имтиёзли ресурслар ажратилади.

Ислом тараккиёт банки ва Саудия Арабистони Хукумати билан ҳамкорликда ташкил этилган “Иктисадий имкониятларни кенгайтириш жамғармаси”дан вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш учун яна 100 миллион доллар йўналтирилади. Бу оркали 25 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Умуман, вилоятда кичик саноат зоналари сони 23 тадан 40 тага етказилади ҳамда уларда 201 миллион долларлик 375 та катта-кичик лойиҳа амалга оширилиб, 10 мингта янги иш ўринлари ташкил этилади.

Вилоятдаги иктиносидий зоналарни инфратузилма билан таъминлашга бюджетдан 320 миллиард сўм йўналтирилади.

Худудга фаол инвестициялар, йирик хорижий компанияларни жалб килиш максадида вилоятда ҳар йили Халқаро индустрисиал Форумни ўтказишни таклиф этаман.

Яна бир муҳим масала – ракобат тобора кучайиб бораётган даврда ёшларимиз юкори технологияларни мукаммал эгаллаши шарт. Жиззах вилояти бу соҳада ташаббус кўрсатиб, вилоятда IT соҳасидаги мактаб, парк ва олийгоҳни камраб олган IT кластери тузилади. Ушбу максадлар учун вилоятда керакли инфратузилмани ривожлантиришга 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Энди ҳар йили Жиззахнинг шиҷоатли ёшлари ўртасида тандов ўтказилиб, ғолиб бўлган “Энг зўр бизнес ғоялар” учун бепул бизнес-режа тайёрланади ва улар молиялаштириб борилади. Бу тадбирлар учун Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги жамғармасидан 100 миллиард сўм берилади.

Вилоятнинг яна бир устун соҳаси хисобланган транспорт-логистика йўналишида ҳам лойиҳалар янада кўпайтирилади. Жумладан, Мирзачўлда Қозогистон, Янгибодда Тожикистон билан чегарадош худудларда эркин савдо зонаси ва агрологистика маркази ташкил этилади. Шароф Рашидов туманидаги собиқ “Осиё бозори” ўрнида йирик улгуржи савдо маркази қурилади. Шунингдек, вилоятда ҳар йили кўшни давлатлар бизнес вакиллари учун “Халқаро ярмарка” ўтказиш йўлга кўйилади.

Вилоят экспорт ҳажми келгуси 5 йилда 3,2 баробарга ортиб, йиллик 620 миллион долларга, шундан саноат маҳсулотлари экспорти 500 миллион долларга етказилади. Бунда экспорт

таркибида күшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар улуши 23 фоиздан 75 фоизга етади.

Ҳар бир тумандан 10 тадан салоҳиятли корхоналар саралаб олиниб, уларни ташки бозорга олиб чиқиши даструрлари ишлаб чиқилади. Бу мақсадлар учун 50 миллион доллар имтиёзли маблағ берилади.

Қадрли юртдошлар!

Бир ҳақиқатни алоҳида айтиб ўтмокчиман. Сұнгги йилларда вилоятга тадбиркорлик рухи кириб келгани, аҳоли әртанги кунига ишониб бизнесини бошлаётгани ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллада яккол сезилмоқда. Бу саъй-харакатлар аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қискартиришда мухим ўрин тутишини инобатга олиб, вилоятда кичик бизнес ва оиласвий тадбиркорлик учун имкониятларни янада кенгайтирамиз.

Биринчи галда, Жиззах вилояти келгуси беш йилда ёшлар тадбиркорлиги бүйича намунали худудга айлантирилади. Бунинг учун 50 мингдан зиёд ёшлар – тадбиркорликка, 28 минг нафари – талаб юқори бўлган касб-хунарларга ўргатилади. Бу ишларга йилига 50 миллиард сўм маблағ ўналтирилади. Ёшларнинг тадбиркорлик лойихалари учун 1 трилион сўм кредит ажратилиб, 26 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Бундан ташкари, 15 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари барпо килиниб, ёш тадбиркорларнинг 840 та лойихалари амалга оширилади. Натижада 10 мингта янги иш ўринлари ташкил этилади. Ёш тадбиркорларга асбоб-ускуналар сотиб олиши учун субсидиялар ажратиш ҳисобидан 12 минг нафар ахолининг бандлиги таъминланади.

Бу ишларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун 299 та маҳалланинг ҳар бирида ватанпарвар, билимли, шижаотли, янгиликка чанкөк ёшлар орасидан “ҳоким ёрдамчилари” тайинланади. Улар бундан буён маҳаллада

асосий ислоҳотчи бўлиб, ўз “бюджет”ига ҳамда тегишли ваколат ва имкониятларга эга бўлади. Маҳалладаги уюшмаган ёшлар, ишсизлар ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бўлганларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг эҳтиёжи ва лаёкатини аниглаш, тадбиркорлик кўникмаларига ва касб-хунарга ўқитиш ишларини ташкил этади. Шунингдек, банклар билан ҳамкорликда оилавий тадбиркорлик ва кооперация лойихаларини ишлаб чиқиш, кредит олиш ва ишга туширишда ахолига яқиндан кўмаклашади.

Бундан ташкири, вилоятда аёлларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатиш бўйича ҳам янги тажриба йўлга қўйилади. Бунинг учун ҳар бир туманда талаб юкори бўлган тикувчилик, пазандалик, сартарошлик, хунармандчилик каби йўналишларда “аёллар бизнес марказлари” ташкил этилиб, 25 минг хотин-қизлар касбга давлат ҳисобидан ўргатилади. Ҳар йили вилоятда “100 нафар фаол тадбиркор аёл” танлови ўтказилиб, уларга 100 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Вилоятда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 200 миллиард сўм йўналтирилади. Бу маблагни, ишлатилишига караб, яна кўпайтиришга тайёрман.

Умуман олганда, вилоятда оилавий тадбиркорлик дастурлари учун ҳар йили камида 600 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилади.

Вилоятнинг географик жойлашуви, бетакор ва сўлим табиати бу ерда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун кенг имкон беради. Шулардан келиб чиқкан ҳолда, Зомин, Фориш, Бахмал туманлари ва “Айдар-Арнасой” кўллар тизимида кўшимча туристик зоналар ва дам олиш масканларини барпо этиш бўйича 300 миллион долларлик лойихалар амалга оширилиб, 25 минг иш ўринлари яратилади.

Бунинг учун маҳсус дастур қабул қилиниб, унда қўйидагилар назарда тутилади:

- Жиззах шаҳридаги темир йўл вокзалидан ушбу ҳудудлардаги туристик мажмуаларга тезюар автобуслар катнови йўлга кўйилади;
- Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудлардан уюшган ҳолда келадиган туристларга транспорт харажатларининг бир қисми қоплаб берилади;
- ушбу туманларнинг туризм обьектларига йўл ва электр тармоқларини тортиш учун 200 миллиард сўм ажратилади;
- аҳоли хонадонларида “оиласвий меҳмон уйлари”ни йўлга кўйиш учун ўкув маркази ташкил этилади ва имтиёзли кредитлар, субсидия ва янги енгилликлар пакети жорий этилади;
- ушбу туманлардаги туризм соҳасидаги тадбиркорлар учун маҳсус солик режими татбик этилади. Бунда уч йил давомида айланмадан олинадиган солик ва ижтимоий соликни 1 фоиз ставкада, мол-мулк, ер, сув соликларини ҳисобланган суммадан бор-йўғи 1 фоизини тўлайди;
- йўл бўйларида савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш обьектлари курилади.

Шунингдек, “Зомин” туристик ҳудудида замонавий тоғ-чанги комплекси, тоғ-дор йўли, 8 та сиҳатгоҳдан иборат “рекреацион зона” барпо этилади.

Умуман, вилоятда кичик бизнес ва хизматлар соҳасида “маҳаллабай” ишлаш орқали 100 мингта янги иш ўринлари ташкил этилади.

Мұхтарам дўстлар!

Бу замин ери ҳосилдорлиги, майдонининг бепоёнлиги ва барча турдаги маҳсулот етишириш учун мос келиши билан алоҳида ажralиб туради. Лекин шу вақтгача бу салоҳиятни ишга sola олмаганимиз ҳам ҳақикат.

Биргина мисол, пахта етишириш қанча машақкат ва оврагарчиликлар, кагта сарф-харажатлар билан амалга оширил-

гани, ҳатто декабрда ҳам пахта терилгани ҳали ҳаммамизнинг ёдимиизда. Яратилган имкониятлар, кластерлар ташкил этилгани, инвестиция ва техника олиб келингани бугун ўз самарасини бермоқда. Бу йил етиштирилган мўл-кўл ҳосилни ўзингиз кўрдингиз.

Фурсатдан фойдаланиб, қариб 260 минг тонналик пахта хирмонини бунёд этиб, юзи ёрут бўлган дехкон ва фермерларимиз ҳамда кластерлар раҳбар ва ишчиларини самимий табриклаб, уларга чукур миннатдорлик билдираман.

Бундан буён ердан олинадиган иқтисодий самарани кескин кўпайтириш аграр соҳадаги ислоҳотларнинг асосий мақсади бўлади.

Хозирги пайтда бир гектар ердан олинаётган ўртача даромад 1 минг долларни ташкил этаётган бўлса, уни 5 баробаргача ошириш чораларини кўриш зарур.

Бунинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонларида замонавий агротехнологияларни қўллаш ҳамда янги навларни жорий этиш ҳисобидан ҳосилдорлик пахта етиштириш бўйича ўртача 60 центнергача, ғалла ҳосилдорлиги эса 90 центнергача олиб чикилади;

- бу майдонларда сув тежайдиган технологияларни жорий килиш учун 500 миллиард сўм субсидия берилади;

- 78 минг гектар экин майдонининг сув таъминоти ва 40 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилади. Бунинг учун бюджетдан 1,5 триллион сўм ажратилади.

Бир нарсага эътибор беринг. Юкорида агрологистика марказлари ҳакида гапирдик. Уларнинг самарали фаолият юритиши учун йилига 1 миллион тонна сифатли, ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган, сертификатланган мева-сабзавот керак. Ушбу маҳсулотларни етиштиришни хозирнинг ўзидан режа килиб, ҳар бир туманда тизимли ишларни ташкил қилишимиз лозим. Ана

шу максадда 16 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари ҳосилдорликни ошириш ҳисобидан кисқартирилиб, аҳолига 50 сотихгача узок муддатли ижарага берилади. Бунинг натижасида 35 минг аҳоли бандлигини таъминлаш имкони ҳам яратилади.

Масалан, Шароф Рашидов туманидаги “Бобур” ва “Абдуолимов” худудларидағи аҳоли ўз томорқасидаги узум ва анор орасига такрорий ва тўқсонности экинларини экиш бўйича катта тажрибага эга. Шундан келиб чикиб, ушбу худудларда пахта ва ғалла ўрнида боғ ва токзорлар барпо этилиб, катор орасидан 3–4 марта ҳосил олиш ташкил килинади.

Бундан ташкари, 15 мингта хонадонда ихчам иссиқхоналар куриш учун имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилади.

Сув таъминоти оғир бўлган 125 та маҳаллада 700 га кудук казилиб, 13 мингдан ортиқ хонадоннинг сув таъминоти яхшиланади.

Келгуси беш йилда фойдаланишдан чиқкан ва лалми ерлар бўлган 160 минг гектар майдон ўзлаштирилиб, бу ерларда кооперация усулида маҳсулот етиштириш йўлга қўйилади. Бунда янги ёндашув жорий этилиб, танлаб олинган ер майдонлари аукционга қўйилади ва ерларни ўзлаштириш учун ҳар бир гектар учун 10 миллион сўмгача субсидия белгиланади.

Бу тажрибани Дўстлик, Арнасой, Янгиобод, Галлаорол, Бахмал, Зомин ва Фориш туманларида оборотдан чиқкан 10 минг гектар майдондан бошлаймиз. Ушбу ерларда дехкончилик қиласидиган тадбиркорлар ер солиғини гектарига 1 сўм миқдорида тўлайдилар.

Шунингдек, Зафарободда қурилаётган сув иншооти ҳисобидан Фориша 20 минг гектар ўзлаштирилиб, интенсив боғ, ёнғокзор ва узумзор барпо қилинади, картошка, сабзавот, полиз, мойли ва дуккакли маҳсулотлар етиштирилади. Натижада 30 минг аҳоли иш билан таъминланади.

Бундан ташқари, Бахмал, Галлаорол, Зомин, Шароф Рашидов, Зарбдор ва Янгиобод туманларида 42 та кластер корхонаси ташкил килиниб, 50 минг гектар майдонларда токзор ва интенсив боғлар барпо этилади.

Яна бир лойиха. Жорий йилда 55 гектар адир ерларда заъфарон ўсимлигидан олинган ҳосил Италияга 2 миллион долларга экспорт килинган. Яъни бир гектардан 36 минг доллардан даромад олинган. Бу лойиха 40 миллион доллар инвестициялар ҳисобига кенгайтирилиб, Бахмал ва Зоминда заъфарон плантациялари 2 минг гектарга етказилади.

Худди шунингдек, Зарбдор, Зафаробод ва Форишда 3 минг гектар янги майдонларда ковунчилик кластерлари барпо этилиб, 5 мингта иш ўрни яратилади.

Зомин ва Зарбдор туманларида йирик чорвачилик комплексини ташкил этиш бўйича қиймати 200 миллион долларлик лойихани бошлаганмиз. Бу республикадаги энг йирик лойиха бўлиб, илғор технологиялар асосида озука тайёрлаш, зотдор насл олиш, гўшт-сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш каби барча жараённи камраб олган.

Шу билан бирга, вилоятда келгуси беш йилда гўшт, сут, тухум ва балиқ этиштириш ҳажми 2 баробарга оширилади. Бунинг учун вилоятга хориждан 35 минг бош наслли корамол, 70 минг бош қўй-эчки олиб келинади ва ўзлаштирилган ерлар ҳисобидан 40 минг гектар озука экинлари учун ажратилади.

Галлаорол, Зарбдор, Зомин, Шароф Рашидов ва Жиззах туманларида кўшимча 150 миллион дона тухум ва 20 минг тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш бўйича 700 миллиард сўмлик лойиҳалар ишга туширилади.

Шунингдек, аҳоли хонадонларида парранда бокиш орвали 25 мингта оила кўшимча даромад олиш имконига эга бўлади.

Айдаркүл атрофидаги сунъий күлларда аҳоли билан бирга, кооперация усулида, 100 минг бош ўрдак, гоз ва курка бокиш бўйича кластер фаолияти йўлга кўйилади.

Кўп йиллардан буён муаммоли масала бўлиб келаётган “Айдар-Арнасой” кўллари худудида экологик баркарорликни саклаш бўйича алоҳида дастурни амалга оширамиз. Аввало, “Айдар-Арнасой” кўлларини “Дўстлик” ва “Жанубий Мирзачўл” каналлари орқали тўйинтириш ишларини якунига етказамиз. Натижада биргина Дўстлик канали орқали ҳар йили 500 миллион куб метргача кўшимча сув ташлаш имкони яратилади.

Шунингдек, 6 минг гектар сунъий сув хавзаларида балик етишириш бўйича ҳосилдорликни 4–5 баробарга ошириш ва хонадонларда интенсив усулда балик бокишни кўпайтириш хисобидан вилоятда балик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 50 минг тоннага етказилади.

Масалан, Шароф Рашидов туманидаги кластер балик етиширишни кооперация асосида ташкил килиб, хонадонларда етиширилган 1 минг тонна баликни сотиб олиб, кайта ишлашни йўлга кўйган. Бунинг хисобидан битта хонадон ўртacha 20 миллион сўмдан кўшимда даромад олмоқда.

Шу билан бирга, кластер кошида ташкил этилган ўкув марказида ҳар йили минг нафар ёшлар интенсив усулда балик етишириш ва узумчилик бўйича тадбиркорлик фаолиятига ўқитилмоқда. Бу каби илгор кластерлар тажрибаси барча туманларда жорий этилади.

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимизнинг ҳар бир ахолиси, хусусан, жizzахликлар ҳам бугундан яхши яشاши, уйи ёруғ ва иссик, маҳалла ва кўчалари обод бўлиши керак. Бусиз ҳалқимизни рози кила олмаймиз.

Шу боис, биз “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурларини биринчи бор 2018 йилда Жиззах вилоятида бошлаб, Манас киши-

лоғи ҳамда Мирзачўл тумани марказини қиска муддатда обод килдик. Бу борада Жиззахда ортирилган тажриба бутун мамлакатимиз учун ўрнак ва намуна бўлди, десак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Шу ишларни давом эттириш мақсадида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 208 та қишлоқ ва маҳаллада кенг қўламли ободонлаштириш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади ва бу мақсадлар учун 1 триллион сўм ажратилади. Бахмал, Зомин, Фориш ва Янгиобод туманларининг 28 та маҳалласида инфратузилмани яхшилаш ва ижтимоий обьектлар куриш учун алоҳида 200 миллиард сўм йўналтирилади.

Шунингдек, 875 километр ичимлик ва 96 километр оқова сув тармоклари, 103 та сув иншооти барпо этилиб, бунга 2 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Натижада аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 60 фоиздан 90 фоизга етказилиди.

Бундан ташкари, 5 минг километр электр тармоклари, 2 та подстанция, 1,5 мингта трансформатор янгиланади ва таъмирланади.

Йўл инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 3,5 минг километр автомобиль йўллари ва ички кўчалар, 165 та кўпприкни қуриш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, бу ишлар учун 2 триллион сўм йўналтирилади. Шунингдек, 200 миллион доллар инвестиция хисобидан Зомин, Бахмал, Ғаллаорол туманларидан ўтувчи автомагистралнинг 158 километри реконструкция килинади.

Зарафшон дарёсидан сув олиш бўйича тарихий лойиҳа якунланиб, Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳрида 700 минг аҳолининг марказлашган ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

Аҳолининг уй-жой билан боғлик масалаларини ҳал қилиш мақсадида, келгуси беш йилда жами 18 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар барпо этилади ҳамда уй-жойга муҳтоҷ

3 мингта эҳтиёжманд оиласга 120 миллиард сўм субсидиялар ажратилади.

Шароф Рашидов, Зомин, Ғаллаорол, Бахмал, Пахтакор ва Фориш туманларида 6 минг хонадонли кўп қаватли уйлар, мактаб, боғча, шифохона, савдо маркази каби объектлардан иборат Янги Ўзбекистон мавзелари барпо этилади.

Шу билан бирга, Жиззах шаҳри аҳолиси бугунги кунда 180 мингдан ошиб, келгуси беш йилда 230 мингга етиши кутилмоқда. Лекин шаҳарнинг инфратузилмаси 50 йил ичидаги эскириб, ҳали ҳам 50 минг аҳолига мўлжалланган ҳолда колиб кетган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шу боис, шаҳарнинг киёфаси ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш, аҳоли учун муносиб шароит яратиш бўйича алоҳида дастурни амалга оширамиз.

Бунда, энг аввало, Жиззах шаҳрида 10 минг хонадонга мўлжалланган, барча ижтимоий ва иктисодий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон шаҳарчаси” ва кичик саноат зонаси барпо этилади. Шахардаги 34 та маҳаллага 70 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 534 та кўп қаватли эски уйларнинг барчаси таъмирланади. Ичимлик суви ва канализация тизимини ривожлантириш бўйича 80 миллион долларлик лойиҳа яқунланиб, марказлашган ичимлик суви камрови 100 фоизга, окова сув хизматлари 90 фоизга етказилади.

Шаҳарнинг иссиклик таъминотини яхшилаш бўйича ҳам маҳсус дастур амалга оширилиб, “Темир йўлчилар” кўчасида 700 метрлик йўлутқазгич курилади ва темир йўл кесишималаридаги транспорт тирбандлиги билан боғлик муаммо узил-кеслил ҳал этилади. 50 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи”, 25 гектарда “яшил майдонлар” барпо этилади, шаҳарда йилига камида 100 минг туп мевали ва манзарали дараҳтлар экилади.

Умуман олганда, келгуси беш йилда Жиззах вилоятини иктисадий ва ижтимоий ривожлантириш учун давлат ҳисобидан

45 триллион сўм ажратилади ва 230 мингга яқин иш ўринлари яратилади.

Қадрли дўстлар!

Ота-боболаримиз айтганидек, инсон икки неъматнинг қадрига етиши зарур. Бири – хотиржамлик бўлса, иккинчиси – сиҳат-саломатликдир. Афсуски, кўпчилигимиз бунинг қадрига етмаймиз. Мисол учун, жорий йилда вилоятда ўtkазилган тиббий кўрикларда 250 минг нафар аҳолида турли сурункали касалликлар аниқланган.

Вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт маркази, Бахмал, Фаллаорол ва Дўстлик тумани шифохоналари аянчли ҳолатда, 20 дан зиёд поликлиниканинг ускуналари 30 йилдан бери ишлатиб келинади. Жиззах шаҳридаги 5 та оиласий поликлиникадан 2 таси ижарада, 3 таси 30 йил аввал таъмирланган.

Ана шу муаммоларни бартараф этиш, вилоятда тиббий хизматлар сифати ва камровини ошириш, уни янги босқичга олиб чикиш ва одамларни рози килиш мақсадида барча оиласий шифокорлик пунктлари ва поликлиникалар тубдан таъмирланиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

Шунингдек, қўшимча 23 та оиласий поликлиника ва шифокорлик пунктлари очилади. Жиззах шаҳрида 320 ўринга мўлжалланган кўп тармокли вилоят шифохонаси ҳамда энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Болалар диагностика маркази ташкил этилади.

Бундан ташқари, Фаллаорол, Пахтакор ва Зомин туманларида “перинатал марказлар”, Дўстлик, Фаллаорол ва Зомин туманларида жароҳатлар ва ўткир кон томир касалликларига ихтисослашган тиббиёт марказлари фаолияти йўлга кўйилади.

Тез тиббий ёрдам тасарруфидаги 100 дан зиёд “Дамас” автомобиллари Жиззахда ишлаб чиқарилаётган “Фольксваген” машиналарига алмаштирилади. Тоғли ва олис ҳудудлар учун тиббий вертолёт фаолияти йўлга кўйилади. Ушбу максадлар учун келгуси беш йилда бюджетдан 2,1 триллион сўм маблағ ажратилади.

Сир эмаски, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ишларига малакали шифокорларнинг етишмаслиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда вилоятда 1,5 мингга яқин врачларга эҳтиёж мавжуд. Ушбу эҳтиёжни таъминлаш максадида тиббиёт олийгоҳларида ўқиётган 1 минг 200 нафар жizzахлик талабаларни ўз ҳудудларида ишга жалб этиш учун кулай шароит яратилади. Улар билан шартнома тузилиб, таълим контракт пуллари ҳокимликлар томонидан тўлаб берилади.

Бундан ташкари, “Қишлоқ шифокори” дастури кенгайтирилиб, яна қўшимча 6 та олис кишлоқкка ишлашга борадиган ёш шифокорларга ҳам 30 миллион сўмдан берилади.

Мұхтарам сайловчилар!

Фарзандларимизга замон талаблари асосида таълим-тарбия бериш, бўш вактларини мазмунли ўтказиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш “Инсон қадри учун” тамойилининг асосий йўналишларидан биридир.

Шу маънода, таълимнинг пойдевори бўлган мактабгача таълим тизимида бошлаган ислоҳотларимизни изчил давом эттирамиз ҳамда камров даражасини ҳозирги 67 фоиздан 80 фоизга стказамиз. Бунинг учун 50 та давлат боғчалари қурилади ва таъмирланади, 730 та хусусий ва оиласвий боғчалар ташкил этилади.

Боғчалар учун олий маълумотли педагогларни кўпайтириш максадида ушбу йўналишдаги кабул квоталари 2 баробарга оширилиб, олий маълумотли педагог кадрлар улуши 50 фоизга етказилади.

Кўп бор таъкидлаганимиздек, барча ислоҳотларимиз замира мактабларда берилаётган таълим-тарбия ётади. Вилоятда таълим сифатини яхшилаш максадида алоҳида дастур кабул киламиз. Унда, энг аввало, ривожланган мамлакатлардан малакали мутахассислар олиб келиниб, вилоятдаги 22 минг нафар ўқитувчининг малакаси оширилади.

Шунингдек, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўкувчиларнинг кун давомида вактини мазмунли ўтказишни на-зарда тутувчи алохидатаси ўкув ва тўгараклар дастури ишлаб чикилади. Чет тиллари ва IT фанлари бўйича 6 мингга якин ўқитувчиларнинг халкаро сертификат олишлари учун барча шароитлар яратилади.

Мактаблардаги ўкув режалар ўкувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятидан келиб чиккан ҳолда, уларнинг танлови асосида шакллантирилади. Яъни, ўкув юкламаси сакланган ҳолда, аник ёки ижтимоий фанлар ўкувчининг танлови асосида ўргатилади.

Шунингдек, вилоятда 34 та янги мактаб курилиб, 143 та умумтаълим муассасаси реконструкция килинади. Натижада 55 мингта кўшимча ўкувчи ўринлари яратилади.

Бахмал, Фаллаорол, Шароф Рашидов, Зомин, Зарбдор, Фориш туманлари ва Жиззах шаҳридаги юкламаси юкори бўлган 25 та мактаб учун кўшимча ўкув бинолари курилади.

Олий таълим келгуси беш йилда Жиззах вилояти ривожланишининг асосий драйверларидан бирига айланиши керак. Бу борада вилоят ёшларининг олий таълим билан камров даражаси 50 фойиздан оширилади. Бунинг учун вилоятдаги олийгоҳлар сони 8 тага стказилади.

Жумладан, Жиззахда машинасозлик саноати ривожланаётганини ҳисобга олиб, нуфузли хорижий ҳамкорлар билан биргаликда шу йўналишга ихтисослашган касб мактабларини очамиз.

Таълим ва ишлаб чикириш интеграциясини таъминлаш максадида, Жиззах политехника институтида Инновацион ғоялар маркази ташкил этилади. Шу билан бирга, хориждан профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш кўлами кенгайтирилади.

Вилоят спорти ҳакида гап борганда, аввало, ҳамманинг кўз олдига “Сўғдиёна” футбол жамоаси ҳамда “Сўғдиёна Вумен” аёллар футбол жамоаси келади. Мамлакатимиз олий лигасида юкори натижаларни кўрсатаётган ушбу жамоаларнинг Сардор

Рашидов ва Азиз Ганиев каби тарбияланувчилари Осиёда Ўзбекистонимиз нуфузини дунёга таратмоқда.

Хабарингиз бор, шу йил Латвияда ўтказилган футзал бўйича Жаҳон чемпионатида нимчорак финалгача етиб борган миллий жамоамизнинг 14 нафар аъзосидан 9 нафари айнан Жиззах вилояти ўғлонлари эди. Шуни хисобга олиб, вилоятда футболни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича катта ишларни амалга оширамиз. Жумладан, “Сўғдиёна” футбол клуби базасида Футбол академияси ташкил этилади. Академия билан нуфузли Европа футбол жамоалари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиб, мураббийлар ва истеъододли ёш футболчиларни у ерда малака ошириши йўлга қўйилади.

Азиз юртдошлар!

Бугун биз келгуси беш йил учун жуда катта мэрраларни белгилаб олмоқдамиз. Шуни яхши англашимиз керакки, ҳеч ким четдан келиб биз учун бу ишларни қилиб бермайди. Факат ўзимиз, ўз кучимиз, ҳалол ва машақкатли меҳнатимиз билан ҳамма нарсага эришишимиз керак. Иродамиз мустаҳкам, бағримиз кенг бўлиши керак.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, аҳил ва яқдил бўлиб, яхши ният билан харакат қилсак, ҳар кандай мэрраларни эгаллашга қодирмиз.

Мен ҳозирги кескин ва мураккаб бир даврда Ўзбекистонга раҳбарлик қилишдек улкан масъулиятни зиммамга олишга қарор килган эканман, бутун ҳалқимиз катори, сиз, азиз юртдошларимга, меҳнаткаш Жиззах ахлига таянаман.

Яна бир бор барчангизга сиҳат-саломатлик, оиласангизга тинчлик ва фаровонлик, баҳту саодат тилайман.

Жонажон Ватанимиз, она ҳалқимиз доимо омон бўлсин!

Катта раҳмат сизларга!

Жиззах шаҳри,
2021 йил 21 октябрь

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЙ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти
лавозимига киришии тантинали маросимига
багишланган Олий Мажлис палаталарининг
қўйма мажлисидаги нутк)*

Ассалому алайкум, мухтарам ватандошлар!
Хурматли Сенат аъзолари!
Хурматли Конунчилик палатаси депутатлари!
Хорижий дипломатик корпус вакиллари!
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, менга улкан ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайлаган барча юртдошларимга чин қалбимдан миннатдорлик изхор этиб, меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садокати билан таъзим қиласман.

Сиз, азизларга, сизлар орқали бутун эл-юртимизга тинчлик ва саломатлик, оиласвий баҳт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жонажон Ватанимиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган давлат байроғимиз, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юксак хурмат бажо келтираман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайла нишимни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб бораётган сиёсатимизнинг юксак эътирофи сифатида қабул қиласман.

Мухтарам тантанали мажлис иштирокчилари!

Бўлиб ўтган сайловларда кўпмиллатли халқимиз фаол иштирок этиб, ўзининг эркин хоҳиш-иродасини, юксак ҳукукий онги ва сиёсий маданиятини яққол намоён этди.

Халқимиз билан биргаликда танлаган ва амалга ошираётган ривожланиш йўлимиз накадар тўғрилигини сайлов натижалари яна бир бор тасдиқлади. Бу эса барчамизга янги куч, баланд рух ва ишонч бағишлайди.

Сайловнинг эркин ва демократик, очиқ ва ошкора, соғлом ракобат ва сиёсий кураш мухитида ўтганини халқаро ва хорижий кузатувчилар ҳам эътироф этдилар.

Президент сайловида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигининг узок муддатли миссиялари бутун сайлов жараёнларини бевосита кузатиб борди. Айникса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон хуқуклари бюроси ҳамда Парламент Ассамблеяси каторида биринчи марта Европа парламентидан ҳам кузатувчилар иштирок этди.

Умуман, сайловда 18 та халқаро ташкилот ва 45 та хорижий давлатнинг мингга яқин вакиллари халқаро кузатувчи сифатида катнашди. Шу билан бирга, 1 минг 700 га яқин маҳаллий ва хорижий журналистлар сайлов жараёнларини бевосита ёритиб борди. Уларнинг барчаси, сайлов миллый конунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро тамойиллар асосида, юкори савияда ўтганини алоҳида қайд этдилар.

Азиз юртдошлар!

Сайловда менга билдирилган ишонч – юксак шараф, муқаддас бурч эканини, айни вактда бу ишонч зиммамга қандай улкан масъулият ва жавобгарлик юклашини ҳам чукур хис этиб турибман.

Номзодимни илгари сурган ва сайлов кампаниясида қўллаб-куватлаган Тадбиркорлар ва ишビルармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзолари ва фолларига, барча тарафдорларим ҳамда ишончли вакилларимга ташаккур айтаман.

Сайловда фаол иштирок этган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод – Максуда Ворисовага, “Миллый тикланиш” демократик партиясидан – Алишер Қодировга, Ўзбекистон Экологик партиясидан – Нарзулло Обломуродовга, “Адо-

лат” социал-демократик партиясидан – Баҳром Абдуҳалимовга алоҳида миннатдорлик билдираман. Уларга келгуси ишларида омадлар тилайман.

Биз сайлов жараёнида ўзаро ракобат қилган бўлсак, энди барча орзу-интилиш ва харакатларимизни бирлаштириб, сиёсий партиялар билан фаол ҳамкорлик киламиз. Уларнинг сайловолди дастурларидағи муҳим амалий ғоя ва таклифлар келгуси фаолиятимизда эътиборимиздан четда колмайди.

Бутун куч ва салоҳиятимизни ягона улуғ мақсадимиз – Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратамиз.

Бугун шу юксак минбарда туриб, барча ҳудудларимиз – Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ахолисига;

юртимизда тинчлик ва дўстлик мухитини мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат килаётган маҳалла фаоллари, фукаролик жамияти институтлари вакиллари ва дин арбобларига;

эзгу дуолари, ҳаётий маслаҳатлари билан бизнинг ишимизга унум ва барака бераётган мўътабар фахрийларимизга;

жамиятимиз ҳаётида бекиёс ўринга эга бўлган муҳтарама аёлларимизга;

иктисодиёт, саноат, аграр ва ижтимоий соҳаларда фидокорона меҳнат килаётган ишчи-хизматчиларга, тадбиркор ва фермерларга, курувчи-бунёдкорларрга;

бутун борлигини илм-фан ва маънавиятни юксалтириш, навкирон авлод тарбиясига багишлаган устоз ва мураббийларга, илмий ва ижодкор зиёлиларга, маданият ва санъат ахлига;

эл-юртимиз соғлигини асраршдек олижаноб максад йулида ўзини аямасдан, мардона меҳнат килаётган тиббиёт ходимларига;

Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур, Бобур Мирзо каби улуг аждодларимиз анъаналарини муносиб давом эттираётган мард ва жасур ҳарбий хизматчиларимизга;

жахон майдонларида Ватанимиз байробини баланд кўтараётган матонатли спортчиларимизга;

Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналаримиз ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ходимларига;

сайлов жараёнларини кенг ва холис ёритган оммавий ахборот воситалари вакилларига, журналист ва блогерларга чин юракдан миннатдорлик билдираман.

Ёш авлодимизга – менинг ўғил-қизларимга қаратада айтмоқчиман: томирларида буюк боболаримизнинг ғайрат-шижоати жўш уриб турган азиз фарзандларим, сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этишда доимо олдинги сафда бўласизлар, деб ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан самимий табрикларини йўллаган мамлакатимизнинг барча фукароларига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларига, сиёsat ва жамоат арбобларига чукур эҳтиромимни изхор киласман.

Фурсатдан фойдаланиб, сайловда иштирок этган барча халқаро кузатувчиларга ўз номимдан, халқимиз номидан ташаккур айтаман.

Хурматли тантанали маросим катнашчилари!

Бугунги тантанали маросим пойтахтимиз марказида барпо этилган, барча замонавий шароитларга эга бўлган муҳташам Сенат биносида ўтаётганида ҳам чукур рамзий маъно бор, албатта.

Бу кутлуғ маскан мамлакатимиз равнаки йўлида муҳим конун ва қарорлар қабул килинадиган нуфузли даргоҳга, замонавий миллий давлатчилигимиз кўзгуси ва демократия мактабига айланади, деб ишонаман.

Янги Ўзбекистон тимсолларидан бири бўлган Сенат биноси ҳаммамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, бундан беш йил олдин ҳалқимиз билан бамаслаҳат Ҳаракатлар стратегиясини кабул килган эдик. Ўтган давр мобайнида ушбу Стратегия асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Янги муддатга лавозимга киришаётган Президент сифатида жонажон Ватанимизнинг бугунги куни ва келажаги учун бутун масъулият ва жавобгарликни чуқур хис этган ҳолда айтмоқчиман:

Ҳалқимиз билан бошлаган демократик ислоҳотлар йўлини янада қатъий давом эттирамиз ва бу йўлдан хеч качон ортга қайтмаймиз!

Янги Ўзбекистонни биргаликда албатта барпо этамиз!

Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва конунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимнинг бош мезони бўлиб колади.

Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвозд тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фукаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқук ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фукаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малякали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик мухит яратиб беришни тушунамиз.

Хурматли тантанали маросим иштирокчилари!

Бугунги даврамизда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳалқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий давлатлар элчилари катнашаётгани барчамизга катта мамнуният багишлийди.

Сўнгги йилларда юртимизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, инсон ҳуқук ва эркинликлари ҳамда конун устуворлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишла-

римиздан, ўйлайманки, сиз, хурматли дипломатлар ҳам хабардорсиз.

Бу соҳадаги амалий фаолиятимизнинг эътирофи сифатида Ўзбекистон биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуклари кенгаши аъзолигига сайланганини айтиб ўтиш кифоя.

Айни пайтда биз инсон ҳуқук ва эркинликларини химоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз.

Маълумки, бу олий қадриятни том маънода қарор топтириш – бирон-бир манзилга стиб бориб тўхташ, дегани эмас. Инсон ҳуқукларини химоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз чукур англаймиз. Жаҳон тарихи ва демократик давлатлар тажрибаси ҳам шундан далолат беради.

Шу муносабат билан бу соҳадаги вазифаларни амалга оширишда биз ҳалкаро ҳамжамият, жумладан, Сиз, муҳтарам дипломатик корпус вакилларининг яқин ҳамкорлигига ишонамиз.

Қадрли сенатор ва депутатлар!

Эл-юртимиз биз бошлаган ҳалқчил ислоҳотларга бугун хайриҳоҳлик ва қатъий ишонч билан караб, уларнинг ҳосили ва самарасини тезрок кўришни истамокда. Ана шу ҳакли талабни инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон таракқиёт стратегиясини ишлаб чикиб, сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалк мухокамасидан ўтказдик.

Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислоҳотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш максадида “**Ҳаракатлар стратегиясидан – Таракқиёт стратегияси сари**” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибиға қўйилди.

Биз ушбу стратегияда юртимизда яшаётган ҳар бир фукаронинг ҳуқук ва эркинликлари, конуний манфаатларини энг олий қадрият этиб белгиладик.

Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистон таракқиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради. Биз бундан бўён фаолиятимизни “инсон – жамият – давлат” деган янги тамоийл асосида ташкил этамиз.

Сайловчилар билан мулокотлар пайтида билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий таклиф ва ташабbusлар асосида биз Таракқиёт стратегиямизни янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдамиз ва бу жараён яна давом этади. Чунки Ватанимизнинг тақдирни ва келажаги билан боғлик устувор масалаларни ҳал этишда кенг жамоатчилик, ҳар кайси фукаронинг фикри биз учун ўта муҳимdir.

Бу борада яна бир долзарб масалага эътиборингизни каратмоқчиман.

Келгуси беш йил учун устувор йўналишларни белгилаб олар эканмиз, ўтган даврда эришган ютуқларимиз билан бирга, йўл кўйилган хато ва камчиликларни ҳам танқидий нуктаи назардан чуқур тахлил килишимиз лозим. Нега деганда, ўз келажагини ўз қўли, ўз кучи билан яратишга бел боғлаган ҳалк ва миллат кечаги кундан тўғри сабоқ чиқариб, олдинга интилиб яшайди.

Сайловолди учрашувларида мамлакатимиздаги ҳар бир шахар ва туманни ижтимоий-иктисодий, маданий ва маърифий ривожлантириш бўйича янги режалар туздик. Ҳозирги кунда ана шу таклифларни умумлаштириб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида дастурларни ишлаб чиқмоқдамиз ва уларни йиллар кесимида амалга оширамиз.

Мен бундан беш йил олдин, яъни Президентлик фаолиятимни бошлаган илк кунларда айтган фикримни яна тақрорлайман: менга сохта ва баландпарвоз гапларнинг кераги йўқ. Куруқ ва ёлғон гаплар, таги пуч ракамлар – бу факат ўзимизни алдаш бўлади. Бу факат ишимизга зиён етказади.

Биз учун умумий ишимиз ва харакатимизга фойда берадиган ғоя ва фикрлар, амалий таклиф ва ташаббуслар, аниқ натижалар керак. Бундан бошқа йўлни мен мутлако қабул килмайман.

Хурматли дўстлар!

Барчамиз кўриб-билиб турибмиз: бугунги кунда инсоният ўз тарихидаги нихоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Биз илгари кўрмаган, билмаган мислсиз хавф-хатар ва таҳдидларга дуч келмоқдамиз.

Ер юзида миллионлаб одамларни ҳаётдан олиб кетган коронавирус пандемияси ва унинг оқибатида келиб чиқкан глобал иктисодий инкиroz ҳануз давом этмоқда. Пандемия қачон тугайди ва ундан кейинги ҳаёт қандай бўлади – буни ҳеч ким олдиндан башорат килолмайди.

Афсуски, пандемиянинг салбий таъсиридан Ўзбекистон ҳам четда қолаётгани йўқ. Бу хатарли касалликка қарши кураш, шундай оғир шароитда яшаш ва меҳнат қилиш биздан катта куч ва маблағ, юксак иРОДА ва қатъий интизомни талаб этмоқда.

Ҳар қанча харакат қилишимизга қарамасдан, пандемия туфайли кўплаб юртдошларимиз, жумладан, бир қанча сенатор ва депутатларимиз, раҳбар сафдошларимиздан жудо бўлдик. Бугун уларнинг барчасининг хотирасини яна бир бор ёд этиб, охиратлари обод бўлсин, деймиз.

Ҳозирги вақтда дунёда турли кучлар ўртасида қарама-каршилик ва зиддиятлар кучаймокда, ресурслар учун шафкатсиз кураш кетмоқда. Минтакамиздаги тинчлик ва хавфсизликка нисбатан янги-янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, глобаллашув ва кескин ракобат замони, шиддат билан ўзгараётган ҳаёт бизнинг олдимизга кечикириб бўлмайдиган, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни кўймоқда.

Мана шундай мураккаб ва қалтис вазиятда барчамиз тинч ва осойишта ҳаётимизни асраш, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун янада жипслашиб, ҳушёр ва огох бўлиб, дадил ва катъий ҳаракат қилишимиз зарур.

Шу мақсадда ҳар бир хонадон ва маҳаллада, бутун юртимизда тинчлик ва барқарорликни саклаш, ахолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жаҳон ҳамжамияти билан дўстлик ва ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган стратегик йўлимизни янада изчил давом эттирамиз.

Қадрли юртдошлар!

Янги Ўзбекистон тараккиёт стратегияси етти йўналишдан иборат этиб белгиланди. Бу – бежиз эмас. Зеро, аждодларимиз етти ракамини баҳт-саодат ва омад келтирадиган, эзгу ниятни рӯёбга чикарадиган хосиятли тимсол, деб билганлар.

Рұксатингиз билан, Тараккиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифалар ҳакида қисқача тўхталиб ўтмокчиман.

Биринчидан, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри-киммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларимиз янги поғонага кўтарилади.

Бу борада, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун ҳалқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласиган “**Янги Ўзбекистон – ҳалқчил ва инсонпарвар давлат**” гоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу асосда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтирамиз. Бунинг учун келгусида давлат функцияларининг катта қисми марказдан худудларга ўтказилади.

Жамият бошқарувининг таянч бўғини бўлган, ислоҳотлар самараси бевосита акс этадиган маҳалла тизимини ҳокимликлар

билан боғлаш максадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилади. Ҳоким ёрдамчиси янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни кискартиришга масъул бўлади. Маҳалла раиси эса маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, оила ва маҳаллада соғлом муҳитни шакллантиришга жавоб беради.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам шуғулланадиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакили ҳам бўлади.

Бундан ташкири, ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш максадида туман бюджети қўшимча манбалар билан таъминланиб, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилади.

Навбатдаги муҳим вазифамиз – марказий идораларни трансформация қилиш оркали фуқароларга хизмат киладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратишдан иборат. Бунинг учун, энг аввало, вазирлик ва идораларни ташкил этиш ва тугатишнинг тартиби, уларни бир-биридан фарқлаб турадиган мезонлар, таркибий тузилма ва штатларни белгилашга оид аниқ талаблар ишлаб чиқилади. Шу асосда бир хил йўналишдаги вазифаларни амалга ошираётган идоралар оптималлаштирилади.

Марказий идораларнинг ҳудудий тузилмалар билан ишлаш жараёнига янгича ёндашувларни жорий этиб, эскирган бюрократик усуллардан воз кечамиз. Бунда ҳудудлардаги ижтимоий-иктисодий масалаларни тезкорлик билан мустакил ҳал этиш бўйича вазирлик ва идораларнинг ваколатлари янада кенгайтирилади.

Ҳар бир тармок ва ҳудуд бўйича кабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, Ҳалқ кабулхоналари том маънода ҳалқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузилмага айланishi учун қўшимча хукукий асослар яратилади.

Айни вактда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувлар жорий этилади. Кадрлар давлат хизматига танлов асосида кабул килинади, улар учун узлуксиз малака ошириш, натижадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгиланади.

Бундан буён ҳар бир худуд, соҳа ва тармок фаолиятига уларда фукароларнинг ҳак-хукуклари ва қонуний манфаатлари қандай таъминланаётганига караб баҳо берилади.

Шу муносабат билан “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган даъватга қўшимча килиб айтмоқчиман: “Рахбарлар факат давлатга эмас, аввало, инсон ва оиласага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”. Шунинг учун ҳар бир мутасадди маҳалла ва туман ҳаётини ипидан игнасиғача билиши шарт.

Улуғ аждодларимиз айтганидек, раҳбар халкка юқ бўлмаслиги, аксинча, халкнинг юкини елкасига олиши керак. Агар кайсики раҳбар даврнинг бу ўткир талабини тушунмаса, уларни энди халқимиз ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам кабул қилмайди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар алоҳида муҳим ўрин тутади.

Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиласиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбик этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор ахамият берилади.

Бу борада парламент томонидан мамлакатимиз бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолати назоратга олинади. Жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисботини эшлиши ва унинг натижага-

сига мувофик, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш амалга оширилади.

Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чикиб, жамият ва давлат бошқарув тизими айрим раҳбарларнинг субъектив нуктаи назарига, содда килиб айтганда, уларнинг кош-ковоғига караб эмас, аксинча, мустахкам ҳуқукий мезонларга эга бўлган институтлар фаолияти орқали амалга оширилиши зарур.

Бу борада олдимизда турган яна бир муҳим масала – Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари хамда хокимларнинг ваколатларини аник белгилашга оид конуний асосларни яратиш вакти келди, деб ўйлайман.

Фукаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш механизмларини янада такомиллаштириш ётиборимиз марказида бўлади. Шу максадда Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ишлари жадаллаштирилади.

Жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лоийхаларни хаётга татбик этишда фукаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтиришга доир долзарб вазифалар амалга оширилади.

Мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнларини янада чукурлаштириш учун сўз ва матбуот эркинligини, фукароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ўз фикр ва қарашларини эркин билдириш ҳуқукини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар хаётга жорий этилмоқда.

Албатта, бундай очиклик ва ошкоралик шароитида ишлаш, ўз фаолиятига нисбатан билдирилаётган танқидий фикрларни тўғри кабул килиш эскича колиллар билан яшетган айрим амалдорларга ёқмаслиги хам мумкин. Лекин, бундан катъи назар, биз бу йўлни давлат сиёсатининг энг

мухим йўналишларидан бири деб биламиз ва уни изчил давом эттирамиз.

Шу максадда амалдаги конунчиликда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик килиш, цензура ўрнаниш, таҳририят ходимларига босим ва тазик ўтказиш, материаллар ва техник воситаларни улардан ғайриконуний равиша олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, конуний фаолият юритаётган барча журналист ва блогерлар бундан буён ҳам конун ва Президент химоясида бўлади.

Иккинчидан, адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат куриш, инсон кадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартидир.

Ўтган даврда Ўзбекистонда бу борада катта ишлар амалга оширилди.

Айни вактда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиклигини таъминлаш, хукук-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини ракамлаштириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турибди.

Келгусида маъмурий судлар фаолиятини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фукаро ва тадбиркорларнинг хукукларини тиклаш оркали ижро идораларини конун доирасида ишлашга мажбур киладиган тизимни яратишимиш зарур. Бу эса жамият тараккиётига, биринчи навбатда, унинг иктисолий равнакига хизмат килади.

Биз мамлакатимиз ривожини, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал килувчи ўрин эгаллайдиган тадбиркор ва мулкдорлар

хукуқларини ҳар томонлама ҳимоя қиламиз. Бу борада конун бузилишини мутлако йўл қўйиб бўлмайдиган фавқулодда холат деб баҳолаймиз.

Шу муносабат билан хусусий мулк устуворлиги қонунларимизда асосий тамойил сифатида белгиланди. Давлат идораси маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг хукуки бузилмаслиги таъминланади.

Яна бир муҳим масала – сўнгги беш йилда коррупцияга карши курашни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик. Шу максадда Сенат раиси раҳбарлигига Коррупцияга карши курашиш Миллий кенгаши ташкил этилди. Бундан ташкари, Коррупцияга карши курашиш агентлиги ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Бундан буён ҳам тараккиёт кушандаси бўлган ушбу иллатга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситаларини сафарбар этамиз.

Бу борада айборларни ҳукукий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш зарур. Шу асосда коррупциянинг нафакат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилади.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, коррупция балосига карши факат давлат-ҳукукий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онгига бу иллатга карши муросасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Халқпарвар давлат ва фукаролик жамиятини барпо этишда ахолининг ҳукукий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган конун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун фукаролар ўртасида конунга ҳурмат ва амал килиш ҳиссини шакллантириш – боғча ва мактабдан тортиб

олийгоҳгача, барча таълим муассасаларининг, ҳар бир оиланинг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши керак.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан бугунги кунда хаётнинг ўзи, ислоҳотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурйлди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга оширишдан иборат.

Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий конунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак.

Учинчидан, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифаларимиздан биридир.

Мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, ахоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада оширишни максад килганмиз.

Насиб этса, 2030 йилга бориб, Ўзбекистон жон бошига хисоблаганда, ахоли даромадлари ўртacha кўрсаткичдан юкори бўлган давлатлар каторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш хисобидан эришиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантирамиз.

Иқтисодиётда юкори ўсиш суръатларига эришиш учун, аввало, макроиктисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция да-

ражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш чоралари амалга оширилади.

Шунингдек, бюджет ва ташки қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилади.

Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-кувватлаш, солик юкини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес мухитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислоҳотларимизни қатъий давом эттирамиз.

Давлат корхоналарини трансформация килиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб колади.

Эркин ракобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан ахоли ва тадбиркорлар энергия ресурслари билан кафолатли таъминланади.

Ахоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-хунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-кувватлаш оркали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар кискартириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизими ислоҳ қилиниб, ижтимоий хизматларнинг сифати яхшиланади ва кўлами кенгайтирилади.

Энг мухим масалалардан бири сифатида уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига кулай яшаш шароитларини яратиш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Ушбу йўналишда кабул килган дастурларимиз, жумладан, арzon уй-жойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой курилди, деганидир.

Ана шундай ишларимиз кўламини янада кенгайтириб, келгусида ҳудудларимизда 1 миллиондан ортик аҳоли учун барча

кулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивларини бунёд этамиз. “Обод маҳалла”, “Обод кишлоп” дастурлари изчил давом эттирилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармокларини барпо этиш, жамоат транспорти хамда ҳудудларо мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво катновини яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Биз учун стратегик тармок бўлган қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифамиз бўлиб колади.

Кишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш ислохотларимизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шу мақсадда фермер ва дехконлар даромадини 2 баробар қўпайтириш учун зарур шароитларни яратамиз, қишлоқ ҳўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказамиз.

Тўртинчидан, адолатли ижтимоий сиёсаг юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги қунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиласиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳакикий зиёлилар керак.

Очик айтиш лозим, биз бу заҳматкаш, фидойи инсонлар олдида хали қарздормиз. Шу боисдан ҳам, қанчалик қийин

бұлмасин, үқитувчилар мекнантины муносиб рағбатлантириш учун бор күч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. 2025 йилга бориб, олий тоифали үқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш чоралари күрилади.

Бу борада, аввало, боғча тизими мактаб таълими билан уйғулыштириш оркали болаларимизни мактабга тайёрлаш сифатини янада яхшилаймиз. Мамлакатимизнинг ҳамма худудларида үнлаб янги-янги мактабгача таълим муассасалари барпо этилади. Барча боғчалар ҳар йили 2 миллион нусхадаги замонавий үкув адабиётлари билан таъминлаб борилади.

Боғча ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб бориш ғоят мухим аҳамиятга эга. Шу максадда тизимдаги 160 минг нафардан зиёд педагог кадрларнинг малакаси оширилади.

Болалар сони ўсиб бораётганини инобатта олиб, янги мактаблар куриш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашып, соҳанинг барча боскичлари ўртасида узвийликни таъминлашып қаратылган Миллий таълим дастури ишлаб чиқылади.

Мактабгача таълимдаги камров даражасини ҳозирғи 62 фоиздан камида 80 фоизга, олий таълим тизимида эса 50 фоизга етказиш, мактабларда таълим-тарбия сифати ва даражасини оширишга бирламчи вазиға деб қараймиз.

Янги олий таълим муассасаларини ташкил этиш билан бирга, талабаларни турар жой билан таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Тараккиёт стратегиямизда халқымиз саломатлигини таъминлаш бундан бўён ҳам бош вазиға бўлиб қолади. Ушбу соҳага йўналтириладиган маблағларни 2 баробар ошириш, жумладан, келгуси беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Асосий мақсад – тиббиёт соҳасини чинакамига халқ дардига дармон бўладиган, юкори самара билан ишлайдиган тизимга айлантиришдан иборат.

Тиббиётнинг бирламчи бўгини орқали тиббий профилактикага, оиласвий шифокорлар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, аҳоли орасида энг кўп таркалган ва эрта ўлимнинг асосий сабаби бўлган касалликларни барвакт аниклаш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш, профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш хамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш чоралари кўрилади.

Бунда ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобидан коррупция ҳолатларининг олдини олиш, энг муҳими, аҳолини рози қилиш асосий вазифамиз бўлади.

Вилоят, туман ва шаҳарларда ихтисослашган тиббий хизматлар кўлами кенгайтирилади. Давлат тиббий сугурта тизими ишга туширилиб, маблағ аниқ bemorga боғланган ҳолда ажратилади.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш – биз учун муҳим йўналиш бўлиб колади. Бунда биз аввало аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласиган халқчил спорт тизимини тушунамиз.

Шу мақсадда барча шаҳар ва туманларда оммавий спортни ривожлантиришга, жумладан, спорт майдончалари, пиёдалар ва велосипедчилар учун йўлаклар, экопарклар, таълим даргоҳларидаги спорт залларидан иборат спорт инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Олимпия ва Парамплия ҳаракатини ривожлантириш учун спорт мактабларини кўпайтирамиз ва янги спорт обьектларини барпо этамиз. Бу борада Олимпия ўйинларига киритилган ҳар бир спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилади.

Азиз дүстлар!

Кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни хар томонлама эъзозлаш – халқимизнинг азалий қадриятидир. Ана шундай ноёб фазилатни асраб-авайлаш, фарзандларимизни шу руҳда тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бугунги глобаллашув даврида, пандемия ва иқтисодий инкиroz ҳукм сураётган оғир бир шароитда дунёнинг айрим ҳудудларида кексалар ўз муаммолари гирдобида ёлғиз қолиб кетаётгани ҳам сир эмас. Шунинг учун муҳтарам отахон ва онахонларимиз, меҳнат фахрийларининг ҳаётини мазмунли ва файзли қилиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш, соғлигини мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур. Токи бу ҳурматли инсонлар ўзларининг оила ва жамият ҳаётида муносиб ўрни борлигини доимо ҳис килиб яшасинлар.

Шу мақсадда ўтказилаётган, нуронийларимизнинг рухи ва кайфиятини кўтарадиган “Уч авлод учрашуви”, “Кексалар ҳафталиги” сингари маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш, умуман, хар бир туманда фахрийларимизни кўллаб-куватлаш ишларини кенгайтириш учун алоҳида дастурлар тузиб, амалга оширсак, айни муддао бўлади.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, муруват ва саховат тамойилларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳукук ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳими, бу тизим амалда ишлаши ва ушбу тоифадаги инсонлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этишлари зарур.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган фуқароларни кафолатли иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш учун уларга аник квоталар белгилаш бўйича амалдаги қонунчилигимизга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Маълумки, юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтоҷ болаларни кўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, касб-хунарга ўқитиш ва турар жой билан таъминлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига жиддий эътибор қаратилмоқда.

“Мехрибонлик уйлари” ва маҳсус мактаб-интернатларда яшаётган болаларни оиласа якин мухитда, билимли ва касб-хунарли этиб тарбиялаш учун “Меҳр дафтари” доирасида бошлаган ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг бурчимиздир.

Бу борада олиб бораётган ишларимизнинг амалий натижаси сифатида бир мисол келтирмокчиман. Кейинги уч ой давомида олижаноб инсонлар томонидан ана шундай даргоҳларда тарбияланяётган ўнлаб болалар фарзандликка қабул килинди. Шу туфайли З та “Мехрибонлик уйи”, I та “Болалар шаҳарчаси” ўз фаoliятини тутатгани айниқса эътиборлидир.

Ўзбек халкининг юксак инсоний фазилатларини намоён этаётган ана шундай меҳр-шафкатли, болажон ва бағрикенг юртдошларимизга, болалар уйларини оталиқка олиб, эзгу ишларни амалга ошираётган саховатли тадбиркор ва зиёлиларга, Миллий гвардия ходимларига ўз номидан, халқимиз номидан чукур миннатдорчилик изҳор этаман.

Хозирги вактда хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга муносиб хисса қўшаётган аёлларимиз барча ислоҳотларимизда фаол иштирок этмоқдалар. Ҳурматли оналаримиз, опа-сингилларимизга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг узвий кисми бўлиб келаётгани сизларга яхши маълум. Шу боис хотин-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер tengлиқ, оила, оналик ва болаликни ҳимоя килиш борасидаги ишлари-

мизни янги боскичга кўтариш максадида Миллий дастур кабул қиласиз.

Навқирон ёшларимизни, айниса, қизларимизни соғлом ва етук этиб тарбиялаш, уларнинг қобилият ва истеъодини рӯёбга чикириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Биз хорижий давлатларда билим олаётган, меҳнат килиб даромад топаётган юртдошларимизни, уларнинг мамлакатимизда яшаётган оила аъзоларини қўллаб-кувватлаш, ижтимоий ҳимоя килиш бўйича кўшимча чора-тадбирларни кабул қиласиз. Ҳусусан, “Ватандошлар” жамоат фонди оркали чет элларда яшаётган фукароларимиз ва уларнинг оилалари билан алокалар кенгайтирилади. Ҳамюртларимизни она тилимиз, маданият ва урф-одатларимиз асосида жипслаштириш, уларнинг билим ва салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам гоят мухим аҳамиятга эга.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу максадда “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга оширамиз.

Миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш билан боғлик вазифалар доимий кун тартибимизда туради.

Муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, “жохолатга қарши – маърифат” тамойили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларимизни соғлом эътиқод руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берамиз.

Сизларга маълумки, Узбекистон – улкан имконият ва бойликларга эга мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз – турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро хурмат ва ҳамжиҳатлиkdir, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва ахил оила бўлиб яшаётгани, фидокорона меҳнати билан жонажон Узбекистонимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани айниқса қувонарлидир.

Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳакли равишда фахрлана-миз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини, мамлакатимиздаги дўстлик ва ахиллик мухитини янада мустаҳкамлашга йўналтирамиз.

Узбекистон Республикасининг Президенти сифатида шуни алоҳида таъкидлаб айтаман: бизнинг давлат сиёсатимизда бундан бўён ҳам барча миллат ва элат вакилларининг миллий ўзлигини, она тили ва маданиятини, дини, урф-одат ва анъаналарини саклаб қолиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилади.

Олтинчидан, бугунги кунда инсоният кўплаб умумбашарий муаммоларга дуч келмоқда ва уларга ечим топиш ниҳоятда дол зарб бўлиб колмоқда.

Биз глобаллашув ҳар томонлама авж олаётган, шиддатли ўзгаришлар содир бўлаётган мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда иклим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади.

Бундай муаммоларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча саъй-харакатларни уйғунлаштириш лозим. Бу эса, үз навбатида, келажагимиз киёфасини белгилайдиган глобал муаммоларнинг миллий ва мінтақавий дараражадаги ечимларини топиш зарурлигини англаради.

Юртимизда экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Буни куни кеча содир бўлган кум бўронлари ҳам яна бир бор тасдиқлади.

Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олмоқда. Шу борада биз Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар худуди сифатида эълон қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбик этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга каратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиши борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш керак.

Шу йил август ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: мінтақавий ўзаро боғликлар. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги конференцияда кабул қилинган қарор ва хужжатларнинг изчил бажарилиши учун халкаро ҳамкорларимиз билан зарур чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Еттинчидан, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Куролли Кучларимиз қудратини янада ошириш устувор максадимиз бўлиб қолади.

Дунёда ва мінтақамизда вужудга келаётган бутунги мураккаб ва таҳликали вазиятда үз ҳаётини Ватан ҳимоясидек шарафли ишга бағишлиаган, халқимиз фахрига айланган жасур ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтириш долзарб вазифамиздир.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-куватлаш, моддий таъминотини янада ях-

шилаш, уй-жой билан таъминлаш, фарзандларининг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун биз барча зарур чоратадбирларни кўрамиз.

Биз прагматик ва чукур ўйланган ташки сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги муносабатларимизни янада ривожлантирамиз.

Энг аввало, Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини тобора кучайтириш бундан бўён хам асосий максадимиз бўлади.

Минтақамизning ажралмас кисми, якин қўшнимиз бўлган Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш, бу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инқирозга йўл қўймаслик учун афғон халқига қўлимидан келган барча ёрдамни кўрсатамиз. Биз Афғонистон билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдормиз.

Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари ва дунёning барча минтақаларида шерикларимиз билан ўзаро манбаатли ва кўпқиррали алокаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари, Парламентларо итифок, халқаро молиявий институтлар ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий Кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан қўп томонлама муносабатларни янги, амалий маъно-мазмун билан бойитамиз.

Биз – дунёга, дунё – бизга очик бўлиши керак. Бугунги ҳаёт, бугунги тараққиётнинг талаби хам аслида шу. Биз ана шу ҳал килувчи тамойилни албатта ҳаётимиз қоидасига айлантирамиз.

Азиз ва қадрли юртдошларим!

Биз ўтган беш йил давомида ғоят қийин ва мураккаб синовлар даврида кагта тажриба орттиридик. Қанчалик оғир бўлмасин, мэррани баланд олиб яшаш ва ишлашга ўргандик. Табиийки, мэррани катта олган халқнинг қадамлари ҳам, эришадиган натижалари ҳам салмоли бўлади.

Миллий ривожланиш йўлида орттириган тажрибамиздан келиб чикиб, Янги Ўзбекистон тараккиёт стратегиясида барча соҳа ва тармоқлар, миңтақа ва ҳудудлар, хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича ўз олдимиизга янада юксак вазифалар кўймоқдамиш.

Ҳаммамиз кўриб турибмиз – бугун замон жуда тез, мислиз шиддат билан ўзгармоқда. Шунинг учун биз ислохотларимиз суръатини асло пасайтирумасдан, факат олдинга боришимиз, ҳар бир соат, ҳар бир кундан унумли фойдаланишимиз керак. Чунки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари айтгандаридек, “Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади”.

Мана шу доно ҳикматни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ушбу ҳаяжонли дақикаларда бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим: Президент сифатида мен мамлакатимиз тинчлиги, эл-юрт фаровонлиги, Ватан тараккиёти йўлида бутун борлигимни бағишлиб, халқимга садоқат билан хизмат қилишни ҳайётимнинг маъно-мазмуни деб биламан. Мен учун бундан бошка олий мақсад, баҳт-саодат йўқ.

Сиз, қадрли ватандошларимнинг чин дилдан қўллаб-куватлашингиз, нуроний отахон ва онахонларимизнинг дуолари, азиз ёшларимизнинг ишончи менга катта куч-гайрат беради. Шу боис сизлар билан, халқимиз билан бирга меҳнат қилишдан ҳеч қачон чарчамайман.

Сўзимнинг якунида қалбимда, юрагимда бўлган эзгу тилакларимни изҳор этиб, айтмокчиман.

Азиз ва мўътабар Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!
Халқимизнинг бахту иқболини, омадини берсин!
Барчамизга сиҳат-саломатлик, оиласвий баҳт, янги ютуқ ва
зафарлар ёр бўлсин!
Улуғ ва пок ниятларимизни амалга оширишда Яратганинг
ўзи мададкор бўлсин!
Эътиборингиз учун ташаккур.

*Toшкент шаҳри,
2021 йил 6 ноябрь*

МУНДАРИЖА

Янги Ўзбекистон – инсон кадри устувор бўлган жамият ва ҳалқпарвар давлатидир (<i>Тадбиркорлар ва ишбизармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Х съездидаги сўзланган нутқ</i>)	3
Янги Ўзбекистонда Янги Қорақалпоғистонни биргаликда бунёд этамиз (<i>Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	47
Хоразмнинг мард ва олижаноб, танти ва меҳнаткаш ҳалқи – унинг ҳақиқий таянч төғидир (<i>Хоразм вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	75
Ҳар бир инсоннинг тинч, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш – устувор вазифамиздир (<i>Самарқанд вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	97
Наманганнинг бунёдкор ҳалқи билан вилоятни ҳар томонлама обод масканга айлантирамиз (<i>Наманган вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	117
Фарғонани чинакам “Олттин водий”га айлантирайлик! (<i>Фарғона вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	139
Андижон Ўзбекистоннинг юксак ўсиш нуқтаси булишига ишонаман (<i>Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	163
Чўлда ватан яратайтган марди майдон инсонлар учун муносаб турмуш шароити яратамиз (<i>Сирдарё вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	187
Кўхна цивилизациялар, бой тарих ва маданиятдан янги тараккиёт сари (<i>Сурхондарё вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	209
Фидокорона меҳнатимиз, тинимиз интилиш ва изланиш билан эзгу максадларга эршизамиз (<i>Кашқадарё вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	233
Билим ва маърифат, азму шижаот ва катъият – Бухоронинг тараккиёт йўлидир (<i>Бухоро вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	259
Замонамиз Фарҳодлари – Навоий эли янада равнак топсин! (<i>Навоий вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	279
Тошкентларни кўпиллатли, бағрикенг диёр ахлиниң тараккиёти ва баҳт-саодати учун (<i>Тошкент вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	299
Тошкентни илм-фан ва инновациялар, маданият юксак даражада ривожланган замонавий шаҳарга айлантирамиз (<i>Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	327
Ўз кучимиз, ўз меҳнатимиз, мустаҳкам иродамиз билан ҳар кандай юксак марорани эгаллашга қодирмиз (<i>Жizzах вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувлари нутқ</i>)	359
Янги Ўзбекистон тараккиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини катый давом эттирамиз (<i>Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришини тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палататарининг қўйма мажлиси даги нутқ</i>)	387

Расмий нашр

Шавкат Мирамонович Мирзиёев

**Инсон қадри, унинг
хуқуқ ва эркинликлари,
қонуний манфаатлари
учун**

Мухаррирлар: Суннат Ҳўжгаҳиедов, Лола Фаттоева

Бадин мухаррир Шуҳрат Мирфаёзов

Техник мухаррир Елена Талочко

Кичик мухаррир Зилоза Маҳкамова

Мусахихлар: Мұниса Исмаилова, Тўхтамурод Ҳасанбоев

Компьютерда саҳифаловчи Шаҳло Буриева

Тасдиқнома раками № 4642. 22.07.2020.

Босишига 2022 йил 22 декабрда рухсат этилди.

Бичими 70x100 $\frac{1}{16}$. Офсет коғоз.

"Times New Roman" гарнитурасида оғсет усулида босилди.

Шартли босма табори 33.80. Нашр табори 20,19.

Адади 5 000 нусха. Шартнома № 203-1/22

Буюртма №4342.

Оригинал макет Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлигининг "O'zbekiston"

наприётида тайёрланди.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (71) 244-34-38. Факс: (71) 244-24-91.

"КОЛОРПАК" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси Ia.

